

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Адиб ва
жамият*

ИСМОИЛ МАҲМУД МАРҒИЛОНИЙ

*Бундан фасли
хидоятдир*

*Ғазаллар, маснавийлар, мухаммаслар,
мусаддаслар, мусаббаълар, мусамманлар, мутассаъ,
қасида, рубоий ва фардлар*

ТОШКЕНТ
“ADABIYOT”
2022

821.512.133-3

84 (5Ў)

И 81

Исмоил, Маҳмуд Марғилоний

И 81

Бу дам фасли ҳидоятдир [Матн]: Ғазаллар, маснавийлар.

– Тошкент: “ADABIYOT” нашриёти, 2022. – 312 б.

ISBN 978-9943-8689-3-9

Масъул муҳаррир: Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Тақризчилар: Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор
Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Девонда ғазаллардан ташқари, маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаълар, мусамманлар, мутассаъ, қасида, рубоий ва фардлар ҳам ўрин олган. Ҳадиси шарифлардан бирида: “Албатта, амаллар ниятларга кўради”, дейилади. Демак, шундай девонни тартибга келтириш Исмоил акага насиб қилган бўлса, бу Аллоҳнинг инояти ва қайсидир маънода, у кишининг пок ният ва соф тийнати самарасидир.

Турли мавзуларни қамраган ғазал ва маснавийлар сизни бефарқ қолдирмайди.

Китоб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-8689-3-9

© Исмоил МАҲМУД, 2022
© “ADABIYOT”, 2022

Дебора

Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолару, севимли Пайғамбаримиз Расул алайҳиссаломга салоту саломлар бўлсин!

Икки мўъмин бир-бири билан танишса, иймонлашса, бир-бирига моддий ва маънавий ёрдам берса, улуғ савоб бўлар экан. Шу маънода, мен китобхонларим ва мухлисларимга ўзимни таништириб ўтишни лозим топдим.

Камина – Исмоил Маҳмуд 1947 йилда Қашқар шаҳрида хунарманд деҳқон оиласида дунёга келдим. Оиламиз яшаган уй Офоқхожа ҳазратлари мажмуасига яқин бўлганлиги сабабли, болалигим кўпроқ ана шу зиёратгоҳ атрофида ўтган. Эски усулдаги мактабда бироз ўқиғач, ёшим етмай қолганлиги сабабли ўқишни давом эттиролмай қолганман. Асли аждодларимиз Марғилондан бўлган. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги қатағонларда улар Қашқарга кўчиб кетиб қолишган. Ўша вақтда онам ўн икки ёшда эканлар. У ерда бир муддат яшаб қуда-андали бўлишгач, 1955 йилда бизнинг оиламиз яна Марғилонга кўчиб келган.

Отам Нурмуҳаммад ҳожи Мақсуд ҳожи ўғли ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, тақводорлиги билан бизга ҳамиша ибрат бўлиб келганлар. Ўзлари гарчи ижод қилмаган бўлсалар-да, илм ва санъат аҳлини жуда ҳурмат қилганлар. Болалик пайтларимда китобларни менга ўқитиб эшитишни ёқтирардилар. Санъатга қизиқиш менга у кишидан қолган маънавий мерос десам, асло хато бўлмайди.

Раҳимахон онамнинг ҳам оқшомлари «Юсуф ва Зулайхо достонидан қилган оғзаки ҳикоялари, охири яхшилик билан

тугалланувчи сеҳрли эртақлар айтиб беришлари мени хаёлот оламига олиб кириб кетарди. Сўнг ёшим сал катта бўлгач, бу китобларни ўзим топиб ўқийдиган, мазмуни устида мулоҳаза қиладиган бўлиб қолдим. Учинчи синфни битириб таътилга чиққан кунларимнинг бирида маҳалламиз гузари ошхонасидаги устага шогирд тушиб иш бошладим. Бу менинг катта ҳаёт оstonасига, ҳаёт дорилфунунига қўйган илк қадамларим эди. Мактабда ўқиш, ундан сўнг ошхонадаги майда-чуйда юмушларни бажариш, ёши мендан анча катта одамлар билан беихтиёр мулоқотларда бўлиш секин-аста менинг маънавий оламимни бойитиб, вояга етказарди. Эҳтиёжманд оиладан бўлганлигим сабабли мен учун ҳам ишлаш, ҳам ўқиш ҳаётий зарурат эди ва уни ўз турмуш тарзими сифатида тушунардим. Ошхонада, баъзан чойхонада ишлаган кезларим одамларнинг турмуш ҳақидаги суҳбатлари, қарашлари менга ҳаёт сабоғи бўлар эди. Мактабда олган билимлар, ўқиган китоблар, муаллимларим берган ўғитлар – бари-бари, энди билсам, чиндан ҳаёт дорилфунуни экан.

Мен болалигимдан таниқли халқ ҳофизлари: Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Берта Давидова айтган мумтоз ва насиҳатомуз қўшиқларни тинглаб ўсдим. Чунки ошхона ва чойхоналарда шу ҳофизларнинг қўшиқлари кўп эшиттириларди. Шинавандалар баъзан радиони ҳам ўчириб, кичкина сандиқчадай келадиган эски русумдаги магнитофонда юқорида зикр этилган ҳофизларнинг қўшиқларини тинмай қўйиб эшитишарди. Қўшиқ ихлосмандлари Юнус Ражабий, Муҳаммаджон Каримов, Ориф Алимахсумов, Орифхон Ҳатамов, Расул қори, Фаттоҳхон Мамадалиев каби устозлар айтган қўшиқларни ҳам жон-дили билан тинглашарди. Навоий, Огаҳий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Ҳазиний, Ҳабибий, Чархий, Чустий ғазаллари билан куйланадиган бу қўшиқлар бора-бора менинг қулоғимга ўрнашиб қолган эди. Бу мумтоз қўшиқларни эшитган хос шинавандалар байтларнинг мазмунини шарҳлар, баъзан овоз чиқариб «оҳ-воҳ» деб ҳам юборишарди. Мен уларнинг гапларини чуқур тушуниб етмасам-да, кайфиятларига шерик бўлардим. Балки ғазалга, мумтоз куйларга ошиқлик ҳам шу пайтлардан бошлаб қалбимдан жой олгандир.

Йиллар ўтиб, ижодга ҳавас уйғониб, тўртта-бешта шеърий тўплам муаллифи бўлганимда ҳам юқоридаги туйғу мени тарк этмади. Бармоқ вазнидаги шеърлар билан бирга баъзан ғазал ёзишга ҳам иштиёқ уйғона бошлади. Бир муддат шеър ёза олмай қолдим.

Истиқлол қалбимга янги руҳ берди. Мумтоз шеъриятимиз, мумтоз адабиётимизга муносабат тубдан ўзгарди, биз ўтмиш аждодларимиз қолдирган улкан маънавий мероснинг янги-янги қирралари билан танишиш, уларни ўрганиш имконига эга бўлдик. Анчадан буён йўқотган нарсамни топгандай бўлдим: янги ижод шавқи пайдо бўлди. Ҳазал машқ қилишга уриндим. Менга илҳом берган туйғулар ўзликни англаш эди. Ўз гапингни айтиш, ўзлигингни англаб етиш шавқи қалбга куч берарди. Миллий туйғу, миллий ғоя, миллий фикрлаш тарзи менга илҳом ва ижод манбаи эди. Истиқлол ҳар бир нарсани ўз номи, шаклу шамойили билан айтиш, қалбингнинг туб-тубида пайдо бўлган эзгу туйғуларни эмин-эркин ифода этиш имконини берган эди.

Мумтоз шеърят йўлида ғазаллар битиш жараёнида кўп ўқидим, ўргандим. Арузнинг ранг-баранг ботиний ва зоҳирий жилolari ҳали-ҳануз руҳимга завқ бағишламоқда. Адабиётнинг вазифаси баркамол инсонни тарбиялаш экан, бу ўринда арузнинг, хусусан, ғазалнинг аҳамияти ортиб бораётганлигини ҳис этмоқдаман. Бу ҳолатни мумтоз адабиётимизга, миллий қадриятларимизга бўлган улуғ эҳтиром деб тушунаман. Миллий Истиқлолимизнинг бебаҳо шукуҳ ва сурурларини ўлмас ғазалий сатрларда яна ҳам авжли нуқталарда ифода этишга тўла-тўқис шароит, имкон яратилганлигини ҳис этаман. Бу ҳолдан ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий анъаналари абадий эканлигига такрор-такрор иқрор бўлганман ва унинг мафтункор ҳамда жозибали ғазалларини ўқиб, кўп нарсани ўрганардим. Шунингдек, улуғ салафларимиз: Яссавий, Огаҳий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Увайсий, Нодири, Ҳазиний, Ҳабибий, Чархий, Чустийларнинг ҳамиша барҳаёт битиклари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Азиз Қажумов, Суйима Ғаниева, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Ҳамидулла Болтабоев, Сайфиддин Рафиддинов, Султонмурод Олим, Олимжон Давлатов каби замондош устозларимнинг беқиёс сатрлари, ғазалчилик борасидаги кашфиётлари, ўғитлари менга чексиз маънавий озуқа бўлди.

Муҳтарам Шайх Абдулазиз Мансурнинг қимматли фикр-мулоҳазалари эса изланишларимга куч бахш этди. Ушбу девонни тузишда яқиндан ёрдам берган фарғоналик ижодкор устозларим: Йўлдош Солижонов, Ҳабибулло Жўраев, Толибжон Рўзиев, Тожимуҳаммад Усмоновга чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

*Етмиш йил мақсадга ҳозирлик кўрдим,
 Ҳар битта қадамда экконим ўрдим.
 Тинмасман ҳозир ҳам манзил йўлида,
 Ҳақ йўлга бурмоқни Ўзидан сўрдим.*

Шоирлар ҳар қайси замонда яшаган ва ҳазрат Навоий айтганларидек, уларнинг энг яхшиси, ўртаҳоли ва арзимаслари ҳам бўлган. Қобилиятли шоирлар “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор”, деган ҳадиснинг амалий кўринишини ўз асарлари орқали намоён қилиб келганлар. Бизнинг ҳам камтарона шеърларимиз кимнингдир қалбига ялт этиб шуъла берса, бахтиёр бўлардик.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, бу йил 75 ёшга тўлдим. Аллоҳ саломат қилиб, қўлимга қалам тутқазиб, илҳом билан сийлагани учун Ўзига шукроналар бўлсин! Юртимнинг мустақиллиги ва ривожига кўз тегмасин! Бу ҳаётда Яратган неъматларини мендан дариғ тутмади. Умидим шуки, охиратда ҳам ўз ҳузурида юзимни ёруғ қилсин! Жаннати ва жамоли билан сийласин! Ўзига ибодат қиламиз ва фақат Ўзидан мадад тилаб қоламиз!

“НАҚШИ ДЕВОНИНГ ҚОЛУР...”

Бу девон муаллифи бугунги кунда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида яшаб, илму ижод билан шуғулланаётган по-киза инсон Исмоил Маҳмуд бўладилар. У киши ҳозир табаррук 75 ёшдалар. Демак, бу мажмуа узоқ йиллик меҳнат-машаққат, изланишлар, одамлар билан мулоқотлар, жамиятимиздаги ди-ний-эътиқодий ўзгаришлар, мустақиллик нашидаси, мафкура-вий эврилишлар, бир сўз билан айтганда, йиллар давомидаги тажрибанинг самарасидир. Истиқлол давридан олдинги ға-залчилигимиз қайсидир маънода ривожланган бўлса-да, аммо давр мафкураси таъсирида фикрий маҳдудлик кўзга ташлана-ди. Яъни, ҳуррият, илоҳий руҳ ва эътиқод эркинлиги етишмас-ди. Шу боис адабиёт оқсади ва шоирлар дилдаги гапларини ай-толмадилар ё қисман айтсалар ҳам, мажоз ва рамзларга ўрашга мажбур бўлди.

Тўғри, Шўролар даврида ва мустақилликдан кейин Чустий, Чархий, Ҳабибий, Собир Абдулла, Восит Саъдулла, Эркин Воҳи-дов, Жамол Камол, Миразиз Аъзам ва Фармон Тошевларга ўх-шаган ажойиб ғазалнавис шоирлар ижод қилди. Девонлари ҳам нашр этилган. Уларнинг жозибали ва қалбимизга яқин ғазал-ларини ўқиганмиз, ашула бўлганларини мароқ билан эшитган-миз. Лекин кейинги ўн йиллар ичида Исмоил Маҳмуддан бошқа ҳақиқий маънода “соҳиб девон” шоиримиз чиқмади. У киши ушбу девондаги ғазалларнинг аксар қисмини 2012 йили “Сао-дат манзари”, 2017 йилда эса янги ижод намуналари билан тўл-дириб “Дилда васлинг муддао” номи билан тақдим этган. 150 дан зиёд ғазални “Бу дам фасли ҳидоятдир” номли ушбу янги девонига киритган.

Девонда ғазаллардан ташқари, маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаълар, мусамманлар, мутассаъ, қасида, ру-бойи ва фардлар ҳам ўрин олган. Ҳадиси шарифлардан бирида: “Албатта, амаллар ниятларга кўради”, дейилади. Демак, шун-дай девонни тартибга келтириш Исмоил акага насиб қилган бўлса, бу Аллоҳнинг инояти ва қайсидир маънода, у кишининг пок ният ва соф тийнати самарасидир.

Ғазал деганда кўз олдимизда адабиётимиз тарихида му-носиб из қолдирган, дилбар ва санъаткорона ғазаллар ёзган Атойи, Гадойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Мунис, Огаҳий, Муҳаййир, Рожий, Ҳамза ва бошқа ўнлаб шоирларимиз

гавдаланади. Исмоил аканинг таъкидлашича, ғазал ёзиш ва девон тартиб беришда бу киши асосан “ғазал мулкининг султони”, “маъоний тахтининг соҳибқирони” бўлган ҳазрат Алишер Навоийга тақлид қилган. Ўз девонини мумтоз ғазалчилигимиз талаблари асосида тайёрлаган. Дарҳақиқат, ким Навоийдан ўрганса, ихлос билан у кишига эргашса, ҳазратнинг руҳий оламидан завқ олса, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам маълум пиллапояларни забт этмасдан қолмайди.

Арузда ёзиш, ғазалнавислик кишидан анча масъулият, тиршқоқлик, маҳорат ва қатъиятни талаб қилади. Ғазалнавис шоир маълум маънода ўтмиш аждодларимиз олдида қарздорлик ҳиссини туйса, бошқа тарафдан ижодий мусобақага киришади. Бу эса ҳамманинг кўлидан келавермайди.

Лекин Исмоил Маҳмуд айнан аруз вазнини, ғазалнавислик йўлини танлаб, катта муваффақиятга эришган шоирлардан. У киши бармоқда ҳам ўнлаб пурмаъно ва фасоҳатли шеърлар ёзган. Аммо марҳум ва машҳур шоиримиз Абдулла Ориф таъбири билан айтганда, “Исмоилжон ўзининг ҳақиқий мақомини ғазалда топди. Адабиётимизнинг қадимий бу жанри унинг қалбини ўзига ром этди ва кейинги йилларда устозлар изидан бориб, арузнинг нафақат ғазал, балки мухаммас, мусаддас, қасида, ва рубоий каби жанрларида ҳам баракали ижод қилди”. Абдулла ака фикрини давом эттириб, Исмоил аканинг “қалби уйғоқ”, “эзгуликка ташна” ва “ўзлигини англашга интилган шоир”лигини айтиб, шеърларида “одамийликнинг турли қирралари”, “юксак инсоний фазилатларни улуғлаш” каби жиҳатлар ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаган¹.

* * *

Юқорида Исмоил Маҳмуд ўз девонини Навоий девонларига қараб тузгани, ундан таъсирланганини айтган эдик. Дарҳақиқат, иккала девон ўртасида шакл ва мазмунда яқин жиҳатлар кўзга ташланади. Биламизки, Навоий девонига дастлаб ҳамду сано ва ё тасаввуфий руҳдаги ғазалларини жойлаган. Ушбу девон ҳам Шарқдаги “одоби тасниф” талабига кўра, элик байтга яқин ҳамд ғазал билан бошланади. Улар Аллоҳнинг исм ва сифатларини чуқур ўрганиш натижаси. Унинг каттароқ ҳажмдаги бу ғазалида Аллоҳнинг Азал, Абад, Раҳмон, Қодир

¹ Ўзлик файзи. Абдулла Орипов. Ўз мақомини ғазалда топган шоир. (Исмоил Маҳмуднинг 70 йиллигига бағишланган тўпلام). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017, 5-6-бет.

ва Ғофир каби бир қатор сифатлари васф этилади. Аллоҳнинг қудрати, йўқдан бор қилиши ва ҳоказо сифатлари қаршисида банданинг ожизлиги изҳор қилинади. Сир эмас, кўп шоирларимизда диний билим етишмагани боис, бу соҳада оқсашлар сезилади. Исмоил аканинг шариат асослари ва тасаввуф таълимотидан хабардорлиги ғазалларининг янада мукамаллигини таъминлаган. Ҳадиси шарифлардан бирида: “Аввал ул-илми маърифатуллоҳ”, яъни “Илмнинг боши, Аллоҳни танимоқдир”, – дейилади. Девондаги ҳамд ғазали айнан Аллоҳни танитиш учун хизмат қилади. Ғазал Навоийнинг ҳамд ва муножотларини ёдга солади. Шоир гўё умрини сарҳисоб қилиб, гуноҳу савобларини эслаб, гоҳ умид, гоҳ қўрқув орасида Яратувчига илтижолар қилади. Коинот Холиқининг азамати, улуғлиги ва кибриёлигини, ўзининг эса ожизлиги ва илоҳий марҳаматга муҳтожлигини эътироф этиб, тавба-тазарру қилади. Энг муҳими, ҳамд ғазалида инсон ва Аллоҳ ўртасидаги сарҳад ва имкониятларни тўғри белгилайди. Шоирнинг дил нидоларида сохталик ёки риёкорлик йўқ. Дарду армонлар, орзу ва истаклар қандай бўлса, шундайлигича қоғозга муҳрланади.

Исмоил Маҳмуднинг катта ҳажмдаги ҳамд ғазалининг ўзи алоҳида бир асар бўлиб, унда асосан икки жиҳат кўзга ташланади: Яратувчининг барча қодирлик ва меҳрибонлик сифатлари, банданинг ожизлик ва умидворлик туйғулари. Шу икки хусусият ғазалда тўла-тўқис намоён бўлган:

*Зоти покингга ададсиз ҳамд ила бўлсин сано,
Мисли йўқ, қудратда чексиз, ё Илоҳо, Раббано!*

*Сен Ўзинг Раҳмон эрурсан, зоти покдирсан Азал,
Барча махлуқ ризқи рўзин айлаган шаксиз ато.*

*Марҳаматли Зот эрурсан ҳамда чексиз меҳрибон,
Жумла мўъмин дардига Сен бергучи ҳардам даво.*

Кейинги байтларда Аллоҳнинг танҳолиги, барчанинг ҳолидан огоҳлиги, беадад неъматлар ато этгани, Унинг зикри билан оламлар ёришуви назм ришталарига тизилган.

Навоий бир байтида Аллоҳнинг Азал ва Абад экани, Унинг ибтидосию интиҳоси йўқлиги, икки оламдаги ҳар бир ўзгариш, борлик ва йўқлик Унинг иродасига боғлиқлигини шундай ифодалайди:

*Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.*

*Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бақо пайдо.*

Исмоил Маҳмуднинг ёзишича, Аллоҳ истаса, ҳар нарсани рост келтиради, ер ва осмонни ўзгартиради, истаган бандасини ўзига яқин ё раҳматидан йироқ қилади. Аршу Курсиларни йўқдан бор қилган ҳам Удир:

*Истасанг, қудрат билан ҳар нарса чин бўлгуси рост,
Гар ирода айласанг Сен, ўзгарур арзу само.*

*Истаган бандангни олис қилгучи ҳам сен ўзинг,
Ҳам яқин этгунг Ўзингга кетса дилдан мосуво.*

*Аршу Курсию самовот йўқ эди, Сен бор эдинг,
Барча оламни яратдинг Сен мукаммал, беҳато.*

Дунёда икки хил инсонлар бор: яхшилар ва ёмонлар. Навоий таъбири билан айтганда, улар “аҳли нажот ва аҳли ҳалок”-дир. Исмоил Маҳмуд таърифи бўйича, Тангри ҳар қанча “лутфу эҳсон этгучи”, “мағфиратли зот”, “лутфи чексиз”, “дўсту маҳбуб”, “яхшилик истовчи”, “карамли Зот” эса-да, барибир бандаларига адолати билан муомала қилади. Яхшиларга шафқат, ёмонларга азоб беради.

Шоир Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган муҳим бир масалага урғу беради. Бу иймон масаласи. Яъни кимдаки, иймон бўлса, у Тангрининг қаҳридан омонлик топади. Ҳаёти нурга чулғанади, икки оламда азизу мукаррам бўлади:

*Зулмат ичра қолмагай ҳар кимки иймон соҳиби,
Нурга етгай қилса гар фазлинг сўраб дилдан дуо.*

*Икки оламда азизу ҳам мукаррам бўлгуси,
Норасо ожиз қулингдан Сен агар бўлсанг ризо.*

Мумтоз шоирлар ҳамд ва муножот ғазалларидаги туйғулар дилларининг тубидан отилиб чиққан. Зотан, сўз санъаткорлари Яратувчига хитобан ҳеч қачон бефарқ ва беҳис сўз айтмаганлар. Айтиш мумкинки, Исмоил Маҳмуднинг мазкур ҳамд ғазали

нурли фикрларга, ранг-баранг ҳис-туйғуларга бойлиги билан китобхонлар қалбига умид бағишлайди, масъуллик ҳиссини кучайтиради...

* * *

Аксар сўз санъаткорлари ҳамд, муножот ғазаллардан кейин “одоби тасниф”га кўра наът ғазаллар битишган. Яъни Пайғамбаримиз алайҳиссаломни сифатлаб, дуою дурудларини изҳор этган. Девонда ҳамддан кейин тартиб билан наът ғазал келмаган бўлса ҳам, тўққиз бандли ва ҳар бир банди тўққиз сатрдан иборат бўлган мутассаъ (тўққизлик) шеър келади. Ҳамд билан бошланган бу шеър мукаммал маънодаги наът асаридир. Унда ҳазрат Пайғамбаримизнинг сифатлари, юксак хулқлари, оламларга раҳмат бўлиб келгани васф этилади. Ҳар бир банд охирида такрорланиб келувчи: “Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо, Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо” байти маънони кучайтириши ва ҳазрат Пайғамбаримизнинг улуғ сифатларидан бирини ёдимизга солиши билан қимматлидир.

Қуръони каримнинг “Анбиё” сурасидаги: “(Эй Муҳаммад), Биз сени оламларга фақат раҳмат учун юбордик”, оятида Пайғамбаримизнинг улуғ сифати муҳаббат билан изҳор этилган. Шоир эса бу ҳақиқатни гўзал бадий шаклда ифодалай олган:

*Бу ёруғ оламга Сиз ҳикмат бўлиб, хуш келдингиз,
То қиёмат динга Сиз ҳурмат бўлиб, хуш келдингиз,
Ҳақ таоло азми-ла нусрат бўлиб, хуш келдингиз,
Барча олам аҳлига неъмат бўлиб, хуш келдингиз,
Сийрату сувратда Сиз ибрат бўлиб, хуш келдингиз,
Жумлаи оламга Сиз роҳмат бўлиб хуш келдингиз,
Ҳусни хулқингиз биза суннат бўлиб хуш келдингиз,
Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.*

Қолган бандларда ҳам ҳазрат Расулуллоҳнинг меърожга чиқишлари, охирзамон Пайғамбари бўлиб келгани, Қуръоннинг нозил бўлгани, у Зот туфайли фалакларнинг яратилгани, умматига меҳрибон ва шафоатчи эккани ва ҳоказо фазилатлари таърифланади. Охирги бандда шоир, Сарвари олам Пайғамбаримизни васила қилиб, бутун умматни дуо қилади ва уларга икки дунё саодатини тилайди.

Девондаги аксар ғазалларда ҳам ҳазрат Пайғамбаримизнинг у ёки бу сифатлари ҳамда шоирнинг лирик чекинишлари акс этади. Масалан шоир “тақво билан” радибли ғазалида тақвонинг асоси суннат эканини ифода этади. Чунки ояти каримада ҳазрат Пайғамбарни яхши кўрмасдан, унга эргашмасдан Аллоҳга яқинлашиб бўлмаслиги таъкидланган. Қолаверса, тақво (Аллоҳдан қўрқиш, парҳезкорлик) мўъмин банданинг энг олий сифатидир. Аллоҳнинг ҳузурида кимнинг тақвоси кучли бўлса, шунинг даражаси юқори бўлади. Бу Қуръони каримда ҳам айтилган. Демакки, аҳли диллар қалбидаги нур-зиё, ҳазрат Пайғамбарга эргашиб ва тақво билан пайдо бўлади:

*Аҳли дил ишқ ичра топгай нур-зиё тақво билан,
Мустафога эргашиб топгай вафо тақво билан.*

*«Роҳматан лил оламин» умматлигин давлат билиб,
Суннати Акрам ила топгай ражо тақво билан.*

* * *

Исмоил Маҳмуд шеърларида тасаввуф ғоялари, маслак ва маънолари айнан адабий-бадий тарафдан, ўзига хос тимсолу рамзлар билан акс этган. Иброҳим Ҳаққул Исмоил Маҳмуднинг ғазалларида “фано сир-асрорини бир қадар нозик илғагани”, “нафсни танишга урингани” ҳақида илиқ гаплар айтса, Султонмурод Олим шоир шеърларида ҳақиқий ишқ – Яратганга бўлган муҳаббат тараннум этилгани ва бу ҳол тобора кучайиб боргани, ҳуллас, соҳиби девон шоиримизнинг ижодида тасаввуфий йўналиш янгидан пайдо бўлгани ҳақида сўз юритади.

Шоир девонида мажозий ва илоҳий ишқнинг таъриф ва тавсифлари, ҳолат ва таҳлиллари кенг ўрин олган. Унинг илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари “Солди муҳаббат” радибли ғазалида ёрқин кўзга ташланади. Ғазал замирида Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг тиниқ ва соф туйғулар чашмасидан сероб эканига амин бўласиз. Муҳаббат дастлаб қалбга ширин хаёллар ва завқлар бағишлайди. Ундан мустаҳкам жой олгандан кейин эса ошиқ бошига азобу машаққатлар ёғила бошлайди:

*Дилга ширин завқу сафо солди муҳаббат,
Завқу сафо ичра жафо солди муҳаббат.*

Жалолиддин Румийда шундай ҳикматли сўз бор экан: “Аллоҳим, мен сани ақлим билан севмайман. Ақл унутади. Қалбим

билан севмайман. Севгим қалбда қолиб кетади (яъни инсон ўлиши билан қалб ҳам ўлади). Мен сени руҳим билан севаман. Чунки руҳ на унутади, на ўлади”. Исмоил аканинг таъбирича ҳам, муҳаббат руҳга таъсир қилади ва руҳ ёр висолида ёниб қуяди.

*Ваҳ, сани деб қуйди тамом руҳи равоним,
Руҳу таним ичра низо солди муҳаббат.*

Қуръонда зикр қилинган ва инсонга берилган “омонат” нарсанинг бир парчаси илоҳий муҳаббатдир, ишқдир. Бу омонатнинг юки, шу қадар оғирки, Аллоҳ таоло уни ер ва осмонларга, тоғларга таклиф қилганда, қабул қилмаган, қўрққан. Фақат инсон “ўта золим ва ўта жоҳил” бўлгани учун бу омонат юкини ўз зиммасига олган (“Аҳзоб” сураси, 72). Лирик қаҳрамон муҳаббат йўлида чеккан барча азобларини кулфат санамайди. Аксинча, висолга қадар айрилиқда тортган жафолари унга ҳузур бағишлайди. “Ҳоли забун” бўлса ҳам, муҳаббати унинг руҳини “рақсу самога” келтиради. Маҳбубдан илтифот назари бўлмагандан кейин унинг жисмига фано тиканлари санчилади:

*Йўқ назаринг қулга ҳануз, эй жафопеша,
Жисма ниҳон хори фано солди муҳаббат.*

Байтда “фано” сўзи қўлланган. Унинг тасаввуфдаги маъноси банданинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, Аллоҳнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчишидир. Фано ҳолидаги ошиқ “мен”лигини унутиши билан тавҳид асрорига соҳиб бўлади. Тасаввуфда “фано фил-ишқ” деган тушунча ҳам мавжуд. Кўнгилни поклаш ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали бу даражага эришилади. Демак, илоҳий ишқдаги девоналик, ранжурлик мажозий ишқдагидек ошиқни забун ҳолга туширмайди, ахлоқан поклайди ва руҳан юксалтиради. Шоирнинг сўнги байти ҳам бунга далолат қилади. Ёр боқмаса ҳам, илтифот қилмаса ҳам, ошиқ вафодорликда собит туриши керак. Аҳдида турмаган, ҳижрон азобларига дош бермаган ошиқ имтиҳондан ўтмаган ҳисобланади. Зеро, муҳаббат шундай нарсаки, осий бандаларни Худога яқинлаштириб, саодатга эриштиради.

*Боқмади деб тарки вафо айлама, Маҳмуд,
Осий қула роҳи Худо солди муҳаббат.*

*Ишқи Ҳақ бирлан мунаввар ҳар киши қалб ойнаси,
Ул муҳаббат ичра гулгун лолазордан бошланур.*

Шоир таърифича, ошиқ дилидаги шавқу ҳол, Ҳақ таолонинг ўзидан келади. Натижада, бу бахт, бу улуғлик замирида илоҳий руҳият пайдо бўлади. Кимки бу дунёи дундан, унинг ортиқча ҳою ҳавасларидан юз ўгириб, ишқ ичра собит бўлса, унинг руҳиятида осойишталик рўй беради. Лекин дилдаги ҳолатни, руҳиятдаги ўзгаришларни бировларга айтиб бўлмайди. Агар қалбингни фақат Ўзига боғласанг, икки жаҳонда сенга меҳрибон бўлиб, руҳинг нур таратади ва унда ҳуррият пайдо бўлади. Демак, сирни пинҳон тутиб, фақат Ёрга таважжуҳ қилинса, Унинг ўзи ошиқни тарбият қилади. Юксак мақомларга эриштиради:

*Маҳмудо, сен ўзни ошкор этмагил ҳар кимсага,
Айласанг Ёрга таважжуҳ, тарбият пайдо қилур.*

Бу ҳаёт майдонида ҳар ким кўзлаган манзилига етиб бориш учун турли йўллари, турли воситаларни танлайди. Лекин кимдир етиб боради, кимгадир бу армон бўлиб қолади. Ошиқликда қандай? Исмоил Маҳмуд шеърларида илоҳий ишқнинг у ёки бу хусусиятлари, сир-асрорлари, иймон ва инсоф билан боғлиқ жиҳатлари очиб берилар экан, уларни ўқиш билан бизда ёрқин тасаввур пайдо бўлади. Исмоил Маҳмуд Эркин Воҳидов ғазалига боғланган тахмислардан бирида шундай ёзади:

*Ишқ саҳросида иймон бўлса сирдош яхшидир,
Ҳақ йўлида раҳнамо ёр бўлса йўлдош яхшидир,
Қўллагучи ҳар қадамда бўлса қўлдош яхшидир,
Айтгали аччиқ азобинг бўлса дилдош яхшидир,
Сўз демай ўтли аламини жонинга солғон ёмон.*

Диққат қилинса, шоир дастлабки уч сатрда илоҳий ишқни камолга етказувчи уч нарсани эслатиб ўтади: мустаҳкам иймон, раҳнамо ва қўлдош. Хуллас, ижодкорнинг илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари, фикр ва туйғулари ўқувчи қалби ва руҳини нурлантириб туради.

Девонда илоҳий ишқни такомиллаштирадиган, қалбларга зиё берадиган амаллардан бири сифатида зикр тилга олинади.

Зикр эслаш, хотирлаш экани маълум. Қуръоннинг бир қатор оятларида, жумладан: “Жума” сураси, 1-оятида: “Осмонлардаги ва ердаги ашёлар Худони поклик билан ёд қиладилар”, дейилгани каби, Аллоҳни зикр қилиш тавсия этилган. Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Шоир таъкидлаганидек, зикр инсонни шайтон макридан, нафс ёмонликларидан асрайди.

*Нафсу шайтон макридан, бил, сақлагай зикри Худо,
Айласанг руҳингни бардам дил тутиб рухсор билан.*

Заррадан улкан мавжудотларга қадар Ҳақни зикр қилганидек, сўфийлар учун ҳам зикр Яратувчига яқинлик воситасидир. Ҳазрат Навоий бу оламни Ҳақни зикр қилгани учунгина яхши кўришини, йўқса, бу олам ва ундаги бор нарсалар дўзахнинг ўтидек унга азоб беришини мана бундай талқин этган:

*Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.*

Исмоил Маҳмуд эътирофига кўра, борлиқдаги ҳар бир махлуқот унинг “зикру шукрини” қилади. Ким зикр қилмаса, муддаосига етмайди. Зикр – улкан савоб. Савоб ишлардан маҳрум одам эса қиёмат кунда хор бўлади:

*Маҳмудо, зикрини айлаб қўйидан топгил савоб,
Ким савобдан бўлса маҳрум, хор эрур Рўзи жазо.*

Қуръонда “саҳар вақтларида истиғфор” айтган кишилар мақталади. (“Зориёт” сураси, 18) Ҳар қандай вақтда зикр айтиш имкони бўлса-да, тонг пайтида айтилган зикрда улкан ажр бор ва бу вақтда Аллоҳни эслаган киши ҳидоят завқини туяди, қалбидан турли иллатлар чиқиб кетади. Шоир шу оят тақозосига кўра мана бундай ёзади:

*Мубталолар тасбеҳу таҳлилда тургай дард аро,
Ҳар кўнгил ошиққа чин зикру сано айлар субҳ.*

*Зикри “иллаллоҳ” билан топгай ҳидоят завқини,
Турфа иллатни кўнгилдан ҳам сиво айлар субҳ.*

Зикр фақат Аллоҳни эслаш эмас, балки ошиқнинг ишқини зиёда қиладиган, висол иштиёқини орттирадиган амалдир. Хожа

Юсуф Ҳамадоний: “Зикр валийликнинг билагузугидир”, – деса, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзилишича, Шайх Абдуллоҳ бин Муҳаммад Харроз: “Очлик – зоҳидлар таоми, зикр – орифлар таоми”, – деб айтган экан. Шунинг учун бўлса керак, Исмоил Маҳмуд бир байтида зикрнинг “қисмат”га айланишини хоҳлайди. Бошқа ўринда ҳар лаҳза зикр қилиб, Яратувчи розилигини олиш ва ибодатдан роҳат-фароғат топишни кўзлайди...

*Қилиб зикрингни ҳар лаҳза, умид боғлаб ризойингга,
Топиб роҳат ибодатдан дилим қонсин фароғлардан.*

Зикр дейилганда, ёки қалб билан айтиладиган зикр назарда тутилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам зикр инсон қалбига сайқал беради уни софлайди. Ҳадиси шарифда ҳам: “Ҳар бир нарсанинг зангини кетказувчи нарса бўлади, қалб зангини Аллоҳнинг зикри кетказади”, – дейилади. Демак, зикр қалб ва руҳга жило берадиган, хотиржам қиладиган илоҳий ишқни тараққий эттирадиган солиҳ амаллардандир. Шоир ижодидан бунинг бир қатор мисолларини кўриб ўтдик.

* * *

Қалбни поклаш ва нафсни ислоҳ қилиш тасаввуфнинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Исмоил Маҳмуд шеъриятида ҳар иккала мавзуга дахлдор байтлар талайгина. Мумтоз адабиётимизда қалб, дил, юрак синоним сифатида қўлланади. Инсон қалби Ҳақ назаргоҳи сифатида Каъбадан устун қўйилган. Навоий ҳам қалбни Каъбадан устун қўйиб, бири одамларга саждагоҳ бўлса, иккинчиси Холиқ тажаллий қиладиган макондир, дейди.

Шоир қалбнинг сир-синоатлари ҳақида баҳс юритиб, уни илоҳий ишқ манбаи сифатида асраш ва авайлаш ҳақида қайғуради. Унингча, пок қалбда пок ишқ ниш уради ва маъшуқ жамолининг тажаллийгоҳига айланади...

*Дилда жо қил ишқи Ҳақни туну кун сен ёлвориб,
Кўр кўнгилда сен жамолин тун-кун айлаб иштиёқ.*

Лекин шоир ҳақли тарзда таъкидлайдики, қалб ўз-ўзидан покланиб қолмайди. Қачонки, ошиқ кўз ёшлар тўкиб, Ҳаққа илтижолар қилса, риёдан қочиб, уни ибодат ва риёзат суви билан суғорса, у қалбдан файз булоқлари отилиб чиқади.

*Тут шафоат ичра қалбни, оҳуриб, қил илтижо
Ким, риёзат бирла қўл сун узмагил ундан қароқ.*

*Бас, риёга бермагил дил, тут ибодат риштасин
Ки, ажабмас, этса Ҳақ ул қақраган қалбинг булоқ.*

Шоир талқинига кўра, аслида қалбга ёр ишқини солган унинг ўзи. Кимда диёнат бўлса, аввало, жонини асрайди. Бунинг шарофати билан жон ва қалбда порлаб турган жононини муҳофаза қилади. Киши вақтни ғанимат билиб, кўнглини бедор қилса, ғафлатда қолмаса, бахтиёр бўлади. Ишқ билан диллар ибодатда бўлса “ҳар қадам”, “ҳар сўзда”, “Ҳақнинг фармони” борлигини ҳис қилади. Натижада, кимнинг қалбида ёнган ишқнинг “нарвони” бўлса, шавқ билан мунаввар руҳга чиқади. Яъни қалбдаги ишқнинг зиёсидан руҳга ҳам ойдинлик етади. Лирик қаҳрамон бундай лаҳзаларда ҳар нафаснинг шукрини бажо келтиради. Чунки унинг қалби бўм-бўш эмас, дил амрида мангу “сарвари султони”-бор. Шоир бир ғазал мақтаида ёзадики: “Эй Маҳмуд, қалбингни пок тутиб, савоб умидида Ҳақ амрини бажар. Маҳшарда одамларнинг энг яхшиларидан бўлсанг қандай шараф?!”

*Пок тут қалбинг ҳамиша Ҳақ ишидан топ ажр,
Не шараф, маҳшарда Маҳмуд айласа хайр ул-башар.*

Ҳазрат Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларида гуноҳлар боис қалбнинг қорайишидан башорат берганлар. Лекин кимнинг қалби соф бўлса, вужуди шишадек покиза, нурли бўлади. Ишқ даштидан ўтолмаган қанчадан қанча диллар афғон қилиб қолади. Мақсадга етиш учун Ҳаққа дўст, фидокор ва мард бўлиш керак. Шоир ўзига хитобан айтадики, Эй Маҳмуд, бирорта аҳли дил бўлган муршиднинг қўлини тут, зеро, у қалбингга илоҳий ишқ майини кўяди. Чунки ёр васлига етиш учун қалбда ирфон бўлиши керак.

*Ишқ даштидан ўтолмай неча дил айлар фиғон,
Ҳаққа дўсту чин фидо бўлган жасур мардон керак.*

*Маҳмудо, сен аҳли дилнинг илкани бағрингда тут,
Васлига етмаклигинг-чун қалбинга ирфон керак.*

Мутасаввифлар Аллоҳни басират кўзи билан мушоҳада қилиш ва қалб нури билан идрок этиш, тажаллисига қалб орқа-ли эришиш мумкин, деб айтадилар. Шоир акамизнинг фикрига кўра ҳам, қалб ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун ҳар нафасни ғанимат билиб, уни турли васвасалардан, ёмон туйғулардан асраш керак.

*Ҳар нафас такрори ўзга қайтмагай бир лаҳзаким,
Турфа ранг ургай юрак, иқрор ғаниматдир бу дам.*

Қуръони каримда қиёматда қулоқ, кўз ва қалб ҳаракатларидан ҳам сўралиши айtilган. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида келтирилишича, Муртаъиш деган шайх айтадики, йигирма йиллаб сўз айтмай юрган Абу Абдуллоҳ Ҳазрабийдан “тасаввуф нима?”, деб савол қилдим. Қуръон оятлари билан шундай жавоб берди: “Мўминлар орасида Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ кишилар бордир”. (“Аҳзоб” сураси, 23). “Уларнинг сифати қандайдир?” – дедим. Айтди: “Кўзлари ўзларига қайтмайди, диллари бўм-бўш бўлиб қолади”. (“Иброҳим” сураси, 33). “Уларнинг жойларининг аҳволи қандай?” дедим. Айтди: “Албатта, тақводорлар жаннатларда, Қодир подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлулар”. “Бу айтганларингга яна қўшимча қил”, дедим. Айтди: “Ўзинг аниқ билмаган нарсанга эргашма. Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчасига инсон масъулдир”. (“Исро” сураси, 36.) Қўйидаги байтда ҳам шоир қалбни асрашга, нокас, ножинслар муҳаббатининг ундан жой олмаслигига даъват қилади. Чунки қалбнинг поклиги, солиқни икки дунёда азизу мукаррам қилади:

*Тоза қалбинг давлати чин, икки дунёндир азиз,
Нокасу носозни асло қалбинга индирмагил.*

Демак, қалбни асраш ва поклаш солиқнинг муҳим вазифаларидан биридир. Унга эътиборсизлик қилиш инсонни ҳалокатга етаклайди. Шунинг учун ҳам шоир айтганидек, шароратга мубтало бўлганлар ва қалбида иймони бўлмаганлар ўзи билан ўзи мубтало бўлиб қолади. Уларнинг қалби ибодатдан холи, эзгуликлардан мосуво, Шайтонга ўхшаб маҳшарда ноумид бўлиб қоладилар. Йўли тўғри одам қиёмат ваҳмидан ортиқча тараддудга тушмайди:

*Шарорат манзили ичра турар нафси ила бехуд,
Ғазабга учраганлар қалбида ҳеч бир ибодат йўқ.*

*Бўлиб осий лаъин янглиғ, тазарру этмайин ҳаргиз,
Ки маҳшар хавфидан қўрқмай, дилида зарра тоат йўқ.*

*Азоби охират ваҳми бўлиб ул дам нидо келса,
Йўлинг тўғри эса, Маҳмуд, санга ваҳми қиёмат йўқ.*

Мутасаввифлар қалбнинг турларини ва хасталикларининг иложини, уни зиёга тўлдириш йўлларини ҳам айтиб ўтганлар. Шулардан бири Шайх Иброҳим Хавос айтадики: “Қалб давоси бештадир: Қуръонни тадаббур билан ўқиш, қориннинг бўшлиғи, тунда қоим бўлиш, саҳар вақтида ёлвориш ва солиҳлар билан ҳамсухбат бўлиш”. Шоир бир байтида қалбни гулга ўхшатади. Қаерга эксанг, ўша ердан бўй олади, озиқланади. Боғбон агар ниҳолга чин кўнгилдан ишлов берса, унга таъсир қилади. Яъни қалб соҳиби қалбига қанча кўп эътибор берса, у шунча зиёга, маърифатга тўлади:

*Гул мисолдир қалб қайга эксанг ундан бўй олар,
Чин кўнгилдан қилса ишни уста боғбон, кор килур*

Ўз-ўзидан маълумки, қалбни мурғаклик пайтидаёқ тарбия қиладиган унга яхши-ёмонни тушунтирадиган аввало ота-она бўлади. Шарқнинг улуғ олимларидан ҳужжат ул-ислом Имом Ғазолий (1058–1111) айтадиларки, ёш боланинг қалби унумдор бир ерга ўхшайди. Уни парваришлаб, яхши уруғ сепсанг, яхши ҳосил беради, ёмон уруғ сепсанг, ёмон ҳосил беради. Демак, фарзанд тарбиясига болаликдан эътибор бериш лозим. Каттароқ бўлгандан кейин уни устозлар тарбиялайдилар. Тарбия жараёнида бола қалбининг зиёси ҳам ошиб боради. Аксинча, нотўғри тарбия, самарасиз билим уни тўғри йўлдан адаштиради.

Исмоил Маҳмуд бир байтида қадамлари кўзга тўтиё бўлган устозлар шогирдлар қалбини ҳидоятга, Ҳақ йўлга бурадилар, деб айтса, бошқа ўринда, пиру устозларнинг йўли Ҳақ йўли эканлиги, улар Ҳақнинг ризосини меҳру мурувватдан топганлари, яхшилик ва яхши сўздан доимо манфаат бўлиши ҳақида ёзади:

*Яхшилик яхши дегайлар пиру устозлар мудом,
Яхши ният, яхши сўз ҳардам шафоат келтирур.*

*Пиру устозлар йўлидир ҳақ йўли, Маҳмуд, азал,
Яхшилар Ҳақнинг ризосин меҳру мурувватдан топар.*

Шоир шеърларидан бирида қалбнинг яйраб-яшнаши, зиёга, гулларга бурканиши учун, аввало, унда Ҳақ ишқининг қарор то-

пиши кераклигини айтади. Зеро, бундай қалбда муҳаббатнинг гул-лолалари, хайрли эшиклари очила бошлайди.

*Ишқи Ҳақ бирлан мунаввар ҳар киши қалб ойнаси,
Ул муҳаббат ичра гулгун лозордан бошланур.*

Шунингдек, қалбда ота-онанинг, устозларнинг, ёру дўстларнинг дуолари, розиликлари ва яхши ниятларининг илдиз отишидан ҳам мақсадлар амалга ошиб боради. Шоир ёзадики, бироқ қалбда ўзгаришлар, нурлар зоҳир бўлса, ҳар кимга унинг сирасрорини очмагин. Зеро, ҳамма ҳам маҳрами роз бўлолмайди. Ҳаёт боғбони қалбингга маънавий неъматлар инъом қилгани учун унга шукрона келтир. Эзгулик йўлида хизматда давом эт!

*Ҳамиша эҳтиром айла, Яратганга сен, эй Маҳмуд,
Ҳаёт боғбонининг қалбга таратган неъматини ростдир.*

* * *

Нафс қутқулари ва уни ислоҳ қилиш йўллари тасаввуфда кўрсатиб берилган. Нафс тасаввуфнинг, умуман инсониятнинг энг муҳим ва долзарб мавзуси. Агар одам боласи нафсини танимаса, нафсини ислоҳ қилмаса, унинг ҳаётида жуда ҳалокатли йўллар ва фожиалар кўндаланг бўлиб туради. Лекин инсон нафси билан курашса, уни ислоҳ қилса, кўп яхшиликлар эшиги очилади. Мақсад-муддаосига етишади. Тасаввуф луғатларида нафс – ўзлик, рух, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. “Нафсини таниган Раббисини танийди” ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради. Нафснинг етти тури (босқичи) манбаларда қайд этилган. Лекин биз нафс деганда биринчи галда кўз олдимизга ёмонликка буюрувчи “нафси аммора” келади. Чунки инсон нафс кўйида ҳар қандай разилликка қўл уриши, ҳатто яқин дўстига ҳам сурбетларча панд бериши мумкин. Баъзан инсон ёмонлик қилиб, уни нафсга тўнқайди, ўзини-ўзи алдайди. Бунини муҳтарам шоиримиз ҳам эслатиб ўтган:

*Дўстига ҳаргиз мурувват айламас нокас киши,
Нафси аммора ичинда макрини чандон қилур.*

*Нафси аммора ичинда ўзни шаррга боғладим,
Сохта дунё илкида лафзимда ёлғоним ғалат.*

Нафс ўз-ўзича ислоҳ бўлмайди. Одам осонгина одамийликни қўлга киритмайди. Алишер Навоий бир қитъасида нафсни “кофир” деб атайди. Яъни у осонликча мусулмон бўлмайди, инсофга келмайди. Шайх Нажмиддин Кубро (1145–1221) ҳам тасаввуфга оид кичик бир рисоласида айтадики, бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарни шафиъ келтирсанг ҳам, кофир нафс мусулмон бўлмайди. Уни фақат очлик, яланғочлик, риёзат, ибодат, қаноат, дунёга ҳирс қўйишдан ва Шайтон васвасасидан сақланиш каби эзгу ишлар билангина мусулмон қилишинг мумкин¹. Чунки у кофирлигида, саркашлигида қолса, икки дунёда кишини расво қилади. Исмоил Маҳмуд ҳам ғазалларида нафсга атрофлича таъриф беради. Унинг ёмонликларидан огоҳлантириш баробарида нафсни ислоҳ қилиш чораларини айтиб ўтади. Нажмиддин Кубро ҳазратлари каби нафсни орзу-ҳаваслар, маишат билан эмас, уни Шайтон йўлидан кечиб, риёзат билан тарбиялаш лозимлигини таъкидлайди:

*Ошнолик топмади ҳеч ким маишат ичраким,
Бил, риёзат бирла ўз нафсини ютган яхшидир.
Нафс ила авворадир ким, билмагай сабру сукут,
Ул кечиб шайтон йўлидан қилса тоат, яхшидир.*

Ҳаромдан нафс семиради, деган гап бор. Шайх Юсуф Ҳамадоний фикрича муриднинг хирқаси (либоси), маскани ва ейиш, ичиши ҳалолдан бўлсагина, у тараққий этади, мақсадига эришади. Ҳаром луқма туфайли қалбда нур ҳосил бўлмайди. Ҳаром либос билан эса ибодат завқини тотиб бўлмайди. Девонда айнан шу масалалардан баҳс этилиб, ҳиммат кўрсатиб, нафс итини забун қилиш ва ҳалол ризқ топишга даъват қилинади.

*Қолмайин ғафлатда ҳаргиз айла нафсинг тарбия,
Сенга Ҳақнинг ҳиммати, билгил, ҳалол ризқингдадир.*

*Нафс итига эргашиб сен бўлмагил хору залил,
Азму руҳинг қудрати, билгил, ҳалол ризқингдадир.*

¹ Шахсий қўлёзма. 1249 (1833) йил Мулло Турсун Муҳаммад ибн Эрка Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғозий Тошкандий тарафидан кўчирилган қўлёзма. 5-7-б.

*Маҳмудо, парҳезда бўлгил, нафс итин айлаб забун,
Икки олам раҳмати, билгил, ҳалол ризқингдадир.*

Рамазон рўзаси ҳақида гап борганда рўзанинг сабр, тақво ва нафсни тарбиялаш оий эканлиги алоҳида қайд этилади. Шунга мувофиқ Исмоил Маҳмуд рамазонга аталган қасидада ҳам рўзанинг нафсга таъсири ва тарбиясига эътибор қаратган. Зотан, рамазонда Шайтонлар кишанланади, ожиз бўлади, нафс тарбияланади, ислоҳ қилинади ва ҳоказо.

*Нафси амморага қасддир рўзадан мақсад азал,
Ушбу аҳддан ул лаъин ожизланур нолон бўлиб.*

*Ул жаҳаннам ўтига ташланди нафским беомон,
Бас, тазарру этти Роббимга, охир бир ён бўлиб.*

*Нафс балосидан, Худоё, асрагил ҳар он ўзинг,
Гар насиб этса не бахт, фазлу карам бурҳон бўлиб.*

Исмоил Маҳмуд ғазалларида нафс билан боғлиқ ўғитлар аксар байтларда Шайтон образи билан ёнма-ён келади. Чунки бу иккиси инсоннинг кўзга кўринмас ашаддий душманларидир. Нафс қутқу қилган жойда Шайтоннинг найранглари бошланади ёки аксинча. Нафсу Шайтон зулмат бўлса, иймон ва эзгулик нурдир. Лекин инсон нафсини таниса, Шайтоннинг ҳийлаларидан, макридан эмин бўлса, шу йўлда собит туриши ва Яратганга шукр қилиши керак.

*Ул Яратган қудратидан икки оламдир ёруғ,
Нафсу шайтон макридан қўнглинг залолат этмагил.*

*Ҳақ таоло, Маҳмудо, этди мукаррам матлабинг,
Шу азизлик бирла тургил, тарки ҳолат этмагил.*

Манбаларда айтилишича, Тангри Ўзининг ер юзидаги халифаси бўлган Одам(а)ни яратиб, фаришталарни унга сажда қилишга буюрди. Ҳаммалари бўйсунди, фақат Шайтон такаббурлик қилиб, сажда қилмайди ва тавқи лаънатга қолади. Шушу Шайтон кибр, манманлик ва жаҳолат тимсолига айланиб қолган. Ким чинакамига Ҳақни севса, ростгўй ва риёкорликдан сақланса нафс ва Шайтон васвасаларидан, зарарларидан йироқ бўлади. Шоирнинг навбатдаги байти шу воқеаларга ишора қилиб, бизни огоҳликка чорлайди:

*Кибру манманлик, жаҳолат нафсу шайтон макридир,
Қоч улардан, Ҳақни сев, аҳду сўзингдан рози қил.*

Баъзи мутасаввифлар нафснинг васвасасини Шайтонникидан ҳам кучли дейишади. Шайтон инсонни бир гуноҳга ундаса, натижаси бўлмаса, бошқа гуноҳга ундайди, кейин бошқасига ва шу тахлит у васваса қилишда давом этади. Нафсники эса ундай эмас. Бир гуноҳ ишни қилишга ундадими, уни амалга ошириш учун маҳкам туриб олади. Иложини топса, гуноҳга қўл урдиради. Бу борада Юсуф Ҳамадоний сўзларига эътибор берайлик: “Шайтон васваса қилиб, гуноҳ ишлар қилишга даъват этади, нафс ҳийла-найранг орқали фисқу фасодга чақиради. Дунё эса кўз олдингда ўзига оро бериб, жилваланади, ўзига хизмат қилишга чақиради”¹. Демак, нафсу Шайтон билан кураш йўлларида бири иймонга, ўз аҳдига собит бўлмоқдир. Кимки, нафсу Шайтондан қочса, шубҳасиз, Ҳаққа ёвуқлашади. Унга жуда кўп хайр эшиклари очилади:

*Ҳақ ишида топса фазлин, ҳар киши бўлгай азиз,
Топмагай Ҳақдан иноят, бўлса иймондан йироқ.*

*Нафсу шайтон ҳар кишини оздирур йўлдан азал,
Аҳдида бўлмас барокат, бўлса иймондан йироқ.*

*Нафсу шайтон макридан қочса агар кимки, билинг,
Толеида бўлса гар, бўй қўрсатур Соҳибжамол.*

Қачонки банда Шайтон лаъин йўлидан қочиб, ёмонликлардан юз ўгирса ва Худонинг зикри ила машғул бўлса, нафсу Шайтондан сақланади. Натижада руҳга софлик ва қалбга нур инади. Ўшанда Ҳақ тавфиқ бергани учун унга шукр қилиш керак. Бошқа тарафдан инсон кўнглида ғафлат бўлса, нафсу Шайтон домига тушишини ҳис қилиши лозим. Йўқса, инсон қалбидаги ғофиллик ва жоҳиллик туфайли гуноҳларга мубтало бўлади.

*Нафсу шайтон дастидан келгай гуноҳ ҳар кимсага,
Тушмас эрди макрига кўнглида ғафлат бўлмаса.*

¹ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. – Тошкент, 2018, 104-105-бетлар.

Девонда нафсу Шайтон хусусиятлари ва аянчли оқибатлари ҳақида жуда кўп ҳикматли байтлар бор. Улар абад ул-абад эскирмайдиган мавзулар. Уларнинг маъзини чақиб, бугунги ёшларга тушунтирилса, аини муддао бўлади.

* * *

Тилимизда “одам”, “одамийлик” деган сўзлар бор. Аслида барча ғоялар, маслаклар, ҳикматлар шунинг атрофида бирлашади. Ҳақиқий одам бўлиб яшашнинг юки, масъулияти, залвори бўлади. Шарқда “Мусулмон бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган ҳикмат ҳам бежиз эмас. Чунки инсон то ўзлигини англамаса, одоб-ахлоқини тузатмаса, одамларга хайрихоҳ ва муруватли бўлмаса, унинг ибодатларидан ҳам, яхшиликларидан ҳам на ўзига, фойда етади на бошқаларга.

Навоий ҳазрат “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Одамларнинг яхшиси ким?” деган саволга ҳадис асосида шундай жавоб беради: “Одамзоднинг яхшиси тақводор ва пок бўлгай. У ҳақ сўзни айтишда ҳеч нарсадан қўрқмагай. Ўзи пок ва кўзи покни инсон деса бўлгай. Тили пок ва кўнгли покни мусулмон деса бўлади. Мусулмон шундай кишики, мусулмонлар унинг тили ва қўлидан яхшилик кўргайлар, омонда бўлгайлар ва кўзи-ю кўнглидан хотиржамдирлар”. Мана, одамийликнинг моҳияти! Исмоил Маҳмуд шеърларида одамийлик мавзуси турли қирраларда талқин этилса-да, асосан уч йўналишда намоён бўлади.

Биринчиси, ахлоқни тузатиб, одамлар меҳрини қозониш.

*Яхши хулқ, яхши хунардан муддао келгай етиб,
Беадаб, ишсиз юришдан орият қилган билур.*

* * *

*Ахлоқу одоби бирла дилда топгай эҳтиром,
Тортасан хушёр ўзингни барқарорларни кўриб.*

Иккинчиси, яхшиларга эргашиш. Дарҳақиқат, инсон қачонки, яхши одамлардан ўрнак олса, уларнинг савобли ишларидан ибратланса, ҳаётнинг қийин дамларида ҳам тўғри йўл танлайди, мулоҳазакор ва сабру бардошли бўлишга ҳаракат қилади. Ҳадиси шарифда ҳам айтиладики: “Киши севгани, яхши кўргани билан бирга бўлади”. Даҳо шоиримизга ҳамоҳанг тарзда Исмоил ака ғазалларининг бирида айнан яхшилик ва яхши одамлар билан бирга бўлишни, уларга эргашишни тарғиб қилади. “Мўъминнинг нияти амалидан яхшироқдир” ҳадисига биноан

инсонда, аввало, яхшилик ва яхшиларга эргашиш нияти пайдо бўлиши, қалбини тўғрилаши керак. Ана ундан кейин матлабига эришади. Бунни шоир қуйидагича ифодалайди:

*Яхшидир ҳар дилда бўлса яхшиларга иқтидо,
Яхшилик келгай кўнгилда, бўлса шундай муддао.*

*Яхшиларга эргашиб топгай кўнгил ўз матлабин,
Ким қадам қўйса бу йўлга топгуси руҳга ғизо.*

Учинчиси, Ҳақни рози қиладиган амалларни бажариш. Албатта, кимки комиллик йўлида риёзат чекса, ўзлигини кашф қила бошлайди. Хайрсевар бир инсонга айланади. Лекин бу ҳали том маънода мақсадга эришди, дегани эмас. Шоир бу ерда нозик бир нуқтага диққатни қаратади. У Ҳақ йўлида бўлиб, Ҳақ ризолигини топишдир. Аслида бундай одам эзгу ишларга ўзини урадиган, тақводор ва комил инсон бўлади. Маҳдуд, калтабин ва норасо одамдан эса ҳеч нарса чиқмайди. Улардан фақат ёмонлик ва хавф-хатар етади:

*Норасодан қилмагил ҳам ҳар хатардан асрагил,
Марҳамат айлаб менингдек бир қулингга, Роббано.*

*Икки оламда азиздир яхшилар ишқ ичраким,
Ҳақ йўлида бўлса ким, ишқ аҳлига ул тўтиё.*

Демакки, Ҳаққа итоат қилмасдан, беадаблик билан, яхшилардан ўрнак олмасдан, одамийлик шарафига эришиб бўлмайди. Бунни шоиримиз қуйидаги байтларда умумлаштириб айтиб қўйган:

*Беадаблик бирла, Маҳмуд, топмагай ҳеч ким самар,
Одамийлик мулки ичра дилни обод айлагил.*

*Покиза зотлар билан дил яшнагай топгай камол,
Аҳдида собитқадамлар бирла хуш даврони бор.*

Исмоил Маҳмуднинг шеърларида Ватан озодлиги, мустақиллик шарофати ва тилимизни ардоқлаш ғоялари бир-бири билан алоқадор мавзулар бўлиб, улар юракдан тараннум этилади. Инсон учун Ватан азиз ва муқаддасдир. Ватанни ҳар

қанча таърифласак оз. Ватан шоирларнинг ҳар қандай мақтови ва таърифидан юқори туради. Исмоил Маҳмуднинг она ватанга бағишланган жуда кўп шеърлари бор. Кўклам, куз, қиш, ёз, баҳор тасвири билан боғлиқ шеърларидан ҳам ватаннинг тафти келиб туради. Зотан, табиат ватаннинг кўрки, унинг бир парчасидир. Айтиш мумкинки, шоирнинг қуйидаги ғазали ватанни мадҳ этган энг сара шеърлардан биридир. Содда, халқона, ўхшатишлари табиий, маъноси теран ва оҳанги жозибали. Ғазалнинг дастлабки байтларини ўқиш биланоқ қалбингизни алланечук ҳислар, туйғулар эгаллай бошлайди. Ғазалда Ватан отага, онага қиёсланади. Ватан ёру дўстларнинг макони, ушбу оламнинг гулзори... Усиз қуёш чарақламайди, ой кулмайди... Ватан осмону уммондир... Лекин ватан қадрини ҳамма ҳам ҳис қилавермайди. Ватан қадри ватансизликда билинади. Ватансизлик фожиа бўлгани каби ватанда туриб, қадрига етмаслик, қийматини англамаслик ҳам фожиадир. Ғазал давомида Ватаннинг улуғлигини англатадиган янги-янги ташбиҳлар силсиласига дуч келиб, ҳаяжонингиз ва муҳаббатингиз янада ортади:

*Ватан иймон, ватан имкон, ватансиз тан эрур жонсиз,
Ватан қудрат, ватан нусрат эрур ҳеч ерда енгилмас.*

*Ватан меҳру муҳаббатдир, ватан мангу саодатдир,
Кўнгилга чин шафоатдир, ватансиз дилга бахт келмас.*

*Шаҳидлар хокидан унган ватан гулдир, ифори чин,
Ватансиз гулга қуш қўнмас, ватансиз гул – тикан, гулмас.*

Юқоридаги байтлар ортиқча изохга муҳтож эмас. Сўзлар тушунарли, фалсафий ва теран маъноли. Фақат сўзларни юрак-юракдан ҳис қилиш керак. Зеро, Ватанни англаш бу сўзни ҳис қилишдан бошланади...

Ушбу ғазалда шоир нозик бир нуқтага ҳам ишора қилган. Ватан – Ҳақ тажаллийгоҳи, Яратувчининг назари тушган муқаддас замин... Қалбларимиз айнан шу Ватанда Ҳақ ишқи билан яйрайди, файзга тўлади. Шоир Ватанимизни янги-янги ўхшатишлар билан мадҳ этишда давом этар экан, унинг бошида бахт қуёши чарақлашини, фаровон бўлишини тилаб қолади:

*Ватан боғдир, ватан тоғдир, ватан борки, кўнгил чоғдир,
Ватан бошингдаги тождир, ки дилда меҳри ҳеч сўнмас.*

*Ватан ичра сен, эй Маҳмуд, бу бахтинг Ўзбекистондир,
Бошингда бахт қуёшиким, чарақлар тоабад сўлмас.*

* * *

«Адабиёт – сўз санъати» деб бежиз таърифламаган. Адабиётнинг жони ва қони она тилидир. Тил шу қадар илоҳийки, Навоийнинг сўз ҳақидаги дурдона фикрларини бир жойга тўпла-сангиз, бир китоб бўлади. Чунки у муҳтарам зот бир умр туркий (ўзбек) тил равнақи учун бор куч-ғайратини сарф этди. Бу борада форсий ва ўзбек тилларини қиёслаб, «Муҳокамат ул-луғатайн» каби алоҳида китоблар ёзди. У муҳтарам зот ҳадиси шарифда айтилган сўздаги «сеҳр» кучини ва шеърдаги «ҳикмат» залворини ўзбек тилидаги нодир асарлари билан бутун дунёга кўрсатди.

Бизнинг тилимиз ва адабиётимиз қадим тарихга эга. Лекин не ёзиқки, шўролар даврида бор бўй-бастини кўрсатишга монеликлар бўлди, тилимизнинг халқаро имкониятлари кесиби қўйилди. Аллоҳга шукрки, истиқлол шарофати билан она тилимиз дунёга бўй чўзди. Исмоил Маҳмуд ҳам она тили – ўзбек тилини ифтихор билан тилга олиб, унинг имкониятларини таърифлаб, гўзал шеърлар ёзди. Шундайлардан бири «давлат тилим» радибли ғазалидир. Бу ғазалда ўзбек тилининг давлат тилига ва умумжаҳон минбари тилига айланишини фахр билан таъкидлайди. Кўз нури, қалб қўри ва руҳ қуввати бўлган, илм ва адабиёт тилига айланган ўзбек тилининг парвозига омадлар тилайди. Бу борада истиқлолнинг улуғ неъмат эканини ҳам эслатиб ўтади:

*Бўлди бахтим дастхати – ўзбек тилим, давлат тилим,
Бўлди қалбим раҳмати – ўзбек тилим, давлат тилим.*

*Халқ аро тенг ичра тенгдир, берди Истиқлол шараф,
Бўлди кўнглим шавкати – ўзбек тилим, давлат тилим.*

Шоир таъкидлаганидек, дунёда тиллар кўп, ҳаммаси ҳам ўз халқи учун азиз. Лекин унинг учун ўзбек тили – «фикр санъати», «ақл талъати» ва ўзлиги ҳамда ўзбеклигининг нишонасидир. Тақдирга шукроналар айтади. Чунки шу тил шарофатидан у ишқий шеърлар битади, умри роҳатда ўтади:

*Толеим шукрида, Маҳмуд, шеър битарман ишқ аро,
Бўлди умрим роҳати – ўзбек тилим, давлат тилим.*

Миллатнинг ҳуррияти ва ватаннинг истиқболи она тилига боғлиқ, деган экан Шарқ файласуфларидан бири. Исмоил аканинг шеърлари ёш авлодга руҳий қувват бериши билан қимматлидир.

* * *

Исмоил Маҳмуд шеърларидаги долзарб мавзулардан бири, бу ота-онани ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва розилигини олишдир. Шоир бу мавзунини бир қатор алоҳида ғазалларида ва айрим байтларида таъсирли ифодалаган. Зотан, ота-онани қадрлашни, ҳурматиини жойига қўйишни Тангри ўзининг каломида такрор-такрор таъкидлаб ўтган. “Раъд” сураси, 21-оятда айтилади: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик». Шунинг учун ҳам мумтоз шоирлар бу мавзуга эътиборли бўлганлар. Биз ўрта мактабда Навоий ҳазратнинг: “Бошни фидо айла, ато қошиға, Жисмни қил садқа ано қошиға, Тун-қуниингга айлагали нурпош, Бирисин ой англа, бирисин қуёш”, деган ҳикматли сатрларини ёд олганмиз ва ёшлар билан учрашувлар қилганимизда уларга эслатиб тураимиз. Исмоил акада ҳам шунга ўхшаш сатрлар бор ва у киши маънони янада ривожлантириб, кенгайтириб ифода қилган. Шоир акаимиз ҳам таъкидлайдиларки, ота-она фарзандига ой билан қуёшга ўхшаш “ҳар нафас бошида бедор” бўлиб, нур каби меҳрини сочади. Кўкда юлдузлар жуда кўп лекин “ой билан қуёш битта”. Ота-она ҳам ягона, бу ҳаётда фарзандининг зийнати, бахтидир. Ҳеч ким ота-онанингни ўрнини босолмайди. Чунки ота-онанингни қалбидан фарзандига “Ҳақ нури” етади ва унинг бошидан Аллоҳнинг “раҳмати” ёғилади. Азалдан ота-оналардан фарзандларга меҳр, муҳаббат меҳрос бўлиб ўтар экан, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш лозим. Демак, бу борада ўғил-қизлардан ҳушёрлик талаб этилади:

*Эй, ўғил-қиз, сен муборақ дил кўзингни тоза тут,
Ғойиб ишқин нури тушгай зурриёдинг бандига.*

*Тоза ният, тоза қалбинг руҳият аъмолидир,
Ота мерос, она мерос бу азал дилбандига.*

*Ҳар нафас, Маҳмуд, юракдан ота-онанг ёд қил,
Ота-онанг соябон икки жаҳон пайвандига.*

Нодон фарзанд – дейди Исмоил Маҳмуд, – ота-она қадрини хор, кўзига жаҳонни тор қилиб қўяди. Натижада эзгу ҳислар макони бўлган кўнглининг “гул қасрини” бир лаҳзада “кул” қилади. “Алҳазар, минг алҳазар, бундай бало”дан Тангрининг ўзи асарасин, чунки, бундай фарзанд “зурриёдлик риштаси”ни оқибат “бўйнига дор” қилади. Одатда, бундай фарзандлар халқ орасида бебурд, шарманда ва беҳурмат бўлади. Энг фожиалиси, охирада бериладиган жазо ва шармандалиқдир. Шоир ўғил-қиз неъматини бергувчи Аллоҳга шукр қилиб, дўстлардан фарзандлар тарбиясини, улар “изларини кўздан қочирмаслик”ни, назоратни кучайтиришни талаб қилади. Зеро, улар “тўғри йўлга тушса”, чор атроф гулу гулзор бўлади...

*Эй, Худоё, ҳар ўғил-қиз неъматин бергувчи Сен,
Қудратинг чексиз, ягона, йўқни зумда бор қилур.*

*Ҳар жигарбанд изларин кўздан қочирманг, дўстлар,
Яхши йўлга тушса, Маҳмуд, ўнг-сўлинг гулзор қилур.*

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган бир ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар: «Ким ота-онасини қариган пайтида топса-ю, уларнинг бирига ёки икковларига (хизмат қилиб) жаннатга кира олмаса, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин!» (Имом Муслим ривояти). Дарҳақиқат, фарзанди учун энг улуғ хизмат ота-онага қараш, қўлидан келганча яхшилик қилишдир. Ҳатто уларга овозини баланд кўтариб гапиришга, бирор ишларидан озроқ бўлса ҳам малолланишга ҳаққи йўқ. Тангри каломига эътибор берадиган бўлсак, Исро сурасининг 23-24-оятларида шундай дейилади: “Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), Парвардигорнинг ҳукмини, умматларингга айт (етказ): «Бир Аллоҳдан бошқага ибодат қилманг, ота-оналарингизга яхшилик қилинг, сизларнинг қарамоғингизда агар битталари ёки икковлари пир бўлиб (қариб) қолсалар, сизлар уларнинг хизматидан малолланиб «уфф» деманглар ва қаттиқ гапирманглар. Икковларига ниҳоятда мулойим сўзланглар. Уларнинг ҳузурида ҳамиша (хоксорлик қанотини паст тутиб) тавозе билан, мулойим, меҳрибон бўлинглар. Бу зотларнинг ҳақларига дуо қилиб айтингларки: «Худоё, икковлари мени ёшлигимдан (гўдаклигимдан) тарбия қилганлари каби Сен ҳам бу икковларига раҳму шафқат қил!» Халқимизда қайтар дунё деган ибора бор. Ким ота-онасига ях-

шилиқ этса, уларни рози қилса, боласидан ҳам шундай яхшилиқ қайтади. Лекин акси бўлишидан Худонинг ўзи асрасин.

*Ота-онанг рози бўлса, дил уйинг обод бўлур,
Оғриса ногоҳ дили, битган ишинг барбод бўлур.
Ота-онанг қадрини, Маҳмуд, бошингда тут баланд,
Охиринг обод бўлур, Маҳшар жойинг жаннат бўлур.*

Инсон куч-қуввати, имкони борида бировга, айниқса, ота-онага, қариндошларга яхшилиқ қилиб қолиши – улуғ неъмат. Чунки ёшлиқ ҳам, куч-қувват ҳам мол-мулк ҳам ғанимат. Бугун бўлса, эртага қўлдан кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бўлса керак, девонда бу бу жиҳат билан боғлиқ байтлар тез-тез кўзга чалинади:

*Ота-она, ёру дўст аҳволиға солгил назар,
Келса ёрдам қил, қараб сен қўлдаги имконга.*

* * *

*Яхшилиқ қил, яхшилиқ қил, яхшилиқ қил, эй кўнгил,
Яхшилардан қолган ул бўстон ғаниматдир букун.*

Сир эмас, бугунги Овруподаги муомала маданиятини кузатсангиз, ота-бола муомаласи кўнгилдагидек эмас, ҳаминқадар. Лекин мусулмон миллати, шу жумладан, бизнинг халқимиздаги одоб-ахлоқ, меҳру мурувват, шунингдек, ота-онага бўлган эътибор каби азалий удумларимиз бошқа бирор миллатда йўқ. Шоиримиз ёзганидек, “бу синов дунёсида” яхши дамларни ғанимат билиб, ёмонликлардан “қалбга жароҳат” етишидан эҳтиёт бўлиш ва ҳаёт берган неъматнинг қадрига етиб, “шукрини” адо қилиш лозим. Айниқса, ота-она масаласида вақтни, имкони ғанимат билган одам ютади...

*Ота-она, ёру дўстин матлабин этсин адо,
Бу синов майдонида ҳаргиз зафардан қолмасин.*

Одатда улуғларимиз, устозларимиз доимо “ким ота-онасининг, устозларининг дуосини олса, уларни рози қилса, дунё ва охиратда азиз бўлади. Аксинча, ким уларни хор ва норози қилса, икки дунёда кун кўрмайди”, деган насиҳатни такрорлаб туришарди. Ёшлиқдан бу гапни кўп эшитганмиз. Бугун ҳаётни кузатиб, бундай ҳикматли гапларнинг ҳақлигига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Девонда юқоридаги ҳикматга ҳамоҳанг байтлар анчагина:

*Ота-она, пиру устодлар дуоси бебаҳо,
Кўп улуғлар руҳига озиқ эрур, бил, бу сифат.*

*Ота-она қадрини фарзанди нодон хор қилур,
Кенг ёруғ оламни ҳардам кўзларига тор қилур.*

Ота-онанинг розилиги, хушнудлиги шу қадар муҳимки, ҳатто уларнинг вафотидан кейин ҳам руҳларини шод этиш йўлларини ахтариш савобли ишлардан. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифларда ҳар бир мусулмон одам ота-онаси вафотидан кейин ҳам уларнинг дўстлари, яқинлари билан алоқа қилишга буюрилган. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: "Киши ота-сининг дўстлари билан (борди-келди) алоқаларини қилиши яхшиликларнинг олийсидир", деганлар. Абу Усайд Молик ибн Рабийъа ас-Соъидий розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Бани Салама қабиласидан бир киши келиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга: "Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам вафот этишганидан кейин ҳам уларга яхшиликни давом эттиришим мумкинми?", деганида, у зот: "Ҳа, уларнинг ҳақларига дуо қилиб, гуноҳларига мағфират сўраб, аҳд-келишувларини бажариб, тирикликларида борди-келди қилинадиган қариндошлар билан алоқада бўлиб, дўстларини ҳурмат қилиш билан (ота-онангга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилишинг мумкин)", дедилар (Абу Довуд ривояти)¹ Исмоил Маҳмуд шу ҳадислар мазмунини бадий талқин қилиб, тўртта нон олиб, ота-онанинг дўстларини зиёрат қилиш, кўнгилларини олиш, айниқса, бу иш билан ота-онанинг руҳларини шод этиш муҳимлигини уқтиради.

*Ота-онанг дўстини кўр бир замон фурсат топиб,
Тўртта нон бирла хабар ол вақтида журъат топиб.*

*Сўхбату дийдор ғанимат бебаҳо зотлар билан,
Ота-онанг тафти келгай тингласанг ҳикмат топиб.*

*Руҳи шод бўлгай отангнинг ҳам онангнинг, эй ўғил,
Бу ибодатдан ривож олгай ишинг раҳмат топиб.*

¹ Бу ҳадис шарҳи ҳақида қаранг. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. Риёз ус-солиҳийн. –Т: "Шарқ" нашриёти, 2015, 184-185-бетлар.

“Ота-онанг ё дўзахингдир, ё жаннатингдир” мазмунида ҳадиси шариф бор. Демак, фарзанд учун ота-она ҳаёт ва мамот масаласи. Ё абадий жаҳаннам ё абадий жаннатга дохил бўлишининг сабабчисидир... Бу ёғи фарзанднинг илму маърифати, меҳру одобига ва вақтни ғанимат билишига боғлиқ. Шоир бу масаланинг жиддийлиги, муҳимлигини инобатга олиб, девоннинг бошидан охирига қадар бу ғояга урғу беради. Китобхонларни, айниқса, ёшларни ҳар лаҳза бу борада огоҳлантириб, ота-она дунёдан ўтгандан кейинги пушаймонликнинг фойдаси бўлмаслигини эслатиб туради:

*Ота-онадан йироқда олмади бир бор хабар,
Парча нонни қўлларига тутмади шому саҳар,
Олмади ҳаргиз дуосин, деб улар бир муштипар,
Ушбу савдодан кўнгил дер: алҳазар, ё алҳазар,
Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?*

* * *

Инсон маълум бир жамият ичида яшар экан, у одамлар билан мулоқот қилишга, фикр алмашишга, дўст-биродар бўлишга мажбур. Айниқса, қийналган, ҳаётдан безган пайтларингга яқинларингга, яхши дўстларингга орқа қиласан. Айнан ана ўшалар сенга ҳамдард ва тиргак бўлади. Бу – ҳаёт қонуни. Ҳадиси шарифда: “Киши севгани билан бирга бўлади”, дейилади. Ҳадиснинг мазмуни шуки: ким бу дунёда кимни яхши кўрса, охиратда ҳам ўша билан бирга бўлади. “Охиратлик дўстим” деган гап бежизга пайдо бўлмаган. Демакки, ким билан дўст, биродар бўлиш оддий нарса эмас. Ҳар бир одам яхшилар билан дўст бўлишга ва ёмонлардан узоқ туришга интилиши керак. Айнан Исмоил аканинг дўстлик ва дўстона муносабатга бағишланган ғазалида бу мавзулар атрофлича талқин қилинади. Биров билан дўст тутиниб, суҳбат қилдингми, – дейди, шоир, – асло унга “кибру ҳаво” қилма, ўзингни катта олиб, “охирда Шайтон” билан “ёлғиз” қолма. Чунки дўстлик “молу мулк, шуҳрат” билан ўлчанмайди. Сен дўстингга тошингни баланд қўйма. Дўстга дўстлик билан муомала қил. Бу жамиятда унга нисбатан “дўстлик йўлини” тут. Ўшанда дўстсиз, ҳаёт “тўфонида фарёд” чекиб қолмайсан. Кейинга байтларда шоир дўстликни икки олам ҳикмати, саодат машъали каби сифатлар ва чиройли ташбиҳлар билан васф этади:

*Икки олам ҳикмати бу – дўст азиз, инсон азиз,
Эй кўнгил, қадрини билгил, ўтгучи ҳар он аро.*

*Қасру вайрон ичра бир ҳис, бил, азиз бўлгай абад,
Дўст тафти бирла бўлса гар ёруғ иймон аро.*

*Яхши дўстлар, Маҳмудо, билгил, саодат машғали,
Ул борар йўлингни нурли айлагай бўстон аро.*

* * *

Бугунги кунда ёшларимизнинг илмли ва ҳунарли бўлишини кўп тарғиб қилмоқдамиз. Зотан, ота-боболаримиз ўз илму ирфони ва касбу ҳунарлари билан дунёни лол қолдирган. Бунга мисоллар жуда кўп. Лекин бугун ХХI асрда яшаяпмиз. Қуруқ фахрланиш ва даъволар билан иш битмайди. Ёшларга тўғри маслаҳат ва амалий муваффақиятларга эришиш сирларини ўргатиш лозим. Бунинг биринчи талаби ҳам, дастлабки чораси ҳам – илм. Илм олиш эса устозларнинг таълими ва китоб ўқишдан бошланади. Илм ҳақида гап кетса, Зокиржон Фурқатнинг болалиқда ёд олганим сатрлари қуйилиб келади:

*Кўнгулларни сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.*

*Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.*

Шунга ўхшаш байту ғазаллар маъносини обдон тушунтирсак ва ёд олдирсак, ёшлар зехнида муҳрланиб қолади ва албатта, фойдаси бўлади. Исмоил аканинг девонида таҳсинга лойиқ бўлган “китоб” радифли ғазали борки, унда айтилишича, китоб ҳар кимга тўғри йўлни кўрсатиб, тўғрилиқка ундаб, унинг кўнглини нурга, маърифатга тўлдиради; ҳам қуёш, ҳам ой бўлиб, барчага зиё сочади. Одамизод ундан файз олиб, бошқаларга ҳам файз, эзгулик улашади.

*Тўғри йўл ичра одамни офтоб айлар китоб,
Ҳар кўнгилга нур сочувчи моҳтоб айлар китоб.*

*Қилса ким орзу Қуёшни ўзи ҳам бўлгай Қуёш,
Одамийни олам ичра файзиёб айлар китоб.*

Китоб ўқиб унга амал қилган одамлар икки дунё саодатига эришадилар. Чунки ҳақиқий китоблар инсонни фақат яхши-

ликка ундайди. Барча касб-хунар сирлари ҳамда барча илмлар унда жо бўлган. Ишнинг аввалини ҳам, охирини ҳам сарҳисоб қиладиган китобдир.

*Яхшиликка йўллагай ул икки оламда тугал,
Истасанг не эзгу ишни, мустажоб айлар китоб.
Барча касб-кору хунар, илм эрурким унда жо,
Ибтидою интиҳосин сарҳисоб айлар китоб.*

Муҳаббат деган олий ва соф туйғунинг чашмаси бўлган, саодатни ўзида жилвалантирадиган, айна пайтда иймон нурини сақлаб, ноёб дурга айлантирадиган, уни қадрлашга ва асрашга ундайдиган китобдир. Китобсиз, маънавиятсиз қалбда гуноҳ ва маъсият илдиз отади. Натижада инсон ҳақ йўлдан адашади. Китоб инсонга доим: “Қалбингни Ҳаққа бур, Ҳақ йўлига юр, ёмонликлардан сақлан”, – деб беминнат хитоб қилади.

*Ул муҳаббат чашмасидир, ул саодат манзари,
Нури иймонингни ҳар дам дурри ноб айлар китоб.*

*Ким қадам қўйса китобсиз, дилда унгай маъсият,
Ҳаққа бур қалбингни деб, тинмай хитоб айлар китоб.*

Аммо унутмаслик керакки, китоблар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзиси Шайтоннинг йўлини тарғиб қилса, айримлари Ҳақ йўлига даъват этади. Шунинг учун ёшларимизга қандай китоблар ўқиш ҳақида ҳам зарур тавсиялар бериш керак. Уларнинг мурғак қалбига зиё ва яхшилик уруғини сепадиган китобларни танлаш ва тавсия қилишдан эринмаслик даркор. Шоир айтганидек, яхши китобни бошимизга тож қиламиз. Зеро, китобнинг хусусиятларидан яна бири Ёрнинг ишларидан, кору боридан сени огоҳлантиради. Мумтоз адабиётимизда ёр инсонга нисбатан ҳам, Тангрига нисбатан ҳам қўлланган. Бу ўринда ҳар иккала мазмунда талқин қилсак ҳам, тўғри бўлади. Яъни, маъшуқ ошиқдан нималар талаб қилиши, унинг шарт ва хоҳишлари нималардан иборатлиги ҳақида ҳам китоб тўғри жавобни беради. Дарҳақиқат, муқаддас Қуръон ҳам, ҳадислар ҳам, ҳикматлар ҳам инсонга нима иш қилиш кераклигини айтади, унга тўғри йўлни кўрсатади.

*Маҳмудо, бошингда тутгил бўлса гар яхши китоб,
Ёр ишидан сенга ҳар дам чин жавоб айлар китоб.*

* * *

Бир қатор шоир ва олимларимиз Исмоил Маҳмуд шеъриятига ўз вақтида ижобий ва муносиб баҳо берган. Биз муносабат билдирмаган мавзуларга тўхталган. Шунинг учун улар диққат қаратмаган мавзулар устида мушоҳада юритдик. Лекин ҳали бошқа муҳим мавзулар, теша тегмаган образлар, халқона иборалар, қочиримлар, ошиқона ҳис-ҳаяжонлар ва адабий-бадиий санъатлар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Худо хоҳласа, улар ҳақида ҳам вақти келиб, соҳа мутахассислари фикр билдирадилар, деган умиддамиз.

Шеър – бу воқеа-ҳодисаларнинг қалбдаги инъикоси, ҳолатларнинг кайфият ва туйғуларга таъсир қиладиган нозик руҳий жараёнидир. Ҳар доим бундай руҳий ҳолатларни қоғозга тушириш муваффақиятли бўлмайди ва осон кечмайди. Шунинг учун ҳам мукамал шеър доим туғилавермайди, машҳур шоирлар ижодида ҳам етилмаган ва пишиб улгурмаган шеърлар учрайди. Шу боис, Исмоил Маҳмуд шеърларини ҳам мутлақо камчиликлардан холи, деган фикрдан йироқмиз. Девонда камчиликлар, айрим нуқсонлар бўлиши мумкин. Вақти келиб, улар ҳақида ҳам адабиётчиларимиз фикр билдирар.

Аммо бир нарсга аёнки, Исмоил Маҳмуд бу девон устида узоқ йиллар ишлаган, йилдан йилга шеърларининг пухта бўлишини таъминлаган ва ниҳоят халқимизга охирги ўн йилликлардаги энг мукамал девонни, арузда ёзилган энг сара шеърлар гулдастасини тақдим этган. Девонни эътибор билан ўқисангиз, бунга амин бўласиз. Дарвоқе, Исмоил аканинг ўз шеърияти ҳақидаги мана бу сўзлари ҳам эътиборни тортади: "Мен шеърларимни қандайдир ҳавас учун, обрў учун ёзмадим. Хусусан, ушбу девонни қалб амри, Аллоҳнинг берган илҳоми натижасида яхши ният билан қоғозга туширганман. Мен Аллоҳ ишқи, Расул алайҳиссалом муҳаббати, иймон, дину диёнат, панд-ахлоқ, ота-она ҳурмати, устоз қадри, юрт, Ватан севгиси, халқим саодати, тилимиз равнақи, табиатни асраш, ёшларнинг келажаги каби мавзуларда қайғуриб ёздим. Инсондан яхши боғ қолади, дейдилар. Мен Аллоҳдан мана шу "боғим" доим яшнаб туришини ва ундан номаи аъмолимга савоб бориб туришини, бу дунёда халқим олдида, қиёматда эса Аллоҳ ҳузурида юзим

ёруғ бўлишини умид қилиб қоламан. Ватаним, халқим ҳақида доим дуодаман:

*Раббано, Сен юртимизни ҳусни ҳолат айлагил.
Раҳнамомиз бирла элни соғ-саломат айлагил,
Файзу икромингни бизга чун зиёдат айлагил,
Тинчлигу шавкат билан аҳли барокат айлагил,
Қудратинг-ла барчани аҳли саодат айлагил,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.*

Мени билган, таниган ҳар бир инсонга яхшилик ва саломатлик тилайман. Машхур шоир Юнус Эмро айтганидек:

*Билмаганлар не билсин бизни,
Билганларга салом бўлсин!"*

Биз ҳам Аллоҳдан Исмоил акаemizга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодда ва ибодатда бардавомлик, юқорида айтган барча ниятларининг амалга ошишини тилаб қоламиз. Илоҳо, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, илму ижод аҳлига иймон, соғлик ва қайноқ илҳомлар доим ҳамроҳ бўлсин! Аллоҳ муваффақ айласин!

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
“Дўрмон” ижод уйи.
04.03. 2022.(1443. 1.08. жумъа.)

Ғ А З А Л Л А Р

«АЛИФ» ҲАРФИ АБДОЛЛАРИНИНГ АХТАРГАНЛАРИ БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ УЙҒОНИШ МАЪРИФАТИ

ҲАМД

Зоти покиннга ададсиз ҳамд ила бўлсин сано,
Мисли йўқ, қудратда чексиз, ё Илоҳо, Раббано!

Сен Ўзинг Раҳмон эрурсан, зоти покдирсан Азал,
Барча махлуқ ризқи рўзин айлаган шаксиз ато.

Марҳаматли Зот эрурсан ҳамда чексиз меҳрибон,
Жумла мўъмин дардига Сен бергучи ҳардам даво.

Аввалу охирда борлиқ ичра Сен танҳо Ўзинг,
Барча олам покланур зикринг билан айлаб нидо.

Жумла борлиқ ичра махлуқ ҳолидан огоҳ Ўзинг,
Мушкилу ташвишга барҳам бергучи Сен доимо.

Беадад неъматларинг бергувчи беминнат Ўзинг,
Йил бўйи ҳардам муҳайё айлабон олам аро.

Биз гуноҳкор бандаларни мағфират этгучи Сен,
Ҳақ йўлингда, эй Худоё, жонимиз бўлсин фидо.

Аввалу охирги ҳар иш сенгадир мутлақ аён,
Илму ҳикмат соҳибсан, дилга бергувчи сафо.

Ҳукми Ҳақни қилмагани билгучи ҳам сен Ўзинг,
Қилса амринг, ажрини бергучи Сен шому сабо.

Истаган бандангни юксак айлагувчи ҳам Ўзинг,
Ҳам эшитгучи, кўрувчи Сен ўзингсан аввало.

Қолмагай Сендан ниҳон ҳар неки махфий, ошкор,
Сенга маълум барча олам ичра ҳар бир муддао.

Соҳиби мутлақ адолат, лутфу эҳсон этгучи,
Дўстларига туну кун бахш айлаган нашъу намо.

Сен азимсан, мағфиратли зот эрурсан, меҳрибон,
Бандасига кўп мукофот бергучи, айлаб вафо.

Лутфи чексиз зот Ўзингсан, олиҳиммат ҳам латиф,
Ҳам назорат айлабон борлиққа бахш этдинг жило.

Дўсту маҳбуб ҳам Ўзингсан, бандаларни севгучи,
Яхшилик истовчи ҳар дам, ибтидою интиҳо.

Неъмату эҳсони чексиз, Зот эрурсан бокарам,
Барча олам равнақи Сендан эрур, ё раҳнамо.

Соҳиби шафқат эрурсан барча осий бандага,
Қаҳринга дуч келса ким, анга муқаррардир жазо.

Зулмат ичра қолмагай ҳар кимки иймон соҳиби,
Нурга етгай қилса гар фазлинг сўраб дилдан дуо.

Сен ўзингсан жон берувчи, жон олувчи то абад,
То абад мавжуд турувчи ҳам ўзингсан Кибриё.

Сен Ўзинг мутлақ ҳақиқат, соҳиби раҳмат Ўзинг,
Ҳақ Ўзингсан, Ҳақ сўзинг, жоиз эмас Сенга хато.

Бирлигинг, боқийлигинг зотингдадир асли Сенинг,
Барча ҳикматлар зиёси, маҳзани илмингда жо.

“Бўл” деддинг олам яралди, қудратинг чексиз буюк,
Истаган кунда қиёмат айлағайдирсан бино.

Истасанг, қудрат билан ҳар нарса чин бўлгуси рост,
Гар ирода айласанг Сен, ўзгарур арзу само.

Истаган бандангни олис қилгучи ҳам сен ўзинг,
Ҳам яқин этгунг Ўзингга кетса дилдан мосиво.

Аршу Курсию самовот йўқ эди, Сен бор эдинг,
Барча оламини яратдинг Сен мукаммал, бехато.

Бирлигинг, Қодирлигинг, Ғофирлигинг, Одиллигинг
Барчаси бергай ҳаловат икки олам жон аро.

Биру борсан, Раббимизсан ҳам иродангдир буюк,
Хоҳишинг бирла тасарруф айладинг субҳу масо.

Яхшилик, эҳсони чексиз Сен мурувват соҳиби,
Беадад ажру мукофот бергучи айлаб расо.

Айлабон билмасни доно, авлиёни безабон,
Фикру ўйига қараб ким ажратиб оқу қаро.

Фазлу ажринг бирла ҳардам марҳамат айлаб Ўзинг,
Икки олам бандаларни асрабон бўлгунг пано.

Борлиқ олам хожаси, ҳам ҳукмдори Сен Ўзинг,
Тавфиқинг бирла каломинг барча дилларга шифо.

Икки оламда азизу ҳам мукаррам бўлгуси,
Норасо ожиз қулингдан Сен агар бўлсанг ризо.

Бергучи мазлумга имдод, ҳамда золимга ҳаё,
Йўлга солгувчи Ўзингсан юрса ким бесару по.

Сенга муҳтож барча махлуқ, раҳматинг этгай умид,
Сен эмассан эҳтиёжманд ҳеч бирига мутлақо.

Зикру шукрингни қилур борлиқ аро ҳар махлуқот,
Олмагай ҳосилни ҳаргиз бўлса ким бемуддао.

Дўстидирсан барча иймон аҳлининг танҳо Ўзинг,
Еру осмон қат-қати нурингдан олгайдир зиё.

Ҳақ-ҳидоят йўлини Сен кўрсатиб ҳар бандага,
Бергасен истакларини бўлса тақвода шужоъ.

Сен яратган заррадек ҳеч кимса барпо айламас,
Неки бордир нухасиз, Сен айладинг, Ҳақ, ихтиро.

Махлуқоту мумкиноту ҳодисоту воқеот,
Барчаси измингдадир адлинг билан беиштибоҳ.

Йўқ ибодат айламакка Сендан ўзга ҳеч Илоҳ,
То абад, эй Молико, Сендан эрур нур ул-ҳидо.

Васф этай қай бир сифотинг ноқис ақлим бирла мен,
Айбсиз ёлғиз Ўзингсан, бандаман мен норасо.

Нури аъло манбаисан, Сен сабаб олам ёруғ,
Борлиғинг ҳар лаҳза, ҳар он жумла оламга ғизо.

Сен кечиргил, шавқи ишқинг бирла носоз сўзласам,
Боиси Сенга муҳаббат, бандадирман пурхато.

Қудратинг чексиз, ададсиз, банданга этгил раҳим,
Фазл ила этгил афу Сен айласам гар мен хато.

Асрагил хавфу хатардан, Сен гуноҳкор кимсани,
Қодиру доно Ўзингсан, қилмагил номам сиёҳ.

Илтифот этгил қулингга, келди истиғфорга тил,
Раҳматинг тутма дариғ, Ҳақ, этмагил ҳолим табоҳ.

Марҳамат қил, қўлла, лутф эт, пурхато, дилхастага,
Ҳақ Расулингдан шафоат айлабон қулга раво.

Барча олам ичра танҳо қудратинг чексиз, буюк,
Салтанатда тенги йўқсан, ё Илоҳо, Подшо!

Зоти покингга ададсиз ҳамд ила бўлсин сано,
Мисли йўқ, қудратда чексиз, ё Илоҳо, Раббано!

Барча олам Роббидирсан, Сенгадир ҳамду сано!

* * *

Дилоро, бир назар солгил бу хаста мубталойингга,
Мурувват айлагил васлинг талабгор бир гадойингга.

Ики олам жамолингсиз менга зулмат, қоронғудир,
Мунаввар айлагил кўнглим этиб ошно зиёйингга.

Хароб ўлмакдаман сенсиз, сезар дил эҳтиёж ҳар дам,
Ҳамиша, ҳар нафас, дилбар, бўлиб ташна ғизойингга.

Туну кун ахтариб васлинг кўйингда дарбадардирман,
Насиб эт илтифотингни бу ожиз бебақойингга.

Паришон хас қаби ҳар ёна тўзгайман қанотим йўқ,
Мадакорим Ўзинг ёлғиз, раҳм қилгил адойингга.

Илинжим йўқдурур сендан бўлак бир риштага ҳаргиз,
Тараҳҳум айла, маҳталман туну кун зери пойингга.

Муборак ҳусни ҳолингни тилаб афтода Маҳмудман,
Дилоро, ҳар замон, ҳар дамда муҳтожман ризойингга.

* * *

Эй Худое, этма ҳаргиз яхши инсондан жудо,
Яхши инсонларга берган яхши имкондан жудо.

Ҳар не ишким қудратингнинг файзидан топгай ривож,
Ишқ аро пойида қилғил, этма дармондан жудо.

Гулни истаб бу қўнгил булбул каби овворадир,
Солмагил такрор жудолиғ, этма бўстондан жудо.

Хушнаволар суҳбатига интилар жону дилим,
Қил улар издошларидан, этма майдондан жудо.

Ким азал қолу балода Сен Ўзинг ёр айладинг,
Сен Ўзинг ёр эт вафога, этма иймондан жудо.

Сарвқадлар гулшаниким мисли ул ризвон эрур,
Бас, тараҳхум айла бир бор, этма эҳсондан жудо.

Руҳи содиқлар ичинда бор қил Маҳмудни ҳам,
Айлагил қулни мукаррам, этма жонондан жудо.

* * *

Сен сабабли англадим мен дарди ишқинг, дилрабо,
Дарди ишқимни бу кун сен руҳима этгил ғизо.

Маҳлиё этдинг чунонам ҳусну одобинг билан,
Қанча интилмай сенга мен, топмади дард интиҳо.

Ҳажри дардингдан вужудим ҳар дам оташ ичрадир,
Бир сени деб ўтди умрим кўрмайин ҳаргиз вафо.

Кўзга айланди вужудим ҳар тарафга термулиб,
Бўлди бағрим таҳ-батаҳ қонким, чекиб сендан жафо.

Ташналаб ҳар ён боқурман, қайдасан деб, эй нигор,
Ваҳ, азобинг ичра қолдим билмайин нашъу намо.

Шум рақиблар ҳолима кулгай паришон қолди деб,
Бу паришонлиғ аро ҳам айладинг қалбим яро.

Тийғи ҳасрат ичра Маҳмуд хастадилдир, нотавон,
Васлинг уммидини, эй ёр, этмагил мандан жудо.

* * *

Ўзбекистон кучди борлиқ ичра иқбол босафо,
Элу юрт оламча бахтдан топди файз олам аро.

Халқ, Ватан бу ишда ҳардам қўллади Сарварни рост,
Ул буюк Соҳибқирон шахт азмини этди бажо.

Жо-бажо бўлди ёруғ йўлларда даврон шуҳрати
Ҳам зафар кучди этиб майдонда халқ аҳду вафо.

Эл саодат йўлида топди бу кун хос йўлниким,
Ҳар вужудда порлагайдир Ҳуррият – нури Худо.

Эртаси бундан буюкдир бу заминга бахт насиб
Чин саодат нуридан топди фараҳ арзу само.

Қўкка бўй чўзмокда масрур турфа гуллар баҳравар,
Бу барокатдан Ўзига айтибон ҳамду сано.

Барҳаёт пиру азизлар руҳи шод ажри сабаб,
Икки оламнинг саодат файзидан топгай ғизо.

Ушбу айём қон-қариндош барча миллат иттифоқ,
Айлағаймиз шукрин ул Зот ҳаққига айтиб дуо.

Бу муборак тонгда Маҳмуд васф этар иқболини,
Асрасин Ҳақ мустақиллик бахтини – шу муддао.

* * *

Дўст ила суҳбатда ҳаргиз қилмагил кибру ҳаво,
Қолмагил охирда ёлғиз бир ўзинг шайтон аро.

Молу мулку, шуҳрати-ла ўлчама дўст қадрини,
Қўймагил нарху наво сен дўстинга даврон аро.

Дўстинга дўсту биродарлик билан қил оқибат,
Дўст ила тутгил йўлингни бу улуғ майдон аро.

Ҳар қачон аввал қадам қўй, кутмайин дўстинг сари,
Кибр ила фарёд чекма дўстсиз тўфон аро.

Икки олам ҳикмати бу – дўст азиз, инсон азиз,
Эй кўнгил, қадрини билгил, ўтгучи ҳар он аро.

Қасру вайрон ичра бир ҳис, бил, азиз бўлгай абад,
Дўст тафти бирла бўлса гар ёруғ иймон аро.

Яхши дўстлар, Маҳмудо, билгил, саодат машъали,
Ул борар йўлингни нурли айлагай бўстон аро.

* * *

Ишқида васлини истар бўлса ким ҳижрон аро,
Топмагай жононин ошиқ, чекмаса дард жон аро.

Шавқида ёнган кўнгил нокасга бермас аҳдини,
Топгуси ёрин висолин, бўлса ким дармон аро.

Ул қуёшга юз тутиб, олам мунаввар бўлди, боқ,
Ой каби зулматда қулгай бўлса ким майдон аро.

Эргашиб дарёга ирмоқ бўлди уммон оқибат,
Ул куни топгай ризосин, бўлса ким мардон аро.

Дардсизлар икки олам ичра, билгил, хор эрур,
Яхши одам қолмагай ҳеч оқибат шайтон аро.

Бу синов дунёсида бор турфа майдон, турфа йўл,
Тортадир тақдир жазосин, бўлса ким нодон аро.

Маҳмудо, Ёринг ризосин олам ичра истагил,
Молу дунё ҳам ҳавас деб, қолмагил ёлғон аро.

* * *

Бўлма ғофил, бу ҳаётда, ҳар нафасдан топ зиё,
Кеча-кундуз, шоху дарвеш, хору хасдан топ зиё.

Офтобу ой зиёси барчага бирдек аён,
Қудрати Ҳақдан таралган турфа сасдан топ зиё.

Қумрию булбул овози чун азалдан хуш турур,
Анга жўр пойингдаги фарёдрасдан топ зиё.

Яхшилик бирла ямонлик ичра олам эврилур,
Иккисининг ранжини чеккан у касдан топ зиё.

Боғми ё ёбон қолурким, босган издан, эй рафиқ,
Ғойиби руҳда шараф топган ҳавасдан топ зиё.

Ожиз ақлинг олмагай, бахш этмаса ёр нуруни,
Фурсати берган зиё бору абасдан топ зиё.

Дил аро, Маҳмуд, саодат изла ишқин комида,
Неъматини бирла Худо берган жарасдан топ зиё.

* * *

Марҳамат этгил қулингга ишқ аро йўл, Дилрабо,
Айлагил мақсадга молик, сен шоху мен бир гадо.

Истабон келдим адамдан мен жамолинг васлини,
Сен сабаб, ишқинг сабабким, туну кун дилда сафо.

Ваъда боис ўртанур дил ким ризойинг олгали,
Билмадим, ошиқ кўнгилдан ўтдиму ёким хато.

Бандаман, ожиз қулингман, маъсият ичра кўнгил,
Сен саодат бермасанг гар, қилмишим бори адо.

Дарди ҳижрон ичра бу дил оғригай истаб висол,
Сенсиз ўтган ҳар дақиқа менгадир ҳадсиз жазо.

Туну кун ёдимдадирсан, ақлу ҳушим сандадир,
Ҳақ Ўзингсан, Ёр Ўзингсан, бошқаси дилдан сиво.

Икки олам қудратимсан, икки олам нусратим,
Бўлмагай маҳмуд ҳеч ким топмайин сендан ризо.

* * *

Бўлмасанг ҳақ йўлда, эй дил, ҳар ишинг, билгил, хато,
Битмагай ҳар қанча аҳдинг бўлса ҳамки муддао.

Фисқу каззоблик ила топган ошинг бўлмас ҳалол,
Нокасу ножинс аҳли қилмагай ҳаргиз вафо.

Ўтгану кетганга боққил, топди ким охир савоб,
Ҳар ишинг мезонда тургай ибтидою интиҳо.

Норасолар бирла ҳаргиз топмагай манзилни дил,
Тўғри йўлда бўлса гар ким, фазл топгай бебаҳо.

Икки олам раҳматини олса ким, топгай шараф,
Топмаган ажрин ҳамиша айлагай воҳасрато.

Маҳмудо, зикрини айлаб кўйидан топгил савоб,
Ким савобдан бўлса маҳрум, хор эрур Рўзи жазо.

Бил, шариф айлаб мисоқдан Ҳақ сени этди азиз,
Шу азизлик ичра тургил, ҳаққига айтиб сано.

* * *

Неча чоғларким нигорим васли дилда муддао,
Ранж алам-ла айларам уммидида мен илтижо.

Шарҳи ҳол айлай десам, дардима бир сирдош йўқ,
Изламак-чун ихтиёр этмакка йўқ бир раҳнамо.

Суврати одам, валекин сийрати бежонман,
Изласа топгай мени бу ҳолда ҳар ақли расо.

Дард элининг лутфидан ҳеч бўлмади менга насиб,
Шул сабабдан ҳар қадамда айладим беҳад хато.

Ҳажр аро қолди муаллақ еру осмон ичра дил,
Ким бўлибдирмен бу ҳолдан олдида мен юз қаро.

Қилмишимдан топмадим наф, ҳар ишим бўлди тамаъ,
Ушбу феълимдан муҳаббат дардидан бўлдим сиво.

Маҳмудо, сен ноумидлар бирла асло тортма саф,
Ағниёдир икки дунё ганж топган ишқ аро.

* * *

Яхшидир ҳар дилда бўлса яхшиларга иқтидо,
Яхшилиқ келгай кўнгилда, бўлса шундай муддао.

Яхшиларга эргашиб топгай кўнгил ўз матлабин,
Ким қадам қўйса бу йўлга топгуси руҳга ғизо.

Чекса бу йўлда риёзат ҳар киши топгай фараҳ,
Бу саодат риштасин тутгай, билинг, ақли расо.

Ажри Ҳақни топди кимки, топгай ул жаннатга йўл,
Ким сўрар Ҳақдан паноҳ ул бўлмагай юзи қаро.

Норасодан қилмагил ҳам ҳар хатардан асрагил,
Марҳамат айлаб менингдек бир қулингга, Роббано.

Икки оламда азиздир яхшилар ишқ ичраким,
Ҳақ йўлида бўлса ким, ишқ аҳлига ул тўтиё.

Беҳаёлар бирла, Маҳмуд, топмағунг ҳаргиз шараф,
Яхшиларга эргашиб топсанг ажабмаским ризо.

* * *

Раҳматинг бирла мунаввар айлагил, эй маҳлиқо,
Ҳажри дардинг ичра дардманд бу кўнгил топсин шифо.

Айлагил махмур дардинг бирла жомдан май суниб,
Ботинимга бахш этиб сен ҳар нафас нашъу намо.

Айла фориғ даҳри дуннинг ишвасидан қулни сен,
Зор этиб ёлғиз Ўзинга туну кун, эй, дилрабо.

Махзанингни топгали ширин калом қилгил мани,
Мубталолар суҳбатида айлабон руҳга ғизо.

Ожизу ноқис қулинг шарр аҳлидан қилгил йироқ,
Дил уйимга бахш этиб сен ҳар нафас, ҳардам зиё.

Бохабарлар ичра ҳаргиз бехабардан этмагил,
Ҳикматинг бирла дилимни айлагил сен кимийё.

Эй нигоро, Маҳмудингни чин шафоат ичра тут,
Айлабон Ҳақ йўлда ҳардам сен ўзинга ошно.

* * *

Ёр дарди ҳам шифодир, этмагил ондан жудо,
Тийғи ҳам малҳам эрурким, этма пайкондан жудо.

Ёр, ҳажринг ўтидан диллар мунаввардир азал,
Этмагил ҳаргиз мани ул дарди сўзондан жудо.

Топмайин асло назар ўтмакдаман, лек бор умид,
Сарви қадлар ичра айлаб этма эҳсондан жудо.

Айрилиқ заҳми кўнгулни таҳ-батаҳ қон қилдило,
Айлагил раҳна солувчи макри шайтондан жудо.

Жоми майда акс этар ҳар дам жамолинг жилваси,
Этма дилга ўт солувчи шамъи рахшондан жудо.

Бас, таважжуҳ ичра кўнглим истагай васлингни, ёр,
Этмагил ҳаргиз кўнгилни шавқи пинҳондан жудо.

Доғи ҳижрон ичра Маҳмуд эҳтиёжи ишқ эрур,
Соҳиби қудрат ўзингсан, этма имкондан жудо.

* * *

Сўрсалар “Ҳолинг надир” деб Ул Куни Ҳақ Мустафо,
Ул қиёмат ваҳмидан қўрқиб дегум “Вовайлато”.

Сен шафоат айласанг, умматга ҳеч бўлмас азоб,
Мен гуноҳқор бандага Ул Кун раҳим эт, эй Дило.

Қўрқаман маҳшарда дўзах оташин ўйлаб бу дам,
Шул сабабдан тавба бирла сенга қилгум илтижо.

Энди қолган ҳар даимини хайр этай тоат билан,
Сен ўзинг берган итоат бирлаким, эй Раббано.

Ўлмайн ўлсам тириклик вақтида нақдим шудир,
Суннати Акрамни тун-кун ишқ ила айлаб бажо.

Ваъда айлаб алмисоқда қилмадим ҳаргиз амал,
Энди тавба ичра дерман туну кун “Во ҳасрато”.

Ҳақ назар айлаб Расул уммат деса, Маҳмуд, У Кун
Раҳмати ичра бўлиб маҳшар юзинг бўлмас қаро.

* * *

Менгамас ағёрга, эй ёр, эътиборинг бошқача,
Нозу истиғно ароким ихтиёринг бошқача.

Дард аро ошиққа ҳар дам бу каби ҳижрон нечун,
Ёр ўлиб ағёра, эй ёр, иқтидоринг бошқача.

Туну кун кўнглимга боқмай зулм этурсан нечаким,
Ваъдага этмай вафо ҳеч кирдикоринг бошқача.

Ўзгалар фикри ила кулгай дилинг офтоб мисол,
Мен сўз очсам тингламай қилган қароринг бошқача.

Маҳлиқолар пешаси шундай эрурми ё азал,
Сенда ҳам шундаймикин ё дилда боринг бошқача.

Кўрмадим оламда сендай бевафолар тарзини,
Хусн аро дил йўқми ёким ёра доринг бошқача.

Маҳмудо, ҳолингга ағёр айтадир: «Қилмас вафо,
Чекма ғам, кўп нотавон кас, гулгузоринг бошқача».

* * *

Дилрабо, севдим сани ман, иқтидорим борича,
Сен ўзинг этган ато қувват-мадорим борича.

Сарварим, руҳи равоним икки оламда ўзинг,
Танда жон ургай сани деб ихтиёрим борича.

Ҳар нафас, ҳардам висолинг ишқида ёнгай кўнгил,
Кипригим қоқмай боқурман эътиборим борича.

Ёр ҳажрида тоғу тош, сахро аро кезгай бу дил,
Кўҳкандек ҳамки мажнундек хуморим борича.

Кўкда ойу ҳам қуёш ҳечдир жамолинг олдида,
Сенга юз тутгай кўнгил лайлу наҳорим борича.

Дард аро, ҳижрон ароким хаста кўнглим шод эмас,
Бил, кўнгил чеккай риёзат дилда зорим борича.

Дилрабо, ҳар не азобинг ичраким маҳмудиман,
Интилурман сен томон сабру қарорим борича.

* * *

Азизлар азмидир ҳар дам кўнгилни ёра соз айла,
Бўлиб дўстинг билан ҳамроз дилингни сарфароз айла.

Ҳаётинг саҳнида кезгай баҳор, қиш ҳамда, бил, кузлар,
Қилиб боғ ичраким мева ўтар умрингни ёз айла.

Улуғлар васфидан ибрат олиб тузгил ҳаётингни,
Ки дастинг борида сен ҳам бу умрингни ниёз айла.

Бу нусрат бирлаким ҳар дамда касбингга ривож бордир,
Ғизони руҳга кўп айлаб, бало нафсингни оз айла.

Амонат ҳар нафас, фурсат, бу дамлар бебаҳо, эй дил,
Ямону яхшига бирдек этар туҳфангни боз айла.

Топилмас, кетмагай давлат эрур дийдор ики олам,
Ки дўстга боғлагил дилни таважжуҳ ичра роз айла.

Ёронлар ибратин олмай бу умринг бебаҳо ўтди,
Тазарру айлабон, Маҳмуд, ўзингга эътироз айла.

* * *

Юртимиз топгай шараф-шон баркамол авлод ила,
Эл аро шуҳрат қозонган покиза зурёд ила.

Тер тўкиб ҳар жабҳада ҳам айлабон марднинг ишин,
Шавқ меҳнат ичра топгай диллари озод ила.

Кўрсатиб ўзни муносиб, шон қучиб майдон аро,
Қудрати ортиб борар ул шиддати Фарҳод ила.

Тенг аро тенглар бўлиб бул кун жаҳон айвонида,
Довруғи оламни тутган барқарор, дилшод ила.

Мустақил, ҳур мамлакатнинг эртаси, шони бўлиб,
Пойгада ғолиб ўғил-киз қомати шамшод ила.

Ташлабон шахдам қадамлар ул буюк аждодга хос,
Оға-ини қўл бериб қучгай зафар, имдод ила.

Бу каби ёшлар билан, Маҳмуд, Ватан обод эрур,
Айласанг мадҳини қанча кам эрур ижод ила.

«БЕ» ҲАРФИ БАҲРАЁБЛАРИНИНГ
БАШОРАТЛАРИ

Тилу дилни Ўзинг зикру санода айлағил, ё Раб,
Санга ишқу қароримни зиёда айлағил, ё Раб.

Зухуру ҳикматинг бирла мунаввардир ёруғ олам,
Чароғи исматинг ичра сафода айлағил, ё Раб.

Саодатга эришгай ким Ўзингдан ўзгага боқмас,
Ҳузурингга борур чоғда ҳаёда айлағил, ё Раб.

Бу дунё ишваси ичра ўтибдир кунларим ғофил,
Тилармен, қолган умримни дуода айлағил, ё Раб.

Сиротол мустақим узра манга хуш ҳолидан бергил,
Ўзинг суйганга бор этган бақода айлағил, ё Раб.

Гуноҳқор бандаман, эвоҳ, ўтар ғафлатда бу умрим,
Афу этгил бу осийни, шифода айлағил, ё Раб.

Тазарру ичра чун Маҳмуд туну кун раҳматинг сўргай,
Ўтар умрим Ўзингга чин вафода айлағил, ё Раб.

* * *

Келса ғам, шодлик бошингга Қодири якто сабаб,
Лавҳи маҳфузда битилган тақдири фардо сабаб.

Имтиҳон айлар сани ҳар дамда Ҳақнинг қудрати,
Тўғри йўлда юрганингга ҳикмати пайдо сабаб.

Ўйлама бир ишни ҳаргиз мен ўзим қилдим дея,
Ҳар қадам, ҳар бир сўзингга раҳнамо доно сабаб.

Холиқи якто мукаррам айлади фармон ила,
Одам авлодига боис саййиди барно сабаб.

Ўн сакиз минг олам изни котиби қудратдадир,
То қиёмат ҳақ нурун сочгай санга тақво сабаб.

Юрмади ким тўғри йўлдан топгуси охир зарар,
Журму исёнингга нафсу ул лаъин гумроҳ сабаб.

Маҳмудо, шукрини қилгил ҳар нафас, ҳар дамни сен,
Неъматни Ҳақ ичрадирсан қудрати огоҳ сабаб.

* * *

Сенга боққан бандага маҳшар куни йўқдир азоб,
Эй Дилоро, кўнглим ичра сен ўзингдир офтоб.

Васли ёдинг бирла, ёрим, ҳар дамим ўтгай ёниб,
Илтижо ичра турурман, кўзларимда дурри ноб.

Бу кўнгил истар сени, бас, қилмагил ҳолим забун,
Сен ўзингсан икки олам дарда малҳам моҳитоб.

Зоти поклар адли азминг бирла топди ажрини,
Айлагил шу йўлда дилни этмайин ҳолим хароб.

Иллатим кўпдир, кўнгул равшан эмасдир ҳар замон,
Шод этиб оввора қулни айлагил кўнглига тоб.

Айрилиқда ғам чекарман истабон сендан нажот,
Сендан ўзга ёр йўқдир, сен ўзинг дилга ижоб.

Ўртабон Маҳмуд дилни, баским, тағофул этмагил,
Қулга ҳам, ёрим, керакдир охиратлиғ – чун савоб.

* * *

Ёр дардин чекмаги ошиқ учун гарчи савоб,
Ҳажр ила руҳу танамга солмагил, ёрим, ҳижоб.

Руҳга тобе айла жисмим истагин ҳар дамда сен,
Шу саодат бирла сен бахш айла менга интисоб.

Айлагил дафъ нафсу шайтон макрини шул йўл аро,
Дилдаги ишқим сенга ҳеч бўлмасин ёрим сароб.

Айлабон руҳимни султон, нафс итини банди қил,
Бу вужуд саҳроси ичра ул лаъин чексин азоб.

Ишқ дардин сен зиёда айла, Дилбар, туну кун,
Айлагил руҳу танамда шавқи ишқинг дурри ноб.

Ҳолима беҳбудлиғига сен ўзинг ёлғиз сабаб,
Сен яқин қил, ёр, ўзинга, қилма ҳаргиз ижтиноб.

Маҳмудо, дардида ҳардам сен ўзингни шод қил,
Ул Куни Маҳшарда этгай ёр ўзи, бил, сарҳисоб.

* * *

Топди кўнглим ишқи Ҳақни сенга, эй ёр, юзланиб,
Англадим ботинда шавқин сенга, дилдор, юзланиб.

Истадим майхона ичра ҳусни ҳолинг, дилбарим,
Шавқи беҳудлик аро васлингга бедор юзланиб.

Сун қадаҳ, соқий, шаробинг жилвалансин дил аро,
Зоти покингга этай мен ўзни изҳор юзланиб.

Ёр васлин истабон ҳеч даҳри дунда топмадим,
Тургамен ранжу аламлар ичра бемор юзланиб.

Матлабим васли жамолинг иштиёқи ичрадир,
Қисматим зикрингни қилсам – ёр, такрор юзланиб.

Гар лабингдан истарам бир хуш калом дард ичраким,
Айласам зикрингни, ёрим, дилда иқрор юзланиб.

Ёр, лаълингдан тилармен хуш калом дард ичраким,
Бу фано дайрида ёлғиз сенга хуммор юзланиб.

Ишқ аро, Маҳмуд, жафоси васлига восил эрур,
Ажрини топсанг ажабмас, ёра зор-зор юзланиб.

* * *

Эй Дилоро, борлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб,
Туну кун бедорлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб.

Ақлу хушдан айрилиб, девона бўлдим шунчалар,
Дард аро беморлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб.

Шамъи дил равшанлиғи сендир эрур, эй маҳлиқо,
Ғам аро абгорлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб.

Топмадим ҳаргиз ўзингдан ўзгани очун аро,
Даҳр аро хумморлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб,

Аҳли ҳусн ичра Қамарсан ҳам Қуёш танҳо ўзинг,
Васлингга зор-зорлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб.

Осмони ишқ аро сен порлагайсан, мен хароб,
Эл аро бу хорлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб,

Ёр азоби ошиқ аҳлин ёндирар, Маҳмуд, азал,
Ишқ аро шамъворлигимга Сен сабаб, ҳижрон сабаб.

* * *

Топмагай ҳеч кимса фойда эл аро манмансираб,
Гердайиб ҳар ерда юрса беҳаё манмансираб.

Камтаринлик бирла ҳар инсонга келгай эътибор,
Турмагай ҳеч ерда ҳеч аҳли расо манмансираб.

Тўғри йўлга бурмайн юз баъзилар ғафлатдадир,
Мисли шайтон Ҳаққа ул айлаб риё, манмансираб.

Аҳли дониш, бил, мақомат ичраким топгай зиё,
Нафсига қул бўлмайн, қилмай хато манмансираб.

Илму ҳикмат офтоби айлагай ёруғ юзинг,
Феъли баъдлар бирла бўлма юз қаро манмансираб.

Шавқи ишқи бирла ҳар дил Ҳақ ризосин англагай,
Бўлмагай аҳли расо ҳеч бевафо, манмансираб.

Маҳмудо, эл ичра ҳаргиз фисқу исён этмагил,
Бўлди қанча беибо эсдан жудо манмансираб.

* * *

Ошкор эт ёра кўнглинг дилда ҳурмат билдириб,
Ҳар қадам, ҳар бир нафас дилдора рағбат билдириб.

Ишқида топгай кўнгил васлини ҳар дам ҳажр аро
Ҳажрисиз беҳуда чекма дарду ҳасрат билдириб.

Бил, фироқи ҳар кўнгилга чин шифо малҳам эрур,
Турса ошиқ изтироблар ичра роҳат билдириб.

Очилур гул-гул каби юз шавқи ошиқ тафтидан,
Эътибор бирла агар ким турса хизмат билдириб.

Чарх ранжидан азал севган кўнгил дард ичрадир,
Этса осон мушкулин гар ёр ҳиммат билдириб.

Беҳабардан қилмагайдир айлагай лутфу карам,
Бир куни қилгай назар ул, турса ғайрат билдириб.

Маҳмудо, ҳолинг баён эт, бўл талабгор ажрига,
Соқие май сунса, шод ўл, сенга неъмат билдириб.

* * *

Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли ижод мактабида таълим олаётган истеъдодли ўқувчиларга.

Кўз қувонгай ҳар қадамда иқтидорларни кўриб,
Бу ҳаёт завқида хушрўй аҳди борларни кўриб.

Илму урфон матлабида бўйлашиб шому саҳар,
Яшнаган ҳар дамда қалби навбаҳорларни кўриб.

Ахлоку одоби бирла дилда топгай эҳтиром,
Тортасан хушёр ўзингни барқарорларни кўриб.

Соф ҳаво, шаффоф кўнгилда улғаяр юрт эртаси,
Юксалар руҳинг муаззам эътиборларни кўриб.

Устоду шогирд мақоми дилга чўғ солгай мудом,
Ёш Алишер, Эркину чин ифтихорларни кўриб.

Ҳар кўнгил, ҳар дилда шундай авжи ишқ этгай давом,
Рух жўшар такрору такрор гулўзорларни кўриб.

Маҳмудо, шукрингни қилғил бу улуғ айём аро,
Эртаси бундан-да юксак бахтиёрларни кўриб.

* * *

Эй, нигоро, қилма абгор васлинг сен зор этиб,
Бермагил кўнглимга озор ишқ аро йўл тор этиб.

Топмадим ҳаргиз висолинг дард аро, ҳижрон аро,
Қилмагил ҳолимни мурдор сен они бекор этиб.

Чин муҳаббат икки кўнгил ичраким асрор эрур,
Айла жо асрорини дилларга сен ҳушёр этиб.

Чун бу кун ҳолим кўриб, дўстинг куяр, ағёр шод
Тут ўзингни менга ғамхўр, раҳми дил изҳор этиб.

Умрим ўтда ҳажринг ичра бемажол, жонсиз таним,
Этмагил ишқимни рад ҳам қўймагил абгор этиб.

Бевафо дунё ароким чин вафо қилгувчисан,
Айлагил бу қулни масрур толиби дийдор этиб.

Дард аро сен, жисм аро сен, танлади дил бир сени,
Этмагил Маҳмудни инкор доҳили ул нор этиб.

* * *

Ота-онанг дўстини кўр, бир замон фурсат топиб,
Тўртта нон бирла хабар ол вақтида журъат топиб.

Суҳбату дийдор ғанимат бебаҳо зотлар билан,
Ота-онанг тафти келгай тингласанг ҳикмат топиб.

Руҳи шод ўлгай отангнинг ҳам онангнинг, эй ўғил,
Бу ибодатдан ривож олгай ишинг раҳмат топиб.

Ҳеч киши қолмас бу олам саҳнида, бўлмас сутун,
Элу юрт эслар кишини кетса гар ҳурмат топиб.

Ҳақ таоло бандасин этди мукаррамким азал,
Кетмасин юзи қаролиғ бирла ул кулфат топиб.

Икки олам неъматин қалбида қилгай ҳар қачон,
Ота-она, Ҳақ ризосин олса ким ғайрат топиб.

Маҳмудо, асли азизлар бирла сен суҳбатда бўл,
Ортидан эргаш аларнинг кетсалар жаннат топиб.

* * *

Ҳеч киши бўлмас мукаррам қарзини узмай туриб,
Бўлмагай халқ ичра хуррам қарзини узмай туриб.

Мард ишидир чин вафо ёр, ота-она, юртига,
Топмагай бахтини ҳеч ҳам қарзини узмай туриб.

Ваъда дўстига бериб, вақтида этмаслик гуноҳ,
Бўлмагай бу ишда бекам қарзини узмай туриб.

Этмайин Ҳаққа диёнат ким фароғат топди чин,
Топмади файзида ҳамдам қарзини узмай туриб.

Ҳақ таоло бандасин этди азиз олам аро,
Кетмасин юзи қаро ҳам қарзини узмай туриб.

Охиратга қолмасин қарзи бирор бир банданинг,
Кетмасин ҳеч битта одам қарзини узмай туриб.

Маҳмудо, қай дилки боққил, фазлидан топди қарор,
Ким қадам жаннатга қўйгай қарзини узмай туриб.

* * *

Очмагил кўнглингни ҳаргиз ошно бўлмай туриб,
Айтма сўз беҳуда ҳаргиз муддао бўлмай туриб.

Ишқпарварлик билан кўнглингни доим ёдда тут,
Очма лаб қалбингда ҳаргиз маҳлиқо бўлмай туриб.

Дарди йўқлар ғафлат ичра ўтгуси ўздан кетиб,
Изла ёринг туну кун андан жудо бўлмай туриб.

Ушбу оламни зироатгоҳ билур аҳли фано,
Бу улугъ неъматни топ андан сиво бўлмай туриб.

Аҳли ишқ ичра топар ким излагай чин муддао,
Топмагайсан йўлни ишқидан шифо бўлмай туриб.

Бил, риёзат чекмайин тоққа чиқолмас ҳеч киши,
Етмагайсан ёринга андан жафо бўлмай туриб.

Икки олам ҳикмати ҳар кимга ҳам этмас насиб,
Бандасига, Маҳмудо, Ҳақдан сафо бўлмай туриб.

* * *

Оқибатсизларга, эй дил, оқибат қилган савоб,
Оқибат ичра кўнгилни тарбият қилган савоб.

Тафтини сочгай қуёш тўлдириб қалбингга нур,
Ул қуёш нурини нурсиз дилга хат қилган савоб.

Ажрини бергай Худойим анга неъмат ичра ким
Вақтида муҳтожга ёрдамни ният қилган савоб.

Бирга ўн бергайдир Аллоҳ, ваъдаси бордир азал,
Бу ҳидоятни ўзига руҳият қилган савоб.

Ноқису фожир ишига сен кўнгилни боғлама,
Қанча эрта ўз-ўзини ҳурсифат қилган савоб.

Чикмади рўёбга ҳеч ким бевафолик касбида,
Ҳақ йўлида ҳар қадамда хайрият қилган савоб.

Бевафолар ичра, Маҳмуд, сен вафо расмини тут,
Бебаҳолар бирла руҳни аслият қилган савоб.

* * *

Тўғри йўл ичра одамни офтоб айлар китоб,
 Ҳар кўнгилга нур сочувчи моҳтоб айлар китоб.

Қилса ким орзу Қуёшни ўзи ҳам бўлгай Қуёш,
 Одамийни олам ичра файзиёб айлар китоб.

Яхшиликка йўллагай ул икки оламда тугал,
 Истасанг не эзгу ишни мустажоб айлар китоб.

Барча касб-кору ҳунар, илм эрурким унда жо,
 Ибтидою интиҳосин сарҳисоб айлар китоб.

Ул муҳаббат чашмасидир, ул саодат манзари,
 Нури иймонингни ҳардам дурри ноб айлар китоб.

Ким қадам қўйса китобсиз, дилда унгай маъсият,
 Ҳаққа бур қалбингни деб, тинмай хитоб айлар китоб.

Маҳмудо, бошингда тутгил бўлса гар яхши китоб,
 Ёр ишидан сенга ҳардам чин жавоб айлар китоб.

«ПЕ» ҲАРФИ ПОҚДОМОНЛАРИНИНГ
ПАНДНОМАЛАРИ

Бу ҳаёт гулзорида сен яхши бир улфатни топ,
Яхши улфат бирла ҳардам иззату ҳурматни топ.

Касбу кор файзу барокат бирла келгайдир зафар,
Бу шарафга етказувчи илм ила ғайратни топ.

Кетмагай омад, кишининг қалбида ёнса чароғ,
Бу чароғ нури билан сен дилдаги ҳикматни топ.

Хур ният ҳамда амалдан бу кўнгил топгай қадр,
Қадри ичра сен бу олам сирридан неъматни топ.

Ғафлат уйкусида беҳуд ўтмасин ҳаргиз даминг,
Ҳардам аҳли ишқ аро сен бир ширин суҳбатни топ.

Топмаганлар сўнгги дамда кетдилар юзи қаро,
Файзи ишқ ичра ҳамиша ул азиз сийратни топ.

Маҳмудо, билгил, риёзат бирла келгайдир мақом,
Икки олам ичра ҳардам соҳиби қудратни топ.

* * *

Олам ичра, эй кўнгил, сен изла дилдорингни топ,
Сенга кўз тиккан азиз ул мўътабар борингни топ.

Ишқ мушкул йўл азалдан: гоҳи саҳро, гоҳи боғ,
Асрагувчи ҳар балодан йўлда ғамхорингни топ.

Турфа манзил, турфа йўллар тортадир ўз комига,
Тўғри йўлга бошлагувчи қалби бедорингни топ.

Ўзлигин топмай адашди қанча кимса бенишон,
Икки олам ичра оқил дўсти ҳамкорингни топ.

Берма ҳаргиз ақли ноқис бадният касларга дил,
Сенга ҳар ишда мададкор йўлда ҳушёрингни топ.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнунлар мисол айлаб вафо,
Истагил ҳардам жамолин, файзи гулзорингни топ.

Ишқда тут ўзни ҳамиша, Маҳмудо, шавқи аро,
Раҳми кўп ҳам беқиёс ул меҳрибон ёрингни топ.

* * *

Икки олам раҳматин сен изла нуқсонингни ёп,
Чек риёзат ишқ аро ул ўтгучи шонингни ёп.

Ҳар не кўрса зоғ-зағанлар тортадир нафс комига,
Қарға-қузғун солмасин чанг, асра хирмонингни ёп.

Бадгумонлар ичра ҳолинг айлама ҳаргиз аён,
Шум рақиблар кўзидан сен хайру эҳсонингни ёп.

Айла пинҳон ёр учун сен не савоб қилсанг агар,
Макри шайтон бирла қилган фисқу исёнингни ёп.

Пулсиротдан ўтмагунча йиғлабон Ҳақдан сўра,
Сохта обрў-чун очилган лаъли хандонингни ёп.

Иқтидо қил ёра ҳардам бу жаҳон бўстонида,
Бовафо жонинг рақиби бевафо онингни ёп.

Бандалик расмида тургил, Маҳмудо, дунё аро,
Жилваланган ул фанодан икки мастонингни ёп.

* * *

Ишқ аро ошиқ элининг аҳд ила паймони кўп,
Дарду андух, ғам-аламлар ҳам яна ҳижрони кўп.

Кўрмагай дунё ишидан зарра роҳатким, валеқ
Ёр васлин кўйида зор қалбида армони кўп.

Зоҳиридан ёр савдосин тортмагайлар аслида,
Ишқ дурри ботининда, оҳида тўфони кўп.

Бодаи ишқ ичра беҳуд ўртанур ҳижрон аро,
Ишқ сайдин кўксида ким тийғ ила пайкони кўп.

Қақраган лаб, ташнадир дил, ҳажрида жондан сиво,
Доғи ҳижрон дардидан ким, оҳ ила афғони кўп.

Бодаи тавҳидни излаб, ташналар ҳайратдадир,
Ҳайрат ичра ўзни топмай сарсону вайрони кўп.

Маҳмудо, ёр ишқини сен ҳар нафас жонингда тут,
Истаса васлига восил айламоқ имкони кўп.

Луқма учун қилма риё, луқмада гап кўп,
Айла ани руҳга ғизо, луқмада гап кўп.

Бузма йўлинг, мол ғамига шайлама дилни,
Нафсинг учун чекма жафо, луқмада гап кўп.

Кетди қаён оч назари илкида ғўрлар,
Айламайин ўзни расо, луқмада гап кўп.

Хавфу ражо аҳли-ла бўл сидқ ила ҳар дам,
Нурли юзинг рўзи жазо, луқмада гап кўп.

Фожир ила журм элидан бўлмагил, эй дил,
Зулм ила сен бўлма ғино, луқмада гап кўп.

Аҳли вафо бирла вафо аҳдида бўлгил,
Сенга етар нури Худо, луқмада гап кўп.

Сабр ила ким нафси йўлин тутмаса, маҳмуд,
Ҳақ йўлида топди сафо, луқмада гап кўп.

«ТЕ» ҲАРФИ ТАВОНОЛАРИНИНГ ТАВАЛЛОЛАРИ

Дилга ширин завқу сафо солди муҳаббат,
Завқу сафо ичра жафо солди муҳаббат.

Ваҳ, сани деб куйди тамом руҳи равоним,
Руҳу таним ичра низо солди муҳаббат.

Васл ўйида қолмади ҳеч сабру қарорим,
Ҳажр ўтига нашъу намо солди муҳаббат.

Ишқинг аро бўлди забун ҳоли тавоним,
Руҳга ажиб рақсу само солди муҳаббат.

Йўқ назаринг қулга ҳануз, эй жафопеша,
Жисма ниҳон хори фано солди муҳаббат.

Васлу тараб топмайин, оҳ, ўтди бу жоним,
Ҳолима чин кўйи видо солди муҳаббат.

Боқмади деб тарки вафо айлама, Маҳмуд,
Осий қула роҳи Худо солди муҳаббат.

* * *

Дилда бўлса эҳтироминг келган ул фурсатда айт,
Чин тавозе бирла унга сен чуқур ҳурматда айт.

Чиқса бемаврид қуюн ҳам тўзғитар гавҳарни, бил,
Нур сочиб хуршид мисоли вақтида журъатда айт.

Топмадим деб бўлма ғофил, аҳду шахтингдан кечиб,
Изла, ўргангил қиёсин ҳам топиб ҳикматда айт.

Оқилу доно ишидан қувват олгин ҳар нафас,
Эҳтиёт айлаб тилингни дилдагин тоатда айт.

Одамийлик ичра ҳар ким топгуси чин муддао,
Сийратинг бирла сўзингни бир тутиб ғайратда айт.

Эҳтиром бирлан улуғлар тутдилар қалб риштасин,
Ким саодат манзарин ҳар дам билиб неъматда айт.

Бу ҳаёт бўстонида, Маҳмуд, ўзингни англагил,
Ҳар сўзинг дўстинг билиб дўстинга ибратда айт.

* * *

Аҳли дил-ла қурсангиз суҳбат агар даркор сукут,
Кўп улуғ ҳикмат топурсиз этсангиз такрор сукут.

Ишқ ила дил риштаси ҳам боғланар чун беҳато,
Кўнглини огоҳ этувчи Ўзидан бедор сукут.

Аҳли донишга масофа бўлмагай очун аро,
Ҳоли бирла ҳам аён этгай ўзин бемор сукут.

Ким мулоқот айласа жим дард ила руҳ бирлаким,
Ёридан ортиқча сўзни айлагай инкор сукут.

Бахш этар дилларга роҳат ҳам фароғат бебақо
Ким, азизларни зиёда айлабон хушдор сукут.

Бесукут сўз очди кимки, асли нодон шул эрур,
Бундайин касларга доим муддаий ағёр сукут.

Руҳни руҳга боғлагил сен, Маҳмудо, хислат билан,
Маъни ичра дур топурсан, истабон дийдор сукут.

* * *

Нажоту раҳматинг бирла мани, ёрим, умидвор эт,
Ниёзу ҳимматинг бирла мани, дилдор, умидвор эт.

Азобу ҳасрату қайғу ки ҳижрон заҳматингдандир,
Висол истар кўнгил сендан мани такрор умидвор эт.

Сенингсиз, ёр, ики олам менга зулматлигин билдим,
Сени ёлғиз ёруғлик дер, кўнгил ҳар бор, умидвор эт.

Кўйингда неча мендеклар ётур истаб висол сендан,
Ўзингсан билгувчи асрор дегум бисёр, умидвор эт.

Тазарру ичрадир кўнглим гуноҳу ҳам хатойимга,
Эрурким ноумид шайтон дея, ғамхор, умидвор эт.

Ўзимни билмайин ҳаргизки ғафлат ичраман, ёрим,
Раҳим қилгил, кўйингда айлабон хаммор, умидвор эт.

Бу даҳри дун аро дилни муҳаббат поклагай ёлғиз,
Суниб кўнглимга ваҳдатни этиб хушёр, умидвор эт.

Мадакорим ўзингсан мен қулингни айлагил маҳмуд,
Кўнгил жоми аро, ёрим, очиб рухсор, умидвор эт.

* * *

Амонат ҳар нафас, эй дил, сафар зодини тайёр эт,
Қиёмат ваҳмидан кўрқиб туну кун ўзни бедор эт.

Қолиб ғафлатда айш-ишрат билан ўтказма умрингни,
Тилаб раҳмат нурин Ҳақдан ёруғ юз бирла дийдор эт.

Тириклик неъматин билгил ғанимат ҳар қадам, ҳар он,
Қилиб шукрин Ўзига сен амал тақвони даркор эт.

Ҳисобин сўрса ул кун Ҳақ, на деб сўз айлағайдирсан,
Савоб ишлар билан ҳардам йўлинг гулшан чаманзор эт.

Қуруқ қўл бирла бормаслар Яратганнинг ҳузурига,
Ёруғ юз бирла Ул кун сен анга ишқингни изҳор эт.

Нигоринг бирла мийсоқда садоқат аҳдини туздинг,
Вафо бирла бўлиб энди анга жонингни ийсор эт.

Топиб фазлин, сен эй Маҳмуд, неча қуллар ичинда рост,
Ўшал кунда Яратганни ўзингга чин харидор эт.

* * *

Яхшилар-ла кимсаким гар айлағайдир маслаҳат,
Бошлаган ҳар бир ишининг файзи бўлғай оқибат.

Кенгашиб ҳодий билан азмини этган яхшидур,
Қил назарким, оқилу донога хосдир бу сифат.

Маслаҳат бирла битар ҳар иш азалдан бирлашиб,
Ҳар одам ганжига муҳтож ҳар дақиқа, ҳар соат.

Ота-она, пиру устодлар дуоси бебаҳо,
Кўп улуғлар руҳига озиқ эрур, бил, бу сифат.

Ҳақ йўлида бўлса ким бахтини топғайдир абад,
Ўзни билмас нафсу шайтон комида тургай ғалат.

Бу амонат ҳар нафаснинг мазмуни ҳикматдадир,
Аҳли дониш суҳбатида бу жиҳатлар қатма-қат.

Зоти поклар тийнатидан ибрат олгил, Маҳмудо,
Ҳақ таоло ҳиммати-ла дилни айлаб хушсурат.

* * *

Жафо қилса мунофиқлар ки, андан қилмагил ҳасрат,
Ҳисобин Ҳаққа солгин сен, дилинг ичра тутиб ҳикмат.

Тутиб иймон йўлини сен, хатодан асрагил ўзни,
Бўлиб доим Ҳақ ишда сен, ўзингни айлагил ибрат.

Кўриб тургай Худо ҳар банданинг расму сиёқини
Ниҳон қолмас аён-пинҳон басирдир соҳиби қудрат.

Ўзингдан ўзгадан иллат қидирма сен қилиб исён,
Ўзингда барчаси жамдир: гаҳи ҳикмат, гаҳи ғафлат.

Чекиб ранжу аламлар сен риёзат бирла дафъ этгил,
Неки бад феъли хўйингда, ҳазар айлаб, қилиб ғайрат.

Назорат ичрадир ҳар кас бу олам саҳнида, эй дил,
Баёнин айлагай Тангрим ки ҳар ишни, келиб фурсат.

Умидинг боғлагил Ҳаққа, У кун, Маҳмуд, ажабмасдир,
Нажот топган қаторинда ёғилса сенга ҳам раҳмат.

* * *

Кетмасин ҳаргиз одамдан қадру қиммат, оқибат,
Хуш такаллум, ғамгусорлик, меҳру шафқат оқибат.

Одамийлик қадри юксак, билки, мезон ичра ҳам,
Қилса ким эзгу амаллар топди ҳурмат оқибат.

Ўтса ғафлат ичра кимки аҳдига қилмай вафо,
Чеккуси вовайлато-ла дарду ҳасрат оқибат.

Раҳмати Ҳақдан келур ҳар дилга ғайбин неъмат,
Ажрини бергай Худойим бўлса ғайрат оқибат.

Ошнолик риштаси чин зийнати ибрат эрур,
Еткурур фазлига Тангрим, қилса хизмат оқибат.

Бу жаҳон саҳнида тун-кун тутса ким ҳақ йўлини,
Ёзилур икки жаҳон лавҳига раҳмат оқибат.

Маҳмудо, бас, қадру қиммат қил, вафо саҳнида бўл,
Ул Кун и бўлсанг ажабмас, сарви қомат оқибат.

«СЕ» ҲАРФИ САБОТЛИЛАРИНИНГ СОБИТЛИКЛАРИ

Ўтди умринг ғафлат ичра беамал сарсон абас,
Шул сабаб бўлди самарсиз ҳар даму имкон абас.

Дабдаба, айшу фароғат ичра толеъ изладинг,
Дил бу кун шайтонсифатлар бирладир гирён абас.

Кўз тикиб ўткинчи дунё молидан нафс қондириб,
Тўлди кўнглингга кароҳат, бўлди тан бежон абас.

Юрмадинг Ҳақ йўлидан ақли расолар бирла сен,
Кетди ғафлат ичра ўтган онларинг вайрон абас.

Бу ҳаёт сахнида асло билмадинг ҳаддингни ҳеч,
Этди хор дунё ғами, ҳам бўлди куч-дармон абас.

Кетди қувват дарбадарлик маъсиятнинг илкида,
Бўлди шарр ичра мақоминг, турган ул майдон абас.

Маҳмудо, очгил кўзингни, бандалик расмин тутиб,
Айла эмди чин тазарру бўлмайин армон абас.

* * *

Келтирур наф, билки, гар илми расода бўлса баҳс,
Руҳга қувват бергувчи маҳзи зиёда бўлса баҳс.

Сақлагай дилни саломат, ким ёруғ этгай йўлинг,
Оқилу ориф билан хавфу ражода бўлса баҳс.

Зоеъ ўтказма йигитлик дамларин сен, эй рафиқ,
Фойдаси йўқ бўлса охир нобинода бўлса баҳс.

Икки олам ҳикматин топгай киши иймон билан,
Не самарким, оқибат ҳоли табода бўлса баҳс.

Очилур дил ғунчаси, бўлгай кўнгил фасли баҳор,
Туну кун ким завқида зикру самоъда бўлса баҳс.

Топмади лоқайдлик ичра гавҳарин ҳеч бир киши,
Топди-ю интилди, етди, муддаода бўлса баҳс.

Ишқ аро умрингни ўтказ, Маҳмудо, ҳажрида сен,
Ул Куни бўлгай далил шавқу сафода бўлса баҳс.

Сенга муҳтожлигим ортар дилимда муддао боис
Ки, ҳар лаҳза ҳаёлимда сенга чин иқтидо боис.

Билурман, номуносибман ҳаётим журму нуқсондир,
Валекин дил сенга тобеъ эрур анда вафо боис.

Шу ожизлик билан кечдим гунаҳ дарёсини тинмай,
Қилурман энди афсус ҳўп сенга бир мубтало боис.

Муҳаббат даштида мендек адашган бевафо кўпдир,
Кезар бемуддао бадном чу аҳдига риё боис.

Қолиб ғафлатда ўтказдим бу умрим бесамар, ёрим,
Кел, энди бир назар қилгил, сенга бу илтижо боис.

Муҳаббат раҳнамоси чун афу ҳардам этар қулни,
Муқаррар келгусин ўйлаб у кун – рўзи жазо боис.

Нигоро, тийғи ҳижронинг билан Маҳмуд қонин тўкма,
Муҳаббат рўбарў қилмиш азал қолу бало боис.

«ЖИМ» ҲАРФИ ЖАФОКАШЛАРИНИНГ ЖАЗАЪЛАРИ

Санингдек дилрабобларга манингдек жонфидо муҳтож,
Дили абгор, кўзи хунбору дардингда адо муҳтож.

Куйиб ишқингда ҳар лаҳза, висолинг истагай кўнглим,
Туну кун фикру ўйингда ёнурман, мубтало муҳтож.

Жаҳон айвонида ёлғиз малаксан, маҳлиқосан, хур,
Садоқат илмидан кўнглим тилар ҳар дам ғизо муҳтож.

Муҳаббат даштида сарсон кезурман бенаво, ғамнок,
Жудолиғ ўзи етмасму, яна не-не изо муҳтож.

Не бахт топмоқ висол дардин ҳам ишқда ўзни ҳис этмоқ,
Ки топганлар изин ўпмак учун қадди дуто муҳтож.

Муборак ҳусну холингдан умидвор телбаман, Маҳмуд,
Юзинг кўрмак учун ул кун яна мендек гадо муҳтож.

* * *

Айлагай аҳдидаги ҳар касни доно эҳтиёж,
Ишқи ҳақ шавқида қилгай юзни зебо эҳтиёж.

Ёр ҳажри бирла қай дил этди гулзор изларин,
Айлагай ҳикмат билан хуршидсиймо эҳтиёж.

Қилди саҳрои муҳаббат ичраким ошиқни зор,
Оқибат қилди ани аршида пайдо эҳтиёж.

Чекмайин ранжу машаққат топмагай кўнгил мақом,
Фазли бирла айламиш инсонни аъло эҳтиёж.

Қилмади нопокни хўблар зумрасидан ҳеч қачон,
Этмади одамни шайтон бирла ҳамро эҳтиёж.

Аҳли дил дун макридан чун бўлдилар ҳар дам сиво,
Ҳажр аро ишқида этди дўстини узмо эҳтиёж.

Маҳмудо, Ул Кун саодат ҳам карам топгуси дил,
Топмоғинг Ҳақнинг ризосин бўлса танҳо эҳтиёж.

* * *

Туну кун кўнглимда ортар сенга, эй жон, эҳтиёж,
Ҳар нафасда ошкоро ёки пинҳон эҳтиёж.

Эй Дилоро, етмайин васлингга бу жон ўртанур,
Оташи ҳажринг сабабли дилда сўзон эҳтиёж.

Сезмагайсан ҳар даму ҳар онда аҳволимни, ёр,
Иштиёқим ичра бор кўнглимда тугён, эҳтиёж.

Айрилиқ заҳми дилимни таҳ-батаҳ қон айлади,
Васли ёдинг ўйлабон бу дилда ҳар он, эҳтиёж.

Ким азалдан руҳи жонимда, Нигоро, сен эдинг,
Энди ҳамким ёр ўзингсан, аҳду паймон эҳтиёж.

Сен ҳаётим, эътиқодим, эътимодим, Дилрабо,
Етмайин васлингга, ёрим, дилда армон эҳтиёж.

Бас, тағофул бирлаким Маҳмудни беҳуд этмагил,
Икки олам сен ўзинг кўнглимда жонон эҳтиёж.

* * *

Сезмасин оқил киши нодонга ҳаргиз эҳтиёж,
Беамал, юзи қаро шайтонга ҳаргиз эҳтиёж.

Оқилу ориф одам, билгил, қаноат гавҳари,
Этмасин ул нафс аро нуқсонга ҳаргиз эҳтиёж.

Изларин чорбоғ қилурлар яхшилар ҳикмат билан,
Қилмасин кори зиён хандонга ҳаргиз эҳтиёж.

Ҳар киши иймон билан етгай саодат қасрига,
Айламаслар ишқи йўқ ҳайвонга ҳаргиз эҳтиёж.

Аҳду паймон ҳам муҳаббат шавқидандир бир нишон,
Бўлмасин бу ишқ ила ёлғонга ҳаргиз эҳтиёж.

Ул Куни етсин висол саҳнига дил дўстлар аро,
Сўнгги дамда тушмасин ҳижронга ҳаргиз эҳтиёж.

Кел, муҳаббат ичра, Маҳмуд, қўй қадам ёринг сари,
Тушмасин ҳеч бевафо инсонга ҳаргиз эҳтиёж.

«ЧИМ» ҲАРФИ ЧОКАРЛАРИНИНГ ЧАМАНЗОРЛАРИ

Ҳар кишида бўлса роҳат, уйда тинч, оламда тинч,
Бўлса кўнглида саодат, уйда тинч, оламда тинч.

Жуфт этиб тақдирда Аллоҳ берди ҳар кимга ҳаёт,
Бўлса қалбида фароғат, уйда тинч, оламда тинч.

Касби кори бирла ҳар дил ризқини топгай ҳалол,
Бўлса тан-жони саломат, уйда тинч, оламда тинч.

Яхши одам элу юрт қадрини тутгайдир баланд,
Бўлса фикрида ҳимоят, уйда тинч, оламда тинч.

Туну кун меҳнат қилиб ҳам оғмайин нафс комига,
Бўлса илкида адолат, уйда тинч, оламда тинч.

Қон-қариндош, ёру дўсти бирла айлаб иттифоқ,
Бўлса кўнглида ҳидоят, уйда тинч, оламда тинч..

Шукри бирла ҳар киши, Маҳмуд, ўзин камтар тутиб,
Фазлидан топса иноят, уйда тинч, оламда тинч.

«ҲЕ» ҲАРФИ ҲАБИБЛАРИНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Этар мақсад сари кимки ўзин ҳардам этар ислоҳ,
Дилида мавж уриб турган сўзин ҳар дам этар ислоҳ.

Юриб оқил билан ҳар ким эришгай яхши ниятга,
Бериб дил даврада ичган тузин ҳар дам этар ислоҳ.

Улуғлар мақдамин ибрат қилур ҳар кимки хушёрдир,
Алар йўлин тутиб тун-кун изин ҳар дам этар ислоҳ.

Ниҳол ҳам нур, ҳаводан баҳра олгай, сўнг чинор бўлгай,
Вужуду новда-ю барг, илдизин ҳардам этар ислоҳ.

Ики олам ризосин истагай кимки вафо айлаб,
Бўлиб Ҳақ бандаси, кимхоб, бўзин ҳар дам этар ислоҳ.

Гуноҳу маъсият ичра неча юзи қаро ўтди,
Фароғат ичраким бўлгай юзин ҳар дам этар ислоҳ.

Кўнгил равшанлигин, Маҳмуд, иродат айлағай кимки,
Саодат топгуси қалбу кўзин ҳар дам этар ислоҳ.

* * *

Ишқи сиррини кўнгилга муддао айлар субҳ,
Сўрса ким бедор ўзидан жо-бажо айлар субҳ.

Боғлағай дил риштасин гар ким ҳаловатдан кечиб,
Мубталосин, ёд этиб, меҳру вафо айлар субҳ.

Зикри иллалллоҳ билан топгай ҳидоят завқини,
Турфа иллатни кўнгилдан ҳам сиво айлар субҳ.

Ҳақ назар этгай бу лаҳза бўлма ғофил, топ нажот,
Муттақийларга кўнгилни иқтидо айлар субҳ.

Ким тазарру бирла топгай ишқ ила Ҳақ неъматин,
Икки олам ҳикматини дилга жо айлар субҳ.

Мубталолар тасбеҳу таҳлилда тургай дард аро,
Ҳар кўнгил ошиққа чин зикру сано айлар субҳ.

Мустаҳиқлик бирла Ҳаққа боғла дил, эй Маҳмудо,
Аҳли дарднинг суҳбатига ошно айлар субҳ.

«ХЕ» ҲАРФИ ХАЙЛЛАРИНИНГ ХАЙРОТЛАРИ

Ҳасрато, ҳажринг билан бағримда қоним бўлди талх,
Ёр деб, меҳрим қўйиб, тутган забоним бўлди талх.

Ишқ аро мақсад сари қўймоқ эдим бирга қадам,
Ким фириб бердинг вафога, руҳда жоним бўлди талх.

Айладинг макрингни чин, ағёрга сен кўнгил бериб,
Ваҳ, муҳаббат бобида илк имтиҳоним бўлди талх.

Кўп эди мақсадларим ҳам бу ҳаёт бўстонида,
Топганим заҳмат билан руҳи равоним бўлди талх.

Шум рақиблардан кўнгил куйган эди вақтида хўп,
Боз кўнгил ўртанди-ю дилда ниҳоним бўлди талх.

Қудрати Ҳақдан бўлур ҳар иш, азалданким аён,
Туну кун фикринг билан қилган баёним бўлди талх.

Зор этиб васлингга, ёрим, этмадинг ҳаргиз вафо,
Шул сабаб, Маҳмуд дегай: «Сенсиз жаҳоним бўлди талх».

* * *

Боқиб ҳолимга бепарво, яна бегонадир ул шўх,
Кўриб-кўрмай, билиб-билмай, яна ҳайронадир ул шўх.

Анинг ҳусну жамолига боқиб ақлу ҳушим кетди,
Этиб кул-кул вужудимни яна сўзонадир ул шўх.

Туну кун фикру ёдимда, дилимда ҳеч ҳаловат йўқ,
Қадам етмаски пойига яна фарзонадир ул шўх.

Муҳаббат сайли ичра чун ўзин айлаб санам якто,
Ўзи бирла ўзи масту яна мастонадир ул шўх.

Қилиб ҳолимни Фарҳоду ҳазин Мажнуну Тоҳирдай,
Бўлиб жумла жаҳон ичра яна афсонадир ул шўх.

Тутиб расмин малакларда, кезиб аршу фалакларда,
Иши бўлмай ҳалакларда, яна хушхонадир ул шўх.

Етолмай кўнгли вайронман, ражо даштида сарсонман,
Ажаб, шу ҳолда бежонман, яна ғамхонадир ул шўх.

Муҳаббатдан дилимда суд, жафо ичра этиб Маҳмуд,
Бўлиб ғайб ичра бир ёқут, яна жононадир ул шўх.

«ДОЛ» ҲАРФИ ДИЛОВАРЛАРИНИНГ ДАЛОЛАТЛАРИ

Илоҳо, оси бандангман, ҳидоят айласанг шояд,
Бу ожиз қулни ҳақ йўлга ишорат айласанг шояд.

Ибодат қилмадим асло, ёмонлар бирла дўст бўлдим,
Тазарру ичраман бул дам, ижобат айласанг шояд.

Қиёмат ваҳмидан қўрқмай савоб иш қилмадим асло,
Ҳидоят-ла дилим ғарқи ҳаловат айласанг шояд.

Билиб-билмайки нафсим деб, кеча-кундуз риё этдим,
Карам айлаб гуноҳлардан ҳимоят айласанг шояд.

Бировнинг ҳаққидан қўрқмай бу дунёга кўнгил бердим,
Афу айлаб имоним Сен саломат айласанг шояд.

Ғурурсиз юрмадим асло, дилимда тутмайин ҳақ сўз,
Назар ташлаб бу ҳолимга ниҳоят айласанг шояд.

Бериб қалбни шароратга, зиёнга айладим ихлос,
Солиб нур қалбима энди риоят айласанг шояд.

Қаноат қилмадим, ҳеч ишда шукринг этмадим ҳаргиз,
Кўзимдан оқизиб ашким, сироят айласанг шояд.

Бўлиб бебаҳралардан, оҳ, ўтиб кетди ҳаёт ишқсиз,
Бу кун афсусдаман, аҳли шижоат айласанг шояд.

«Умидинг узмагил, Маҳмуд, ки фазлимдан саодат кут,
Ҳабибим умматисан!» – деб иноят айласанг шояд.

* * *

Эй кўнгил, бас, чекмагил дард, айла жонондан умид
Икки олам неъматин ул бебаҳо ондан умид.

Бу улуғ майдонга чиқмоқ бесабаб эрмас, аён,
Ёрдан истаб вафолар айла дармондан умид.

Бил, риёзат бирла ошиқ ишқида топди мақом,
Қўй қадам манзил сари чин, айла карвондан умид.

Берма кўнгил иштибоҳга, тўғри йўл азмида бўл,
Ким тутиб дилни музаффар, айла иймондан умид.

Етмагай ёр васлига ҳар ким вафо саҳнидамас,
Сен вафо ичра қанот ёз, айла даврондан умид.

Ваъдаси бордир азалдан: ёра ёру, ғайра ғайр,
Ким ҳабиб этди умидбахш, айла имкондан умид.

Дилни Ҳаққа боғла, Маҳмуд, кутма ғайридан нажот,
Мубталоларга Ўзи ёр, айла султондан умид.

«ЗОЛ» ҲАРФИ ЗАКОВАТЛИЛАРИНИНГ ЗОДАЛАРИ

Ватаннинг равнақин кўзлаб қадам қўйгай фидо устоз,
Ки ёшларга бериб таълим, хунарда бебаҳо устоз.

Кўнгил боғида ўстиргай ажойиб навниҳоллар рост,
Тутиб қадду камолин чин аларга раҳнамо устоз.

Иродат ҳукми-ла тун-кун бўлиб шавқу шижоатда,
Буриб қалбинг ҳидоятга, ҳаётда тўтиё устоз.

Бўлиб оқилу донолар сафинда маърифат излаб,
Тутиб аҳли ризо тарзин дилимда ул расо устоз.

Йўлида ҳар замон зоғу зағанлар учраса ногоҳ,
Ки яхши ҳам ёмонга ҳақ ишида зери по устоз.

Бу беш кунлик ҳаёт ичра сочиб ҳикмат кўнгилларга,
Саодат қасрини қургай этиб дилга ғизо устоз.

Ҳаёт саҳни азал, Маҳмуд, ки устоз бирла ободдир,
Ики дунёни топгай дил қачонким, бил, ризо устоз.

* * *

Бил, емоқ-ичмоқ билан ҳеч топмагай инсон нуфуз,
Гар семирмоқ бўлса мақсад орттирар ҳайвон нуфуз.

Ҳақ таоло бандасин этди азалдан мўътабар,
Берди анга тўғри йўлда то абад иймон нуфуз.

Одамизот қудрати ортди фасоҳат нуридан,
Ким қадам қўйди бу йўлга бўлди чин дармон нуфуз.

Келмагай обрў, мақомот бўлса ким нафс комида,
Ман деди, ман, ман деди, ҳеч топмади шайтон нуфуз.

Ҳар киши хайру саховат бирла топгай ўзлигин,
Аҳдига файзу барокат айлади эҳсон нуфуз.

Чун ғизойи ишқ ила дил бўлса аршин ёнида,
Айлагай васлин мушарраф ёра чин жонон нуфуз.

Икки олам бандасин Ҳақ қилди ҳар жондан азиз,
Шул сабабким, этди Маҳмуд Қодири субҳон нуфуз.

* * *

Бу кўнгил ёр ишқида, ваҳким, яна бедор ҳануз,
Сарғайиб ҳажрида тун-кунким, яна бедор ҳануз.

Истабон васлини топмай беқарор, дард ичра, воҳ,
Бохабар босган изидан бўлмайин, ночор ҳануз.

Ким вафо айлабдиким, андан вафо истар кўнгил,
Бас, дея қўймай бу ишни, дил чекар озор ҳануз.

Лаҳза-лаҳза жон бериб ҳам кўз очиб минг бора боз,
Бахш этиб минг битта жонин, тургай ул зор-зор ҳануз.

Изтиробин ризку рўз айлаб, этиб дардга даво,
Ким ғизойи руҳи бирла, воҳ, яна хушёр ҳануз.

Ким умидвор ҳам ҳидоят боғидан истар нажот,
Дарди йўқларни ўзидан айлағай инкор ҳануз.

Маҳмудо, излаб саодат, ишқ аро қўйдинг қадам,
Тургасен дил хаста, ёлғиз, истабон дийдор ҳануз.

«РЕ» ҲАРФИ РОҚИМЛАРИНИНГ РАҒБАТЛАРИ

Топгуси бахтини ҳардам бўлса ким меҳнатсевар,
Меҳнати бирла кўрингай бўлса гар журъатсевар.

Журъату шиддат билан етгай киши ўз аҳдига,
Лаҳзасин асрига тенг айлар, билинг, фурсатсевар.

Фурсатин бой бермаган ҳар дил топар бахтин қушин,
Олдирар ул қўлда ризқин, бўлса ким ғафлатсевар.

Ғафлат ичра қанчалар кетди жаҳаннам қаърига,
Аҳли неъмат бирла топди ким ризо ҳикматсевар.

Ҳикмати бирла улуғдир ҳар кўнгил, бил, аслида,
Аслида Одам яралгандир, билинг, раҳматсевар.

Раҳматин бергай Худойим ким амалда бериё,
Икки олам неъматин топгай, билинг, жаннатсевар.

Жаннати ичра кўрингай дилга Ёринг жилваси,
Топгуси васлини, Маҳмуд, бўлса ким қудратсевар.

* * *

Ишқ элининг дардларини ишқ аро юрган билур,
Дилни ёр дардига чоғлаб, ҳажр аро турган билур.

Ёр васлин истабон ҳар дилки қилғай оҳу воҳ,
Ким муҳаббат завқини пойига бош урган билур.

Ҳар кўнгил савқи риёзат ичраким топгай қарор,
Бу саодат бирлаким дил қасрини қурган билур.

Тўрт кунлик бу сафо ошиқ учун дастурамал,
Ким бўлиб боғида булбул шавқини сурган билур.

Ишқ саҳроси аро доим хатар, хавфу ражо,
Ул ражо бирла дилини васфига бурган билур.

Бу фалак саҳни ароким мубталолар турфа, кўп,
Мубталолар ичраким манзилга улгурган билур.

Маҳмудо, гулшан аро ҳеч йўқ дема анда вафо,
Ким вафо айлаб зиёсин руҳга келтурган билур.

* * *

Бўлса ким ишқи расо гар ақрабони ахтарур,
Ақраболар ичра ҳам аҳли дуони ахтарур.

Берди ким дунёга кўнгул, кўрмади ҳаргиз вафо,
Ҳаққа дил берган азиз қадди дутони ахтарур.

Тандурустликда киши билмас шифонинг қадрини,
Тегса бош ёстиққа сўнг мушкулкушони ахтарур.

Очди кўзин қайси дилким, бил, синовлар ичрадир,
Чин саодат бергучи ул муддаони ахтарур.

Тўхтамас олам Қуёш атрофида, айлар назар,
Руҳга жон этган ато Олампанони ахтарур.

Ҳар не ишким ғайбдандир, бесабаб эрмас, аён,
Тақдири измидаги қолу балони ахтарур.

Маҳмудо, бўлсанг зиё аҳли аро бўл ҳар нафас,
Боқ, шафеъ бўлгучи ул марди Худони ахтарур.

* * *

Вожабким, баъзилар бор яхши инсондан қочур,
Яхши инсондан қочур ҳам яхши иймондан қочур.

Яхшига ёндашса ҳар ким, яхшилик топгай азал,
Бой бериб измин ёмонга яхши даврондан қочур.

Эр кишига эзгу иш ичра қолур ному нишон,
Баъзиларким беркиниб бу яхши майдондан қочур.

Марди майдонлар ҳамиша юртин обод айлагай,
Ноқису нобоп, ёмонлар боғу бўстондан қочур.

Қудрати ҳақ ишда бўлса ҳар киши топгай қадр,
Бадниятлар берган асли аҳду паймондан қочур.

Тўрт кунлик бу улуғ айёмда ким топгай савоб,
Топмаганлар, бил, ҳамиша ушбу имкондан қочур.

Борса бўш қўл бирла ким гар охират манзилига,
Маҳмудо, ул кунда мезбон, билки, меҳмондан қочур.

* * *

Хайру эҳсон, аввало, келган балони қайтарур,
Қилса тухфа беғараз, жабру жафони қайтарур.

Ҳар кишига берса дунё, корига бўлсин насиб,
Ризқидан қилса саховат, бил, жазони қайтарур.

Соҳиби ҳиммат расолаз ичра топгай эътибор,
Анга зидлик бирла турган норасони қайтарур.

Матлаби бирла камолга етгуси одам азал,
Қилса ким бу ишни чин, кибру ҳавони қайтарур.

Дўстлар топди мурувват мақсади хослар аро,
Бу мукаррамлик билан, билгил, низони қайтарур.

Қилса осон мушкулин бир дилни шодон айлабон,
Бу савоб ишлар билан номуддаони қайтарур.

Ҳақ йўлида, Маҳмудо, турса ҳидоят ичра ким,
Бўлгай обод икки дунёси риёни қайтарур.

* * *

Берилган бу мақомотлар агар билсанг саховатдир,
Билиб анга амал қилсанг ики олам ҳаловатдир.

Шариф айлаб сани Тангрим яратди кенг макон ичра,
Санинг мавжудлигинг, эй дил, ўзи ҳам бир иноятдир.

Этиб амрин, топиб ҳикмат, ҳидоят истагил Ҳақдан,
Азал барнолигингга ким бу ҳам асли шарофатдир.

Қилиб инсон сани махлуқ аросинда азиз этди,
Бу ҳам фасли мукаррамлик ичинда бир малоҳатдир.

Бу олам ҳикмати ичра улуғ неъмат ўзинг, шаксиз,
Улуғ қадринг баланд тутгил, бу ҳам зуҳду фасоҳатдир.

Ки ўн саккиз минг олам ичра айлаб сидқу ихлосда,
Ўзига боғласанг дилни, бу ҳам зикру ибодатдир.

Бу бўстон ичра сен, Маҳмуд, муҳаббат бодасин ичгил,
У кунда Ёр азиз этса, қулига чин саодатдир.

* * *

Ҳар киши кўнгил шифосин меҳру мурувватдан топар,
Дилга ҳамрозлик сафосин меҳру мурувватдан топар.

Бирга ўн бергайдир Аллоҳ, қилса ким эҳсон агар,
Ул қиёматлик ғизосин меҳру мурувватдан топар.

Муҳтожу мўъминга ёрдам этса ким ихлос билан,
Охират йўлин зиёсин меҳру мурувватдан топар.

Ким савоб ишларга дохил айлади имконини,
Фазли-ю меҳригиёсин меҳру мурувватдан топар.

Аҳли комил бирла диллар яшнагай, топгай камол,
Элу юрт қилгай дуосин меҳру мурувватдан топар.

Икки дунёсини обод айламоқ марднинг иши,
Икки дунё интиҳосин меҳру мурувватдан топар.

Пиру устозлар йўлидир ҳақ йўли, Маҳмуд, азал,
Яхшилар Ҳақнинг ризосин меҳру мурувватдан топар.

* * *

Ҳар киши ўз матлабини муддао бўлса, топар,
Муддао ичра Ўзига иқтидо бўлса, топар.

Иқтидодан ҳар кўнгилга файз аро келгай зиё,
Бу зиёи ичра ишқи дилрабо бўлса, топар.

Дилраболар дил аро топгай саодат файзини,
Бу саодат файзига ким ошно бўлса, топар.

Ошнолик туну кун дарду риёзат ичрадир,
Бу риёзат ичра ким кўкси яро бўлса, топар.

Бўлса ким кўкси яро, ул васли ёр аҳдидадир,
Васли ёр аҳдида кимки жон фидо бўлса, топар.

Жон фидолик, бил, фано дайрига ким дохил эрур,
Доҳили ишқ ичра ҳар ким тўтиё бўлса, топар.

Тўтиёлар зумрасидан бўлмадинг ҳеч, Маҳмудо,
Ажри Ҳақ шавқини, бил, ишқи расо бўлса, топар.

* * *

Эҳтиёт қилгил тилингни, билким, ожиз бандадир,
Гоҳ заҳар, гоҳида малҳам, гоҳида манмандадир.

Бир нидо келгай Скандар, сартарош ровийсидан,
Ул қудуққа бош суқубким, охири шармандадир.

Ўттиз икки миршаби банд этса ҳам ул алжигай,
Ҳеч тутиб бўлмас ани сўнг, бил, жилов мингандадир.

Дашту бўстонга баробар сочса ҳам нурун қуёш,
Олтину ножинсни батни матлаби маъдандадир.

Очма лаб ҳар кимга беҳуд, қалб сириш тутгил ниҳон,
Ким бу кун гулхандадир ҳам ким эса гулшандадир

Камтаринлик бирла ҳар ким эл аро топгай камол,
Марди майдонларни шавқи, ҳикмати руҳ, тандадир

Панд-насиҳат бирла, Маҳмуд, беписанд қўйма қадам,
Ушбу ожизлик сифоти мандадир, гоҳ сандадир.

* * *

Худонинг қудрати ҳар дам ва ҳар ишда намоёндыр,
Агар ким сезса бу ҳақни, билинг, ул асли мардондыр.

Ризоси бирла иш кўрган топар ҳақнинг сафосини,
Бўлиб ишқ ичраким содиқ туну кундузи гирёндыр.

Ки ҳақнинг наздида матлуб эрур кимки вафоси бор,
Вафоси бўлмаган одам, билингким, асли нодондыр.

Далолат этмагай ҳаргиз ҳаёсиз иддаосини,
Бу беш кунлик риё ичра ўтар умри пушаймондыр.

Муҳаббат лаззати ичра неча дўсти Худо ўтди,
Ки фазлин топса ким, эй дил, ўшал хуршиди рахшондыр.

Бу олам саҳнида умринг ҳабибсиз ўтмасин асло,
Худонинг қудратин билган кишиким аҳли ризвондыр.

Бўлиб Ҳақ бандаси, Маҳмуд, ўзига иқтидо этгил,
Муҳаммад умматин, билгил, ики умри фаровондыр.

* * *

Дилбаримдан кўрмадим мен ҳеч вафо, эй дўстлар,
Туну кун ҳажридаким қилмай хато, эй дўстлар.

Боғ аро истаб гулин мен топмадим ҳаргиз ани,
Қўлма-қўл кетди йироқ айлаб жудо, эй дўстлар.

Ваҳ, нечун шўхи дурафшонга кўнгил бердим ажаб,
Кўрсатиб макрини боз этди риё, эй дўстлар.

Фойда деб ҳар ишни қилдим, охири кўрдим зарар,
Қолди ғафлат ичра дил, айлаб жафо, эй дўстлар.

Дарбадар ишқи аро ҳеч уқмадим бир яхши сўз,
Этди хор дардидаким, айлаб гадо, эй дўстлар.

Ким вафо истаб зиёндан бўлди бор ақлим сиёҳ,
Ваҳ, кўнгил бирла вужуд айлар низо, эй дўстлар.

Нотавонлик ичра Маҳмуд ўзидан излар паноҳ,
Ёр йўлин топмай ҳануз, воҳасрато, эй дўстлар.

* * *

Келса вақти, битмаган ишлар битиб тез ҳал бўлур,
Кўз юмиб ёзган хатинг ҳам файз топиб, зарҳал бўлур.

Берса файзин, ахтариб топгай сени турфа амал,
Ушласанг тошни агар сен сунъидан ул лаъл бўлур.

Фазлидан топгин саодат аҳли диллар бирла сен,
Қоч ёмондан, ҳар қачон битган ишинг ишқал бўлур.

Ҳар даминг ўтсин зиёда юксалиб суръат билан,
Топ назар ёши улуғлар ичраким, афзал бўлур.

Эгри йўлдан борса гар ким топмагай ҳур манзилин,
Зикри Ҳақда бўл мудом, борган жойинг бахмал бўлур.

Қарғадан булбул туғилмас, очмагай зоғ қумрини,
Нени эксанг, бил ўрарсан, саҳни дил пайкал бўлур.

Рози-чун, Маҳмуд, ҳаётинг эт мунаввар ишқ билан,
Фазлини топсанг савобда, охириг сайқал бўлур.

* * *

Нигоро, сен азиз этган қулингнинг ҳиммати ростдир,
Ани ишқинг йўлиндаги макону суръати ростдир.

Мукаррам фазлинг ичра ул топар олий мақоматни,
Муҳаббат иштиёқидан бўй олган нусрати ростдир.

Дегайлар зангламас олтин, ошар балчиқда ҳам қадри,
Халойиқ ичра ул топган мақому қиммати ростдир.

Туну кун шукрида тинмай тутар зикрида дилни ҳам,
Кетиб занглар кўнгилдан ҳам уқилган ҳикмати ростдир.

Риёлардан дилин сақлаб қадам қўйгай савоб ичра,
Саодат аҳлининг суврат ила ким сийрати ростдир.

Анингдек ҳурсифатлар-ла топар осудалик руҳ ҳам,
Туну кун Ҳақ сари қўйган қадамда журъати ростдир.

Ҳамиша эҳтиром айла, Яратганга сен, эй Маҳмуд,
Ҳаёт боғбонининг қалбга таратган неъмاتي ростдир.

* * *

Саодат келса ғойибдан, ки билгилким, дуодандир,
Ижобат истаги ул дам илоҳий муддаодандир.

Шарафларга сазоворсан улуғлар ҳикмати бирла,
Яратган ажри ҳам фазли руҳинг терган ғизодандир.

Кимиким матлаби ичра синиқ кўнгли назар топди
Ки, рухсори висолида нажоти Мустафодандир.

Худонинг дўстини топсанг ҳамиша ҳамнафас бўлгил,
Бу беш кунлик ҳаётнинг файзи ҳам аҳли фанодандир.

Тажаллийсин кўриб шукрида зикр этмоқ шарофатдир,
Насиб этмас экан кимга бу ҳам журму хатодандир.

Киромайн котибайн ҳар дам сенинг ҳолингдан огоҳдир,
Алар битмиши, эй дўстим, вафою бевафодандир.

Дуо ганжи била, Маҳмуд, сафар зодин тугал қилгил,
Шафоат ҳам, ҳидоят ҳам ўзинг топган ризодандир.

* * *

Эр кишининг маскани, билгил, асл майдондадир,
Чун гули хушранг макони бир азиз бўстондадир.

Довруғи кезгай жаҳонда давримиз ўғлонларин,
Ул буюк соҳибқирон шавкатлари ҳар ондадир.

Тоғ кесиб Фарҳод жаҳонда ном чиқарди эл аро,
Ул абад уммон зиёси ҳар юрак, ҳар жондадир.

Эр Жалолиддин камоли мангу ҳар қалбда аён,
Душман олдида унинг имконлари осмондадир.

Ёвга даҳшат солди Қурбонжон кечиб ўз жонидан,
Бу улуғ ҳикмат макони маъдани Турондадир.

Элу юрт корида кимки жон фидо этгай, билинг,
Ул бу кун халқ ёдида, маҳшар куни ризвондадир.

Ҳаққа содиқлик ила, Маҳмуд, топарсан эътибор,
Ҳар улуғ ишнинг савобин, ажрими султондадир.

* * *

Ўтгуси сохта саодат охири жонинг қолур,
Жонингга жон бўлгучи гар бўлса иймонинг қолур.

Қадри кетгайким кўнгилда бебақо не бўлса гар,
Асли қиммат бебақо дамларда имконинг қолур.

Ўзлигин топгунча тинмай қалб жўшар ҳар ён сари,
Тилдаги шавқ ҳоври тушгач, дилдаги қонинг қолур.

Ҳар томон ёқмоқ ҳаётнинг машъалин беҳуда, бил,
Дил чироғинг ичра ёнган лаҳза чин онинг қолур.

Ким шаҳодат берди шуҳрат отининг мангулигин,
Барчаси ўтгайки, бир-бир, умри армонинг қолур.

Ишқ сиррин, Маҳмудо, қалбинга жойлаб бит ғазал
Ки, ажабмас диллар ичра нақши девонинг қолур.

* * *

Яхши одамдан ҳаётда яшнаган боғлар қолур,
Боғни обод этгучи чин аҳли хуш – соғлар қолур.

Парваришдан бўй чўзар ҳар ёнда турфа гул-чечак,
Баҳра олганлар дилида файзу ардоғлар қолур.

Шамс тафти қудратидан еру кўк топгай ривож,
Неъматии Ҳақ ичра сўнмас мангу яфроғлар қолур.

Ҳар юракда чин шижоат, ғайрати мавж айласин,
Яхшидан булбул қолур, шарр аҳлидан зоғлар қолур.

Экканин ўргай азалдан, турфа олам ичраким,
Яхшидан ёғлар қолур-у, аксидан доғлар қолур.

Зоти пок аҳли расодан кўрмагай дунё зарар,
Донишу ҳикматларидан бебаҳо чоғлар қолур.

Ибрат ол, Маҳмуд, ҳаётда яхшилардан ҳар нафас,
Кўрки, босган изларидан турфа чорбоғлар қолур.

* * *

Тотмагил нокас нонин ул охири сарсон қилур,
Эл аро обрўнгни тўккай, сўзларинг арзон қилур.

Сингмагайдир икки дунё луқмаи таъна азал
Ким, маломат ичра файзу роҳатинг яксон қилур.

Этмасанг гар эҳтиёт дил гулшанин, ё алҳазар,
Топганинг барбод этиб, ҳамдами шайтон қилур.

Бил, ҳалоллик бирла топган сув биладонинг ширин,
Сохта қўй ёғи дилингни бир куни вайрон қилур.

Дўстига ҳаргиз мурувват айламас нокас киши,
Нафси аммора ичинда макрини чандон қилур.

Яхшилар ҳар дам йироқ юргай уларнинг ёнидан,
Кимки нокасга яқиндир охири армон қилур.

Ўз-ўзингни тарбият айлагил, Маҳмуд, мудом,
Тут ҳидоят риштасинким, ул сени комрон қилур.

* * *

Ота-она қадрини фарзанди нодон хор қилур,
Кенг ёруғ оламини ҳар дам кўзларига тор қилур.

Турфа эзгу ҳисга тўлган кўнглининг гул қасрини,
Лаҳзада кул-кул қилиб, вайронаи абгор қилур.

Алҳазар, минг алҳазар, бундай балодан сақлагин,
Зурриёдлик риштасин охир бўйинга дор қилур.

Эл аро номи қаро бўлгай, минг афсус, ногаҳон,
Толеъин шамъини барбод айлагач, ғам ёр қилур.

Гул мисолдир қалби қайга эксанг ундан бўй олар,
Чин кўнгилдан қилса ишни уста боғбон, кор килур.

Эй, Худоё, ҳар ўғил-қиз неъматин бергувчи Сен,
Қудратинг чексиз, ягона, йўқни зумда бор қилур.

Ҳар жигарбанд изларин кўздан қочирманг, дўстлар,
Яхши йўлга тушса, Маҳмуд, ўнг-сўлинг гулзор қилур.

* * *

Кўзингни очмасанг бунда лаҳадда очмоғинг бордир,
Ниҳон қолмас бирор қилмиш, сирингни сочмоғинг бордир.

Тутолмассан, жилолмассан у кун ётган жойингдан ҳам,
Хатарларни кўриб ул дам азобин чекмоғинг бордир.

У кун Мункар, Накирларнинг сўроғига не дерсанким,
Адолат гурзиси тушгач, тариқдай учмоғинг бордир.

Ёруғ оламда ҳақ йўлда риёзат чекмадинг асло,
Жаҳаннамнинг азобига суниб бош кечмоғинг бордир.

Ўзингда ихтиёр эрди, муҳаббатдан сиво кўнглинг,
Қаро ерда тугунларники бир-бир ечмоғинг бордир.

Писанда қилмайин ўтдинг гуноҳ ҳамда савобларни,
Пиширган заққум ошингни, бил, анда ичмоғинг бордир!

Кўзингни каттароқ очгил гуноҳлар ичра, эй Маҳмуд,
Агар фазлин берар бўлса, савобин қучмоғинг бордир!

* * *

Ҳидоят неъматии ичра Яратган раҳмати бордир,
Шафоат этгучи бизники Ҳақнинг Аҳмади бордир.

Бўлиб лутф, иззати ғайбдан кўнгулга файз, шукуҳ ингай,
Насиб этганга, шукриллах, ададсиз роҳати бордир.

Тушиб ишқин нури дилга вужуд дард ичра ёнгайким,
Анинг шавқин таратмоқдаки Ҳақнинг нусрати бордир.

Тутиб дил ишқига ҳар дам анинг васлига муҳтожмиз,
Бу муҳтожлик мақомида яратган рифъати бордир.

Ўтар хавфу ражо бирла Худо берган азиз фурсат
Ки, Ҳақнинг кўзгуси ичра ижобат ояти бордир.

Ики олам ризоси-чун бу дунё ичра кўз очдик
Ки, ҳар босган қадамда Ҳақ яратган қудрати бордир.

Бу неъматлар саодатдир, бу ҳикматлар ҳидоятдир,
Биҳамдиллаҳки, Маҳмудга яратган жаннати бордир.

* * *

Улуғлар суҳбати ҳар дам кўнгилга файзу роҳатдир,
Бу неъматдан, аё дўстлар, вужудда бир фароғатдир.

Ёнурлар шамси анвордекки юртнинг бахти бу зотлар,
Бири дарёи раҳматдир, бири соҳиб кароматдир.

Ки элнинг ёди ёдида, ки юртнинг бахти баҳтида,
Кеча-кундузи ҳақ йўлда, ҳаёт йўли шижоатдир.

Қўринмас кўзга ул бот-бот, қаю дил излагай имдод,
Яратган қудрати бирла билим ботинда қат-қатдир.

Ки Танграм қудрати булдир, бу туйғу мангу туйғудир,
Ки Танграм суйган ул қулдир дилида чин саодатдир.

Улуғлар пойини, Маҳмуд, кўзингга тўтиё қилгил,
Бу зотлардан тўкилган нур Илоҳ берган муҳаббатдир.

* * *

Одамийлик ҳам ибодатдир, уни билган билур,
Ёру дўстига ҳамиша оқибат қилган билур.

Кўз очиб дунёга келмоқ энг улуғ неъмат азиз,
Бу улуғ неъматни дилга ҳуснихат қилган билур.

Бу ёруғ оламда инсон зоти олий, дўстлар,
Ҳиммати олийни ўзда тарбият қилган билур.

Яхши хулқ, яхши ҳунардан муддао келгай етиб,
Беадаб, ишсиз юришдан орият қилган билур.

Элу юрт корида кимки, омади келгай мудом,
Бу фазилатни юракка қатма-қат қилган билур.

Яхши инсонлар саодат боғининг боғбонидир,
Бу шараф-шонни ўзига чин сифат қилган билур.

Чин муҳаббат ичра кўнгул юксалур осмон қадар,
Чин илоҳий розни дилга маърифат қилган билур.

Олам ичра одамийлик қил мудом, Маҳмуд, тугал,
Одамийлик ҳам ибодатдир, уни билган билур.

* * *

Ота-онанг рози бўлса, дил уйинг обод бўлур,
Оғриса ногоҳ дили, битган ишинг барбод бўлур.

Мева бергай бандида гар барқ уриб гул очса гар,
Бемаҳал тўзғитса еллар ҳолига войдод бўлур.

Чўққида турган эса-да, тош юки тоғ бағрида,
Ногаҳон чоҳга йиқилгач, тоабод фарёд бўлур.

Тўғрилиқ ишқи билан сен доимо ибратда бўл,
Ўйласанг рўзи жазони, охиринг озод бўлур.

Ибрат олса ҳар киши ўтган улуғлар ёдидан,
Мақсадига етказувчи соҳиби иршод бўлур.

Йўлдан оздирган рақиблар нағмасига берма дил,
Домига тушганга, билгил, икки дунё дод бўлур.

Ота-онанг қадрини, Маҳмуд, бошингда тут баланд,
Охиринг обод бўлур, бил, охиринг обод бўлур.

* * *

Маним кўнглимга ўт солган ҳаволардан умидим бор,
Ҳаволар ичра мавж урган наволардан умидим бор.

Боқиб ўз нусрати бирла бу қалбимга олов ёққан,
Висоли ҳажрида чеккан жафолардан умидим бор.

Ки ёрим ғамзаси ишқин шароби ичра жўш урди,
Бу ҳолимни тушунган ул расолардан умидим бор.

Муҳаббат сирридан ўрлар вужудим ичра афғонлар,
Сукут ичра таралган ул садолардан умидим бор.

Оловлар ичра ёнғай дил муҳаббат сарҳисобида,
Бу асли ишқи ботинга вафолардан умидим бор.

Фалакнинг гардиши ичра дилимда кўп талотумлар,
Бу неъмат жабрида қадди адолардан умидим бор.

Муҳаббат шавқида, Маҳмуд, туну кун сен риёзат чек,
Риёзатларда дардимга даволардан умидим бор.

* * *

Яхшиларга бу ҳаётнинг бебаҳо ҳар они бор,
Ҳам суюкли бандаларга бергучи имкони бор.

Қўл билан берганга қуш ҳам тўймагайдир, дейдилар,
Ким азал ризқин берувчи тақдири сарбони бор.

Яхшилар бирла савобинг тоғ каби бўлғай баланд,
Толеингни бор этувчи борининг эҳсони бор.

Келса не, билгил, ҳаётдан ниятинг бергай самар,
Яхшига яхши, ёмоннинг сўнгида армони бор.

Ҳақ йўлида ишқ ила диллар ибодат айлагай,
Ҳар қадам, ҳар сўзда Ҳақнинг, бил, азал фармони бор.

Бу мунаввар руҳга ҳар ким чиққуси шавқи билан,
Ким анинг қалбида ёнган ишқининг нарвони бор.

Ҳар нафас шукрини, Маҳмуд, ушбу кун айлар баён,
Чунки дил амрида мангу сарвари султони бор.

* * *

Аҳли ишқин қалбида сарвари султони бор,
Икки олам раҳмати ул маҳваши мардони бор.

Олтину ножинсни ҳар дам фарқлагай заргар кўзи,
Қадри кетмас ҳеч гуҳарнинг ишқ аро майдони бор.

Зангламас, тупроқда ётса қадри ортар ҳар нафас,
Бу макон ичра бўй олган беадад имкони бор.

Ул яратган қудрати ҳам фазлидан топгай ривож,
Ким улўғлик фасли берган қалбида бўстони бор.

Покиза зотлар билан дил яшнагай топгай камол,
Аҳдида собитқадамлар бирла хуш даврони бор.

Неъматӣ Ҳаққа дуоси, шукри қалбида мудом,
Тил ва дилда зикри ҳар дам, бериё эҳсони бор.

Дермикин, Маҳмуд, сенга ҳам ул Набийи Мустафо:
«Ки, алар пойинда, эй қул, сенга ҳам ёзғони бор».

* * *

Умид қилгил, умидингга гўзал бир кун назар бордир,
Умид қилган кўнгулларни шарафларга ёзар бордир.

Умиднинг ҳикмати етгай қарору сабру тоқатдан
Ки, бардош мевасин бир кун умид бирла узар бордир.

Ният бирлан шижоатдан ёришгай муддао ҳар дам,
Умидлилар кўнгил аҳдин садоқат-ла безар бордир.

Илоҳнинг ҳиммати доим умидлилар қароғида,
Бу нусрат-ла, унутмангким, хатар йўлдан гузар бордир.

Умиднинг риштасин тутгил, ҳидоятга бурар доим,
Умидсизлик умидлар қасрини доим бузар бордир.

Аё кўнглим, умид қилгил илоҳдан, оҳ чекиб ёлвор,
Умидлилар учун уқбода ҳадсиз сийму зар бордир.

Яратган қудрати, Маҳмуд, абад шамъини ёққайдир,
Бу неъмат бирла ҳар ким охират йўлин тузар бордир.

* * *

Ҳар кишининг қалбида бир ғойиби ҳикматки бор,
Ким анинг сиррида юрса, ҳамма вақт омадга ёр.

Бу ғанимат дамни хуш бил, дилни бедор айлагил,
Кўнгли бедор ҳар кишининг умри доим бахтиёр.

Комил инсонлар синовлар ичра топгай баҳри ишқ,
Оқил ул ким ўз хатоси бирла этмас ифтихор.

Қўллагай ҳар ишда эл-юрт ўз асл фарзандини,
Ҳақ йўлида ҳақ сўзини айласа ўзга шиор.

Хур Ватан боғини кўркам айламак оқил иши,
Бу муқаддас ҳисга хушдил боқмагай безътибор.

Турфа хил инсон аро ўтгай ҳаёт, эй дўстлар,
Чин сифатлар ичра дил бўлгай ҳамиша анга ёр.

Бас, кўнгил лавҳига, Маҳмуд, ёз мудом ишқин сўзин,
Тўғри йўлдан озмасин дил, чекмасин охирда зор.

* * *

Тақдири олийда бўлса ризқу рўзинг бор бўлур,
Ҳар қачон ҳар ерда мақбул ишларинг бисёр бўлур.

Бил, савоб мақсадга дохил айлагай ҳардам сени,
Ажрими ҳар ишда ҳар он ўзига изҳор бўлур.

Ҳар сабаб бирла зиёндан асрагай ҳикмат сени,
Элу юрт олдида босган изларинг гулзор бўлур.

Дил илоҳий пок руҳлар шавқидан топгай камол,
Ғойиби кўнгул уйинг раҳматга хўб пойдор бўлур.

Руҳ қарор бергай бу боқий ишқу лаззат кўйига,
Ҳақ йўли қалбинг нурига доимо сардор бўлур.

Беадад шукроналиғдан файзиёб бўлгай кўнгул
Ким, улуглик бирла ўтган ҳар онинг дийдор бўлур.

Ҳақ таоло ҳар вужудни ярлақувчи бир ўзи,
Бандасин толеъи, Маҳмуд, охири чин ёр бўлур.

* * *

Ҳар кўнгулнинг ҳикмати асли баҳордан бошланур,
Рухга нур берган ўшал қутлуғ наҳордан бошланур.

Шавқ ила айлаб шижоат иқтидо майдонида,
Изғирин қаҳрида топган эътибордан бошланур.

Ҳасби ҳоли бирла ҳар дил файзиёб этгай йўлин,
Ҳар қачон бу ишда кўнгли барқарордан бошланур.

Икки олам ҳикмати ёринг ризоси бирлаким,
Бу улуғ майдонда турган интизордан бошланур.

Ишқи Ҳақ бирлан мунаввар ҳар киши қалб ойнаси,
Ул муҳаббат ичра гулгун лолазордан бошланур.

Яхши ният бирла, Маҳмуд, ким анга қўйди қадам,
Васлига восиллиги чин оху зордан бошланур.

* * *

Пок ўлиб, тўғри юриб, манзилга кетган яхшидир,
Бандалик расмин тутиб манзилга етган яхшидир.

Холимас хавфу хатардан бу ҳаёт сўқмоқлари,
Боғ қилиб босган йўлин заҳмин унутган яхшидир

Қилмайин ўзни намоён бевафолар ичраким,
Ҳақ йўлидан сабру тоқат бирла ўтган яхшидир.

Ошнолик топмади ҳеч ким маишат ичраким,
Бил, риёзат бирла ўз нафсини ютган яхшидир.

Ҳирс коми дардидан диллар чекарким изтироб,
Синдириб макрин анинг ажрини кутган яхшидир.

Сабру тоқат бирла, Маҳмуд, роҳи рост азмида бўл,
Ким сафар зодини ҳар дам эрта тутган яхшидир.

* * *

Эй кўнгил, қилгил тафаккур даври даврон яхшидир,
Яхши даврон ичра бул кун янги имкон яхшидир.

Сол назар аждодларинг қучган улуғ маъвога сен,
Бағрида сен яшнаган бу янги бўстон яхшидир.

Бўлма ғофил бу улуғ борлиқ аро неъматга чин,
Марди майдонлар яратган янги хирмон яхшидир.

Дахри дун ичра риёдан чайқалиб тургай кўнгил,
Эҳтиёт қилгил дилингни, билки, иймон яхшидир.

Қадрига етгил ҳаётнинг, иштибоҳдан бўл йироқ,
Ҳар нафас, ҳар дам ғанимат, билки, ҳар он яхшидир.

Сен буюк шахдинг аро қўйгил қадам аҳдингга мос,
Давр ила даврон овози, аҳду паймон яхшидир.

Маҳмудо, оламда турфа яхши юртлар кўп, валек
Яхши юртлар ичра озод Ўзбекистон яхшидир.

* * *

Сайрагил, дил, мисли булбул, ушбу фурсат яхшидир,
Сайрамоқ айёми, кўнглинг ичра журъат яхшидир.

Боғ аро оташнафаслар дилни қилгай бериё,
Дам ғанимат, тўрт кунлик онда ғайрат яхшидир.

Хушнаволар ичра ҳар дам соз қил созингни, дил,
Ким зафар қучмоқ йўлида топса нусрат яхшидир.

Тўтию зоғу зағанлар нафс ила авворадир,
Тут саодат илкини маҳкам ҳидоят яхшидир.

Бу улуғ онларни шукрин туну кун этгил баён,
Васфани айлаб сафода этса ҳиммат яхшидир.

Авж борида тиришгил, кўзлаган чўққига чиқ,
Белда қувват кетмасидан шахду шиддат яхшидир.

Роз айтмоқ истасанг, Маҳмуд, тирик чоғингда айт,
Даргоҳ ичра юз надамдан битта роҳат яхшидир.

* * *

Бу ҳаётда, эй азизлар, сабру тоқат яхшидир,
Ҳар юмушда сабру тоқат қилса одат, яхшидир.

Сабру тоқатли киши топгай камол касби билан,
Ҳам риёзат ичра ҳар дам чин шижоат яхшидир.

Нафс ила овворадир ким, билмагай сабру сукут,
Ул кечиб шайтон йўлидан қилса тоат, яхшидир.

Сабрсизликдан келур ҳар кимга офат, жаҳлият,
Илму фанда топса гар, ул бир иноят яхшидир.

Сабру тоқат Ўз сифотидан нишон ҳур қалб учун,
Ким бу йўлни тутса маҳкам, ул ҳидоят яхшидир.

Жонфидолар сабру тоқат бирла етгай аҳдига,
Икки олам ичра топса гар саодат, яхшидир.

Дилни ўткинчи жаҳоннинг ишратидан тут йироқ,
Маҳмудо, англаб ўзин топса ниҳоят яхшидир.

* * *

Эй кўнгил, ёнингда турган яхши дўстинг яхшидир,
Дўст иши бирла югурган яхши дўстинг яхшидир.

Бирга тотган бу ҳаётнинг шодлигу ҳасратларин,
Покиза тийнатда юрган яхши дўстинг яхшидир.

Ҳар киши дунёга келгай яхши ном олмоқ учун,
Азмини ҳикматга бурган яхши дўстинг яхшидир.

Оқилу доно кишилардан ёмонлик чиқмагай,
Ризқини меҳнатда терган яхши дўстинг яхшидир.

Дўсти ҳақни ўйламай ҳеч баъзилар топмас савоб,
Қадрият қасрини қурган яхши дўстинг яхшидир.

Икки олам ҳар киши дўст ила топгай шараф,
Дўст учун меҳри жўш урган яхши дўстинг яхшидир.

Яхши дўстинг бирла, Маҳмуд, бўл ҳидоят саҳнида,
Оқибат зодини тутган яхши дўстинг яхшидир.

* * *

Эй кўнгул, ҳаддингда тур, эрга ҳаё иймондадир,
Жон қуши – руҳга фароғат шу гўзал имкондадир.

Ким ибодат бирла этгай ўз ҳаётин файзиёб,
Йўлидир олиймақом, ажри анинг осмондадир.

Чин ҳабиблик риштасин тутди жаноби Мустафо,
Мўмину муслимга ибрат, шу набий, султондадир.

Ким Худонинг дўстидир доим ҳаё ичра турур,
Ҳар қадамда оқибатдан хавф этиб гирёндадир.

Аҳли дил ҳар дам фасоҳат ичра топгай умрини,
Ибтидоси, интиҳоси қисмат азал фармондадир.

Ким тутар кўнглида ҳар дам чин ҳаёнинг неъматин,
Анга чин жаннат ғизоси сарвари эҳсондадир.

Ҳақ ризоси бирла ҳардам, Маҳмудо, умринг беа,
Демасин ҳеч ким сенга: «Бу беҳаё майдондадир».

* * *

Соғ-омон юрмоқ, дўстим, катта бир давлат эрур,
Тандурустликда расо турмоқ ажиб талъат эрур.

Ҳар нафас, ҳар дам саодат, ҳар қадам беҳад азиз,
Хушҳаво борликда бўлмоқ бебаҳо ҳикмат эрур.

Юзқаролик бирла кетди қанчалар йўлдан озиб,
Бехижолат ҳол сўрашлик доимо ҳурмат эрур.

Тўқ юриб ғафлатда қолгандан кўра камлик аро,
Бил, ёруғ юз бирла жим ўтган кунинг раҳмат эрур.

Кўрмадим ҳою-ҳавас деб иштибоҳга берма дил,
Ким анинг комида қолса, чиқмоғи ғурбат эрур.

Паст-баланд отгай азалдан бу ҳаёт офтоблари,
Тўғрилиқ расмида қилган ҳар ишинг рағбат эрур.

Бу саодат ичра, Маҳмуд, мағфират йўлини топ,
Икки оламини гўзал этмоқ улуғ ҳикмат эрур.

* * *

Қодири якто ўзи кўрган раво инсоф эрур,
Ул Расул пайғамбарим айтган сафо инсоф эрур.

Барча ўтган анбиё қилган наво инсоф эрур.
Чорёрлар ишқ аро қилган вафо инсоф эрур.

Одамийлик зийнати ҳам бебаҳо инсоф эрур,
Поклаган ҳар бир назарни тўтиё инсоф эрур.

Нокасу ножинсда ҳаргиз бўлмагай инсоф адл,
Оқилу донода ҳар дам муддао инсоф эрур.

Топмагай Ҳақ ажрини ҳеч бўлмайин комил киши,
Бу мунаввар йўлдаким руҳга ғизо инсоф эрур.

Эл аро шармандалик нокасга келгай феълидан,
Марди майдон ичраким нашъу намо инсоф эрур.

Айла ҳожатмандга нафни бериё, эй Маҳмудо,
Яхшиларга икки олам раҳнамо инсоф эрур.

* * *

Имтиҳон этмоққа ўзни, англа, Ҳақ майдони бор,
Ҳар кишининг умр аталмиш бебаҳо имкони бор.

Айласанг мақсад бу ишни қудрати бергай шараф,
Ким бу майдон ичра киргай қалбида иймони бор.

Бу ҳаёт саҳнида ҳар ким ном топар феълига мос,
Чун башар ичра фиолда яхши-ю ёмони бор.

Яхши бирла гулга чўмгай, боғ бўлур вайрона ҳам,
Лек ёмондан боғу бўстон бир куни яксони бор.

Руҳни Ҳаққа боғламоқ чин аҳли диллар матлаби,
Бу улуғ мақсадга ўзни чоғлаган мардони бор.

Ишқ элидан, Маҳмудо, ўрган муҳаббат дарсини,
Дардини англар кишининг қалбида жонони бор.

* * *

Хуррият шавқу сафоси дилда – иймонда яшар,
Бу улуғ тақдир зиёси фикру виждонда яшар.

Қудрати ишқи биланким топди эл чин матлабин,
Бу муҳаббат шиддати ҳар онда, дostonда яшар.

Кенг жаҳон майдонида ким топди ишқидан шараф,
Бу мақом ичра ҳамиша дил шараф-шонда яшар.

Аҳли дониш суҳбатидан бўлди кўнгил файзиёб,
Бу саодат ифтихору нури ҳар жонда яшар.

Эл аро халқим шижоат бирла топди азми шаън,
Дилраболар ҳар нафас, ҳар дамда бўстонда яшар.

Ҳақ назар этган бу юртнинг эртаси бундан буюк,
Чўнг зафар қучган ҳар ишда, марди майдонда яшар.

Бу ҳидоят ичра, Маҳмуд, ҳар нафас шукрин қилур,
Чунки олам ичра танҳо Ўзбекистонда яшар.

* * *

Бу кўнгул ҳар дам таҳаммул ичра дилдор ахтарур,
Ҳар қадам, ҳар бир нафасда тоза рухсор ахтарур.

Ўтмайин бефарқ бу ҳикмат тоғу тоши узра ул
Дашту саҳро, қир-адирлар ичра гулзор ахтарур.

Қудрати бирла улуғдирким азалдан бу фалак,
Еру осмон ҳамда уммон ичра асрор ахтарур.

Шавқи ишқи дардида ким англагай қалб амрини,
Риштаи халқа ила завқ ичра хуммор ахтарур.

Хокни бўстон, зангни кимё айлаган ишқ аслида,
Дил ҳамиша ул чаманзор ичра хуштор ахтарур.

Ким дегайлар, ишқ ароким бўйла ошиқ аҳли бор,
Зор этиб ўзни муҳаббат ичра ғамхор ахтарур.

Ўзни Маҳмуд айлабон маҳшар куни Ёр олдида,
Гул узору ҳам дилоро ичра дийдор ахтарур.

* * *

Кишига келса файз, икром, итоат неъматидандир,
Бу йўлда топса яхши ном, итоат неъматидандир.

Ражою хавф ила кўнгил саодат манзилин кўзлар,
Кулиб боқса кима пайғом, итоат неъматидандир.

Ўзин англаб, камол топмоқлик ориф матлаби шаксиз,
Бу йўлда топса ким ором, итоат неъматидандир.

Баланду паст, узун қисқа қадамлар ҳам омонатдир,
Ки Ҳақдан топса ҳар аҳком, итоат неъматидандир.

Ямон яхши билан ўтгай, вафо қилмас бу даҳри дун,
Ки келса яхши бир инъом, итоат неъматидандир.

Итоат неъматин билмай ки Одам чиқди жаннатдан,
Ким истар жаннат ичра ком, итоат неъматидандир.

Итоат неъматин, Маҳмуд, эрур битмас саодатдир,
Дилингда бўлса бу айём, итоат неъматидандир.

* * *

Ҳар ёмоннинг феъли, албат, бошига бир кун етар,
Қилмиши қайтиб ўзига юз қаро айлаб кетар.

Қилса ким элга ёмонлик, жабрини тортар аниқ,
Вақти келгач, бил, яқодан ҳар иши ногоҳ тутар.

Зўрга зўрдан келгай офат, бу азалдан бор масал,
Қудрати Ҳақдан ёмонга бордир, албатта, хатар.

Кўрди олам, қанча золим кимса ноҳақ зулм этиб,
Сўнгра тарих саҳнасида оҳ чекиб қонлар ютар.

Дил дегайлар Каъба, ҳаргиз айлама вайрон уни,
Етса озор кўнглига гар титрагай аҳли башар.

Кимки таҳдид айлар элга зулму фиску зўр ила
Оқибат сўнгги макони бўлгуси, албат, сақар.

Бу ҳаёт ҳар кимга билсанг, бир синов дунёсидир,
Кимки нени экса, албат, ҳосилин ўрмай нетар.

Маҳмудо, Ҳақдан нажот бор яхшиларга ҳар қачон,
Ҳар ёмонни қилмиши-чун Ул Ҳисоб кунда тутар.

* * *

Аҳли ҳикмат этса олам мулкига ҳар дам назар,
Тошни кимё айлағайлар, қанд эрур бўлса заҳар.

Кўкда офтоб, ою юлдуз бўлмаса, ер музлағай,
Аҳли дил нурлар таратғай элга чун шамсу қамар.

Бенажот зулматдадир бўлса шарорат ичра ким,
Нури Ҳақдан баҳра олмай, ғофил ўтгай беҳабар.

Боҳабарлар икки оламда азиз гулзор аро,
Тафти бирла дилни обод айлағай шому саҳар.

Бебаҳолардан ёмонлик кўрмади дунё азал,
Кеча-кундуз шавқ аро этгай ямонлардан ҳазар.

Ишқ аро ким бўлса солиқ анда нур, анда шараф,
Ёр ўзи бергай сифотин юрмагай ул дарбадар.

Пок тут қалбинг ҳамиша ҳақ ишидан топ ажр,
Не шараф, маҳшарда Маҳмуд айласа хайр ул-башар.

* * *

Келиб ҳажрингда ғам чеккан бу ҳоли заъфароним кўр,
Фироқинг ичра оҳ урган яна дарду фиғоним кўр.

Туну кун айрилиқ захри аро ҳеч ўзни билмасман,
Қадам ранжида айлаб бир бу занги устухоним кўр.

Тикиб кўз ҳар тараф беҳол кўйингда мужда изларман,
Йироқдан бўлса ҳам, ёрим, ки сенсиз бу жаҳоним кўр.

Қадинг мақсудиға ҳеч йўл тополмай бу дилим вайрон,
Ки бойқуш қилмагай парво, харобот бу маконим кўр.

Харобот аҳлининг дардин билолмас беҳабарлар ҳеч,
Хабар топгил бу ҳолимдан, сенга дилда сўзоним кўр.

Агар меҳринг дариғ тутсанг, туну куним зимистондир,
Зимистонлик аро жўшган вужудим ичра қоним кўр.

Ки Маҳмуд этмагинг аҳдида қасди жон шиор этдинг,
Тамошо айламаклик-чун кел энди сен нишоним кўр.

* * *

Ҳажри дардинг ичра кўнглим истагай имдод, ёр,
Интилиб васлингга ҳар дамким боқурман зору зор.

Кўрмагай умрим чироғи сендан ўзга сувратин,
Қанча тотмайким фироғинг кетмагай дилдан қарор.

Садқа жоним, оҳ, жафойинг бирла ҳар он чирмашур,
Лек бу ғамлар заҳми ҳаргиз қилмагай аҳдимга кор.

Доғи дардинг бирла умрим ўткарурман туну кун,
Деб насиб этгайми қулга оқибат васлинг нигор.

Шамъи ҳижронингда кўнгул ўртанур ёр истабон,
Мисли Мажнун дашт ароким сенга танҳо интизор.

Ўйлама мингдан бири деб қулга айлаб иштибох,
Асли бу ишқинг ўзинг жо айладинг қалбимга, ёр.

Интизорлик бирла Маҳмуд истагай сендан нажот,
Пардасиз ҳуснингни кўрсам бир дея лайлу наҳор.

* * *

Ҳар қачон ҳар ерда ўз ошиёним яхшидир,
Кўз очиб кўрган онамдай меҳрибоним яхшидир.

Осуда, сокин, улуғвор ҳур ҳаётим манбаи,
Олам ичра беқиёс сарви равоним яхшидир.

Ҳусни кўнглимга берар қудрат, иродат безваз,
Ҳар маҳал бирдай нуроний нурфишоним яхшидир.

Қайда бўлсам қўмсагай руҳим анинг райҳонини,
Ифтихорим, иқтидорим, гулситоним яхшидир.

Ул муқаддас пок зот аждодларим туфроғи бу,
Келгуси авлодга мерос ҳур жаҳоним яхшидир.

Ҳикмати, лутфи билан Ҳақ чин мукаррам айлаган,
Халқ аро миқёсда турган комроним яхшидир.

Маҳмудо, ҳар лаҳза шукрин айлагай тақдирининг,
Ҳур диёрим Ўзбекистон – жонажоним яхшидир.

* * *

Аҳли маънилар ҳаёт тарзини пурмаъно қилур,
Сақлабон ҳар хил гунаҳ ишдан ўзин, тақво қилур.

Комил инсон беадаблик қилмагай ҳар ерда ҳеч,
Яхшиларга интилиб ул ўз ишин аъло қилур.

Даҳр аро топгайдир ибрат ҳам ибодат, дил бериб,
Дил кўзи бирла ўзин ислоҳ этиб, зебо қилур.

Даҳри раҳмат манзаридир, Ҳақ таоло неъмат,
Баъзилар Ҳақ неъматин кўрмай ўзин аъмо қилур.

“Даҳр бемаъни элидан қочқамен”, – дер Ҳазратим,
Даҳр бемаъни эли, бил, Ҳақ ишин бежо қилур.

Дун табиатлар фиоли айлагай дунёни дун,
Яхшилар Ҳақ йўлда кўнглин булбулигўё қилур.

Аҳли маъни ичра топгил қадр ҳар дам, Маҳмудо,
Чунки Ҳақ ишларни доим оқилу доно қилур.

* * *

Бебақодир умримиз, ҳар дам ғанимат, дўстлар,
Бу ғанимат дам аро ҳамдам ғанимат, дўстлар.

Кеча кимлар бирла кўнгил ҳамнафас, ҳамдари эди,
Ўтди бир-бир қолмайин, биз ҳам ғанимат, дўстлар.

Қолмагай ҳеч ким бу олам ичра бир устун бўлиб,
Ҳар қадам, ҳар лаҳзада одам ғанимат, дўстлар.

Ҳақ таоло зоти инсонни мукаррам айлади,
Шукрида Ҳақ сори чин мақдам ғанимат, дўстлар.

Ишқида завқ айламак матлуб эрур ҳар дилга чин,
Англаувчи дарди дил маҳрам ғанимат, дўстлар.

Икки олам неъмат ул Ёр ила, дийдор ила,
Ҳажр ароким дийдаи пурнам ғанимат, дўстлар.

Ёри Ҳақ бирла мунаввар айлагил, Маҳмуд, дилинг,
Дилни бўстон этгувчи олам ғанимат, дўстлар.

* * *

Нолиса кимки ҳаётдан, ризқу рўзи кам бўлур,
Ношукурликдан кишида бори ҳам барҳам бўлур.

Оқил инсон беқаноат бўлмагай, шахт айлабон,
Поклигу касби ҳалолдан ҳар иши илдам бўлур.

Борига шукрини қилмоқ, бил, азизлар азмидир,
Ҳар улуғ иш сабру тоқат бирлаким маҳкам бўлур.

Тоққа чиқмайдир киши қўймай қадам тошларга, боқ,
Турса мақсад бирла кўнгил охири хуррам бўлур.

Қанча бойлик бўлса ҳам, кетгай ҳаёт ўпқонида,
Заррача неъмат билан ҳар дилдаким хуштаъм бўлур.

Бериезат келмагай ҳеч кимга омад эл аро,
Илму ҳикмат файзи бирла баркамол одам бўлур.

Икки олам неъмат, Маҳмуд, ҳалол ризқингдадир,
Шукрини қилсанг Худога, ҳар даминг байрам бўлур.

* * *

Паризодим, сенга ишқим кўнгилда бениҳоятдир,
Агар хайр айласанг адлинг манга ҳам бир иноятдир.

Неча кунким хазон янглиғ бу рангим заъфарон, беҳол,
Карам қилғил манга, ёрим, бу дам фасли ҳидоятдир.

Кеча-кундуз ҳаёлинг партави ичра дилим ёнгай,
Фироқи ҳажри дардингдан бу кўнглим зори ҳасратдир.

Нетай васлинг умидида қарорим қолмади ҳаргиз,
Юзингни кўрмасам, эй дил, манга ҳажринг қиёматдир.

Талабгоринг этиб ишқинг аро бор айладинг, ёрим,
Агар сен этмасанг парво ики дунём надоматдир.

Тағофил этмагил, ёрим, жамолингдан жудо айлаб,
Рақиблар ичра ким бу ҳол манга, билгил, хижолатдир.

Гирифторлик мақомида турар пойингда зор Маҳмуд,
Қатори бенасиб этма, дилимда ишқинг оятдир.

* * *

Нафс ила тутсанг ўзингни зиддият пайдо қилур,
Тутсанг ўзни ҳақ йўлида қурбият пайдо қилур.

Сирри Ҳақдан дилга келгай ҳар замон файзу футуҳ,
Бу футуҳ бирла дилинга хайрият пайдо қилур.

Ҳақ таолодан келур, билгинки, дилга шавқи ҳол,
Бу улуғлик Ҳақ ишида руҳият пайдо қилур.

Ким сиво айлаб ўзин дунёю дундан, ёр деб
Тутса ўзин ишқ аро гар амният пайдо қилур.

Жоҳилу нокасга ҳаргиз очмайин беҳуда лаб,
Боғласанг дилни Ўзига, аслият пайдо қилур.

Меҳрибонинг ёлғиз Аллоҳдир сенга икки жаҳон,
Руҳинг ичра нур сочиб ул ҳуррият пайдо қилур.

Маҳмудо, сен ўзни ошкор этмагил ҳар кимсага,
Айласанг Ёрга таважжух, тарбият пайдо қилур.

* * *

Бўлса нафсин бандаси ким тинмайин иғво қилур,
Ул лаъиннинг нағмасини билмайин ижро қилур.

Билса қилмас эрди ҳаргиз бу каби иллатни ул,
Бундай ишни феъли ноқис ношукур аъмо қилур.

Бу адашган кимсалардан чекди ранж, эвоҳ, кўнгил,
Чунки қайга борса тун-кун, маъсият пайдо қилур.

Тарқатиб эл ичра бўҳтон шум касофатлар била,
Боғу бўстонингни мисли дашту чўл, сахро қилур.

Ўйламас рўзи жазониким тутиб шайтон ишин,
Қилмиши бирла Ўзидан ўзни ул айро қилур.

Оқилу доно бу ишни қилмагай ҳаргиз, ажаб,
Фисқу исёнларни ҳардам фосиқу расво қилур.

Маҳмудо, эзгу амаллар бирлаким ҳолинг тузат,
Ҳақ, Расул йўлини тутсанг, Ул Кунинг аъло қилур.

* * *

Бу ҳаёт кўркамлиги қимматбаҳо тинчликдадир,
Элу юрт хурсандлиги ибратнамо тинчликдадир.

Ҳамжаҳатлик бирла битгай бўлса ҳар қандай юмуш,
Ишда келтирган зафарлар бебаҳо тинчликдадир.

Қайдаким бўлса низо, жанжал барокат бўлмагай,
Хур, фаровон юртдаги ҳар бир жило тинчликдадир.

Ҳар қадамда юксалиш, рағбат берар Юртбошимиз,
Янги руҳ, янги шижоат, муддао тинчликдадир.

Келди хуш файзу иродат янги фарзандлар билан,
Асрамоқ бу бахтни энди жо-бажо тинчликдадир.

Эл, Ватан бир жон бўлиб дунёда топмоқда шараф,
Ўзбекистон шуҳрати оламнамо тинчликдадир.

Маҳмудо, қадрига етгил бу ҳаётнинг неъматин,
Бошинг узра порлаган меҳри зиё тинчликдадир.

* * *

Сенинг ҳолингдан, эй кўнгул, Ўзи ҳар дам хабардордир,
Муҳаббатли кўнгилларга Ўзи ҳар дам мадақкордир.

Фироқи дардида ҳаргиз умидинг узмагил асло,
Садоқатли кўнгилларга Ўзи ҳар дам талабгордир.

Биҳамдиллаҳ, ғуломини муҳаббат ичра бор этди,
Анинг шукрини этмаклик туну кун қулга даркордир.

Назар солгил, бу неъмат шукридан бурди лаъин юзни,
Жазоси, бил, муқаррардир – абад доҳили финнордир.

Ҳидоят ҳам, иноят ҳам, саодат ҳамки Ҳақдан, бил,
Нажотин топмаган каслар ики оламда абгордир.

Ризоси ичраким, Маҳмуд, Нигоринг васлини топгил,
Ўзига ошиноларга ҳамиша, бил, Ўзи ёрдир.

* * *

Тонгла Маҳшар охират қайтиб бориш Раббимгадир,
Ҳақдан истаб оқибат қайтиб бориш Раббимгадир.

Уйғониб барча лаҳаддан Ул Куни оҳ-воҳ ила,
Ҳақдан истаб марҳамат қайтиб бориш Раббимгадир.

Тўпланиб Ул Кун ҳама ваҳми қиёмат дастидан,
Ҳақдан истаб офият қайтиб бориш Раббимгадир.

Қон-қариндош, эр-хотин, барча қочиб бир-биридан,
Ҳақдан истаб қурбият қайтиб бориш Раббимгадир.

Дўзаху беҳишт, аросат номаи аъмолдадир,
Ҳақдан истаб амният қайтиб бориш Раббимгадир.

Муттақийлар ичра қилгил, эй Худо ҳар бандани,
Ҳақдан истаб унсият қайтиб бориш Раббимгадир.

Маҳмудо, ҳардам ғанимат, тўғри йўл тарҳини туз,
Ҳақдан истаб мағфират қайтиб бориш Раббимгадир.

* * *

Икки олам неъмат, билгил, ҳалол ризқингдадир.
Дилда иймон қуввати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

Ким ҳалоллик бирла топди ризқини, топгай камол,
Бу улуғлик ҳикмати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

Ибрати тақвода бўлгил, дилни тут Ҳақ зикрида,
Ҳаққа дўстлик қурбати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

Қолмайин ғафлатда ҳаргиз айла нафсинг тарбия,
Сенга Ҳақнинг ҳиммати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

Нафс итига эргашиб сен бўлмагил хору залил,
Азму руҳинг қудрати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

Маҳмудо, парҳезда бўлгил, нафс итин айлаб забун,
Икки олам раҳмати, билгил, ҳалол ризқингдадир.

* * *

Ҳажри дардинг бирла кўнглим туну кун вайронадир,
Телбавор ҳолимни кўрган кимсалар ҳайронадир.

Бу ёруғ оламда сенсиз сарсари кезгай кўнгил,
Теграм узра неки бор сенсиз менга бегонадир.

Бас, фироқинг ичра қаддим дол эрур ғам остида,
Найласин тан ичра ул чун жони йўқ бирёнадир.

Меҳрсизлик бирла ҳолим айлама баттарки, сен
Неки қилсанг, қил менга лек дил сенга гирёнадир.

Оразинг ҳар он бу кўнглум ичра гулгун товланур,
Чун, хаёлим шуъласида сен ўзинг бир донадир.

Жон ато эт, бас Дилоро, жони йўқ бу жисмима,
Йўқса билгил, бор ҳаётим, борлиғим сўзонадир.

Ўйлама ўткинчи деб Маҳмуд дилида шавқини,
Икки олам бу кўнгил, билгил, сени деб ёнадир.

* * *

Кишида бўлса манманлик, билинг, кибру ҳаводандир,
Бузуқ фикру, лаъин нафси билан ул ошнодандир.

Қаю кас ҳусни хулқ ичра бу йўлга кирмагай ҳаргиз,
Бу эгри йўлда турса ким, билингким, норасодандир.

Баногоҳ бермагил кўнглингки бундай ақли ноқисга,
Турар манмансираб бефайз, бу ҳам бир беҳаёдандир.

Итоат этмагай ҳаргиз, ҳидоят ичра турмас ҳеч,
Жаҳолат тухмини сочгай, бу ҳамки бевафодандир.

Бўлиб яхши ила ҳар дам, ҳаёт ичра нажот топмас,
Ки ғафлат ичра тургай ул, бу ҳам бир бешиёдандир.

Низоми Ҳаққа бўйсунмай дегай кибр ичра “ман-ман” ул,
Бугунги фисқу исёни ўшал дамги хатодандир.

Худоё, аҳли камтарлар сафинда айлагил маҳмуд,
Ризойи Ҳақда бўлмаклик ўзинг берган ғизодандир.

* * *

Одабийлик зийнатидир дўст тутмоқ яхшини,
Бебаҳо Ҳақ неъматидир дўст тутмоқ яхшини.

Зебу зийнат, молу мулк ўткинчидир, ҳар дамгидай,
Бу ҳаётнинг роҳатидир дўст тутмоқ яхшини.

Қудрати Ҳақдан келур ҳақ ишда Ҳақнинг нусрати,
Нусрати ҳам қудратидир дўст тутмоқ яхшини.

Ожиз ақли бирла ҳеч ким топмагай ҳақ йўлни рост,
Йўлда дилнинг қувватидир дўст тутмоқ яхшини.

Баркамол инсонни олам раҳмати қилди Эгам,
Бу азизлик талъатидир дўст тутмоқ яхшини.

Маҳмудо, Ҳақ йўлда ҳардам дўстан топгил нажот,
Икки олам раҳматидир дўст тутмоқ яхшини.

* * *

Тутмаса Одам йўлин ҳар кимса, билгил, хор бўлур,
Хор бўлур, сарсон бўлур, бир бурда нонга зор бўлур.

Туз ичиб ўсган уйин қадрини билмас зоғлар,
Охири вайрон бўлур ҳам ҳадсиз олам тор бўлур.

Норасо ишларда асло бўлмагай фазлу адаб,
Ҳам адабсиз қайга борса ноқису бадкор бўлур.

Қадри бўлгай поймол жоҳил ишидан ҳар замон,
Нафсу шайтон макридан одамга кўп озор бўлур.

Ҳар киши дунёга келгай асли ҳур инсон бўлиб,
Бир ёмонга қўшилиб сўнг охири душвор бўлур.

Қўл кўтарса ким ота-она, элу юртига сўнг
Икки дунё ичра хору охири абгор бўлур.

Одаму олам йўлидан юксалур дунё азал,
Юрмаса ким тўғри йўлдан бир куни бадкор бўлур.

Маҳмудо, Ҳақ йўлда юргил: “Юрмаганлар оқибат, –
Айтадир ақли расолар: “Жойи, албат, нор бўлур”.

* * *

Тирикликда кишидан кетмасин файзу барокатлар,
Вафоти сўнгра ҳам Ҳақдан топиб фазлу фароғатлар.

Келиб дунёга ҳар ким шу каби мақсад топиб ўтсин,
Ҳаётидан олиб дил ҳар қадам рушду ҳидоятлар.

Мисоли бир шажар ул соясидан баҳраманд ҳар ким,
Ҳавоси мевасидан дил топиб завқу ҳаловатлар.

Чароғи неъматидир кексалик ҳам, эй, азиз дўстлар,
Бу ҳикмат бирлаким дилни безаб турсин фасоҳатлар.

Илоҳнинг раҳмати, файзи эрур ҳардам бу зотларга,
Алар файзи билан обод эрур ҳардам балоғатлар,

Амонатдир қадам гулшан аро, билгил, ғаниматдир,
Ризосин айласа кимки анга бўлғай ижобатлар.

Илоҳо, қулни ҳам мисли азизлар айлагил маҳмуд,
Ёруғ юз бирла Ул Кунда насиб этсин шафоатлар.

* * *

Бандалик даргоҳида, боқ, эй кўнгил, Хожам турар,
Ҳақ йўлида раҳнамо ул Мустафо Хотам турар.

Туну кунким ёди Ҳақ бирла кўнгилга руҳ солиб,
Икки олам умматига ҳамнафас, ҳамдам турар.

Аввалу охирда, эй дил, суннати Аҳмадда бўл,
Ажрими Ҳақдан аталган сенга, бил, ҳардам турар.

Ул адашган ичра Тангрим қилмади ҳаргиз сени,
Шу азизлик бирла турсанг барча хайри жам турар.

Ҳар қадам Ҳақ йўлда бўлса равзайи ризвонда, бил,
Ул Муҳаммад дастларида кавсари малҳам турар.

Раҳматан-лил оламиндир икки олам сарвари,
Шул сабабким еру осмон ўрнида маҳкам турар.

Нур бўлиб оламда тургайдир улуғлар сийрати,
То қиёмат нусрати ҳар дилга, бил, маҳрам турар.

Маҳмудо, зикрида бўлгил, ишқидан топгил нажот,
Чунки Ул Кун «Уммато» деб Ҳақ Расул Акрам турар.

* * *

Муҳаббат шавқида ёнган кўнгилга ҳурматинг бордир,
Сенга дил боғлаганларга ҳамиша неъматинг бордир.

Синов дунёси ичра дил турар измингдаким, бедил,
Нажотсиз ошиқ аҳлига Нигоро, ҳимматинг бордир.

Чекар ғам дил туну кун тинмайин ҳажрингда, эй ёрим,
Қилурға қул дилин равшан ҳамиша шафқатинг бордир.

Жамолинг шавқида қай дил, топар ул ажрини бешак,
Муҳаббатсиз кишиларга ҳамиша кулфатинг бордир.

Хаёлинг бирладир бу дил, умидим сендадир ёлғиз,
Нажот айла бу қулгаким, туганмас қудратинг бордир.

Нигоро, сарҳисоб этма, савобимдан гуноҳим кўп,
Тазарру айлаганларга ҳамиша зийнатинг бордир.

Ики дунё висолингни тилар дард ичраким Маҳмуд,
Сени, ёрим, севарларга ҳамиша раҳматинг бордир.

* * *

Ватан, соҳибжамолдирсан, ажаб бўстонларинг бордир,
Туну кун тинчинг асрашга жасур посбонларинг бордир.

Яратган нурлари бирла чирой очмоқдасан беҳад,
Азал қондош биродарлар билан давронларинг бордир.

Бўлиб Юртбошимиз сарвар, зафар қучмоқдамиз ғоят,
Туну кун янги манзиллар сари жавлонларинг бордир.

Жаҳон аҳли бу дам ҳайрат билан боққай камолингга,
Ки, шаънинг этгучи дoston қизу ўғлонларинг бордир.

Бу кун куч-қудратинг бирла жаҳон майдонида борсан,
Яна юксак зафарларни қучар имконларинг бордир.

Қасамёд айлаган дилда муҳаббат жўш уриб чексиз,
Буюрсанг, этгучи жонин фидо қалқонларинг бордир.

Онамсан, беғуборимсан, вужудим ичра жонимсан,
Сени мадҳ этгучи Маҳмуд каби хушхонларинг бордир.

* * *

Дилоро, ҳар замон, ҳар он Сенга муҳтожлигим бордир,
Гаҳи ошкор, гаҳи пинҳон Сенга муҳтожлигим бордир.

Киши борки, бу оламда муҳаббат-ла мукамалдир,
Хаёлинг бирлаким чандон Сенга муҳтожлигим бордир.

Ўзинг раҳм этмасанг, ёрим, жамолингга етолмасман,
Қулингга айлагил эҳсон, Сенга муҳтожлигим бордир.

Фироқ саҳросида беҳол кезурман, ёр, умидингда,
Ўзинг бахш айлагил дармон, Сенга муҳтожлигим бордир.

Мени бебаҳралардан деб, висолингдан йироқ этма,
Ўзингсан мен учун иймон, Сенга муҳтожлигим бордир.

Бу кўнглим таҳ-батаҳ қондир, сенинг ишқинг менга, бил, жон,
Бу дам бағримдаким армон, Сенга муҳтожлигим бордир.

Ўзингдан ўзгадан ҳаргиз умид ҳеч қилмагай Маҳмуд,
Ўзингсан дил аро жонон, Сенга муҳтожлигим бордир.

* * *

Яхши ният ҳар замон инсонга омад келтирур,
Икки дунёсин обод айлаб фароғат келтирур.

Қобил инсон лабзи доим мулки хушликдан нишон,
Баркамоллик сийратин фикру синоат келтирур.

Яхши ният Ҳақ йўлида дилни доим пок этар,
Дўстига ҳурмат кишига чин итоат келтирур.

Яхшилик яхши дегайлар пиру устозлар мудом,
Яхши ният, яхши сўз ҳардам шафоат келтирур.

Ҳеч киши топмас фазилат дилни равшан айламай,
Тутса ким шайтон йўлини, бил, надомат келтирур.

Яхши ният, яхши сўз ҳам, Маҳмудо, эҳсон эрур,
Бил, улар маҳшарда ажрига кафолат келтирур.

Айла мени бир ўзинга ёри харидор,
Қадди камон, офатижон, жон сенга ийсор.

Хаста кўнгил лаъли лабинг ишқида ёнгай,
Ғам тиғи-ла ўзни этар тун-куни бедор.

Икки жаҳон якка ўзинг ҳусну жамолда,
Ваҳ, сенга дил мушкул эрур этмагим изҳор.

Ҳажру алам ичра ўтар кун сари умрим,
Дил ёнадир дарду ғаминг ичра дилафгор.

Аҳли висол ичра мени этмадинг асло,
Ё сенга бир сўз дедими ғофили ағёр.

Аҳди азал кўйидадир оху фиғоним,
Этма мени энди, нигор, маҳруми дийдор.

Шамъи юзинг бирла ёрит хаста бу Маҳмуд,
Васлинг зор кўнгилими сен этмагил абгор.

«ЗЕ» ҲАРФИ ЗАҲМАТКАШЛАРИНИНГ ЗАБУНҲОЛЛИКЛАРИ

Ҳар дарахт асли яшил ўз боғида турган азиз,
Барқ уриб, яшнаб очилган чоғида турган азиз.

Азми Ҳақ бирлан уруғким кўз очар тақдирида,
Чўлми, дарёми ё кўл қирғоғида турган азиз.

Хасми ёким ул қуруқ новда кўкаргай ишқ ила,
Қирми ё ўсган макони – тоғида турган азиз.

Лавҳи Маҳфузда битилган қисмати ҳар нечаким,
Ким саросар бўлмайин туфроғида турган азиз.

Қадди доллар икки дунё корида бўлғай мудом,
Меваси бирла кўнгил ардоғида турган азиз.

Ҳар гиёҳ айтур саловат Ҳаққа руҳу шаклидан,
Васлига муштоқ туну кун доғида турган азиз.

Ўн сакиз минг олам ичра, Маҳмудо, ҳар бир дарахт
Не улуғ бахтким, ўзин чорбоғида турган азиз.

* * *

Хотира, қадру мурувват бирла ҳар инсон азиз,
Бу улуғ дамлар аро гар қилса ким эҳсон, азиз.

Яхши инсон этгай обод дилни чин аҳди билан,
Ўтган ул зотларга ҳурмат, аҳд ила паймон азиз.

Ота-она қон-қариндош ёдидан келгай меҳр,
Бу муқаддас ҳикмат ичра турган ул хушхон азиз.

Бўлмагай дунёга устун шоҳми ул ёким гадо,
Ҳақ ризоси ичра ўтган жон фидо мардон азиз.

Элу юрт корида кимки, ҳар қачон топгай шараф,
Барҳаёт руҳи ҳамиша, ётган ул майдон азиз.

Бу мукаррамликни толе қилди Ҳақ инсон учун,
Ибтидою интиҳода бўлса гар иймон азиз.

Қадру қиммат мард элининг шавкатиدير, Маҳмудо,
Бўлса бу неъмат кишида, ҳар қачон, ҳар он азиз.

* * *

Ёрини топгайми ошиқ ҳажрида садпорасиз,
Ким етар васлига чекмай ғам-алам овворасиз.

Излаган топгай дегайларким машойихлар азал,
Шавқ бўлмас ишқ элининг кўнглида фавворасиз.

Мубталолар дардидан олам муҳаббат ичрадир,
Айланур эрди зимистонга магар дилдорасиз.

Ишқ ила олам мунаввар, кавкабистондир фалак,
Нур сочарми бир нафас олам агар рухсорасиз.

Тийнатидан борлиқ ичра файз эрур, билгил, абад,
Ҳеч амал бўлгайми борлиқ ичраким наззорасиз.

Ўн сакиз минг олам аҳли ёри дарди ичрадир,
Етмагай васлига ҳаргиз ишқ эли дилпорасиз.

Маҳмудо, васлини истаб топмадим деб чекма ғам,
Қудрати олдида, боққил, қолмади ким чорасиз.

* * *

Кўнгил боғини яшнатган шарафли боғбонларсиз,
Ҳамиша бизга парвона фидойи соябонларсиз.

Кеча-кундуз чекиб заҳмат садоқат бирлаким тинмай,
Қуёш янглиғ сочувчи нур туну кун меҳрибонларсиз.

Ниҳол янглиғ амал олгай ки Сизга интилиб ҳар жон,
Ватан тоғи каби юксак билимдон қаҳрамонларсиз.

Олиб ибрат йўлингиздан камол топгайки ҳар инсон,
Ўзи оқил, сўзи аъло муаззам посбонларсиз.

Яратган раҳмати ичра ҳаётимиз эрур зийнат,
Ҳаёт илмини ўргатган мукаррам нуктадонларсиз.

Олиб сиздан сабоқ, ҳикмат саодат ичрадир кўнгил,
Фасоҳат бобида булбул каби ширин забонларсиз.

Боқиб нурли юзингизга муҳаббат айлагай Маҳмуд,
Яратганга шукур Устоз, азиз жонларга жонларсиз.

* * *

Хур Ватан ичра мукаррам катта бир оиламиз,
Барча эл-юрт шоду хуррам катта бир оиламиз.

Олам ичра донг таратди Ўзбекистон шухрати,
Аҳди рост, иймони маҳкам катта бир оиламиз.

Эл аро ғолиб бўлиб, ҳар жабҳада бўй кўрсатиб,
Ҳамнафас, ҳар ишда ҳамдам, катта бир оиламиз.

Ҳақ таоло ҳикматидан бўлди чин иқбол насиб,
Бу жаҳон саҳнида бардам катта бир оиламиз.

Кўҳна дунё ичра, айтинг, топди ким бундай шараф,
Қадру қиммат ичра шахдам катта бир оиламиз.

Эртаси бундан-да юксак, қудрату азми буюк,
Ўзлигин топган муқаддам катта бир оиламиз.

Файзиёб бу дами, Маҳмуд, асрасин Ҳақ то абад,
Толейи чиндан муаззам катта бир оиламиз.

* * *

Беадад шукридамизким, неъмати раҳматдамиз,
Беадад шукридамизким, уммати Аҳмаддамиз.

Ҳақ таоло берди иймон, айлади бизни шариф,
Беадад шукридамизким, туну кун шафқатдамиз.

«Уммато, Во уммато», деб ҳақ Расул айлар нидо,
Беадад шукридамизким, иззату ҳурматдамиз.

Айлагай ҳамду сано дил бу улуғ тақдирга чин,
Беадад шукридамизким, энг азиз фурсатдамиз.

Нафсу шайтон макридан ё алҳазар Ҳақ сақласин,
Беадад шукридамизким, мустақил, ҳур юртдамиз.

Бу мукаррамлик аро шахт айлагил сен, эй кўнгил,
Элу юрт, ёринг ризоси ичраким хизматдамиз.

Бу саодат ичра, Маҳмуд, топса ким Ҳақ фазлини,
Иншааллоҳ, иншааллоҳ, Ул Куни жаннатдамиз.

* * *

Биз қадрдонларни йўқлаб, жонажон, хуш келдингиз,
Тоғ каби юксалди кўнгил, меҳрибон, хуш келдингиз.

Бу улуғ айём аро дийдор кўришмаклик насиб,
Дилни дилга боғлабон пиру жавон, хуш келдингиз.

Хур замона файзидан ҳар дилки бўлгай файзиёб,
Гул бўлиб, булбул бўлиб, ширинзабон, хуш келдингиз.

Ҳақ назар этган, муҳаббат, чин садоқат боғига
Ҳақ йўлида иқтидо айлаб аён хуш келдингиз.

Бўй олур ҳар бир гиёҳ гулшан аро осмон қадар,
Руҳни кўкка чоғлабон, руҳи равон, хуш келдингиз.

Мунтазир эрди бу таърих ичраким сизга кўнгил,
Лутфу эҳсон айлабон, нури жаҳон, хуш келдингиз.

Шукрини айтар кўнгиллар бу жаҳон боғбонига,
Этгали зикрин яна, эй орифон, хуш келдингиз.

Ҳар қадамдан сарфароз ҳам кўнгилдан кетди ғам,
Сизга таъзим айлар аҳли Марғилон, хуш келдингиз.

Минг ташаккур айлагай тақдирга Маҳмуд ушбу дам,
Хурриятдан бўлди обод ошиён, хуш келдингиз.

* * *

Тополмасман дилим дардига малҳам бир шифо ҳамроз,
Этай десам баён бир-бир тушунгувчи расо ҳамроз.

Анинг ишқи аро кўнглим ҳаловат билмагай асло,
Тикиб кўз ҳар томон излар нигоҳим бебаҳо ҳамроз.

Тутиб савдосини бошда, раият ичра ёлғизмен,
Ўзи бирла ўзидир банд, кўринмас эл аро ҳамроз.

Ўзидан ўзгани бу дил раво кўрмас ўзига чин,
Ўзидан сўргамен бу дам: ўзинг бўл дилрабо ҳамроз.

Хувайдо айладинг элда, манингдек ҳоли хунборни,
Ки эмди босафо бўлгил, кўзимга тўтиё ҳамроз.

Бу даҳри дун аро санга қадам қўймоқ осон эрмас,
Қадам қўйдим, ки қилма зор, мани юзи қаро ҳамроз.

Висолинг дардида, Маҳмуд, умид бирла боқурман, ёр,
Муҳаббат айлагил бир бор, қилиб қулга вафо ҳамроз.

* * *

Қадрини айлар баланд ким айтса ҳар дам яхши сўз,
Белга қувват, кўзга нурдир, дилга малҳам яхши сўз.

Хуш каломдан одамейлик ҳикмати топгай камол,
Ҳар қачон айтгувчисин этгай мукаррам яхши сўз.

Ҳар кишининг қадри бўлгай матлаби бирла улуғ,
Икки оламда эшитган шоду хуррам яхши сўз.

Бандасин Ҳақ махлуқоти ичра этмиш энг азиз,
Алмисоқдан руҳи ичра айлабон жам яхши сўз.

Яхши сўз бирла тасарруф айлар оқил манзилин,
Тўғри йўлда ҳар қадамни этди шахдам яхши сўз.

Бу улуғ хислат-ла бўлди одаму олам азиз,
Ҳикматин англари ҳамиша топса одам яхши сўз.

Эй Худо, Маҳмудни этма баҳрасизлар қавмидан,
Муддаийлар айтмасин ҳеч унда деб кам яхши сўз.

«СИН» ҲАРФИ САЛИМЛАРИНИНГ САМИЪЛАРИ

Билса ҳамки аҳли дил, бил, ҳеч қачон билдим демас,
Этса ҳамки тоғни талқон мен уни қилдим демас.

Хокисорлик бирла кечгай ул ҳаёт дарёсини,
Кетса ҳам сел оқизиб, айлар сукут, жилдим демас.

Таъма-ю кибру ҳаводан ўзни тутгайлар нари,
Учса ҳамки кўкда оти, бир қарич елдим демас.

Ҳақ йўлида ким қадамни ташлагай муҳтож сари,
Этса ҳамки борин эҳсон, бир чопон илдим демас.

Айлагай пинҳон савобни дил тутиб Ҳақ амрига,
Сўйса ҳамки неча қўчқор бир қовун тилдим демас.

Ким жаҳон моли анга юз бурса минг жилва қилиб,
Юз буриб, ишқида андан, сенга интилдим демас.

Ёр васли, ҳажрида, Маҳмуд, жигар-бағри куюк,
Кирса ҳам жаннатга, васлин кўрмаса, келдим демас.

* * *

Бу олам саҳнида ҳикмат билан юрган зиён кўрмас,
Ки ҳикмат бирлаким заҳмат билан юрган зиён кўрмас.

Бу фурсат зийнати ҳар дилга бергайким фароғатлиғ,
Ҳалол ризқ ичраким хизмат билан юрган зиён кўрмас

Ки мардлар файзидан майдон азалдан чин эрур шонли,
Тутуб шахт азмида ғайрат билан юрган зиён кўрмас.

Улуғлар авжида тургайки, дилга нур сочиб бу он
Улардан руҳ олиб ҳайрат билан юрган зиён кўрмас.

Муҳаббат шавқидан ўсгай бу оламким азалдан рост,
Анингким завқида неъмат билан юрган зиён кўрмас.

Ики оламдаким фикрат билан топгай киши фазлин,
Бу хислат ичраким журъат билан юрган зиён кўрмас.

Бўлиб аҳди расо, Маҳмуд, шараф топди улуғлар, бас,
Элу юрт олдида раҳмат билан юрган зиён кўрмас.

* * *

Тутма ёлғон йўлни ҳаргиз, сенга бу имкон эмас,
Топганинг бу йўлда, билгил, ҳеч қачон дармон эмас.

Бу ҳаётнинг ҳикмати аслида чин ростликдадир,
Рост қолиб ёлғонда бедов сурганинг даврон эмас.

Ким азал «қолу бало»да берди руҳинг ваъдасин,
Ваъдага қилмай вафо ҳеч юрганинг майдон эмас.

Эгри йўлдан борди кимки, топмади манзилни ҳеч,
Сохта йўлдан қайтса гар ким, рост анга армон эмас.

Сайрагай булбулу зоғлар ҳар гулистон ичраким,
Ҳақ йўлинда, бил, аларнинг барчаси хушхон эмас.

Ким саодат кўйини тутгай, билинг, кўрмас завол,
Топса ёшлиқдан зиёсин ҳеч қачон сарсон эмас.

Маҳмудо, ўзни расолар ичра тут фурсат топиб,
Тўғри йўлдан юрмаса ким, ҳаргиз ул инсон эмас.

* * *

Отанг юртдир, онанг юртдир, бу юртсиз ҳеч чаман бўлмас,
Ватан ишқинг сенинг, эй дил, анингсиз ҳеч юрак тўлмас.

Ватан дўстинг, ватан ёринг, бу олам ичра гулзордир,
Ватансиз кўкда хуршид йўқ, ватансиз кўкда ой кулмас.

Ватан дил ичра райҳондир, ватан осмону уммондир,
Теран ҳис этмаса сиррин анинг қадрин киши билмас.

Ватан иймон, ватан имкон, ватансиз тан эрур жонсиз,
Ватан қудрат, ватан нусрат эрур ҳеч ерда енгилмас.

Ватан меҳру муҳаббатдир, ватан мангу саодатдир,
Кўнгилга чин шафоатдир, ватансиз дилга бахт келмас.

Шаҳидлар хокидан унган ватан гулдир, ипори чин,
Ватансиз гулга қуш қўнмас, ватансиз гул – тикан, гулмас.

Ватан Ёринг тажаллийси, ки ҳақлар ичра ҳақлиси,
Шараф ичра шарафлиси, шарафсиз дилга ишқ келмас.

Ватан боғдир, ватан тоғдир, ватан борки, кўнгил чоғдир,
Ватан бошингдаги тождир, ки дилда меҳри ҳеч сўнмас.

Ватан ичра сен, эй Маҳмуд, бу бахтинг Ўзбекистондир,
Бошингда бахт қуёшиким, чарақлар тоабад сўлмас.

* * *

Зикри Аллоҳ бирла топгай дил мақомин ҳар нафас,
Бу илоҳий шавқи Ҳақдан юксалур руҳ ичра сас.

Иштибоҳлар оламига, эй кўнгул, солма назар,
Сен ҳидоятдан ўзингни этмагил бебаҳра кас.

Ҳар киши босган қадамлар бирла топгай манзилин,
Ким хиёнат бирла зўрдир, ким диёнат ичра хас.

Бандалик зуҳдида тургил, аҳли дониш ичраким,
Жилва қилган тош аро ким этмайин кўнглинг ҳавас.

Ранж ила топди кимиким матлабин чин ишқ аро,
Икки дунё ичра ҳам раҳматда асло кам эмас.

Бош уриб ҳар ёнга ўзни, кирма шайтон йўлига,
Берса гар ҳар ерда ҳар дам ризқини топгай магас .

Истабон, Маҳмуд, саодат ҳақ сари азм айладинг,
Руҳу аҳволинг келарму асли ошиқларга бас.

* * *

Бу жаҳон майдонида инсон бўлиш осон эмас,
Файз топиб олам аро ҳам жон бўлиш осон эмас.

Бунда келган кимса борки, оқибат бир кун кетар,
Ўтгучи хас-чўп ичинда дон бўлиш осон эмас.

Кўҳна олам саҳни кенг боғу биёбондир азал,
Боғ этиб босган изин боғбон бўлиш осон эмас.

Тўкди киндик қонини қай ерга жони андадир,
Анга жонин бахш этиб, мардон бўлиш осон эмас.

Ишқи йўқлар билмагай Мажнуну Лайли қадрини,
Чарх уриб парвонадек сўзон бўлиш осон эмас.

Ҳажрида сарғарди ким, Ҳақдан топар аъмолини,
Топмайин ажрини ҳеч хушхон бўлиш осон эмас.

Ёр айтур: «Маҳмудо, сен бандалик расмида тур,
Билки, султон олдида жонон бўлиш осон эмас».

* * *

Сарвари олам деди: “Ёлғончилар биздан эмас”,
Айтдилар ҳақ сўзни зот вайрончилар биздан эмас.

Соҳиби фазли ҳидоят тўғри йўлда бегумон,
Эгри йўлга бошлаган карвончилар биздан эмас.

Фазлидан топгай шараф ким Ҳақ ризоси ичрадир,
Боғни саҳро айлаган пайҳончилар биздан эмас.

Кибру ман-манлик кишига, бил, азал душман эрур,
Шукри йўқ, юзи қаро исёнчилар биздан эмас.

Ҳақ каломи, суннати мўминга чиндан фарз эрур,
Тўғрини ёлғон деган бўҳтончилар биздан эмас.

Ким шафоат топса, билгил, охири жаннат эрур,
Эзгуликни топтаган пайкончилар биздан эмас.

Маҳмудо, ваҳми гунаҳдан кўзни оч, огоҳ бўл,
Беқиёфа аҳд ила паймончилар биздан эмас.

* * *

Бу ҳаёт бўстонидаким, сенга ҳеч ёр ўхшамас,
Гул-чаманзорлар аро ҳеч сенга дилдор ўхшамас.

Гулшани раънолиғингдан сенга ишқим ортадир,
Бу менинг бедорлигимга жумла бедор ўхшамас.

Борлиғингдан икки олам мисли хуммор мен каби,
Ташнаи хумморлигимга барча хуммор ўхшамас.

Жумлаи олам сенга гўёки ошиқ туну кун,
Лек менинг ошиқлигимга борки хуштор ўхшамас.

Дил кўйингда ҳар тараф тиккай кўзин ошуфтаҳол,
Бу соғинч, ҳажрингда менга кулли бемор ўхшамас.

Эй Нигоро, сен Масихдек қайта жон бахш эт менга,
Сенга ташна, мендайн дардингда абгор ўхшамас.

Ўн саккиз минг олам ичра айлагил Маҳмуд мени,
Чунки сенга мен каби зор-зор харидор ўхшамас.

* * *

Қанча чексам дарду ғамлар сенга, ёрим, арзимас,
Кам кўрингай барчаси, бил, сенга дилдор арзимас.

Туну кун ҳажрингда кўнглим сен дебон ёнгай, валеқ
Неки килсам барчаси, бил, сенга зинҳор арзимас.

Сен Қамарталъат кўнгилда, Шамсу Ойсан беқиёс,
Дил сенинг ажрингда чеккан дарду асрор арзимас.

Айладинг беҳуд мани сен ишва озор бирлаким,
Кимсасиз ҳар ерда қолдим зору ночор, арзимас.

Тутди дил Фарҳоду Мажнун, Вомиқу Тоҳир сенга,
Ушбу йўлда мендайн бир феъли бадкор арзимас.

Килмасанг фазлу иноят, бил, маним ҳолим забун,
Қудратингсиз бўлмагай ҳеч, барча бекор, арзимас.

Эй Дилоро, хаста Маҳмудман, шафоат айлагил,
Мендайн осий қулинга гарчи дийдор арзимас.

* * *

Ихтиёр эт, дилбарим, кўрмагимни ҳар нафас,
Ёр, сендан ўзгани, бил, кўнглим асло истамас.

Фикри ёдим, ихтиёрим сен билан ҳар дамдадир,
Ўн саккиз минг олам ичра сенга ҳеч ким ўхшамас.

Туну кун, ҳар лаҳза, ҳар он ўй-хаёлим сендадир,
Дарду ҳажринг бирла кўнглим, ўзгани ёд айламас.

Зоҳиру ҳам ботинимда бир ўзинг танҳо, малак,
Ортадир беҳудлиғим ҳам тўрт тараф бўшлиқ абас.

Айрилиқ шамъи дилимни ўртагай тинмай яна
Истагай тун-кун висолинг, келмагай сендан жарас.

Ишқ аро хайру саодат мабдаи танҳо ўзинг,
Ваҳки, андан бўлгучи воқиф наҳотки мен эмас.

Маҳмудинг ҳар дам ўзингдан истагай, ёрим, нажот,
Дилга таскин бергучи ёлғиз Ўзингсан, чорарас.

* * *

Етмагай васлига ёрнинг кимки тоат айламас,
Туну кун шавқида сархушликни одат айламас.

Жоми майда ёр аксин кўрмагайдир токи ул,
Ёр дарди бирлаким ҳар дам риёзат айламас.

Ҳажру озор заҳми бирлан айлабон кўнглини пок,
Заҳмату дардига бардош бирла тоқат айламас.

Бас, таважжуҳ бирла ҳар дил ишқидан топгай ғизо,
Топмагай қадрини ким ўзни саломат айламас.

Ғайбдан, бил, ажри келгай беэваз васл аҳлига,
Аҳли ноқис бунга ҳаргиз, бил иродат айламас.

Даҳр аро ҳаргиз вафони кўрмагай ҳеч аҳли майл,
Ким вафо топгай агар, ёрга садоқат айламас.

Маҳмудо, тун-кун ғамин чексанг демас ёрим сени,
Қилмасанг жонинг фидо гар ул ҳидоят айламас.

* * *

Неча кундир кўзим гирён Нигоримдан хабар келмас,
Бўлиб ҳолим туну кунлар фироқида батар, келмас.

Ўтар лаҳза, йилу ойлар нишон йўқдир кўроримдан,
Азоб чекмай ёнай қанча дилим қон, зебузар келмас.

Фироқин доғида кўнглим тилар мақсудини андан,
Муносиб кўрмайин ҳаргиз бу қулга ҳеч назар келмас.

Азоб даштида тургайман бу дам беҳол, кўнгилда чўғ,
Наҳот раҳм этмагай ёрим ҳаётимга самар келмас.

Бўлиб навмид неча диллар бу ғам дарёсида чўқди,
Бу ҳам чўккаймикан дебон наҳот шамсу қамар келмас.

Асириманки ҳар лаҳза анинг ҳажри билан бемор,
Висолин излагай кўнглим, валекин ул гуҳар келмас.

Кўриб ҳолимни, хобимда дегайким: Бас, умид қилғил,
Муҳаббат аҳлига, Маҳмуд, ижобат сарбасар келмас».

* * *

Ҳаётда қилганинг барча амаллар бенишон кетмас,
Ёзилгай барчаси дафтарга бир-бир, ноаён кетмас.

Савобу ҳам гуноҳингдан эрур огоҳ ҳамиша Ҳақ,
Савобингдан келур фойда, гуноҳинг беziён кетмас.

Ҳаёт сўқмоқлари доим баланд-пастдир азалдан, бил,
Ўтар дамлар синов ичра, то маҳшар имтиҳон кетмас.

Улуғлар хизматин қилгил тутиб азмин адаб бирла,
Талабгоринг келур вақтда харидор бегумон кетмас.

Бўлиб бетавбалар ичра, тутиб ўзни залолатда,
Эришган ҳар ниманг бордир тарозудан осон кетмас.

Ўтарман деб ғурурланма такаббур отида доим,
Аён бўлгай у дам боринг бирор коринг ниҳон кетмас.

Савоб излаб туну кунлар ҳидоят ичра сен тургил,
Ажабмаски, У Кун Дилдор: “Кел эй, Маҳмуд”, – дебон кетмас.

«ШИН» ҲАРФИ ШАКАРРЕЗЛАРИНИНГ ШАЙДОЛИКЛАРИ

Сани коринг мани, ёрим, асиру мубтало айлаш,
Асирлиғ ичра ҳам борим ўзингга муддао айлаш.

Манинг ҳолим аён сенга, санинг ҳолингни билмасман
Ки, билмаслик мақомида тутиб кўнглим яро айлаш.

Кўрарман деб неча ой, йил йўлингда интизор эрдим,
Жамолинг партавин сочмай ҳануз коринг жафо айлаш.

Муҳаббат занжирин боғлаш эрур касби мудом сенга,
Мурувват риштасин тутмай, ишинг менга жазо айлаш.

Тутиб ёр илкини қанча ки дўсти бовафо ўтди,
Менинг ҳам матлабим сенга ики олам вафо айлаш.

Гунаҳ беҳадлигиданким сенга етмак маҳол менга,
Валекин қанча хавф этсамки ондан кўп ражо айлаш.

Тиғи ҳажринг бу жисми нотавоним айламиш мажруҳ
Ки Маҳмуд дардига ёлғиз ўзингдандир шифо айлаш.

* * *

Эй кўнгил, ҳаддингда тургил, отмагил майдонга тош,
Бу улуғ майдонда турган ул азиз карвонга тош.

Тўрт кунлик бу ҳаёт, зикрида бўлгил файзиёб,
Гоҳ аён, гоҳи ниҳон дил, отмагил риндонга тош.

Ким қуёшдай, ойсифат ким порлагай майдон аро,
Боғлагил қалбинг қуёшга, отмагил осмонга тош.

Бу улуғлик бирла руҳ топгай саодат ишқини,
Зерипо айла кўнгилни, отмагил Яздонга тош.

Давр азиз, даврон азизким, дил азиз, жонон азиз,
Ишқ азиз, гирён азизким, отмагил жононга тош.

Васлидан айлаб умид қил, дилда тут хавфу ражо,
Ёдини айла саодат, отмагил ҳижронга тош.

Икки олам ичра, Маҳмуд, тарки исён айлагил,
Хор тутиб ўзни йўлида, отмагил дармонга тош.

Сенинг ёдинг билан, ёрим, неча жонлар адо бўлмиш,
Тушиб бошимга бу савдо менга ҳам муддао бўлмиш.

Хаёлинг шавқида бу дил неча ой, йилки бемордир,
Бўлиб ҳолимга забун сенсиз бу дардга мубтало бўлмиш.

Фироқ саҳросида, эвоҳ, йилондек тўлғонур жисмим,
Валек ҳолимга бу заҳринг чу кўзга тўтиё бўлмиш.

Жудолиғ ўтида умрим ўтар, ёрим, ки билмайсен,
Манингдек қадди долларга санинг дардинг шифо бўлмиш.

Назар этсанг на бўлгайдир паришон ҳолига қулнинг,
Бу даҳри дун мақомида муҳаббатга фидо бўлмиш.

Ки Лайли, Мажнуну Фарҳоду Ширин қисматин билдим,
Муҳаббат даштида дилларга ҳижрон раҳнамо бўлмиш.

Тутуб ўзни фироқингда Яратгандан сўрар Маҳмуд,
Ки маҳшарда юзинг кўрмакка балким Ҳақ ризо бўлмиш.

«СОД» ҲАРФИ СОҲИБЛАРИНИНГ СУҲБАТЛАРИ

Этмадим ҳеч ишни ҳаргиз, ёр, ўзим комимга хос,
Тутмадим бу йўлда ўзни аслида номимга хос.

Дарди ишқинг бирла ҳардам Сен томон қўйдим қадам,
Юрмадим бу йўлда охир сидқ ила ёримга хос.

Олди турфа иштибоҳлар маъсият илкигаким,
Кирдикорим ҳам аён бўлмиш бу кун домимга хос.

Ишқ элидан мен йироқ турганлигим бўлди аён,
Қолди ғафлат ичра умрим, майсиз ул жомимга хос.

Васлинг истаб, ёрсизлик матлабин тутдим мано,
Тавба бирла ушбу дам тургай дилим, шомимга хос.

Бу гуноҳлар ичра ботдим, топмадим ҳаргиз Сени,
Сен мени топсанг на бўлгай, бўлмайин золимга хос.

Ёрсиз, Маҳмуд, ризосин топмадинг ишқ ичра, бас,
Дерсан энди: «Топди ҳажрин умри итмомимга хос».

* * *

Эй, ўғил-киз, қўй қадамни бу улуғ майдонга хос,
Ҳақ таоло бизга берган бебаҳо имконга хос.

Яхшилар бирла тутиб сен ҳар қачон Ҳақ йўлини,
Зикрини қўйма тилингдан суннату иймонга хос.

Бу гўзал майдонда не-не покдиллар ёди бор,
Барҳаёт руҳини шод эт сен азиз мардонга хос.

Икки оламда азиздир, орифу оқил азал,
Миллатинг, юртингни севгил, толиби давронга хос.

Бил: «Замона ман», – деган Парвардигорим то абад,
Шукрини этгил замоннинг, бурма юз шайтонга хос.

Бебаҳо фурсатни нодон ўтказур нафс ила хуш,
Сен ҳаёт йўлинг азиз эт асли ул фармонга хос.

Икки олам раҳматидан ҳар киши топгай кадр,
Халқ аро, Маҳмуд, қадам қўйса агар инсонга хос.

Эй, ўғил-қиз, қўй қадамни бу улуғ майдонга хос,
Ҳақ таоло бизга берган бебаҳо имконга хос.

«ЗОД» ҲАРФИ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ЗАРОАТЛАРИ

Гул юзингни бир кўриш-чун руҳи сўзоним эваз,
Чайқалиб бағримда турган баҳри уммоним эваз.

Тўрт томонга кўз тикиб, кўнглим тутарман соғиниб,
Туну кун ёдингда чеккан оҳу афғоним эваз.

Ким висолинг иштиёқи ўртагай ҳар он дилим,
Бул муҳаббат бирла ўтган дарди армоним эваз.

Кўз очиб ҳажрингни кўрдим, ғам ила ўтгай куним,
Ишқим оҳи бирла тўлган еру осмоним эваз.

Қудратинг бирла кўнгил қўйдим, сенга эй, маҳлиқо,
Қудратинг бирла юзинг кўрсат, сенга қоним эваз.

Бас, муҳаббат ўтидан куйгай дилим, ҳижрон аро,
Йўл кутиб, йўлингда қотган жисми вайроним эваз.

Кел, тараҳҳум айла, Маҳмуд рангини этмай сомон,
Икки олам ичра, дилдор, сенгадир жоним эваз.

* * *

Этма ҳаргиз сенга гул тутган гулистонга ғараз,
Хуш бўйи бирла мунаввар ҳар азиз онга ғараз.

Барқ уриб оламга юз тутгай бериб завқу сафо,
Чин муҳаббат ичра бўлгил, этма имконга ғараз.

Дил бериб ҳар новда, гулни айлагил руҳга ғизо,
Хос бўлиб зеб бер чаманга, этма ҳар ёнга ғараз.

Бу қадим маъво улуғлар илдизиданким нишон,
Шул сабабким авжи кўкда, этма боғбонга ғараз.

Руҳи содиқлар камол топди бериб дил кўрини,
Боғла бел сен ҳам ватанда, этма иймонга ғараз.

Булбулигўё мисол гулзор аро ёзгил қанот,
Аҳли бўстон ичра бўлким, этма хушхонга ғараз.

Қўй қадам ёринг сари, Маҳмуд, кўнгилда ишқ ила,
Этма ёр атри таралган боғу бўстонга ғараз.

«ТО» ҲАРФИ ТОЛИБЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ

Турфа хил шарру риёдан кўзни айланг эҳтиёт,
Ким анга оина бўлманг, ўзни айланг эҳтиёт.

Жилваланган ҳар матонинг тарҳи бенуқсон эмас,
Ким ҳаво берган кўнгилга бўзни айланг эҳтиёт.

Фарқи кўпдир одамий бирла одамнинг аслида,
Одамийликдан хабардор сўзни айланг эҳтиёт.

Ёмғиру довулда сўнгай турфа ранглар беомон,
Дилга нақшин солган ул зардўзни айланг эҳтиёт.

Давру даврон кимга кўклам, кимга ёзу кимга қиш,
Қалб аро ул фасли гул Наврўзни айланг эҳтиёт.

Бас, насиб этган биланким, барчаси бўлмас ҳазм,
Бўлгучи руҳга ғизо ризқ-рўзни айланг эҳтиёт.

Дер ҳаёт мазмуни ҳикматда эрур, Маҳмуд, абад,
Ишқ ила ёнган кеча-кундузни айланг эҳтиёт.

* * *

Етмайин васлига ёрнинг чўлда қолғоним ғалат,
Даҳри дун кажравлигидан йўлда толғоним ғалат.

Ёр дарди матлабим эрди, анга юз бурмадим,
Ҳар қадамни тўғри йўлдан четга олғоним ғалат.

Икки кунлик бу ҳаёт вақти иродат этмадим,
Қўл бериб ножинсга шавқи дунга тўлғоним ғалат.

Нафси аммора ичинда ўзни шаррга боғладим,
Сохта дунё илкида лафзимда ёлғоним ғалат.

Топмадим ҳаргиз савобни яхшилар бирла туриб,
Ул лаъин макрида тун-кун чоҳда бўлғоним ғалат.

Шод этарман ўзни тинмай кори бадлар базмида,
Пулсиротдан ўтмайин беҳуда кулғоним ғалат.

Сен тазарру бирла, Маҳмуд, боғлағил дил ёрингга,
Кўзга суртмай гардини, ҳажрида сўлғоним ғалат.

«ЗО» ҲАРФИ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗАРОФАТЛАРИ

Айлади эл ичра машхур оқилу донони лафз,
Аҳдида содиқ расолаи Ширину Лайлони лафз.

Ҳар кўнгил ишқ ичра сезгай ўзниким Мажнуннамо,
Хуш навоси бирла илдам айлади буррони лафз.

Беқарорлик ичра ҳеч ким топмади ёр васлини,
Файзли этди вафоси бирла ул шайдони лафз.

Туну кун шахту риёзат ичра бедор кутди тонг,
Шул сабаб этди ғазалхон булбулигўёни лафз.

Кўп эрур ким хас-хашаклар бу жаҳон гулзорида,
Барчасидан этди аъло ул гули раънони лафз.

Лафзи бирлаким мукаррам одамизот аслидан,
Лек ёмонлар ичра абгор айлади расвони лафз.

Чин муҳаббат ичра, Маҳмуд, Ҳақ йўлини топди ким,
Ул амал бирла муносиб айлади имлони лафз.

* * *

Ким диёнат бирла юрса айлагай ул жонни ҳифз,
Жон билан қалбида порлаб турган ул жононни ҳифз.

Барчаси инсонга деб Ҳақ айлади фармон азал,
Шул сабабдан анга қилди барча ул имконни ҳифз.

Бўлди барпо борлиқ ичра ҳикматидан турфа зот,
Ўн сакиз минг олам ичра этти ул майдонни ҳифз.

Ҳар гиёҳ, япроқ, наботот, мавжудот ҳукмидадир,
Тоғу дашт, сахрою боғу еру ул осмонни ҳифз.

Раҳматидан баҳра топгай неки бор оламда рост,
Этмагай ҳаргиз жаҳолат бирла ул ёлғонни ҳифз.

Чайқалиб тургай само ҳам эврилиб тургай замин,
Қудрати измидадир, ул айлагай ҳар онни ҳифз.

Зикри Ҳақ бирла Яратган мадҳини қил, Маҳмудо,
Айлагай такрор мукаррам аҳли ул иймонни ҳифз.

«АЙН» ҲАРФИ АЗИЗЛАРИНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Эй, кўнгил, нафс комидан қоч, этмагил асло тамаъ,
Ким гулистонингни айлар бир куни сахро тамаъ.

Тўғри йўлда юргилу сен, яхшилар измида бўл,
Чиқса ногоҳ ким бу издан, айлагай иғво тамаъ.

Файзи икром бирла тутгил сен ўзингни туну кун,
Қилса ким анга ўзин дуч, айлагай расво тамаъ.

Ҳар еган луқманг ҳалол бўлсин мисоли офтоб,
Этмасин сўнг зурриёдинг кўз ёшин дарё тамаъ.

Яхшилар ҳар ишда одил бўлдилар асраб ўзин,
Оз еди ҳам оз деди, ҳеч этмади доно тамаъ.

Сен тамаъ макру маломат ўтидан ҳеч олма тафт,
Тафт олар ҳар кимки охир айлагай адно тамаъ.

Озоду обод ҳаётинг ичра, Маҳмуд, тоза бўл,
Ким гўзал сийрат аро ҳеч бўлмагай пайдо тамаъ.

* * *

Ҳар киши топгай фароғат келса даврондан толеъ,
Ким топиб эл ичра ҳурмат келса имкондан толеъ.

Меҳнати бирла азиз бўлгай киши юрт ичра чин,
Хуш ният бирла амалдан келса дармондан толеъ.

Толеин рост йўлда топгай аҳли диллар ишқ аро,
Шахтини айлаб мукаррам аҳду паймондан толеъ.

Эр кишилар тер тўкар ўз юрти-чун айлаб фидо,
Эл шараф этгай ониким келса майдондан толеъ.

Мустамандлар ҳолига боқ, сен кўнгил фазли билан,
Дил фараҳ топгай бу ишда келса виждондан толеъ.

Парвариш бирла чаманлар кўкка бўй чўзгай адл,
Гул бўлиб яшнаб очилгай келса боғбондан толеъ.

Икки олам неъматин ажрини топгай, Маҳмудо,
Кимгаким Ҳақ амри бирла келса иймондан толеъ.

Бу улуг фурсатдаким қадди дутолар бўлди жамъ,
Ишқидан қалби яро ул мубталолар бўлди жамъ.

Хусн элин аҳлида бундай дилраболар кам эрур,
Файзидан олам чароғон пурзиёлар бўлди жамъ.

Сийратидан руҳ олур икки жаҳон офтоблари,
Туну кун Ҳақ йўлда юрган жон фидолар бўлди жамъ.

Бу саодат хайридан ҳар дилдадир хушуъ ружуъ,
Ҳажридан ранги сориғ ул босафолар бўлди жамъ.

Кетди қанча ошинолар этмайин ўзни аён,
Этмаган ўзни аён, лек ғамзудолар бўлди жамъ.

Ёр васлин истабон мажзуб кўнгилда шавқи Ҳақ,
Жазби ҳол ичра мудом ёрдан жудолар бўлди жамъ.

Аввалу охирда, Маҳмуд, мубталолар ичра бўл,
Ишқ аро нусратда ким руҳи самолар бўлди жамъ.

«ҒАЙН» ҲАРФИ ҒАРИБЛАРИНИНГ ФИНОЛАРИ

Эй кўнгил, аҳдингда тургил, тушмасин имконга доғ,
Мустақиллик бизга берган бу улуғ майдонга доғ.

Бу улуғ майдонда турмоқ, бахт эрур, ҳиммат билан
Айла обод ҳар қадамни тушмасин бўстонга доғ.

Бу улуғ бўстонда ўсган ҳар гиёҳ, билгил, азиз,
Қадрини тутгил баландким, тушмасин боғбонга доғ.

Бу улуғ боғбон ишидин бўлди боғ кўркам чаман,
Озоду обод чаманда тушмасин давронга доғ.

Давру даврон файзини бил, бермагил зоғларга дил,
Айла эъзоз сен элингни, тушмасин хушхонга доғ.

Бил, азиз хушхон билан боғ икки олам ичраким,
Қил амал, фарзин бажо эт, тушмасин инсонга доғ.

Маҳмудо, ҳикмат биландир амну обод ҳар кунинг,
Сен улуғлар йўлини тут, тушмасин иймонга доғ.

* * *

Ёрутиб турса йўлингни, бўлса бошингда чароғ,
Кўзлаган мақсадга боргайсан етиб Ул Кунда соғ.

Гоҳ яқин, гоҳда узоқдир ул шафоат мазҳари,
Ишқ бўлса, бил, писандмас дашту саҳро, тошу тоғ.

Бу риёзат ичра гар ким ҳар нафас ҳикматдадир,
Сабру тоқат бирла айлар ҳар қадам умрини боғ.

Ожиз ақли бирла ҳеч дил топмагайдир сирри ишқ,
Англаёлмас ибтидою интиҳоси қайси чоғ...

Шавқи ҳоли бирла кўнгил топди ишқида мақом,
Бу иродат ичра йўқ ким умридир армону доғ.

Бир ишорат-ла азалдан турфа қатлам, турфа ранг,
Қил назар, бир ёнда булбул, сайрагай бир ёнда зоғ.

Сен муҳаббат ичра, Маҳмуд, айлагил гулзор дилинг,
Иншааллоҳ, топгай умринг икки оламда фароғ.

«ФЕ» ҲАРФИ ФАСИҲЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ўзбегим олам ароким топди қудратда шараф,
Ўзлигин англаб жаҳонда топди журъатда шараф.

Мустақиллик нурларидан кўкка юксалди сурур,
Жўш уриб ҳар жабҳадаким топди меҳнатда шараф.

Бўлди обод шахру кишлоқ, кент улуғ хизмат билан,
Елкасига тегди офтоб, топди ғайратда шараф.

Дўстликка ҳусну зийнат берди жумла халқ аро,
Ким этиб янги ташаббус, топди ибратда шараф.

Эҳтиёж етганга ҳар дам чўзди ёрдам қўлларин,
Ҳақ таоло берди файзин, топди ҳикматда шараф.

Илму фан, санъатда дунё минбарига чиқди хўп,
Довюрак аҳли билан боз топди суръатда шараф.

Шукрида, Маҳмуд, туну кун, шонли Истиқлол сабаб
Элу юртинг бахти кулди, топди давлатда шараф.

* * *

Хуш калом фикру малоҳат бирла дил бўлгай латиф,
Ҳусну хулқ лутфу латофат бирла дил бўлгай латиф.

Ким улуғлар дил билан топгай саодат манзилин,
Тил билан топган фароғат бирла дил бўлгай латиф,

Ҳақ таоло бандасин ҳар дамда эъзоз айлади,
Аслидан топган ҳидоят бирла дил бўлгай латиф.

Ишқ, иродат-ла кўнгил топгай яратган фазлини,
Фазлидан топган шижоат бирла дил бўлгай латиф.

Топмагай ҳаргиз ямонлар, бил, Илоҳнинг неъматин,
Неъматин топган мақомат бирла дил бўлгай латиф.

Икки олам фикрини ким руҳда қилди ихтиёр,
Фикрида жўшган ҳарорат бирла дил бўлгай латиф.

Бу шарофат ичра, Маҳмуд, топмадинг ҳаргиз ҳусн,
Бас, азал битган рисолат бирла дил бўлгай латиф.

«ҚОФ»ҲАРФИ ҚАЛАМКАШЛАРИНИНГ ҚОСИДЛИКЛАРИ

Эй кўнгил, аслинга боққил, аксидан юргил йироқ,
Аслинга боқсанг, сенга бил, икки оламдир чироқ.

Кечма уқбодан бу олам жилвасига дил бериб,
Неча дил берганни охир кудрати қилгай сўроқ.

Журму исён бирла осий бўлди не-не муттақий,
Бандалик бирла хатодан аҳлига солди фиरोқ.

Дилда жо қил ишқи Ҳақни туну кун сен ёлвориб,
Кўр кўнгилда сен жамолин тун-кун айлаб иштиёқ.

Тут шафоат ичра қалбни, оҳ уриб, қил илтижо
Ким, риёзат бирла қўл сун, узмагил ундан қароқ.

Бас, риёга бермагил дил, тут ибодат риштасин
Ким, ажабмас, этса Ҳақ ул қақраган қалбинг булоқ.

Даҳри дун ичра ўзингни ишқ ила, Маҳмуд, безат,
Ажрини бергай Худойим айласа ким иттифоқ.

Топмагай ҳеч ким фароғат, бўлса меҳнатдан йироқ,
Ким муродига етолмас, бўлса заҳматдан йироқ.

Гар чумолича эмасдир шиддати олам аро,
Ҳеч иши битмас агарким, бўлса қувватдан йироқ.

Эътибор ёшлиқда топган ҳар киши бўлгай азиз,
Умри ўтгай қадрсиз, ким бўлса ҳурматдан йироқ.

Бил, фақат ният билан ошмас амалга ҳеч бир иш,
Учрагай ҳар дам тўсиққа, бўлса журъатдан йироқ.

Нокасу ножинс қаторига қўшилгай билмайин,
Яхшилардан қочса кимки, бўлса хизматдан йироқ.

Маърифат бирлан фақат инсон ўзин кашф этмади,
Меҳнатидан файз йўқдир, бўлса ҳикматдан йироқ.

Жон чекиб, Маҳмуд, бу кун ҳар касга беҳуд айтма сўз,
Ким ёзуғда бўлса ул гар, файзу неъматдан йироқ.

* * *

Топмадим ҳаргиз ўзингдан дилга жонон яхшироқ,
Этгучи равшан кўзимни моҳитобон яхшироқ.

Неча кунки ой юзингни кўрмадим ҳолим забун,
Ишқ элига васлидан ҳам борми дармон яхшироқ.

Чикмадинг кундуз қуёшу тунлари сен ой каби,
Мубтало дилларга, билсанг, нури иймон яхшироқ.

Кўзга нур, қалбимга қувват сен эдинг, эй дилрабо,
Бош уришдан пойинга, айт, борми армон яхшироқ,

Жўш уриб руҳимда ҳислар, бўлди соғинчлар тўфон,
Чин муҳаббатсиз юракдан ҳажри сўзон яхшироқ.

Излагай ошиқ кўнгиллар бир-бирин пинҳон, аён,
Борми диллар розидан ҳам аҳду паймон яхшироқ.

Маҳмудо, ёрим висоли етмади деб, чекма оҳ,
Ёрни севмакдан ортиқ борми имкон яхшироқ.

* * *

Жаҳолат тухмини сочганлара асло саодат йўқ,
Залолатда ўтар умри, ики дунё фароғат йўқ.

Вафо этмас бисот ҳаргиз, қабоҳат комига тортгай,
Фалокат домида қолгай, анга бир дам ҳаловат йўқ.

Риё йўлини тутганлар: «Менингдир», – деб ўтар дунё,
Дегай дунё: «Менингдирсан, санга ҳеч бир амонат йўқ».

Балолар келса бошига, кўзи мошдай очилгайдир,
Гуноҳи тоғ бўлиб босгай, вале унда хижолат йўқ.

Шарорат манзили ичра турар нафси ила беҳуд,
Ғазабга учраганлар қалбида ҳеч бир ибодат йўқ.

Бўлиб осий лаъин янглиғ, тазарру этмайин ҳаргиз,
Ки маҳшар хавфидан қўрқмай, дилида зарра тоат йўқ.

Азоби охират ваҳми бўлиб ул дам нидо келса,
Йўлинг тўғри эса, Маҳмуд, санга ваҳми қиёмат йўқ.

* * *

Солма кўнгилга тириклик чоғида ҳаргиз ямоқ,
Чокидан бир кун сўкилгай йиртилиб бўлгай адоқ.

Шишадек покиза бўлгай қалби софларда вужуд,
Нияти бирлан қародир ёки ёрқин бир чироқ.

Сарвқадлар оламидан ибрат ол, ғафлат эли,
Дўстига тутгай зиёсин, душманига ўқ-яроқ.

Аҳли донишнинг юзидан икки олам нурфишон,
Фикри ноқислар ҳаёти ўтмади ҳеч бедимоқ.

Дарз кетса, қайтмас асли бу ҳаёт кўзгусининг,
Келгуси зурёдга дохил айлагай ушбу фироқ.

Бандасин умрини йўқдан айламиш мавжуд у кун,
Борини бор этди кимдир, ким эса осмас қулоқ.

Дилни иймон каъбасидек тоза тут, эй Маҳмудо,
Ўтказиб умрингни сен ишқ ўтида кўнглингни ёқ.

* * *

Эй фалак, кўнглимни ҳаргиз айлама жондан йироқ,
Жоними жонони бўлмиш моҳитобондан йироқ.

Борлиғим, мавжудлигим ҳам ул туфайли чин эрур,
Қилмагил бу қулни ҳаргиз туну кун ондан йироқ.

Ҳар нафас ёр ишқида ургай юрак, билмас тиним,
Неча бор ургай демаким, ургани сондан йироқ.

Нотавонман, норасоман кўйи васлинг ичра мен,
Чорасиз ҳолимни англаб, қилма имкондан йироқ.

Ул қуёш юзли жамолин истагай бул кун кўнгил,
Бир шарорат аҳлидан деб, қилма ризвондан йироқ.

Маҳмудо, ҳолимда роҳат топмадим деб чекма ғам,
Ким топар бахтини, эвоҳ, бўлса Султондан йироқ.

* * *

Ҳеч киши топмас фароғат, бўлса иймондан йироқ,
Топмагай умрида роҳат, бўлса иймондан йироқ.

Ҳақ ишида топса фазлин, ҳар киши бўлгай азиз,
Топмагай Ҳақдан иноят, бўлса иймондан йироқ.

Нафсу шайтон ҳар кишини оздирур йўлдан азал,
Аҳдида бўлмас барокат, бўлса иймондан йироқ.

Аҳли дилнинг суҳбатидан нурланур иймони пок,
Ғуссада чеккай надомат, бўлса иймондан йироқ.

Бандасин этмиш азалдан ул Худованди шариф,
Билмаса, босгай шарорат, бўлса иймондан йироқ.

Дониш аҳли кўнгли бирла боғланур Ҳақ васлига,
Топмагай асло ҳидоят, бўлса иймондан йироқ.

Маҳмудо, иймон нури бирла мукаррамдир кўнгил,
Ишқ аро топмас саодат, бўлса иймондан йироқ.

* * *

Ўзимни мен ўзимдан қутқарай десам, иложим йўқ,
Бу ҳолимда ўзимга ҳам ўзимдан ўзга золим йўқ.

Такаббурий хаёл бирла қўюрман ҳар қадам, ёрим,
Ўзинг қутқормасанг бундан мани ҳеч бир мажолим йўқ.

Ибодатга қўлим етмай, кароҳат бирла машғулман,
Йўлим тўғри қилай десам, лаъин бирла низойим йўқ.

Жаҳолатда ўтар умрим, кечиб аъмолу ирфондан,
Дилим сенга бурай десам, муҳаббатдан ғизойим йўқ.

Ўзимдан кечмасам ҳаргиз, Ўзингга етмагим мушкул,
Гунаҳлардан изойим йўқ, на хавфу, на ражойим йўқ.

Дегайлар: “Сийратингда, қул, висолига етиш ёринг”,
Валек бунга етишмак-чун шуурида зиёйим йўқ.

Илоҳо, қулга шафқат қил, нажот ёлғиз ўзингдандир,
Ўзингда кўрмасам ўзни маним – Маҳмуд камолим йўқ.

* * *

Тут ўзингни, эй кўнгил, сен аҳли зоҳирдан йироқ,
Тузма ҳаргиз сен анинг бирла кўнгилдан иттифоқ.

Сол назар, ҳоли ҳаётинг боғига сен дил билан,
Булбулу зоғ ўртасинда йўқ эрурму, боқ, нифоқ.

Ул санам дарди билан ёнгай талаб аҳли мудом,
Ўртагай ҳар дам аларни ишқ аро дарду фироқ.

Ҳеч вафо қилгайми дунё аҳли раҳмат корига,
Аҳли маъни ҳикматин ҳар дамда бил дилга сабоқ.

Даҳр эли бозорида бўлмоқ қийин осудаким,
Бас, синиқ кўнглингга ботин аҳлини айла чироқ.

Маҳмудо, доғи дилингни билмасин бедардлар,
Ёр васлин топгай Ул Кун бўлса ким мардонароқ.

«КОФ» ҲАРФИ КОМИЛЛАРИНИНГ КОШИФЛИКЛАРИ

Дарди ишқин ким чекадир анга чин афғон керак,
Ҳажрида ёнмоқ учун тун-кун яна дармон керак.

Асли ошиқлар Ўзига айлағай ўзни фидо,
Ишқ аро дил зангларин ювмоққа чин гирён керак.

Бу жаҳон бўстонида кўп булбулу зоғлар азал,
Барча ошиқ дер ўзин, лек дардида ҳижрон керак.

Ёр васли барчага ҳам этмағай чиндан насиб,
Алмисоқдан ҳар кўнгилга келган ул фармон керак.

Бу жаҳон айвонида, бил, боумидлар руҳ топар,
Хуш ният бирла амалда Ҳаққа чин хушхон керак.

Ишқ даштидан ўтолмай неча дил айлар фиғон,
Ҳаққа дўсту чин фидо бўлган жасур мардон керак.

Маҳмудо, сен аҳли дилнинг илкани бағрингда тут,
Васлига етмаклигинг-чун қалбинга ирфон керак.

* * *

Шараф-шон ичра истиқлол йўлига эътимод этдик,
Бу айём завқини ҳар дам кўнгилга эътиқод этдик.

Яратганга шукур минг бор – буюк йўлда улуғ карвон,
Бу неъматга олиб келган улуғ зотларни ёд этдик.

Буюк юрт эртаси кўҳна жаҳон ичра чаман бўлсин,
Музаффар ўлкамиз эркин замонлар ичра шод этдик.

Ғанимлар зулмидан вайрон кўнгил музтар эди беҳад,
Бу кун тенгмиз – диёрим мадҳини мангу савод этдик.

Қувончу тантана, куйлар диёримнинг сафосидир,
Ўзал турмуш чаманзорин яна кўркин зиёд этдик.

Баҳорий хуш саболарда муаттар бўй таралмишдир,
Бу гуллар атридан яйраб кўнгилни инбисот этдик.

Чаманлар ушбу дамларда малаклар рақсидан обод,
Бу гулшан ичра мангуга қолиб кетмак мурод этдик.

Улуғ юрт созини чертмак кўнгуллар орзуси эрди,
Бу бахтига етиб Маҳмуд, дилинда не ирод этдик.

* * *

Етса ҳар ишким ҳаётда муддаодан деб билинг,
Лавҳи Маҳфузда битилган ибтидодан деб билинг.

Ҳар киши дунёга келгайдир синоат ичра ким,
Тутса Ҳақнинг ҳукмини гар иқтидодан деб билинг.

Яхши фарзанд ота-она қалбини шод айлағай,
Қўнса анга бахт қуши олган дуодан деб билинг.

Яхши одоб, илму ҳикмат азму шиддатдан нишон,
Шавқида бўлса зиёда раҳнаmodан деб билинг.

Баъзилар амрини тутмайким хатога йўл олур,
Бундаин каслар сиёқини риёдан деб билинг.

Қилса ҳар ким яхши ният, ҳам амал бирла анга
Бўлсаким умри фидода, чин вафодан деб билинг.

Маҳмудо, ақли расола рачраким ибратда бўл,
Дўстлар, фазлини топса ким ризодан деб билинг.

* * *

Ота-она қадрини ҳар дам ўғил-қиздан сўранг,
Кеча-кундуз қошида малҳам ўғил-қиздан сўранг.

Бу ҳаёт сахни азалдан пасту баланд, қисқа-узун,
Йўлда қувват бўлгучи ҳамдам ўғил-қиздан сўранг.

Яхши фарзанд ота-она-чун суянган тоғ бўлур,
Дилга зийнат бўлгучи бардам ўғил-қиздан сўранг.

Топди бойлик ёш кўнгиллар эл аро ибрат билан,
Топгучи ҳурмат яна шахдам ўғил-қиздан сўранг.

Ота-она қадрини билмай йўқотди баъзилар,
Охири войвойлаган пурғам ўғил-қиздан сўранг.

Ота-она умрига бахш айлағай фарзанд шуқуҳ,
Бўлгучи зийнат яна марҳам ўғил-қиздан сўранг.

Бу улуғ хизмат аро, Маҳмуд, бўлур ҳар дил азиз,
Ажрини топган асл маҳрам ўғил-қиздан сўранг.

* * *

Ҳаққа дил берган азиз ул дўсту ёринг давлатинг,
Дўсту ёринг шавқ аро ул дарди боринг давлатинг.

Марди майдонлар билан дил яшнагай, топгай камол,
Бу улуғ майдонни этган ихтиёринг давлатинг.

Васлини истар кўнгилнинг ҳар дами, билгил, фараҳ,
Бу саодат ичра турган интизоринг давлатинг.

Ишқ аро ҳар ким топар ҳар нафас олий сифат,
Бу сифатни излаган лайлу наҳоринг давлатинг.

Лутфидан қудрат топар дил, уйғониб ғафлат аро,
Фазлига борини тутган бахтиёринг давлатинг.

Бу ҳаёт саҳнида Маҳмуд, зикр элига бўл яқин,
Зикр элидан ишқ аро жони нисоринг давлатинг.

* * *

Бир-бирингизга ҳамиша дўсти содиқ, бор бўлинг,
Ҳақ йўлинда чарчамай сиз доимо ҳамкор бўлинг.

Кўзлаган манзилга ҳеч ким бир ўзи етган эмас,
Бу улуғ бўстонда ҳар дам ҳамдаму даркор бўлинг.

Тўғри йўл майдонида ким, қўллагай Парвардигор,
Бу хушуъ файзу барокот бирла чин бедор бўлинг.

Бандаси ожиз экан деб, норасо қўйманг қадам,
Илтижо айланг туну кун, бандайи саттор бўлинг.

Мақдамингиздан диёнат гуллари чиқсин униб,
Нокасу ножинсга эшмас, доимо ағёр бўлинг.

Ишқ аҳлининг сифотин дилга жо айланг бутун,
Ушбу ибрат бирла ҳар дам ҳамдами аброр бўлинг.

Ким дуо ичинда, Маҳмуд, сен Ўзидан сўр нажот,
Бу савоб ишларда ҳар дам жаннати дийдор бўлинг.

* * *

Бу жаҳон саҳни синов майдони, полвонлар, яшанг,
Номи дунёга таралган асли султонлар, яшанг.

Бебақо дунё демай чин шамс янглиғ порлаган,
Мулки Истиқлол йўлида кори сорбонлар, яшанг.

Борлиқ ичра донг таратган, ишда келтирган зафар,
Мустақил юрт Қаҳрамони – марди майдонлар, яшанг.

Бу зафар бўстони ичра шиддати олам аро,
Нури Ҳақ ичра мақом топган шараф-шонлар, яшанг.

Ишқи ҳикмат қудрати, эл ичра якто сўзлари,
Эл азиз қилган муқаддас умри ҳур жонлар, яшанг.

Олам ичра ҳар дақиқа элу юрт дармони сиз,
Қадрини билгувчи, дилда нури иймонлар, яшанг.

Эл аро тинчлик учун бахшида шонли умрингиз,
Қудрати зўр ифтихорда, даври давронлар, яшанг.

Маҳмудо, сен жонфидолик мадҳин айла то абад,
Ҳар замон ҳар қайда эзгу руҳи туғёнлар, яшанг.

* * *

Дўсту ёру ақраболар, феълингизни кенг қилинг,
Ишқ аро, эй бевафолар, феълингизни кенг қилинг.

Топмади тор феъли бирла ҳеч киши оламда дўст,
Ишқ йўлида кўп хатолар, феълингизни кенг қилинг.

Эзгу ният бирла ҳар ким етгуси мақсадга чин,
Аҳда айлаб чин вафолар, феълингизни кенг қилинг.

Шамсдан ким ибрат олди, билки, топгайдир камол,
Меҳридан айлаб ғизолар, феълингизни кенг қилинг.

Сизгача келди бу дунё, сўнгра ҳам қолгай: аён,
Эл аро, эй камнамолар, феълингизни кенг қилинг.

Бўлмади дунёга устун, Қорун, Искандар қани?
Расм этиб ақли расолар, феълингизни кенг қилинг.

Кетди қанча мохрўлар, сиз боқинг, ибрат олинг,
Руҳига айлаб дуолар, феълингизни кенг қилинг.

Ошиқ аҳли бирла, Маҳмуд, бу жаҳон обод бўлур,
Бас, топиб Ҳақдан зиёлар, феълингизни кенг қилинг.

* * *

Дилоро, ҳажри дардингда бу рангимни сомон этдинг,
Ғаму ҳасрат, фироқингда бу қаддимни камон этдинг.

Висолинг шуъласин кўрмоқ илинжида эдим, э воҳ,
Йироқдан оташинг бирла ёқиб умрим хазон этдинг.

Хазон янглиғ кўним топмай харобот ичраким ҳолим,
Фалак чархидаким, э воҳ, ҳаётим тўрт томон этдинг.

Қолиб андуҳу ғам ичра жароҳат топди бу кўнгул,
Ки, зулмат ичра сен ташлаб нечун бағримни қон этдинг.

Туну кун ташнадир бу дил, инону ихтиёрим йўқ,
Бўлиб соқий, муҳаббат бодасин сунмай ёмон этдинг.

Кўрурман деб гадо янглиғ бу олам сахнини кездим,
Солиб жилвангни кўнглумга на ерларни макон этдинг.

Висол уммидида умри ўтар Маҳмуд қарор топмай,
Нечун ишқинг тутиб қулга ўзинг андан ниҳон этдинг.

* * *

Яхшилардан, эй ўғил, ҳар дамда ҳикмат ахтаринг,
Элга хизмат қилгучи кўнгилда ғайрат ахтаринг,

Одамийлик файзидир ҳар кимки қилса яхшилик,
Яхшилик айлашга сиз ҳар дамда журъат ахтаринг.

Иллату нуқсон қидирманг тоза диллар сахнидан,
Ўзни комил этгали ҳар ерда фурсат ахтаринг.

Дилни оғритмак осон, кўнгил олиш мушкул эрур,
Ишқи Ҳақ завқида Сиз ҳар дилда хислат ахтаринг.

Ҳақ таоло берди мол-мулк, мартаба, шукрида Сиз
Ҳар синиқ кўнгилга ёрдам бирла вуслат ахтаринг.

Дерлар олтин конидан олтин чиқар, мис бўлмагай,
Суҳбати олтинга тенглар ичра улфат ахтаринг.

Яхшилар қадрин билинг, тутманг ёмонлар йулини,
Яхшилардан ҳар қачон кўнгилга ибрат ахтаринг.

Нафси шайтон макрига учманг, хижолат айлагай,
Икки оламга татирли шукри неъмат ахтаринг.

Яхшилар фазлини дилга ҳар замон айланг ғизо,
Ўзни Маҳмуд этгали ҳар дамда тоат ахтаринг.

* * *

Эй ўғил-қиз ҳар қадам, ҳар он ризолик ахтаринг,
Ошкоро ёки пинҳон ҳар дам ризолик ахтаринг.

Яхшилик бирла ҳаёт саҳнида ўзни кўрсатиб,
Ҳаммага бирдек қараб, гирён ризолик ахтаринг.

Ўтгуси фурсат ғанимат ҳам омонат ҳар нафас,
Умрингизни айлабон эҳсон, ризолик ахтаринг.

Раҳмати Ҳақдан келур ҳар дилга ишқин жилваси,
Айлабон кўнгилни Сиз ризвон, ризолик ахтаринг.

Элу юрт корида кимки, марди майдон ичра ул,
Сиз бўлиб майдон аро хушхон ризолик ахтаринг.

Турфа феълү баднафслар илкига даст тутмангиз,
Хуш амалдан Сиз ясаб хирмон, ризолик ахтаринг.

Яхшиликдан, Маҳмудо, ҳар дилки бўлгай файзиёб,
Ҳар нафасдан Сиз топиб имкон, ризолик ахтаринг.

* * *

Ҳолидан огоҳ бўлинг ҳар дамда бемор аҳлининг,
Йўлингизга кўз тикиб ётган дилафгор аҳлининг.

Айлади инсонни Тангрим икки оламда азиз,
Қадрини айланг баланд ҳар дамда чин ёр аҳлининг.

Кори дунё бирла баъзан ўтгуси беҳуда дам,
Ҳақ учун ҳолин сўранг ҳар дам умидвор аҳлининг.

Тўрт кунлик бу ҳаётда сиз савоб излаб топинг,
Вақтида кўнглин олинг сиз ҳоли душвор аҳлининг.

Улгуринг, фурсат топинг, кўз юммасидан, эртага
Гардини балким тополмассиз талабгор аҳлининг.

Кўрса ким беморни, дер Ҳақ ул мени кўрган бўлар,
Интилинг васлига тун-кун бўлса ҳушёр аҳлининг.

Маҳмудо, вақтида ҳаргиз сўрмадинг дард аҳлини,
Дам ғаниматдир, дуосин ол бу кун зор аҳлининг.

* * *

Берди Ҳақ сизга омонат, бериё эҳсон қилинг,
Элу юрту ақраболар бўлсин ризо, эҳсон қилинг.

Берсангиз ўнг қўл билан чап қўл асло билмасин,
Чин кўнгилдан ёрдам айлаб, доимо эҳсон қилинг.

Дерлар, эҳсон бошга келган ҳар балони қайтарур,
Ота-бобо расмин айлаб сиз адо, эҳсон қилинг.

Дард аро кўнгли яримлар кўз тикиб ётгай бу дам,
Сиз топиб билдирмайин, кўзлаб шифо, эҳсон қилинг.

Соҳиби эҳсонга дерлар, Ҳақ ўзи айлар карам,
Икки олам ичра этгай ағниё, эҳсон қилинг.

Молу дунё, шону шавкат – ҳаммаси ўткинчидир,
Бўлса дилда хайру ҳиммат муддао, эҳсон қилинг.

Маҳмудо, жаннат калити, дерлар, асли хайр эрур,
Ҳақ йўлида сиз бўлиб чин ошно, эҳсон қилинг.

«ЛОМ»ҲАРФИ ЛАБИБЛАРИНИНГ ЛУТФЛАРИ

Дилдаги руҳи равоним маҳлиқолардан гўзал,
Севганим, жону жаҳоним дилраболардан гўзал.

Бу ҳаёт бўстонида ул матлабим ҳам мақсадим,
Жилваси жонга фароғат тўтиёлардан гўзал.

Боғ аро кезсам гул эрмас, кўзга ёрим кўринур
Ким, хазон бўлгувчи кузда бебақолардан гўзал.

Кўнглим ичра нур таратгайдир париваш бебаҳо,
Бебақолар ичра ҳамким бебақолардан гўзал.

Сўрмангиз деб қайда ёринг, ул маним жонимдадир,
Ул қуёш қалбимда фоний бевафолардан гўзал.

Эътимодим, эътиқодим, ботиним, онгимда ул,
Зоҳири васфида бўлган ҳурлиқолардан гўзал.

Билмадим, дерми ўшал кун, Маҳмудо, ёринг сенга:
«Мубталолар ичра барча мубталолардан гўзал».

* * *

Шукрини қилгил Худонинг, руҳу аҳволинг гўзал,
Этгучи дилни сарафроз асли тимсолинг гўзал.

Шавқи ишқи бирла топгай ҳар кўнгил осудалиғ,
Аслият завқини тотган рўзу моҳ, солинг гўзал.

Сўйлаганда сен ҳақингда тилларимдан бол томар,
Ҳусну одобинг билан ҳам асли ул холинг гўзал.

Сийрату сувратда сен покиза иймонинг била,
Ҳам диёнат ичра балққан юздаги олинг гўзал.

Тақдиринг берди самарким, ризқу рўзингдир ҳалол,
Талъатинг исмат ароким, бахту иқболинг гўзал.

Чун фасоҳат бобида ҳам айлабон ҳар дилни ром,
Ҳикмати Ҳақ бирла тотли дилдаги болинг гўзал.

Ким, азал ул бандасининг руҳи Маҳмуддир, улуғ,
Ҳақ билан, ҳамдам билан покиза аъмолинг гўзал.

* * *

Ғаниматдир бу суҳбатлар, улуғлардан дуо олгил,
Кўнгил ҳамда вужудинга туганмас бир зиё олгил.

Илоҳий файз эрур бу дам, муборак ҳар нафас, эй дил,
Дуога қўл очиб турган азизлардан ғизо олгил.

Савобу маъсиятингни кўриб тургай Худо ҳар дам,
Шафоат истабон Ҳақдан раиятдан ҳаё олгил.

Тутиб ишқида кўнгилни ўзингни Ҳаққа соз айла,
Муҳаббат шавқида яксар бўлиб нашъу намо олгил.

Ёруғ юз бирла бормоқлик У Кун Ҳақ олдига не бахт,
Тутиб жомин лабингга сен саодатдан сафо олгил.

Илоҳий марҳамат бирла насиб этди сенга бу шаън,
Ки, тавҳид неъматини бирла кўнгилга сен шифо олгил.

Муҳаббат шавқида, Маҳмуд, тиларсан васлини ёринг,
Бўлиб фоний сен ўзликдан бу дам Ҳақдан ризо олгил.

* * *

Кўнгил кўзгусида, ёрим, жамолингни намоён қил,
Этиб дил ойнасин равшан висол онин чароғон қил.

Ики олам гулистондир жамолинг партави бирла,
Карам айлаб бу кўнгилга нигоҳингни фаровон қил.

Сенга муштоқлигим боиски ҳажринг бирла ёнгайман,
Ҳаёлинг бирла ўтган лаҳзаларни дилга дармон қил.

Сени кўрмак умиди бирла ўтгай ҳар дамим, ёрим,
Карам айлаб висолингни қулинг кўнглига дармон қил.

Рақиблар раъйига боқма, мудом жон қасдида макри,
Этиб дафъ зулмини мендан алар ҳолин паришон қил.

Муҳаббат даштида сарсон кезурман дарди ҳажрингда,
Муҳаббат ҳурмати ҳаққи, бу қулга ҳам бир имкон қил.

Сани васлинг ўйи бирла менга тун-кун баробардир,
Мудом ишқингдаман, Маҳмуд, дилим васфингга хушхон қил.

* * *

Худоё, ҳар замон, ҳар он борар йўлим чароғон қил,
Сенга зикру шукуримни кеча-кундуз фаровон қил.

Бу беш кунлик ҳаёт ичра ўтар умрим гунаҳ бирла,
Савоб ишларни қилмакка қулинг вақти имкон қил.

Агар рози бўлар бўлсанг, менга ҳар мушкул осондир,
Карам бирла Ўзинг, Тангрим, назаргоҳим гулистон қил.

Синов дунёсида, кўнглим сезар ҳар дам бало хавфин,
Ғанимлар ҳамласидан соғ-омон чиқмоқни осон қил.

Заифман, ҳар нафас ҳар дам нажоткорим Ўзинг ёлғиз,
Шайотин макридан асраб, фано айшини яксон қил.

Ёруғ юз бирла бормаклик ҳузурингга саодатдир –
Ки, Маҳшарда Расулуллоҳ шафеъсин нури Раҳмон қил.

Ўзингдан ўзгадан ҳаргиз нажот йўқдир ики олам,
Этиб ҳолимни маҳмуд Сен борар жойим нурафшон қил.

* * *

Эй ўғил, ҳар ерда ҳар дам луқмангиз айланг ҳалол,
Бандасин пок асрагайдир икки олам Зулжалол.

Бу синоат олами ҳар кимга ҳар қандай келур,
Куйса ўтда қанча олтин топмагай ҳаргиз завол.

То абад зурёди Одам тақдирот измидадир,
Тупроғин қай ердан олган, ўзи билгайдир Кулол.

Ҳар гиёҳ, ҳар бир чечак, ҳар зарра ҳикмат ичрадир,
Бўлса тақдирда битилган, тескари эсгай шамол.

Нафсу шайтон макридан қочса агар кимки, билинг,
Толеида бўлса гар бўй кўрсатур Соҳибжамол.

Ҳаққа етмаклик муроддир ҳар гуноҳкор бандасин,
Қилса ислоҳ ўзни бунда ул куни топгай висол.

Маҳмудо, пок айла дилни, бериё қил матлабинг,
Шамсдан Ҳақ азми-ла, кўр, нур олиб порлар Ҳилол.

* * *

Эй Дилоро, бир назар айлаб дилим обод қил,
Турфа хил шубҳа гумондан, кел, мени озод қил.

Қанча интилмай висолинг топмадим ҳаргиз, санам,
Қудратинг бирла бу маҳзун кўнглима имдод қил.

Ҳар нафас, ҳар ерда, ҳардам истагим сенсан менинг,
Хуш такаллум бирлаким сен покиза зурёд қил.

Севганим танҳо ўзингсан, ганжи меҳробим ўзинг,
Марҳамат айлаб бу айём ичраким бир ёд қил.

Ибтидойим, интиҳойим бир сенинг ҳукмингдадир,
Айлагил кўнглимда нуринг, ғайрини барбод қил.

Сендан айру кўрмагайман толеимни, эй Нигор,
Илтижойим сенга ишқинг ичраким бунёд қил.

Васли ишқинг шавқи ичра айлагил Маҳмуд дилим,
Бир таважжуҳ бирлаким ожиз қулинг дилшод қил.

* * *

Кўнгил зодин тилаб ҳар он талаб аҳли аро бўлгил,
Қўлингдан кетмасин имкон, талаб аҳли аро бўлгил.

Назаргоҳи эрур Ҳақнинг кўнгил кўзгуси ҳар доим,
Чароғон этгали чандон талаб аҳли аро бўлгил.

Кўнгил равшанлиги бирла ёришгайдир жамоли ёр,
Висолин истасанг гирён, талаб аҳли аро бўлгил.

Тутиб тавҳид мақомини кўнгилни боғлагил ёрга,
Боқиб тургай сенга жонон, талаб аҳли аро бўлгил.

Жамолига етишмаклик ики олам саодатдир,
Йўлингни бурмасин шайтон, талаб аҳли аро бўлгил.

Бу беш кунлик ўтар дамда эришгин сен шафоатга,
Этиб бағринг анинг-чун қон талаб аҳли аро бўлгил.

Тутиб ўзни сен эй, Маҳмуд, кеча-кундуз нигоҳида,
Кўнгилга ёр этиб Султон, талаб аҳли аро бўлгил.

* * *

Тирикликда иродат айлабон, эй дил, нажот топгил,
Қилиб яхши амаллар сен ики дунё бисот топгил.

Бу беш кунлик синов дунёсида амри аро бўлгил,
Тутиб ҳикмат йўлин тун-кун ўзинга бир сифот топгил.

Худонинг раҳматин топмоқ ҳидоят ичрадир ҳар он,
Этиб ўзни сифоти-ла туганмас бир ҳаёт топгил.

Ки, нафсинг комига тушмай, лаъиндан юз ўгир доим,
Кечиб айшу фароғатдан ўзингда бир сабот топгил.

Саодат ичра тур доим тутиб ўзни чароғида,
Муборак ўнг қўлингда олгали хатти барот топгил.

Этиб дилни фаровон сен муҳаббат нурлари ичра,
Ёруғ юз бирлаким Ул кун ҳузурига қанот топгил.

Қилиб тавба гунаҳлар денгизи олдида, эй Маҳмуд,
Ғанимат бу даме ичра туганмас бир нишот топгил.

* * *

Ўзингдан ўзгага, ёрим, мани бегоналардан қил,
Жамолинг нурига тун-кун мани парвоналардан қил,

Фироқинг дардида кўнглим чекар ҳар лаҳза дарду ғам,
Назар ташлаб қулингга бир, мани гирёналардан қил.

Ёнарман дарди ишқингдаки, бағрим таҳ-батаҳ қондир,
Нажот истар кўнгил сандан йўлим майхоналардан қил.

Талабгоринг эрурман чин куяр ишқинг аро жоним,
Яқин айлаб жамолингга мани сўзоналардан қил.

Аёндир, раҳмати ишқинг, ҳаёт бахш айлагай менга,
Борар йўлим сенга, ёрим, мани мардоналардан қил.

Малоҳат бирла кўнглимга муҳаббат жомини тутдинг,
Лабим етсинки, пойинга мани остоналардан қил.

Тилаб, Маҳмуд, ризойингни турар ҳажрингдаким беҳол,
Паноҳу сарварим сенсан, мани ҳамхоналардан қил.

* * *

Ота-онангга муҳаббат бирла ҳиммат айлагил,
Хизматида туну кун тинмай шижоат айлагил.

Жонфидо руҳи сани, бил, қўллагай ҳар ишдаким,
Бу савоб иш бирла сен кўнглинг саломат айлагил.

Ота-онанг руҳи покингнинг ҳамиша меҳвари,
Ёдини айлаб ҳамиша сен итоат айлагил.

Ота-онанг рози бўлса, билки, Аллоҳ розидир,
Розилик бирла туну кун чин ибодат айлагил.

Оналар пойида жаннат, дейдилар Ҳақ Мустафо,
Пойига бошинг қўйиб ҳардам зиёрат айлагил.

Ота-онанг руҳи боқий, сўнмагай икки жаҳон,
Тарбият фазли билан умринг ҳидоят айлагил.

Маҳмудо, Ҳақдан саодат истасанг икки жаҳон,
Ота-онанг азмини ҳар дам ижобат айлагил.

* * *

Ҳукми Ҳақ тақдиридан ҳаргиз шикоят этмагил,
Ғайри инсон феълини кўнглингга одат этмагил.

Лавҳи маҳфузда битилгандир азалдан қисматинг,
Айлабон исён ҳаргиз сен жаҳолат этмагил.

Ёр васлин сабру тоқат бирла топгай ҳар киши,
Бас, ёмон йўлин тутиб сен сўнг надомат этмагил.

Шукрини қилғил ҳаётнинг, неъматин қадрин билиб,
Бу синов дунёсида қалбинг жароҳат этмагил.

Ҳар нафасни бил ғанимат, ҳар қадамни бил азиз,
Чин қолиб ёлғон ила ўзни хижолат этмагил.

Ул Яратган қудратидан икки оламдир ёруғ,
Нафсу шайтон макридан кўнглинг залолат этмагил.

Ҳақ таоло, Маҳмудо, этди мукаррам матлабинг,
Шу азизлик бирла тургил, тарки ҳолат этмагил.

* * *

Ҳар киши халқ ичра бўлса, топмагай ҳаргиз завол,
Халқ қудрати-ла кўнгли туну кун очгай жамол.

Яхши инсон четда турмас ҳеч саодат сахнидан,
Турфа хил шарру риёни қилмагай ҳаргиз хаёл.

Парча-парча чўғ ёниб машъалга айлангай ёруғ,
Орзу бирла, кўр, чинор бўлгай чўзиб бўй ҳар ниҳол.

Донғи чиқмас ёлғиз отнинг, чиқса ҳам чанги, магар
Элу юрт ҳажри кишини айлагай ҳар ерда дол.

Қанча мева берса ҳам боғ бўлмагай ёлғиз дарахт,
Оқмаса жилға жадал дарёга етмоғи маҳол.

Дона буғдойдан уюм хирмон битилмас ҳеч қачон,
Айрилиб элдан киши ҳам топмагай ҳаргиз мажол.

Маҳмудо, бил туну кун ким элу юрт коридадир,
Бўлғуси рағбатга дохил халқ аро айлаб камол.

* * *

Эй Дилоро, ишқ шавқи бирла бедор айлагил,
Ёр васлин қуйлагувчи масту хуммор айлагил.

Қон эрур бағрим висолинг истабон ҳажрингда ёр,
Шул сабабдан туну кун дардингда афгор айлагил.

Марҳамат этгил манингдек жон нисор, гирёнга сен.
Мушкулимни қилгил осон, меҳринг изҳор айлагил.

Этма хор, саргашта ожиз бу қулингни ноумид,
Ҳажр саҳросидадирман, қалби гулзор айлагил.

Нотавонлиқ бирла бу дам тургамен ҳасрат чекиб,
Жилва бирла хаста дилни ёру дилдор айлагил.

Ноумид ўтмаклик эрмас ёр учун матлаб азал,
Бас, умид этмакка ҳар дам зору бемор айлагил,

Маҳмудо, васлингни истарким, ани топмоқ маҳол,
Топгучи васли жамолинг ичра ҳушёр айлагил.

* * *

Эй ўғил-қиз ота-онангни ўзингдан рози қил,
Элу юртни, аввало ичган тузингдан рози қил.

Розилик, шукроналик қалбингга нур бахш айлағай,
Нурга тўлган кечаю ул кундузингдан рози қил.

Яхшилар боғ айлағайдир, лек ёмон вайрон этур,
Шод этиб ҳар дилни сен нурли кўзингдан рози қил.

Олам ичра нур сочар, боққил, буюк аждодларинг,
Ул буюк зотларга пайванд илдизингдан рози қил.

Одамийлик, камтаринлик, бил, ҳаёт мезонидир,
Пок бўл, тўғри юриб кийган бўзингдан рози қил.

Кибру манманлик, жаҳолат нафсу шайтон макридир,
Қоч улардан, Ҳақни сев, аҳду сўзингдан рози қил.

Яхши ишлар бирла Маҳмуд айлагил ҳар дам дилинг,
Ҳар қадам, ҳар бир нафас босган изингдан рози қил.

* * *

Азми Ҳақни туну кун сен ўзга жо айла, кўнгил,
Муддао ҳар дамда сен зикри Худо айла, кўнгил.

Матлабинг ичра ҳамиша амридан журъат топиб,
Қудратин англаб Ўзига иқтидо айла, кўнгил.

Суннати Акрамни ҳардам айла сен умрингга зеб,
Дўсти Ҳақлар пойи гардин тўтиё айла, кўнгил.

Нафсу шайтон ишвасига қилмайин ҳаргиз назар,
Ҳақ йўлини кўзга суртиб бебаҳо айла, кўнгил.

Бандасини Ҳақ яратмоқдан боис кўнгил эди,
Жилвасига сен ўзингни зери по айла, кўнгил.

Арши меърожи Эгамнинг наздида кўнгул эрур,
Бу улуғлик неъматини жо-бажо айла, кўнгил.

Эй кўнгил, субҳи азалдан этди Ҳақ Маҳмуд сени,
Ҳақ зиёси ичра ким ўзни расо айла, кўнгил.

* * *

Баркамол айлар одамни яхши сўз, яхши амал,
Кетказар дилдан аламни яхши сўз, яхши амал.

Ҳақ муқаддас айлади лавҳида ўз ҳукми била,
Оширур ҳардам карамни яхши сўз, яхши амал.

Илму маърифат сафоси яхшилар бирла келур,
Кеткизар дилдан надамни яхши сўз, яхши амал.

Нафсу шайтон макридан, кўр, нечалар зулм ичрадир,
Тўлдирур эл ичра камни яхши сўз яхши амал.

Маъсиятдан йўқ бўлур ҳар қанча бойлик, изни-ла,
Бор қилур, билгил, адамни яхши сўз, яхши амал.

Тарбиятдан соз бўлур ноқис дили ҳар кимсанинг,
Ўнглагай нобоп қадамни яхши сўз, яхши амал.

Маҳмудо, сен ҳусни хулқинг ичра топ Ҳақ ажрини,
Айлагай рози Эгамни яхши сўз яхши амал.

* * *

Дўстинга аввал қадам ташлаб ани шод айлагил,
Ҳар қадамда дўстлик қасрини бунёд айлагил.

Қотмагил манмансираб бир жойда сен харсанг каби,
Бундайин кибру ҳаводан дилни озод айлагил.

Суннати Акрамни ҳардам тутгуси ақли расо,
Дўстинга ҳурматни сақлаб анга иршод айлагил.

Ҳар қадам, ҳар бир сўзингда қадрини тутгил баланд,
Бу улуғ неъмат билан кўнглунгни Фарҳод айлагил.

Нафсу шайтон макрига ҳеч учмагил қўймас омон,
Бу каби иллатни кўрсанг, дилни сайёд айлагил.

Барчага бирдек самодан ой, қуёш сочгай зиё,
Бу улуғ ҳикматни ҳар дам, ҳар қадам ёд айлагил.

Беадаблик бирла, Маҳмуд, топмагай ҳеч ким самар,
Одамийлик мулки ичра дилни обод айлагил.

* * *

Ики дунё сенинг, эй дил, мададкоринг Ватандир, бил,
Мукаррам айлаган кўнглинг сабабкоринг Ватандир, бил.

Шу тупрокда амал олдинг, шу тупрокда камол топдинг,
Шу тупрокда жамол очдинг, талабгоринг Ватандир, бил.

Вужудингда намоёндин, кўнгилда шавқи шоёндин,
Сени деб бағрин очгандир, вафодоринг Ватандир, бил.

Сенинг руҳинг буюк тоғлар, дилинг тортар чаман боғлар,
Фараҳ бергай улуғ чоғлар, кўнгил торинг Ватандир, бил.

Ўзингда ўзлигинг ҳақдир, сени чин қўллаган тақдир,
Ҳамиша сенга илҳақдир, харидоринг Ватандир, бил.

Вужудинга берур қудрат, онанг янглиғ улуғ талъат,
Насиб этган буюк нусрат аро боринг Ватандир, бил,

Яратгандан сенга қувват, муқаддас ҳам улуғ неъмат,
Саодатли, гўзал суврат, сенинг оринг Ватандир, бил.

Камолин кўзлагил, Маҳмудки, тегранг узрадир баркут,
Ризосин топ – ҳаётинг бут, чаманзоринг Ватандир, бил.

* * *

Ёр васлин истасанг кўксингдаги ул доғда бил,
Доғ аро руҳу танинг лов-лов қизарган чоғда бил.

Чекмайин дарду риёзат топмагай дил риштасин,
Изласанг ишқ аҳлини гар туну кун уйғоқда бил.

Ўтмагил фарқ айламай сен тоғу тош, саҳрони, лек
Махзанин гулгун очилган руҳдаги гулбоғда бил.

Очмагай ағёра ҳаргиз дилраболар кўнглини,
Мазҳаридан излагил сен гоҳи беҳуд, соғда бил.

Субҳи содиқ шабнамани сабр ила дур айлаган,
Ул балиқдек гавҳари ишқингни сен ардоқда бил.

Ғайр нақши кетса, дилда ёр нақши жилвагар,
Чин муҳаббат ичра кўнглинг шавқ аро турмоқда бил.

Даҳр аро ҳаргиз нишонин топмасанг, эй Маҳмудо,
Берган ўз неъматларини Ул Куни сўрмоқда бил.

* * *

Ёз, эй кўнгил, чечакларни, тирикликни баҳор билгил,
Ғанимат ҳар нафасни сен дилингда дурбор билгил.

Бу гулшан ичра мавжудлар этар кўнгилларин обод,
Шу янглиғ дил безатмакни ўзингта чин шиор билгил.

Қуёшга юз тутиб ҳар дил муҳаббат ғунчасин очгай,
Туғиб қалбингга бу ҳисни ўзингга ифтихор билгил.

Нигоҳ ташла: ифор сочгай қизил, сориғ, яшил гуллар,
Шу гулсан сен, малоҳатсан, бу кунни барқарор билгил.

Сочар кўқдан, назар солсанг, зулумотни қувиб моҳтоб,
Қуёш нурин тутиб бошинг уза чин эътибор билгил.

Тириклик мазҳари сенсан, саодат манзари сенсан,
Ҳидоят гавҳари сенсан, сенга олам хумор, билгил.

Гулистон мавсуми дерлар тирикликни машойихлар,
Анга юз тутмасанг, Маҳмуд, бу умрингни фиғор билгил.

* * *

Қилмишинг яхши, ямондир битмиши ҳампода, бил,
Қисматинг бўлгай аёнким ул куни уқбода, бил.

Зангламас олтин дегайлар, айнимас дерлар асал,
Бу фасоҳат мағзини англаб чуқур маънода бил.

Зоғ-зағанлар маъсият тухми билан овворадир,
Ғунча лаб очгунча булбул хонишин шайдода бил.

Оҳ уриб дунёга келмак бирла иш битмас азал,
То қиёмат ишқ сиррин Мажнуну Лайлода бил.

Ҳикмати Ҳақдан мурод ҳам бандасин этмак шараф,
Бу саодат махзанин ул соҳиби барнода бил.

Англагил, ҳар дил азиз бўлгай ризосин топса гар,
Бу ҳақиқат шевасин сен Одаму Ҳаввода бил.

Матлаби хайр ичра, Маҳмуд, ҳар киши покзодадир,
Умри фоний манзарини қудрати фардода бил.

* * *

Раббано, ожиз қулингни бебаҳодан айлагил,
Оқилу аҳли шафоат пурзиёдан айлагил.

Суйган ул хосларга ҳамдам, босафодан айлагил,
Ҳар нафас, ҳар ишда, ҳар дам зикриёдан айлагил.

Раҳматин зор кутган аҳли мубталодан айлагил,
Ҳосилин олган зиёда дилкушодан айлагил.

Шавқида Адҳам мисоли зериподан айлагил,
Мустафо чорлаб турувчи умматодан айлагил.

Аввал-охир уммати Мустафодан айлагил,
Сенга қилган ҳар амалда бериёдан айлагил.

Келса маҳшар имтиҳони пурзиёдан айлагил,
Сен ўзинг бандам дегувчи ағниёдан айлагил.

Тотган ул ишқин ғизосин дилрабодан айлагил,
Аҳли жаннат, аҳли дил, аҳли ризодан айлагил.

Ишқ элида Маҳмуд этгил, бовафодан айлагил,
Ул куни васлинг аро чин ошинодан айлагил.

* * *

Раббано, энг сўнгги дам иймонга муҳтож этмагил,
Чин Эгам асли ўзинг, дармонга муҳтож этмагил.

Бори олам ҳикмати ҳам қудрати ҳукмингдадир,
Ул азиз беҳиштдаги хушхонга муҳтож этмагил.

Дилга нур, жисмимга шиддат бергучи танҳо ўзинг,
Кўнглим ул гулзордадир, бўстонга муҳтож этмагил.

Барча ёнган ўт маёқмас, шуъласи, тафти бўлак,
Жилваси дилга ҳузур жононга муҳтож этмагил.

Ишқ аро қалбим ёнур ҳар дам руҳимда шавқи ғайб,
Сўнгги дам сўрганда дурафшонга муҳтож этмагил.

Ким тазарру бирла, Маҳмуд, фазлингга қилгай умид,
Мағфират этгил, қулинг ризвонга муҳтож этмагил.

* * *

Ўзни билмас кимсаларга ўзни сен билдирмагил,
Билдириб афсус ема, кўксингни сўнг тилдирмагил.

Ҳар кишиким, тенги тўши бирла топгай эътибор,
Яхшиларнинг суҳбатида кипригинг илдирмагил.

Дўсту ёринг бирла ҳар дам завқ аро ўтсин кунинг,
Дўст ила топган нонинг нокасга ҳеч синдирмагил.

Яхши дўстинг суҳбатида пиру устозлар яшар,
Шу йўсинга сол юракни, ҳеч қачон тиндирмагил.

Тоза қалбинг давлати чин, икки дунёнгдир азиз,
Нокасу носозни асло қалбинга индирмагил.

Окибат ичра йўлингни тоза тут, Маҳмуд, мудом,
Бебаҳо ҳамдам ила ўтган даминг елдирмагил.

* * *

Ижобат вақтидир бул кун диёнат айлагил, эй дил,
Саодат вақтидир бул кун иродат айлагил, эй дил.

Ғанимат ҳар даминг инсон, чиқиб кетмай ширин бу жон,
Дилингда сақлагин иймон, ҳаловат айлагил, эй дил.

Ики олам аро ҳар он турар адл ичра бир мезон,
Шараф бергай ўзи Субҳон, фасоҳат айлагил, эй дил.

Этиб шукри Илоҳингни, топиб ризқи ҳалолингни,
Тутиб Ҳаққа нигоҳингни, ҳидоят айлагил, эй дил.

Ризосини олиб ҳар дам, синов ичра бўлиб бардам,
Мисоли Иброҳим Адҳам, муҳаббат айлагил, эй дил.

Тириклик бу шарофатдир, сенга Ҳақдан иноятдир,
Агар ростсан, шафоатдир, мақомот айлагил, эй дил.

Бу беш кунлик омонатда, ўтиб кетмай хижолатда,
Бўлиб Маҳмуд итоатда, риёзат айлагил, эй дил.

* * *

Мустақиллик руҳи бирла шод бўлди бу кўнгил,
Қайта тикланди ҳақиқат, ёд бўлди бу кўнгил.

Англамоқ бахти мушарраф бўлди ҳар бир кимсага,
Дўстга дўст, душманга чиндан ёт бўлди бу кўнгил.

Қулфи дил очилди такрор, кулди иқбол, бахт насиб,
Номи дунёга таралган, зот бўлди бу кўнгил.

Олам ичра пок руҳлар топди обрў-эътибор,
Тоғ каби юксалди диллар, бўлди обод бу кўнгил.

Ўзлигин ҳис этди Маҳмуд ушбу кун эллар аро,
Марди майдон ичра чун Фарҳод бўлди бу кўнгил.

* * *

Эрди обод бу кўнгил, боз бўлди обод бу кўнгил,
Топди ободликда пардоз, бўлди обод бу кўнгил.

Шон-шараф кучдик жаҳон майдонида мардонавор,
Поклар ичра бўлди покбоз, бўлди обод бу кўнгил.

Тенг бўлиб тенглар аро бўй-бастимиз топди виқор,
Топди халқим чиндан эъзоз, бўлди обод бу кўнгил.

Халқаро майдонда мағрур ҳилпирар байроғимиз,
Бўлди бахт элга пояндоз, бўлди обод бу кўнгил.

Олам ичра нур таратгай ҳусну ҳолинг, Ҳуррият,
Дил бўлиб сен бирла ҳамроз, бўлди обод бу кўнгил.

Беадад шукрона қилгум бу улуғ неъматга мен,
Дил муҳаббатдан сарафроз, бўлди обод бу кўнгил.

Бу саодат ичра, Маҳмуд, бор яна бир хушхабар,
Турмуши гул ичра мумтоз, бўлди обод бу кўнгил.

* * *

Саодат аҳлини, эй дил, ўзингга ошно қилғил,
Муҳаббат шавқида тўккан ёшини тўтиё қилғил.

Азалдан то абад келгай бу ришта неъматини Ҳақдан,
Этиб шукрини тун-кун сен они руҳга ғизо қилғил.

Иродат аҳдида кетмак азал ишқ аҳлига фарздир,
Ҳидоят дастиди ўзни бу йўлда сен фано қилғил.

Осон эрмас риёзат ичра чекмак ҳажри дардини,
Тутиб ишқ илкини ўздан ўзингни сен ризо қилғил.

Вужудинг сарҳади ичра кезар турфа шайотинлар,
Онинг зил макрини тадбир ила ўздан сиво қилғил.

Асокашсиз тополмас кимса йўлда ҳеч ривож ҳаргиз,
Назар аҳлини ёр этгил, ўзингга раҳнамо қилғил.

Бу жоми ишқ аро, Маҳмудки, тавҳид бодаси жўшгай,
Тутиб сен косаи дилни анга шавқини жо қилғил.

* * *

Муҳаббат аҳлини, эй дил, ўзингга ихтиёр этгил,
Бу юсак фазлу маъводан кўнгилни ёра ёр этгил.

Анинг сарр риштаси элтар сани олам чароғига,
Бу мангу чин сафосидан кўнгилни бора бор этгил.

Илоҳий қудрати бирла кўнгул ҳурдир, ҳувайдодир –
Ки, қонингда кезар руҳи ани дилга мадор этгил.

Тириклик ҳикмати, шукри бу айём берган айёмдир,
Нафас ичра нафаским ул, ани руҳинга кор этгил.

Риёзат ичра тут ўзни, ҳам ўзга қилмагил сўзни,
Анга бургил абад юзни, ифорин ифтихор этгил.

У кун маҳшар садосини, шараф ичра баҳосини,
Чу топғунча сафосини ўзингни зору зор этгил.

Саодат ишқида, Маҳмуд, туну кун сен иродат қил,
Қанот ёзгил шижоат-ла, анга жонни нисор этгил.

* * *

Бу даҳри дун мақомидан фароғат излама, эй дил,
Бериб кўнглингни фонийга шафоат излама, эй дил.

Юмиб очкунча кўзни, бил, ўтар бу бебаҳо дамлар –
Ки, тафтсиз ул ёнишлардан аломат излама, эй дил.

Бу дунё коридан қай дил шараф топди ўзига рост –
Ки, аслига етишгунча ҳарорат излама, эй дил.

Муҳаббатсиз одамларда топилмас ганжи шавқ, э воҳ,
Ўзин билмас накаслардан иродат излама, эй дил.

Келиб кетди неча зотлар дилида зикри иллаллоҳ,
Алардан ибрат олгил, бас, шарорат излама, эй дил.

Риёзат чекмайин ҳосилга кўз тикмоқ кароҳатдир,
Бу фурсат борида хайр эт, надомат излама, эй дил.

Тепиб дунё молин топди шараф қанча валий зотлар,
Бу ишни қилмайин ҳаргиз ибодат излама, эй дил.

Муножот айлагил Ҳаққа роҳи рост ичра, эй Маҳмуд,
Сиротдан ўтмагунча ҳеч ижобат излама, эй дил.

* * *

Номаи иллатни, эй дил, сен ўзингдан излагил,
Ўйламай суҳбатда айтган ул сўзингдан излагил.

Боқма дўстлар сувратига, излама ундан хато,
Бирга-бирга ножўя босган изингдан излагил.

Қўймагил нобоп қадам деб, айбсиз Парвардигор,
Сен ўзингдан ўтганини илдизингдан излагил.

Бу ёруғ оламда, билгил, барча қилмишлар аён,
Ноаён қолганларин икки кўзингдан излагил.

Дил кўкида кундузи кун, тунлари ойдир мудом,
Иккисин ҳам топмасанг гар, юлдузингдан излагил.

Ўтма тафтсиз шуълаларнинг завқидан мағрурланиб,
Ҳақ ризосини ҳақиқий кундузингдан излагил.

Норасолар йўлидан сен ўзни қайтар, Маҳмудо,
Бас, бу умринг шарҳини ичган тузинган излагил.

«МИМ» ҲАРФИ МАНЗУРЛАРИНИНГ МАНОҚИБЛАРИ

Ваҳ, сани кўрмак ўйида кўзларим гирён бу дам,
Таҳ-батаҳ бўлди кўнгил қон, топмайин имкон бу дам.

Тўлди дилга айрилиқданким, фиғону нолалар,
Ҳажр даштида турурмен қолмайин дармон бу дам.

Йўл аро ёлғиз кўнгил, ҳеч келмагай сандан садо,
Ман каби ҳеч жон кўринмас, кимсасиз майдон бу дам.

Оҳлари оламни тутган Тоҳиру Мажнун қани,
Қалб аро ёнгай аланга, еру кўк сўзон бу дам.

Ёр, умид солиб кўнгулга, айладинг ўзни йироқ,
Жайхуну Сайхундан ортиқ кўз ёшим жавлон бу дам.

Ғам элидан ҳеч кишига бўлмаган шодлик раво,
Сен вафо қил, бевафолар ичраким чандон бу дам.

Ўртанур ишқ оташида туну кун, Маҳмуд, не тонг,
Ул азал ёзуғда борким, аслида фармон бу дам.

* * *

Оҳ, сени кўрмак учун кўнглимда ўтдир, ёр, бу дам,
Дил муҳаббат шавқи ичра тўлғонур бедор бу дам.

Неча йил ишқин нурига қалб уйим чанқоқ эди,
Ташналик бирла юракка тўлди сир-асрор бу дам.

Интизорлик руҳи ичра хастадир дил дард аро,
Риштасин тутмоқ учун пойингда хору зор бу дам.

Бу саодат сеҳри ичра титрагай дил беомон,
Дарду аҳволин аён этмоқ учун изҳор бу дам.

Минг шукр, севмак насиб этдинг фақирга, эй рафиқ,
Ҳасрато, ишқим саройин қуршагай ағёр бу дам.

Севмаку ҳамда севилмак шавқидан дил топди завқ,
Бош қўярман изларингга оҳ уриб такрор бу дам.

Бахт насиб, Маҳмуд, юракка тўлди ишқин шавқ ўти –
Ким, сурури ишқидан топгай кўнгил иқрор бу дам.

* * *

Хуш назар бирла қаранг, дийдор ғаниматдир бу дам,
Ота-она, дўсту хеш, дилдор ғаниматдир бу дам.

Ҳар нафас такрори ўзга қайтмагай бир лаҳзаким,
Турфаранг ургай юрак, иқрор ғаниматдир бу дам.

Ҳар қадамда турфа ҳис, ҳар бир назар тафти бўлак,
Гоҳ ёруғ, гоҳи заиф рухсор ғаниматдир бу дам.

Вақт аро дўсту биродар ичра сиз ҳурмат топинг –
Ким, азизлар лутфидан асрор ғаниматдир бу дам.

Аввалу охирда ҳар иш фурсати ҳикматдадир,
Анга кўнглин чоғлаган аброр ғаниматдир бу дам.

Кўзлангиз ҳар дам саодат ичра дил имконини,
Бил, ҳидоят истаган бедор ғаниматдир бу дам.

Айлагай кимё дилинг, Маҳмуд, мақоми иқтидо,
Бу улуғ майдонда чин ҳамкор ғаниматдир бу дам.

* * *

Ортадир тобора ишқим шу улуғ ёшимда ҳам,
Кун сайин бисёр дардим кўздаги ёшимда ҳам.

Дил висол кўйини излар туну кун ҳажрингда, ёр,
Айлагай ҳолимни абгор ишқ ичу тошимда ҳам.

Бебақо дамларда ўтди бу кўнгил ғафлат аро,
Қолмади ҳеч сабру тоқат барча бардошимда ҳам.

Найлайин ожиз бу ақлим олмади ёшликда наф,
Энди фойда борми бул кун қадри йўқ лошимда ҳам.

Қайси юз ҳам дард ила дилдора боргум мен У Кун,
Бормикан қалбида учкун менга сирдошимда ҳам.

Бу кўнгил файзу чиройи дилда ёримсан ўзинг,
Пойинга кўзни суриш борму эгик бошимда ҳам.

Қанча тортмайким азобин озга ўхшар, Маҳмудо,
Шунча меҳри кўп эрурми менга Наққошимда ҳам.

* * *

Жаҳон шодликка тўлгайдир сени, дилдор, кўрар бўлсам,
Йироқдан бўлса-да айлаб насиб дийдор, кўрар бўлсам

Сенинг мавжудлигинг менга ўзи оламча бир бахтдир,
Бўлиб ишқингга мен иқрор сени такрор кўрар бўлсам.

Сифотинг этгали таъриф, тилим ожиз, дилим ожиз,
Бу ожизлик билан бедор топиб асрор, кўрар бўлсам.

Дема, эй дил, сенга не бор, бу майдон ичраким кирдинг,
Гаҳе пинҳон, аён гоҳо сени, гулзор, кўрар бўлсам.

Муяссар айласа Холиқ, ўзи бергай садоқатни,
Бу йўлда чекса дил озор, сени бир бор кўрар бўлсам.

Муҳаббат даштида бебаҳралардан неча жон ўтди,
Бўлибдир жон санга хуштор, масиҳғуфтор, кўрар бўлсам.

Нигоро, дард аро Маҳмуд, топар эрди бу кун имдод,
Оёғинг остида ўзни этиб хор-зор кўрар бўлсам.

* * *

Баъзилар қадрига етмас, қанча неъмат бўлса ҳам,
Бебаҳо неъмат биланким, танга роҳат бўлса ҳам.

Беқаноатлар билан дил яшнамас, топмас камол,
Этмагай шукрини ҳаргиз, қанча давлат бўлса ҳам.

Умрини чоғлабди ким кибру мазаллат хайлига,
Бил, риё ҳар ишда бўлгай, қанча шуҳрат бўлса ҳам.

Билмаса ким ота-она, опа-сингил, аҳлини,
Файз кетгай ҳар юмушдан, қанча ғайрат бўлса ҳам.

Топмаса эл-юрт ризосин ким ҳалол меҳнат билан,
Бир куни топгай жароҳат, қанча қудрат бўлса ҳам.

Молу давлат, шону шуҳрат, бил, жаҳолат риштаси,
Риштасин узгай ҳақиқат, қанча ҳасрат бўлса ҳам.

Маҳмудо, шукрини қилғил, ҳар нафас қадрини бил,
Ношукурлар ичраким сенга маломат бўлса ҳам.

* * *

Чаманлар вақтидир, эй дил, ғаниматдир бу онлар ҳам,
Муборак ҳур нафаслар ҳам, вужуд ичра бу жонлар ҳам.

Тирикликнинг ўзи хушдир, чечаклар ичраким ҳар ён,
Туяр шавқини ҳар дамда бу кун ранги сомонлар ҳам.

Қуёшдан файз олиб ҳар дил бу дам нурли фараҳ туйгай,
Ҳароратдан чўзарлар бўй замин ичра ниҳонлар ҳам.

Кўнгилда завқ ошиб, туйғу муҳаббат шавқидан ўсгай,
Иноят узраким очун, ҳидоятда маконлар ҳам.

Бу айём фазлидан диллар тутар бир-бирларига жом,
Дебон ҳеч топмасин итмом тирилгай тарки жонлар ҳам.

Саодат фаслидирми бу ва ёки раҳмат аслими?..
Бўлиб мўъжизадан ҳайронки, ожиздир баёнлар ҳам.

Шарофат ичрасан, Маҳмуд, нигоҳинг узраким барқут –
Ки, ишқидан жўшиб ҳар қут, гиёҳу арғувонлар ҳам.

* * *

Зоҳир этсам дил бериб, кўнглимни чандон ёқмадим,
Арзи ҳолимни баён этсам-да гирён, ёқмадим.

Билмадим ҳурми парими ул санам, сезмас кўнгил,
Этмади ҳеч бир тарахҳум қулга ҳар он, ёқмадим.

Англаёлмасман сабаб недир десам, очмас оғиз,
Шу сабабким, туну кун кўнглим паришон, ёқмадим.

Меҳридан қонгаймикин деб ишқида ёнган эдим,
Билдими ноқислигим ул, қилди вайрон, ёқмадим.

Маҳмудо, қилгил тафаккур, бўйла ёринг корини,
Бесабаб қон этмади кўнглимни жонон, ёқмадим.

•

* * *

Муҳаббат сиррини такрор букун билмаслигим билдим,
Неча оҳ урмайин бедор букун билмаслигим билдим.

Билурман деб неча айтмай мен ожиз бандалик бирла,
Анга етмоқ экан душвор, букун билмаслигим билдим.

Итоат ҳикмати бирла кўнгил очдим нечаким рост,
Туну кун бўлмайин ҳушёр, букун билмаслигим билдим.

Етурманми дея анга алиф қаддимни дол этдим –
Ки, қанча бўлмайин абгор, букун билмаслигим билдим.

Ўтар ой, йиллару кунлар ажаб хавфу ражо ичра,
Йўлим тўсгаймикан ағёр, букун билмаслигим билдим.

Кўрарманми дея тун-кун еру осмонга кўз тикдим,
Яқин эрканлигин асрор букун билмаслигим билдим.

Келур ғайбдан манга овоз: “Руҳингда ул, боқ эй, Маҳмуд”,
Аён этмас нега дилдор, букун билмаслигим билдим.

* * *

Сенинг дардинг билан, жоно, ғарибу бенаво бўлдим,
Фироқинг ичраким тун-кун ғамингга ошно бўлдим.

Кўз олдимда ўзингдирсан, хаёлинг бирла ўтгаймен,
Нажот истаб, чекиб дарду ситам ичра адо бўлдим.

Мақому ихтиёрим йўқки, шавқинг бирла тўлгаймен,
Хаёлинг ичраким тинмай гаҳе ер, гаҳ само бўлдим.

Кўриб жомда жамолингга етишди неча гирёнлар,
Ўзимда ўзлигим излаб йўлингда зерипо бўлдим.

Муҳаббат ҳаддини билмай талотўм ичраким, ёрим,
Сенга қуллик қила олмай букун соҳиб риё бўлдим.

Майи лаълинг ила сармаст эрурман, ёр, ҳажрингда,
Нечук дил тутмагайдирсан, ғамингда юз қаро бўлдим.

Суниб нурингни қалбимгаки, Маҳмуд айлагил бу дам,
Сенинг васлингни истаб мен кўйингда нобино бўлдим.

* * *

Ёр висолин истаган дил боқмагай пайконга ҳам,
Неки пайкон, бош тутар ул келса дуч тўфонга ҳам.

Ишқ дарди ўртагайдир дилни тун-кун беомон,
Тутгай ўзни Ҳақ йўлида кетса жон қурбонга ҳам.

Ҳар нафаским, фикру ёди ёр васлин истамак,
Шавқи бирла ўткарур он боқмагай давронга ҳам.

Аҳди чиндир, ҳар қадам ҳар дамда тутгай матлабин,
Бузмагай азмини ногоҳ келса дуч бўҳтонга ҳам.

Қисматин ҳар дамда билгай ишқ дарди ичраким,
Узмайин шавқ ичра дил сабр айлагай ҳижронга ҳам.

Топмагай ҳаргиз ҳаловат, қўймагай ҳаргиз кўнгил,
Ёр васли етмагунча неъмат ризвонга ҳам.

Маҳмудо, бул марди майдонларни сен пойида бўл,
Бу саодат манзари, бил, етмагай ҳар жонга ҳам.

* * *

Васлига етгай ҳамиша, бил, зиёси ичра ким,
Бу улуғ неъмат аро гар мубталоси ичра ким.

Ҳар қадамда, ҳар нафасда ишқ аро ёнгай кўнгил,
Зикри Ҳақ бирла кўнгилда чин сафоси ичра ким.

Бу улуғ ҳикмат билан ҳар дил етишгай аҳдига,
Бўлса дилдор олдида шарму ҳаёси ичра ким.

Безиёлар ҳар қадам, ҳар дамда, бил, зулматдадир,
Тортадир Ҳақ жабрини бўлса риёси ичра ким.

Ошиқ аҳлини азал Ёр айлагай ишқ ичра зор,
Ваъдани айлаб бажо, бўлса вафоси ичра ким.

Ишқи Ҳақдан оқибат топгай мукаррам ҳур кўнгил,
Туну кун тутса йўлини Ҳақ ризоси ичра ким.

Маҳмудо, Ҳақ йўлда ҳардам азмидан топгай самар,
Бўлса гар ул Мустафодак раҳнамоси ичра ким.

* * *

Бўлди бахтим дастхати – ўзбек тилим, давлат тилим,
Бўлди қалбим раҳмати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Халқ аро тенг ичра тенгдир, берди Истиқлол шараф,
Бўлди кўнглим шавкати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Ифтихор бирла ҳамиша сўзларим дунё аро,
Бўлди руҳим қудрати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Бўйласам минбарда фикрим етти иқлимга етар,
Бўлди қадрим неъмاتي – ўзбек тилим, давлат тилим.

Барча тиллар ҳам гўзалдир, бир-биридан кам эмас,
Бўлди фикрим санъати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Бу жаҳон майдонида ул ўзлигим, ўзбеклигим,
Бўлди ақлим талъати – ўзбек тилим, давлат тилим.

Толеим шукрида, Маҳмуд, шеър битарман ишқ аро,
Бўлди умрим роҳати – ўзбек тилим, давлат тилим.

* * *

Ҳар киши етгай муродга, бўлса тартиб-интизом,
Мақсади бирла ҳаёти ичра гар тузса низом.

Оқилу доно киши кўйгай қадам ҳиммат билан,
Тадбири дил ичра ҳар дам эҳтиёт айлаб калом.

Илму ҳикмат бирла кўнгил топгуси ҳусни ажр,
Ажратиб олса ҳаётда не ҳалолдир, не ҳаром.

Аҳли дониш суҳбатида бўлса дил зийнат топар,
Кўргуси охирда ҳам ул икки дунё эҳтиром.

Айласа ҳар дам иродат тоза ўй, фикри билан,
Етгуси матлабга бир кун ул топиб юксак мақом.

Ҳақ ризосин олмаганлар бўлдилар хору залил,
Бу хатосига дилида этмайин ҳеч эҳтимом.

Маҳмудо, ҳоли ҳаётда интизоми Ҳақда бўл,
Топгуси руҳинг камолу ул кун ишқ ичра ком.

«НУН» ҲАРФИ НАВОСОЗЛАРИНИНГ НАҒМАЛАРИ

Бандидан айрилса япроқ, сарғайиб бўлгай хазон,
Мен эрурман ҳажри дардинг ичра рангим заъфарон.

Тушмаса гар шамс нури порламас ой ярқираб,
Эй нигор, ҳусну жамолинг менга ҳам қилгил аён.

Қанча интилсам-да, дилдор, топмадим ҳаргиз сени,
Доғи ҳасрат ўтида дил дард аро тургай ҳамон.

Ўн сакиз минг олам ичра севганим танҳо ўзинг,
Истасанг бор, йўқ этарсан гоҳ аёну, гоҳ ниҳон.

Кўз ёшим босмас оловни жаври ранжинг ўртагай,
Бу қатиф ҳолдан, нигорим, таҳ-батаҳ бағримда қон.

Аввалу охирда сендан сўйлағайдир бу кўнгил,
Тавфиқи розингга етмак ўйидадир нотавон.

Ҳажри дардинг ичра Маҳмуд истагай васлингни, ёр,
Бир қиё боқсанг на бўлгай рангини қилмай сомон.

* * *

Элда топгай эътибор ҳар дам қаноат айлаган,
Дилни хур фикри билан ғарқи саодат айлаган.

Касбу кори-ла ҳалол ризқин тополган бахтиёр,
Қучгуси иқбол ҳамиша бунга одат айлаган.

Қолмагай асло назардан, олгуси ҳар дам дуо,
Тоза руҳ, виждон ила қисматга тоқат айлаган.

Молу мулки тоғ қадар бўлса емиргайдир зиён,
Бир куни чеккай фиғонлар дилни бадхат айлаган.

Бўлмагай файзу барокат, қайда бўлса маъсият,
Бил, ҳазар қилгай ҳаромдан ким шижоат айлаган.

Эътиқод мағзи билан ҳикматга кондир бу ҳаёт,
Ҳақ таоло барчасин турфа синоат айлаган.

Ҳолинга шукрона айтгил, ҳар нафас сен, Маҳмудо,
Яхшилар умрини Ҳақ нури ҳидоят айлаган.

* * *

Ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч бир нарсa осон бўлмаган,
Осон иш топган киши охирда шодон бўлмаган.

Яхшилар бирла юриб топгай киши ўз қадрини,
Касбида чекмай риёзат асло дармон бўлмаган.

Етмаган мақсадга ҳеч ким эгри қўл ҳам йўл билан,
Тўғрилиқ касб айлаган ким, элда сарсон бўлмаган.

Илму ҳикмат бирла азм айлар улуғлар ҳар нафас,
Азмини айларга гарчи ҳеч бир имкон бўлмаган.

Ахтариб имконни топмоқлик расолаар аҳдидир,
Жон чекиб қайғурмагунча асло жонон бўлмаган.

Маҳмудо, кўнглингни покла, ишқ ила ёзгил қанот,
Ўзлигинг топмоққа бундай даври давраи бўлмаган.

* * *

Кўнгилда ишқ ўти ҳар дам бўлур ифшо Увайсийдан,
Муҳаббат боғида бир булбули шайдо Увайсийдан.

Очар дил чашмасин тун-кун, берар ҳардам кўнгилга руҳ,
Камол топқай навоси ҳам сўзи зебо Увайсийдан.

Ёниқ дил манзари ичра саховат нурлари порлар,
Ҳидоят дурларин тергай кўнгил барно Увайсийдан.

Ки, туркий назмида эъжоз ила оламга юз очди,
Ки, олам кўрмади ўзга ажиб сиймо Увайсийдан.

Тутиб дил айлади вайсий ки дилни Ҳаққа, матлубга,
Мақомат топди ишқ аҳли бўлиб ҳампо Увайсийдан.

Ики олам зиёсига бўлиб зийнат яшар дилда,
Неча авлод тутар ёдин уқиб маъно Увайсийдан.

Увайс ичра бўлиб вайсий, муҳаббат тафтида Маҳмуд,
Саодат саҳфаси ичра ўқир иншо Увайсийдан.

Эй кўнгил, ҳаддингни бил, олам аро кетмоқдасан,
Ёр васлин топмайин, андан жудо кетмоқдасан.

Зеб бериб нафси балога, кўз тикиб тўрт ёнга сен,
Айламай амрини бут, дилда хато кетмоқдасан.

Шукрини қилмай зиёда нозу неъмат ичраким,
Дабдаба, нашъу намо айлаб сафо кетмоқдасан.

Чекмайин асло риёзат сен фано майдонида,
Эҳтиром айлаб риёга, беибо кетмоқдасан.

Таъмаю кибру ҳаводан ўзни ғафлатда тутиб,
Рух у танда жо этиб ҳар дам низо кетмоқдасан.

Борини соҳиби қудрат тутди хос бандамга деб,
Этмайин руҳга ғизо, во ҳасрато, кетмоқдасан.

Неча кунлик бу ҳаёт кимга расо, кимга риё,
Қилмайин зикру сано, топмай вафо кетмоқдасан.

Дам яқин, ўтгай ҳаёт, келдик, кетар чоғи бўлур,
Тотмайин ишқ дардини, вовайлато, кетмоқдасан.

Қайси юз бирла борурсен Ҳақ таоло олдига,
Деб шафоат айлағай ул Мустафо, кетмоқдасан.

Хуш калом бирла келар чоғда такаллум этди Ҳақ,
Хўш, кетар чоғда нечун бўлмай расо кетмоқдасан?

Ўзни, Маҳмуд, бил, тазарру бирла топди неча дил,
Сен мазаллат ичра дил, топмай шифо, кетмоқдасан.

Эй кўнгил, сен сўнгги дам Маҳмудни қилма бенаво,
Фазлидан айлаб умид, истаб ризо кетмоқдасан.

* * *

Аҳли дил ишқ ичра топгай нур-зиё тақво билан,
Мустафога эргашиб топгай вафо тақво билан.

Зикри Иллаллоҳ садоси қалбига бергай сафо,
Тўғри йўлга дил тутиб қилгай дуо тақво билан.

Ул саодат оламида ботининг топгай шараф,
Ҳақ бериб фазлу камол топгай ризо тақво билан.

Ўз Каломидан мунаввар айлагай ҳар онини,
Бу шарофат ичра ким топгай сафо тақво билан.

«Раҳматан лил-оламин» умматлигин давлат билиб,
Суннати Акрам ила топгай ражо тақво билан.

Истагай жаннатни зоҳид, аҳли дил қилгай нидо:
«Икки олам ичра даркор Ёр манго!» – тақво билан.

Мубталолар матлабин, Маҳмуд, Ўзидан излагил –
Ки, ажабмас, Тонгла ул кўрса раво тақво билан.

* * *

Топса ризқин ҳар киши гердаямасин неъмат билан,
Ҳақ ато этган анга бир соҳири ҳикмат билан.

Айласин ҳар дам ибодатга тутиб куч-қувватин,
Камтаринлик ичра ул покиза бир тийнат билан.

Бандалик азми билан ҳеч қилмасин кибру ҳаво,
Ўз шарифлик қадрини этсин бажо ҳиммат билан.

Шукрини айлаб мақомот ичра топсин аслини,
Аҳдига айлаб вафо ул туну кун заҳмат билан.

Одобу икром, ҳаё ҳам барчага бирдек зарур,
Ҳеч кишининг гул ҳаёти тўлмасин иллат билан.

Дил бериб мақтанмасин ўткинчи дунё тафтига,
Тушмасин шайтон тузоғига киши шахват билан.

Кел, мукаррамлик билан сен дилни, Маҳмуд, тоза тут,
Тўлдирар Тангрим ажабмас, ҳар кунинг раҳмат билан.

* * *

Гар одамсан, тут Одам йўлини сен ҳикмат билан,
Ҳам Одам йўлида юргил эътибор-ҳурмат билан.

Инсофу адлу риоят эр кишининг зийнати,
Айлагил бу ишни ортиқ элга сен хизмат билан.

Шакли одам бўлса ҳамки баъзилар одам эмас,
Одам эрмаслар ичинда бўл одам журъат билан.

Отанг одам, онанг одам, одамий наслинг сенинг,
Одамийликни адо қил суврату сийрат билан.

Икки оламнинг ғизоси одамийлик шеvasи,
То тириксан, файзини сен топ ҳалол меҳнат билан.

Кибру ҳирсу, фисқ аро сен бузма умринг қасрини
Кибри бирла қолди Иблис тоабад лаънат билан.

Маҳмудо, қилғил тараддуд, қолма ғафлат хобида,
Ҳам борар жойингни жаннат айлагил зийнат билан.

* * *

Кетса яхши ҳар киши манзилга чин иймон билан,
Бандасига Ҳақ ўзи этган ато имкон билан.

Ҳақ йўлида бўлса ким, етгай мурод-мақсадга ул,
Етмагай манзилга ҳеч ким сохта шуҳрат-шон билан.

Ишқ эли ҳардам риёзат ичра қўйгайдир қадам,
Тўғри йўл аҳдини айлаб чин дили хушхон билан.

Норасолардан ёруғлик чиқмай ҳаргиз, билинг,
Топмагай ҳеч ким омонлик йўл солиб нодон билан.

Бўлса ҳамроҳ оқилу донога гар дил, улғаяр,
Етгуси мақсадга ҳамроз бўлса ким мардон билан.

Борса келмас йўлда кетди баъзи нафсин комида,
Ўйламай қайтишни Ул Кун қўл тутиб шайтон билан.

Икки олам неъматин топгай кўнғил Ҳақ йўлида,
Аҳдини айлаб мукаррам, этса роз Султон билан.

Яхши дўсту, ҳамдаминг-ла топ шараф, эй Маҳмудо,
Етгуси мақсадга ҳар ким жон фидо жонон билан.

* * *

Муқаддас, бебаҳо юртим, ҳаётим ичра гавҳарсан,
Улуғ Сарбонимиз азми билан ҳар ишда сарварсан.

Неча минг йил, қуёшдай нур сочар борлиққа фарзандинг,
Муқаддас покиза руҳсан, ўзинг руҳимга меҳварсан.

Улуғ зотлар: Бухорий, ал-Берунийҳам Темур ўғлинг,
Ҳам ал-Фарғонийу Хоразмидек зурёдпарварсан.

Навоий, Термизий, Бобур, Улуғбек ҳамда Беҳбудий,
Ҳабиб Абдулла, Чўлпонлар ила чиндан мунавварсан.

Тоғиб бахтингни ҳурлиқдан, туғиб олам аро суръат,
Вужудим ичра гавҳарсан, баётим ичра анбарсан.

Эрур халқда қарору аҳду ҳар ишда бароринг бор,
Яратган қудрати бирлаки, зарлар ичра заргарсан.

Саодат ўлкаси сенсан ки, тенглар бирлаким тенгсан,
Жаҳон айвонида мангу нурафшон шамси анварсан.

Сенга таъзим билан Маҳмуд битар ҳайратда ашъорин,
Ўзинг руҳимга қудратсан, дилимга ҳавзи кавсарсан.

* * *

Ҳар киши ҳақ ишда бўлсин, эътибордан қолмасин,
Эътибор топган азиз ул дўсту ёрдан қолмасин.

Ишқида тутган мақоми бирла қалб ёзсин қанот,
Бебаҳо қадри баланд ул аҳли зордан қолмасин.

Этди Ҳақ ул бандасини икки олам мазҳари,
Мазҳари этган азал Парвардигордан қолмасин.

Мубталолар бирла ҳар дил яшнасин, очсин чирой,
Кўз очиб кўрган зиёси асли бордан қолмасин.

Ота-она ҳам улуғлар бирла дил топсин шараф,
Ҳақ назар этган азизу фазлу кордан қолмасин.

Қолмасин асло назардан бўлса бекми ё гадо,
Ҳар қачон огоҳи дил ул шоҳсувордан қолмасин.

Жилваи ҳуснида, Маҳмуд, ҳар кўнгил топсин ўзин,
Икки олам сарвари ул интизордан қолмасин.

* * *

Кўнгил узма, аё дўстим, сафар чоғида йўлдошдан,
Азиз манзил сари сенга бўлар ҳар дамда қўлдошдан.

Машаққат ичра ҳамдам бирла ўтгай тўғри йўлдан ким,
Надам чекмас анинг бирла туриб аҳдида бардошдан.

Кўнгил аҳли бани Одам мукаммалдир демас асли,
Эгам асли Ўзи ожиз яратган бандасин бошдан.

Топиб чин дўстининг васлин фано ичра улуғларким,
Билиб қадрин дилин боғлар топиб ҳикматни дилдошдан.

Эрур манзил йироку фурсатинг озу хатарли йўл,
Неча зотлар бу йўл ичра чекарлар дард бебошдан.

Топилса бебаҳо ҳамроҳ билиб неъмат талаб аҳли,
Дегайларким, Ўзи огоҳ эрур йўлингда сирдошдан.

Сен, эй Маҳмуд, фано ичра сафар зодин тугал қилгил,
Туну кунинг чароғондир, умидинг узма Наққошдан.

* * *

Дилда боринг бўлса айтгил ушбу дам айлаб баён,
Қолмасин Маҳшар кунига сийратинг ҳеч ноаён.

Дам ғанимат, бу ҳаётнинг лаззатин ҳикматда бил,
Ҳикматин топган кишилар кўрмагай асло зиён.

Дардсиз қавм ичра қолмай топди исмат аҳли дил,
Излаган топгай саодат, топмаган кетгай қаён?

Пок тут кўнглинг назаргоҳ, анда Ҳақнинг нури бор,
Боғлагил қалбинг Ўзига, бермагил шайтонга ён.

Сен вужудинг ичра яшнат ул бақо ризвонини,
Жаннатий гуллар ифори айласин унда макон.

Тўғри йўл шавқида дилни икки олам ичра тут,
Ким муножот бирла ўтгил васли-чун айлаб фиғон.

Ўтма ғафлат йўлидан, Маҳмуд, муҳаббат ичра бўл –
Ким, вафо расмини тутгил, ўзлигинг айлаб аён.

* * *

Хаёлинг атридан олам амал олди бўлиб бўстон –
Ки, шамъинг нуридан ҳар дил чечаклардек ёзур маржон.

Висолинг ҳажрида, ёрим, вужуд ғамнок эди беҳад,
Шифо истаб кўнгул ичра урар ишқинг ўти туғён.

Очилди хуш атиргуллар, ифорлар сочди райҳонлар,
Мудом ошуфтадир кўнглим юзингни кўрмака чандон.

Бу боғлар ичра ҳар гулнинг иси ҳам тафтидир ўзга,
Вале сендай париваш йўқ бу бўстон ичраким, жонон.

Қуёш меҳрин сочар тинмай бу олам боғлари узра,
Жамолингсиз кўнгил боғи зимистондир, эмас рахшон.

Бу жон озурдалиғ ичра неча бедил азоб чекди,
Жудолиғ дардида ошди яна минг бораким армон.

Фиғони шавқи ишқингдан гадолиғ кўйида Маҳмуд,
Ўзингдан ул умид айлаб турар пойингдаким ларзон.

* * *

Яхшидир деб яхши сўзни сўзлаганлар дўст, инон,
Яхши одам яхши сўз қадрин туширмас ҳар қачон.

Яхши сўз битмас хазина, ул кўнгилнинг гавҳари,
Битмагай сарф этса қанча, сийратинг айлар аён.

Одаимийлик ҳикматидир ҳам шафоат неъматини,
Турса мезон ичра ҳар ким айламас кўнглин фиғон.

Топмасанг гар яхши сўз, тий тил, ёмонин айтмагил,
Бил, сукут сақлаш ўзи ҳам одаимийликдан нишон.

Олиҳимматликда ҳар дил топгуси файзу камол,
Яхши ният бирла боқсанг, ҳеч қачон чақмас илон.

Покдомон Ҳақ ишидан топди бахту толеин,
Яхшилик бирла ҳамиша икки олам нурфишон.

Маҳмудо, сен яхши сўз-ла шод қил эл кўнглини,
Қолмагай умрингда қилган ҳеч амал Ул Кун ниҳон.

* * *

Яхшилар йўлини тутгил, сенга йўл топмай ёмон,
Эй кўнгул, сен қоч ёмондан, доимо юр Ҳақ томон.

Ўлжа бўлмасдан ёмонлар домига, қадрингни топ,
Яхшилар бирла етарсан ҳар муродга сен омон.

Кеча кундуз фарқини билгил ғанимат ҳар нафас,
Нури Ҳақ топган кишининг бўлмагай ранги сомон.

Битмади фоний жаҳонда аҳли дилнинг дарди ҳеч,
Неча манман пурхатолар бўлдилар қадди камон.

Тўрт кунлик бу ҳаётнинг мағзи эзгуликдадир,
Ҳикмати бирла улуғлар бўлдилар нури жаҳон.

Ажрини топгай савобу ҳам гуноҳлар ул куни,
Рўзи маҳшарда турарлар чин бу ён, ёлғон у ён.

Яхши инсонлар йўлин тут, ҳар қадамда, Маҳмудо,
Ҳақ таоло олдидадир ҳар кунинг бир имтиҳон.

* * *

Яхшилар қадрини билгил, ерга ётмасдан бурун,
Ҳам қуёш йўлини тутгил, токи ботмасдан бурун.

Яхши инсон бу ҳаётнинг неъматини ҳам раҳмати,
Бу азиз ҳикматни тут ғафлатда қотмасдан бурун.

Яхшилар фазли билан, бил, ер омон, осмон омон,
Кўзни очгилким илон заҳрини тотмасдан бурун.

Бил, чаённинг макри кўпдир, ҳар қадамда ҳар шакл,
Ҳақни фош эт сен, ғаним рўёни сотмасдан бурун.

Оқилу фозил пойин кўзларга сурт суҳбат қуриб,
Нокасу ножинс сени лойларга отмасдан бурун

Ким, азал ноҳақ дегайдир ҳақни нафс шайтонлари,
Йўллариин тўсгин аларнинг илдиз отмасдан бурун.

Пок руҳлар бирла, Маҳмуд, пок эрур ушбу ҳаёт,
Яхшиларни асрагил, токим йўқотмасдан бурун.

* * *

Ақраболар бирла ўтган дам ширин, ҳамдам ширин,
Бу улуғ суҳбат аро олам ширин, одам ширин.

Ҳар киши топгай ўзин ошуфта дил изҳорида,
Ҳикматин сезган юракка жам ширин, мақдам ширин.

Муттақийлар бирла кўнгил бўй чўзар юксак сари,
Мубталолар-чун ҳамиша ғам ширин, ҳардам ширин.

Аҳли дил покиза руҳ-ла сайр этар бўстон аро,
Ташна дилга тунда кўзда нам ширин, зам-зам ширин.

Ишқ аро неъматга қай дил айласа чин иштиёқ,
Илкида турган анинг Аъзам ширин, Адҳам ширин.

Аҳду шиддат бирла комил айлағайдир ўзни ким,
Бас, чароғида анга Хожам ширин, Ҳотам ширин.

Барқарорлар ичра, Маҳмуд, зарра бўл, пойида бўл,
Икки дунё ичра, бил, маҳрам ширин, малҳам ширин.

* * *

*Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур пахтакор
Комилжон Мамажоновга*

Дўстлар, булдир шарафли паҳлавон Фарғонадан,
Пахта илмида биринчи қаҳрамон Фарғонадан.

Бахш этиб ўзни Ватанга, тер тўкиб ёз, куз, баҳор,
Элу юртда донг таратган дурфишон Фарғонадан.

Ошкордир неча минг йиллар бу касбин заҳмати,
Лек бу кун ўз шуҳратин қилди аён Фарғонадан.

Мустақиллик неъматин дилларга солди иштиёқ,
Чўнг ниятлар мева берди ҳур макон Фарғонадан.

Ўзбекистон шавкати юксак бўлиб эллар аро,
Қудратига куч қўшилди жонажон Фарғонадан.

Пахтакорлар кўп элимда, қаҳрамонлар кўп валеқ,
Пахтакорлар ичра ул соҳибнишон Фарғонадан.

Юрт аро қаддингни, Маҳмуд, тут баландким ушбу дам,
Ўзбекистон машғали, кўрки замон Фарғонадан.

* * *

Сира наф йўқ зироатга қишу ёз оқмаган сойдан,
Иморат битмагай асло тобинда пишмаган лойдан.

Қуёшми, ой ва ё юлдуз сочар нурин бу оламга,
На фойда гар нурин сочмас эса юлдуз, қуёш, ойдан.

Улоққа интилар доим чопиб майдонда учқур от,
Хачир афзал шижоатсиз, нафи йўқ чопмаган тойдан.

Бу беш кунлик ҳаётнинг мағзи беминнат қадам қўймоқ,
Совуқ сув ичган афзалдир оғизни куйдирар чойдан.

Ўзингни ҳар томон, эй дил, отиб, ҳар ёнга бонг урма,
Самар йўқ асли мақсадсиз, нишонга тегмаган ёйдан.

Ҳалол бирла ҳаромнинг фарқини англаб асл инсон,
Қатиг нон минг бор афзалдирки, ҳалқумни бузар мойдан.

Ватан обод, фаровон эл саховатли азиз зотдан,
Гадой афзал мурувватсиз, карамсиз пастназар бойдан.

Илоҳнинг нури ҳар ерга тушар файзи билан ҳар дам,
На суд занг чулғаган қалбу муродсиз ташлаган пойдан.

Ўзинг Маҳмудни, эй Тангрим, савоб ишларга кўп йўлла,
Нажот бергилки, Маҳшарда, самарсиз оху войвойдан.

* * *

Нигоро, қулни ҳам шод эт, қилиб аҳли фироқлардан,
Саодат саҳнида ёнган мунаввар ул чироқлардан.

Шафоат шуъласин дилга зуҳур айла, раҳмдилсан,
Нажот айла ҳузурингга борар дамда сўроқлардан.

Қилиб зикрингни ҳар лаҳза, умид боғлаб ризойингга,
Тоғиб роҳат ибодатдан дилим қонсин фароғлардан.

Қочиб ағёр йўлиданким, жамолинг истадим тун-кун,
Тутиб кўнглимни ишқ ичра ҳимоят айла доғлардан

Ки, ғофил бандаман, ё Раб, азоб сендан, нажот сендан,
Бу ожиз руҳдаким қалбим суниб сенга йироғлардан.

Яқин айла висолингга, бериб раҳмат нуринг қулга,
Ман осий бандага ул дам ишорат айла соғлардан.

Ҳабибинг ҳурмати, Маҳмуд этиб, Тонгла ҳузурингда,
Афв қилгин гуноҳимни, иноят айла боғлардан.

* * *

Бас, эй кўнглим, фиғон этма, дилим вайрону қон бул кун,
Бу ошиқлик азобидан бўлибман нотаваон бул кун.

Азал бу иш жафосидан фиғон чеккан фақат сенмас,
Назар ташла баланду паст неча жонлар нишон бул кун.

Висолин истагай ул ким, азиз жондан кечар токи,
Анинг васлига етгунча неча жонлар равон бул кун.

Ҳарорат шавқида ишқинг чокин беҳудага сўкма,
Сўкилганлар, тўкилганлар, қара, не чоғ хазон бул кун.

Уриб парвонадек ошкорки, ҳар ён сен қанот ёзма,
Майи ваҳдатни нўш этгил, тутиб шавқинг ниҳон бул кун.

Саодат топқасен андан, шафоат ҳам, ҳидоят ҳам,
Муҳаббат ҳикмати бирла сенга нури аён бул кун.

Висолин истабон, Маҳмуд, Ўзига сен муножот қил –
Ки, ёрингнинг висолидан лазиз эрмас жаҳон бул кун.

* * *

Боғлагил дил риштасини ул азиз рухсора чин,
Туну кун бошингда бедор сарвари ғамхора чин.

Ҳикмати бирла мукаррам айлағай суйгонини,
Лаҳзани ўтказма бекор, тез югур изҳора чин.

Асрағай ҳар дам балодан бандасини, шубҳасиз –
Ким, қадам қўйсанг бўлиб сен ошиқ ул дийдора чин.

Топдилар Ҳақнинг ризосин аҳли дил ишқ ўтида,
Икки кунлик бу жаҳонда ёр ўлиб дилдора чин.

Маҳлиё бўлма ғанимлар ишвасига, эй кўнгил,
Ким, маломатлар ичинда дўст ўлиб ағёра чин.

Қудратин кўнглингда тутгил, бўл умидвор ҳар нафас,
Амри Ҳақ бирла олов айланди бир гулзора чин.

Бандаи ожиз сифотинг бирла, Маҳмуд, қўй қадам,
Чин муҳаббат бирла етгай ҳар киши ул ёра чин.

* * *

Раво кўрмас эса Тангри бирор ишни қилолмассан,
Бил, ожиз бандасан сен ҳам қуёшмассан, қилолмассан.

Амонат ҳар нафас, асли ўтар дамлар синовдир, бил,
Келиб қолса хабар ул дам, чопонингни киёлмассан.

Фиғону ҳасрато бирла ётур қанча жавоҳирлар,
Муваққат барча гулзорлар, бу дунёда қололмассан.

Билурман деб шароратга кўнгилни бермагил зинҳор,
Ўзи билдирмаса, кўнглингдагин ҳеч ҳам билолмассан.

Бисоту молу дунёнинг ҳавоси ўзгарур дам-дам,
Самода учганинг бирлаки, жойингдан жилолмассан.

Фасоҳат бирла ўтди, оҳ, неча зоти мубораклар,
Алардан ибрат олгилким, ахир сен ҳам ниҳолмассан.

Кўнгил лавҳига бит, Маҳмуд, садоқат қиссасин тинмай,
Сўрар вақти қиёматда амалдан ҳеч уёлмассан.

* * *

Амал бирла камол топгин, харидоринг Ўзи бўлсин,
Камол ичра жамол топгил, харидоринг Ўзи бўлсин.

Ўзин васлини ахтармоқ эрур ҳар қулгадир вожиб,
Белинг боғла бу зўр ишга, мададкоринг Ўзи бўлсин.

Ўзи гар бермаса ажрин, висол қайда, жамол қайда,
Анинг измини сан тутгил, сабабкоринг Ўзи бўлсин.

Буюк бир қудрати бирла кўнгил дилдорини топгай,
Йўлингни ёра хос айла, шифокоринг Ўзи бўлсин.

Ғами бирла дилинг пок эт ҳамиша зору бедор тут,
Туну кун анга ийсор айла, хумморинг Ўзи бўлсин.

Вафосин топмагай ҳеч ким дилин ёрига рост этмай,
Вафодорлик йўлин тутгил, вафодоринг Ўзи бўлсин.

Иродат ҳикмати ўзни Ўзига айлагай Маҳмуд,
Бу неъмат ичра бўл доим, талабгоринг Ўзи бўлсин.

* * *

Очилур ҳар лаҳза кўнглим сирлари огоҳ илан,
Руҳга файз бергучи ҳардам дилрабо ҳамроҳ илан.

Борлиқ ичра неки бор ул, бил, Қуёшга интилар,
Ким қолар зулматда ақли ожизу кўтоҳ билан.

Беҳабарлар ҳар қадам ҳар ерда кулфат ичрадир,
Топмагай кўнгил фароғат беадаб, густоҳ билан.

Шавқи ишқи бирла ҳар ким, бил, камолотга етар,
Айланар нокаса одам бўлмаса ислоҳ билан.

Яхшилар гарди ҳаётга зеб бўлар, қадрига ет,
Ул ғанимат доманин тутгил муборак роҳ билан.

Юрмаса ҳаддин билиб гар кимса Ҳақ майдонида,
Ўнглагай тақдир ани, бил, яхши бир жарроҳ билан.

Маҳмудо, ҳар дам улуғлар хизматин қилгил бажо,
Бу гулистон саҳни узра файз топиб дилхоҳ билан.

* * *

Бу вужуд ичра азиз ул жон ғаниматдир букун,
Жонга қувват бўлгучи дармон ғаниматдир букун.

Эй кўнгул, ўтгучи фурсат қайтмагай бир лаҳза, бил,
Бебаҳо дамлар аро ҳар он ғаниматдир букун.

Бу омонат борлиқ ичра шавқи дил тарҳини туз,
Ҳақ ризоси бирлаким иймон ғаниматдир букун.

Сен муҳаббат бирла дил тут, ҳақ ишидан топ нажот,
Ҳақ нажоти ичраким имкон ғаниматдир букун.

Яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик қил, эй кўнгил,
Яхшилардан қолган ул бўстон ғаниматдир букун.

Бу улуғ айёмга тухфанг зеб бўлиб очсин чирой,
Ҳақ йўлида қилганинг эҳсон ғаниматдир букун.

Маҳмудо, ҳар бир нафас неъмат эрур қадрини бил,
Олам ичра, билки, ҳар инсон ғаниматдир букун.

* * *

Покланур Ҳақ олдида дил тавба, истиғфор билан,
Айлабон дилдан таважжуҳ Ҳаққа чин иқрор билан.

Бу синов дунёсидан ўтмак қийин, қилмай гуноҳ,
Тўғри йўлдан озмагайдир ҳамнафас хушёр билан.

Нафсу шайтон макридан, бил, сақлагай зикри Худо,
Айласанг руҳингни бардам дил тутиб рухсор билан.

Матлабинг бергай Худойим, бил, риёзат ичра, гар
Айласанг тоза муҳаббат шавқида изҳор билан.

Ҳар нафас, ҳар дам омонат банда-чун дунё азал,
Лутф этар Тангрим, дилинг бўлса ширин гуфтор билан.

Кимнинг иймони бутундир икки оламда азиз,
Қадрини топгай яна ҳам бўлса чин хуштор билан.

Маҳмудо, ҳар дам тазарру бирла дилни пок тут,
Очилур гулзор аро дил бўлса чин дилдор билан.

* * *

Эй кўнгул, ҳар бир нафас, билгил, назорат ичра сен,
Ҳақ нигоҳи ичра ҳар дам чун далолат ичра сен.

Барча журму ҳам савобинг ажримин қилгай ўзи,
Кечса не ҳоли ҳаётингда шаҳодат ичрасен.

Топди Ҳаққа дил бериб боққил Худонинг дўстлари,
Танласанг шу йўлни, бил, ҳар дам ҳидоят ичрасен.

Йўл тополмай баъзилар учди шайотин макрига,
Сен, агар тутсанг ани, билгил, хижолат ичрасен.

Ёр ишқи бирла, бил, очгай жамолин ҳар кўнгул,
Ҳажрини чексанг зиёда, бил, саодат ичрасен.

Ўтгучи дунёда топсанг эзгу ишлардан савоб,
Икки дунё ичра, билгил, чин шафоат ичрасен.

Маҳмудо, ўзни унутгил, шарридан қочгил мудом,
Ёр агар Ул кун назар этса, муҳаббат ичрасен.

* * *

Олам ичра ҳеч киши ҳаргиз назардан қолмасин,
Раҳмати Ҳақдан келувчи хушхабардан қолмасин.

Ошнолик риштасидан файзиёб этсин дилин,
Ҳақ ризоси ичра ким ҳаргиз самардан қолмасин.

Ота-она, ёру дўстин матлабин этсин адо,
Бу синов майдонида ҳаргиз зафардан қолмасин.

Аҳди рост эрлар билан айлсин юртин чаман,
Ишқ аро ғаввос ўлиб ҳаргиз гуҳардан қолмасин.

Қолмасин зулматда ҳаргиз феъли бадлар бирлаким,
Нур сочиб тургувчи ул шамсу қамардан қолмасин.

Ишқ аро кўнглида топсин ҳар киши файзу футуҳ,
Қадрига етгувчи ҳар дам мўътабардан қолмасин.

Маҳмудо, умрингни ҳар дам Ҳақ ризоси ичра тут,
Ўтгучи хас-чўпни деб охирда зардан қолмасин.

* * *

Камтарона меҳнатимга ҳурматин айлаб баён,
Эл аро имзо чекиб Сарбонимиз берди нишон.

Дил фараҳда бу нишон кўксим безатгай ушбу кун,
Элу юртим шеъриятга ҳурматин айлаб баён.

“Дўстлик”нинг ҳикматин жо айлагай дилларга шод,
Бу улуғ неъмат-ла табрик айлагай пиру жавон.

Ўзбекистон олам ичра мисли йўқ гулшан эрур,
Қадр топгай меҳнатинг ҳам гуллагай ушбу макон.

Дилда эркин, ҳур ҳаётнинг завқи тинмай жўш урар,
Куйлагум мен Ҳурриятнинг неъматин борсам қаён.

Беадад шукримни Ҳаққа айлагайман туну кун,
Бу ишонч юксак назарким менга ҳам бир имтиҳон.

Мустақиллик элу юртим файзидир, эй Маҳмудо,
Янги девонлар-ла мадҳин айлагил тинмай равон.

* * *

Ранж аро дил даҳри дуннинг макру ҳийла коридан,
Ишқи Ҳаққа раҳна солгувчи лаъин озоридан.

Ёрга дилни боғламак ҳар он эрурким матлабим,
Айласин маҳваш мени деб васлига хумморидан.

Ишқ нурин дилга солдим Ёр васлин истабон,
Баҳра олмак кўйидаким ул санам рухсоридан.

Жисму жоним интилуру ҳар дамда Ёрим кўйига,
Зоҳиру ботин аро дил ғам чекиб асроридан.

Ташналикдан ранги рўйим заъфарон бўлди бу он,
Бир хабар олгаймикин деб мен каби беморидан.

Васли ҳажри изтиробиди таважжуҳ ичраман,
Ким муножот бирлаким шафқат кутиб дилдоридан.

Маҳмудо, айла таваккул қўлласа ёринг иши,
Ўзига осон эрур Ҳақ айласа хуш ёридан.

* * *

Ўтмади ҳаргиз куним ёрим сани ёд этмайин,
Ҳажри дардинг захридан ҳар лаҳза фарёд этмайин.

Босмадинг ҳаргиз қадам, кўнглим паришонлиғ аро,
Васлингга зор айлабон, ҳаргизки имдод этмайин.

Бас, таҳайюл ичра кўнглим истагай ҳар дам сени,
Дард аро мен ёнадирман, тургасен шод этмайин.

Айламай лутфу карам, қилдинг жудолиғ ичра, ёр,
Турфа шубҳа ваҳмидан бир лаҳза озод этмайин.

Бу алам даштида ҳаргиз ўзгадан келмас нажот,
Айлама маҳзун мени васлингни бунёд этмайин.

Бодада нурингни кўрдим, сен ўша, соҳибжамол,
Ҳолими сўрсанг на бўлғай тиғи бедод этмайин.

Беҳабарлар хайлидан этма менга раҳм айлагил,
Бул муҳаббат расмини Маҳмудга иршод этмайин.

«ВОВ» ҲАРФИ ВАССОФЛАРИНИНГ ВОҚИФЛИКЛАРИ

Ким муҳаббат боғига кирса, билинг, ризвони бу,
Ёра интилса агар бедор ким, билинг, хушхони бу.

Ёр ҳажрин истамоқлик чин кўнгил орзусидир,
Ишқида қўйса қадамни ким, билинг, даврони бу.

Ишқсизликдан кўнгиллар топмагай манзилни ҳеч,
Тўғри йўлдан озса гар дил, ким, билинг, нуқсони бу.

Бу ёруғ дунёда инсондир азиз аҳди билан,
Айлагай ишқин мукаррам ким, билинг, мардони бу.

Қилса тун-кун эҳтиёж, бор шавқини айлаб аён,
Анга жонин бахш этолса ким, билинг, султони бу.

Бу саодат мазҳари ҳар кимга ҳам этмас насиб,
Этса кимга неъмат, ул ким, билинг, фармони бу.

Ҳажрида, Маҳмуд, ризосин излагай қай бир кўнгил,
Васлига етмоқ кўйида ким, билинг имкони бу.

* * *

Касбидан ким топди роҳат эл аро имкони бу,
Чин ҳалол меҳнат билан топган азиз дармони бу.

Ризку рўзин гар киши топгай ҳалоллик ичраким,
Ҳар қадам, ҳар онда поклик сари нарвони бу.

Яхши меҳнат бирла тун-кун аҳли дил топгай қадр,
Холи тутгай таънадан ўзни, билинг, даврони бу.

Ким ҳалол бирла ҳаромнинг фарқиға етса агар,
Чин саодат ичра борган Ҳақ сари карвони бу.

Кимки нафсин комида қўйди тузоқ ўз қавмига,
Охират дўзах ўтида ёнгучи майдони бу.

Заҳмату завқу шижоат бирла ким топгай фараҳ,
Зурриёди ул насабнинг риштаси – виждони бу.

Маҳмудо, ҳар ким риёзат бирла топди фазлини,
Икки олам неъмат чиндан азиз эҳсони бу.

* * *

Бўлди жо руҳ ул вужудга, Тангрининг фармони бу,
Ул вужуддан тоза чиқмоқ руҳни чин имкони бу.

Аслидан айрилди руҳ ҳам кўп синовга солди Ҳақ,
Ҳаққа етмак-чун тағинким бир сафар майдони бу.

Бу вужуд ичра етуклик истагай ким хуш наво,
Айлаган хониш қафасда, билки, руҳ виждони бу.

Бил, ҳидоят элчиси ул, чорлагай юксак сари,
Ҳар вужудниким самога элтгучи осмони бу.

Боғла иймонингни ростлик риштасига, эй кўнгил,
Икки дунёлик саодат фаслининг дармони бу.

Айлагил сен танни ҳар дам сайраган руҳингга ёр,
Анга бахш этгил ўзингни, Ҳақниким паймони бу.

Бас, риёзат ичра, Маҳмуд, чоғла ўзни ишқига,
Васлига етмаклигинг-чун бебаҳо эҳсони бу.

* * *

Дилимни сенга зор этдим, шу зорим сенга етмасми?
Ғамингни дилда бор этдим, шу борим сенга етмасми?

Куйиб кўйингда дард чекдим, мудом парвонадир кўнглим,
Сани бир хуш табор этдим, таборим сенга етмасми?

Қилиб жилва ғанимлар ишваси солди тузоқлар кўп,
Алардан номус ор этдим, шу орим сенга етмасми?

Адам бир ён, алам бир ён, синиқ кўнглим аро ҳижрон,
Санга дилни шарор этдим, шарорим сенга етмасми?

Юрибман дарбадар, ҳеч бир борар жой топмадим ҳаргиз,
Сани деб ўзни хор этдим, шу хорим сенга етмасми?

Висолинг кўйида сендан нажот излар ғариб кўнглим,
Ўзимни бас фарор этдим, фарорим сенга етмасми?

Жаҳонни танг этар дардим, батар тўксам бу дам, Маҳмуд,
Сани бор деб, тиёр этдим, тиёрим сенга етмасми?

«ҲЕ» ҲАРФИ ҲАВАСМАНДЛАРИНИНГ ҲАДЯЛАРИ

Кўзни тўйдирдим жилойи шаррига ташлаб нигоҳ,
Гоҳ аён, гоҳо ниҳон дилга тушибдир иштибоҳ.

Олмадим четга ўзимни макри шайтон хайлидан,
Солмадим қутқу дилимга, қўрқмадим айлаб гуноҳ.

Боқмадим этмай тазарру даҳри дун пештоқиға,
Нотавонлик ичра турмай, топмадим бир хонақоҳ.

Икки кунлик бу ҳаёт майдонидан пок ўтмайин,
Ким бешиқдан қабра то етмоқни этмай хайриқоҳ.

Ҳар қадамда Ҳақ ишидан беҳабар, бўлдим соқов,
Дилда кечмай ҳеч сифоти, этмайин ўзни сипоҳ.

Зоҳиру ботин аро руҳ эврилур топмай қарор,
Келмагин бошига билмай Рўзи маҳшарда сиёҳ.

Эй Худо, этгил афу Маҳмудни тўғри йўлга сол
Ким, адашган бандаларга Сен Ўзинг ёлғиз паноҳ.

* * *

Бўлди сендан кўп тараҳҳум, бўлди мендан кўп гуноҳ,
Ким эрур ғафлатда кўнглим нафс аро шому сабоҳ.

Англамай меҳрингни ҳаргиз фиску туғён ичраким,
Ожиз ақлим йўл тополмай, айламиш ҳолим табоҳ.

Ўн сакиз минг олам ичра жилва этгай матлабинг,
Сажда айлар ҳар не мавжуд тошмидир у ё гиёҳ.

Сенга ким интилди топди ишқ аро мазҳарни чин,
Умрим ўтди бўлмай огоҳ, энди суд бермайди оҳ.

Ҳасрато, ғафлатдадирман баҳри дунга ғарқ бўлиб,
Беамал, беишқ эрурман, нобакор, юзим сиёҳ.

Дил тазарру айлагай хавфу ражода ушбу кун,
Ёр, адашган қулга, келгил, ташлагил бир йўл нигоҳ.

Оразинг нури кўнгилни айлагай анбарфишон,
Баски, кўйингда гадолик, эй дило, Маҳмудга жоҳ.

* * *

Шукрким, тушда кўрмишман, сани ҳусну латофатда,
Туларман лол, деёлмай сўз, бу дам, ёрим, хижолатда.

Яқин борсам қилурсан гул, қилурсан кул йироқ кетсам,
Нишон йўқдир бу ҳолимдан, бу ҳолдан мен надоматда.

Сифотда Лайлиданму сан, Ширинму, Зухраму тобинг,
Ки Мажнун, Тоҳиру Фарҳод янглиғ жон ҳароратда.

Парирулар закот олгай жамолинг нуридан ҳар дам,
Қиё боқсанг на бўлгайким, манга бир бор шижоатда.

Фироқинг ўтида ёнгай неча мендек паришонлар,
Ғаминг чекмоқ билан умрим кечар ҳар дам риёзатда.

Ризойингни топурман деб, еларман, истагим матлаб
Ки, васлингсиз ўтар кунлар, қачон бўлгум шафоатда.

«Ражо ичра сен, эй Маҳмуд, ўзингдан ўзгани ёд эт,
– Дегаймисан, – шафоат кут, кўрарсан ул қиёматда».

* * *

Ёри жонлар, қалб аро эъзоз топинг вақт борида,
Ҳаққа руҳни боғлаган овоз топинг вақт борида,

Иштиёқи бирла ҳар дил ўзидан топгай нажот,
Сиз ҳидоят илкида парвоз топинг вақт борида.

Бевафо ёр жилвасига чоғламанг дил кўзгусин,
Кўп бўлур вақти келиб, оз-оз топинг вақт борида.

Қордаги издан асар ҳеч қолмагай чиқса кўёш,
Асли олам чорлаган оғоз топинг вақт борида.

Ғафлат уйқусида ҳеч ким топмагайдир васлини,
Зулмат ичра бўлса ҳамки, роз топинг вақт борида.

Тўрт кунлик умр аро ҳаргиз шарорат этмангиз,
Сийрати ҳўблар аро парвоз топинг вақт борида.

Ҳар киши топган ғизоси фазлидан Маҳмуд бўлар,
Икки олам сарварин ҳамроз топинг вақт борида.

* * *

Топмагай файзу барокат дилда ёри бўлмаса,
Ишқ аро ҳар бир кўнгилнинг иқтидори бўлмаса.

Чикмагай рўёбга ҳаргиз кимда йўқ аҳду вафо,
Шавқи ҳикмат ичраким шахду қарори бўлмаса.

Файзиёб бўлгай кўнгил ёр ишқи бирла ҳар нафас,
Зил кетар бир кун иморат пойдевори бўлмаса.

Қудрату фазли билан ишқ ичра хас, бил, гул бўлур,
Дашт бўлгайдир гулистонлар хумори бўлмаса.

Ишқи борлар, бил, фасоҳат ичраким майдондадир,
Индаслар ичра бўлгай ифтихори бўлмаса.

Икки олам раҳматин топгай кўнгил ибрат билан,
Бўлмагай ҳеч ишда илдам ихтиёри бўлмаса.

Маҳмудо, ибрат кўзи бирла ҳаёт саҳнига боқ,
Топди ким чекмай риёзат дилда зори бўлмаса.

* * *

Нури ишқингдан кўнгил кўз очди, сен зор айлама,
Бир нафас бўй кўрсатиб сўнг дилни бемор айлама.

Бераҳим ёр илкида қон бўлди, эвоҳ, бу кўнгил,
Боз анинг комида доғлаб, чашми хунбор айлама.

Ўтди умрим авжи ҳар дам макру ёлғон дастида,
Қолганин ўткинчи туйғу, ҳисга бедор айлама.

Эй нигоро, бори ишқингни дариғ тутма менга,
Бил, ғуломингман кўйингда, ўзгани ёр айлама.

Бор мунаввар ишқи Ҳақдан руҳда мангу бир Ватан,
Сенга чин, қалбимга чин, ишқимни бекор айлама.

Хуш умид бирла ёнар дил жоми васлингга боқиб,
Сен ўзинг ишқингда куйдир, ўзгани бор айлама.

То абад Маҳмуд жамолинг васлининг шайдосидир,
Бу муҳаббатни менингдек қулга душвор айлама.

* * *

Ҳар кўринган шуълани сен, эй кўнгил, офтоб дема,
Ҳар гўзалнинг сиртидан мақтаб уни моҳтоб дема.

Ботинига боқ аларнинг мағзи тўқми ёки пуч,
Етмайин сўнггига токим бу тугал бир боб дема.

Сохта шуҳрат дулдулида баъзилар ғолиб бу кун,
Сийратига сол назарким, ўйламай арбоб дема.

Ҳар кишининг иш билан сўздан ҳаёти порлагай,
Бу сифатлардан жудо инсонни сен аҳбоб дема.

Зоти поклар бирла қалбингким, ёришгай тонг мисол,
Ибрат олгил ул қуёшдан порлади шу тоб дема.

Оқилу ориф одамлар хаста кўнгилдир азал,
Қалбига боққил аларнинг сен уни бетоб дема.

Маҳмудо, сен бир сабаб-ла сўзни иншо айладинг,
Бу ҳаёт мағзини чаққил, сен уни ҳеч хоб дема.

* * *

Ҳақ назар этган, азизлар, Марғилон туфроғига
Турфа гуллардан мунаққаш, бу ҳидоят боғига.

Аҳли ҳикмат баҳра топган чарх уриб ҳар жабҳада,
Марғилонийлар яратган илму ирфон тоғига.

Бу улуғ бўстон аро кўп булбулу хушхонлари,
Дил ҳавас этгай ҳамиша бу чаман ардоғига.

Не улуғ зоти муборак ушбу дам ихлосда хос,
Мангулик бахтин тиларлар бу гўзал чорбоғига.

Зоти покларни азиз этди улуғ Сарбонимиз,
Беадад шукрона дермиз ҳур Ватан байроғига.

Файзиёб бўлди кўнгиллар ҳур диёрим созидан,
Барҳаётлар руҳи ёрдир умримиз ҳар чоғига.

Озоду обод ўлкам Ўзбекистон шавкати,
Бу шарафдан нур таралди Марғилон ҳар ёғига.

Ул буюклар ҳикматидан топди шон, Маҳмуд, азал,
Розини айтур бу юртнинг ҳар гиёҳ, япроғига.

Ҳақ назар этган, азизлар, Марғилон туфроғига
Турфа гуллардан мунаққаш, бу ҳидоят боғига.

* * *

Хосиятсиз келган ул имконга кўнгил боғлама,
Сохта шуҳрат бирла келган шонга кўнгил боғлама.

Тўрт кунлик умр мазмунини бил оятда сен,
Наф тегар деб жон чекиб, ҳар ёнга кўнгил боғлама.

Бу фано саҳни синовдир, эътибор ахтарма кўп,
Ким келар, кимлар кетар майдонга кўнгил боғлама.

Риштаси мўрту заифдир қанча юксалган билан,
Хоҳ гадо, хоҳ бўлса бек ҳам жонга кўнгил боғлама.

Йўқ эдинг, бор айлаган Ҳаққа тазарру қил абад,
Қудратига боғла дил, бўҳронга кўнгил боғлама.

Истагин ҳардам саодат ёлғиз Аллоҳдан фақат,
Қил ибодат бериё, нуқсонга кўнгил боғлама.

Ҳақ йўлида ёра кўнгил боғладинг, Маҳмуд, бу кун,
Мағфират этсин Ўзи, шайтонга кўнгил боғлама.

* * *

Оқибат қилгил тириклик чоғида инсонга,
Сўнг пушаймон қилмагил, кўнглинг тўлиб армонга.

Яхши инсондан ҳаётда яхши неъматлар қолур,
Келганингни англагин дунёга сен меҳмонга.

Бу ҳаёт саҳни синов, майдони ҳикмат ичраким,
Ўзни кўрсатгил, ахир чиқдингми сен майдонга.

Ота-она, ёру дўст аҳволига солгил назар,
Келса ёрдам қил, қараб сен қўлдаги имконга.

Ол дуосин пиру устоз, опа-сингилнинг мудом,
Йўлласа тақдир сани бир шундайин зўр конга.

Ўтганида ош тортиб, ном қозонгандан кўра,
Битта нон қўйгил тириклик чоғда дастурхонга.

Ҳар қадамда, ўзни, Маҳмуд, имтиҳон қил, аввало,
Бу саодатдан муродинг етдими бир жонга.

* * *

Ота-она Ой билан ҳам Меҳр эрур фарзандига,
Ҳар нафас бошида бедор – нур эрур монандига.

Кўкда бўлса қанча юлдуз, Ой, Куёш, бил, биттадир,
Биттанинг файзи жаҳоннинг зеб бўлур ҳар қандига.

Ота-онанг қалбидан тушгай сенга Ҳақнинг нури,
Раҳматин ёғдиргай, албат, ўз ширин гулқандига.

Эй, ўғил-қиз, сен муборак дил кўзингни тоза тут,
Ғойиб ишқин нури тушгай зурриёдинг бандига.

Тоза ният, тоза қалбинг руҳият аъмолидир,
Ота мерос, она мерос бу азал дилбандига.

Ҳар нафас, Маҳмуд, юракдан ота-онанг ёд қил,
Ота-онанг соябон икки жаҳон пайвандига.

* * *

Дил ғубордан холи эрмас бевафо ёр олдида,
Туну кун ёнгай паришон пуржафо ёр олдида.

Топмайин ўздан ўзини ўртанур дил беомон,
Қадрини топгаймикин ул чаши хуммор олдида.

Коми васлининг қўйида топди вайронлик дилим,
Розини қилгаймикин рухсори гулзор олдида.

Ҳоли зоримга таажжуб қилмагил, эй муддаий,
Зарра ҳам ёзгай қанотин васли дийдор олдида.

Боумид ўтмоқда умрим иштибоҳлар ичра, ёр,
Иштиёқ этсанг на бўлгай, асли бемор олдида.

Водариғ, умрим самарсиз ўтди зое, эй рафиқ,
Дўстидек кўрсатган ўзни асли ағёр олдида.

Доми ранжида машаққат чекма, бас, Маҳмуд, етар,
Ҳоли аҳволинг баён эт энди дилдор олдида.

* * *

Эй кўнгил, этма хижолат ул нигорим олдида,
Мен учун танҳо, ягона ифтихорим олдида.

Дил висол уммидидаким, жомида тутгай ани,
Рухни равшан айлагил ул офтобим олдида.

Барчага сочгайки нурун ким қаро, кимдир ёруғ,
Бас, ёруғ айла юзимни жон нисорим олдида.

Беҳабардан бўлмагил ёр олдида, сен эй, кўнгул,
Икки олам ҳикматин топгил қарорим олдида.

Ой ботар навбатма-навбат, кун чиқар истаб висол,
Сен муқим бўл, ботма ҳаргиз эътиборим олдида.

Тўрт кунлик бу синов, хавфу ражо айёмидир,
Шавқидан топгил саодат гулўзорим олдида.

Субҳи содиқ, Маҳмудо, очдинг кўнгулнинг саҳфасин,
Фазлини топсанг ажабмас ул хуморим олдида.

* * *

Беадад шукрингдадирмиз, бўлди даврон янгича,
Бу азиз даврон ароким бўлди имкон янгича.

Одабийлик топди қадрин ҳар нафас, ҳар ердаким,
Бу гўзал имкон ароким бўлди инсон янгича.

Янги даврон, янги имкондан кўнгил топгай қадр,
Қадру қимматлар ароким бўлди ирфон янгича.

Яйрагай ошуфта диллар хайри лутфингдан, Эгам,
Бу гўзал чоғлар ароким бўлди хушхон янгича.

Саф олиб ҳар жабҳада, олам аро бўй кўрсатиб,
Хур ҳаёт бағрида диллар бўлди шодон янгича.

Яхши ният бирла келгай дилга Ҳақнинг неъматини,
Раҳмати Ҳақдан чароғон бўлди ҳар ён янгича.

Маҳмудо, ҳардам дилингни шукрида қил сарфароз,
Олам ичра Ўзбекистон бўлди бўстон янгича.

* * *

Ҳеч киши топмас нажот Ҳақдан иноят бўлмаса,
Ҳақ йўлига туну кун дилдан итоат бўлмаса.

Фурсати ўтгай шамолдай бенафу беқадр, агар
Маъсият шаррига гар дилдан надомат бўлмаса.

Тухфа бирлан ҳар киши бўлгай азиз ҳар ерда, бил,
Етмагай васлига гар кўнглида ҳиммат бўлмаса.

Нафсу шайтон дастидан келгай гуноҳ ҳар кимсага,
Тушмас эрди макрига кўнглида ғафлат бўлмаса.

Мақсаду матлаб учун ҳар дилки қилгай ихтиёр,
Топмагай манзилни гар Ҳақдан ишорат бўлмаса.

Бу ўтар дунёга кимлар келдилар, кетди қаён,
Ҳақ назар айларми, боқ, Ул Кун ибодат бўлмаса.

Маҳмудо, Ҳақдан ризолик истаким ҳар ишда сен,
Топмагай фазлин киши дилдан риёзат бўлмаса.

* * *

Айланур нокасга одам тарбият гар бўлмаса,
Тўғри йўлга солгучи руҳида сарвар бўлмаса.

Қанча интиланган билан дил топмагай чин манзилин,
Матлаби ичра анинг кўнглида меҳвар бўлмаса.

Даҳри дунга дил бериб ҳардам адашгай беҳабар,
Ҳақ йўлида пири комил анга раҳбар бўлмаса.

Нафсу шайтону жаҳолат дастидан топгай зарар,
Ишқи Ҳақ бирла агар қалби мутаҳҳар бўлмаса.

Бўлса ким ҳикмат билан ишқ ичра ул топгай висол,
Бемажол қолгай киши соқийи Кавсар бўлмаса.

Одаму Ҳавводан эрмас кимсаки, билгил, азал,
Маслаги Ҳақда бўлиб шавқида жавҳар бўлмаса.

Маҳмудо, зоҳирда одам, ботини ножинс анинг,
Асли иймон бирла кўнгли то мунаввар бўлмаса.

* * *

Қулингни раҳматингдан, эй Нигоро, бенасиб этма,
Ки мандан сен ҳамиша бўл ризоё, бенасиб этма.

Тутиб афтодалар ичра ки дардинг бирла ёндирдинг,
Бериб хаста бу кўнглимга шифоё, бенасиб этма.

Муяссар айла бандангга, Илоҳо, раҳмати ишқни,
Этиб ноқис қадимни сен расоё, бенасиб этма.

Қилиб ҳар қанча қуллуғким, назар ҳеч топмадим ҳаргиз,
Назар қилгил, қилай сенга вафоё, бенасиб этма.

Мурувват айлабон, ёрим, бу жонимга жило бергил,
Этай сенга бу жонимни фидоё, бенасиб этма.

Адам саҳросида ёлғиз нетарман беасо, беёр,
Этиб васлинг бу қулга сен атоё, бенасиб этма.

Таважжуҳ ичра ким, ёрим, нажот аҳли аро қилгил,
Иноят айла Маҳмудга, Дилоро, бенасиб этма.

«ЙО» ҲАҶФИ ЁРОНЛАРИНИНГ ЯҚДИЛЛИКЛАРИ

Тавба қилғил, эй кўнгил, ҳардам, ўлимдан илгари,
Бўл надомат расмида бардам, ўлимдан илгари.

Тўрт кунлик бу синовлар вақтида топгил савоб,
Бўл ибодат аҳдида маҳкам, ўлимдан илгари.

Айшу ишрат комида ўтган даминг зое эрур,
Бўл саховат бобида Адҳам, ўлимдан илгари.

Топмади ҳеч ким бу дунё жилвасидан эътибор,
Айлагил кўз ҳажр аро пурнам, ўлимдан илгари.

Аҳли дил, бил, ҳар қачон, ҳар ерда тавба айлағай,
Бўл ҳидоят саҳнида аъзам, ўлимдан илгари.

Ким умид бирла туну кун иста ёрингдан нажот,
Бўл иродат азмида шахдам, ўлимдан илгари.

Бас, тириклик чоғда, Маҳмуд, офият топгай кўнгил,
Ҳақ деса Ул кун сени бандам ўлимдан илгари.

* * *

Қилди оламини мунаввар ул нигорим жилваси,
Ўн сакиз минг олам ичра офтобим жилваси.

Кўп ёмонлик бирла ўтган кунларим бўлди аён,
Этмади ул ёра пешвоз ихтиёрим жилваси.

Бу кўнгил ҳижрон аро тортар эди ишқида ғам,
Айлади ҳолим аён ул кун хуморим жилваси.

Аҳли дилки топди ҳушёр эр аро ўз нисбатин,
Этди доғимни башар ул гулғузорим жилваси.

Мубталолар туну кунким ҳажрида бедор эрур,
Айлади жонимни абгор ул синорим жилваси.

Беҳабарлар топмағай ҳаргиз муҳаббат манзарин,
Айлади дардим унут ул дилфигорим жилваси.

Маҳмудо, ҳақдан умид қил, туну кун сен ишқ аро,
Айлағай қалбингни кимё жон нисорим жилваси.

* * *

Иродат этмаса ҳар кас, бири ҳеч бўлмагай икки,
Бўлур ул эл аро нокас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Худо берган тафаккур-ла топар ризқини ҳар инсон,
Бу ризқин кўзга ким илмас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Туну кун ухламай эрлар амал бирла шараф топгай,
Шижоат ичра ким бўлмас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Даромад кетса гар қўлдан ҷумолидек бўлар фил ҳам,
Роҳи рост ичра ким юрмас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Отанг-онанг ризоси бирла мушкуллар осон бўлгай,
Савоби ичра ким тўлмас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Жаҳолат ичрадир кимки, топар луқма кароҳатдан,
Билингким, бахти ҳеч кулмас, бири ҳеч бўлмагай икки.

Топиб файз ишқ аро, Маҳмуд, қаю дил очмагай кўзни,
Анга ғайбий келур бир сас, бири ҳеч бўлмагай икки.

* * *

Эй кўнгил, ёринг-ла тузган аҳду паймонинг қани?
Аҳду паймон ичра турган марди майдонинг қани?

Айтар эрдингки, вафо расмини этгайман шиор,
Ул вафо расми ароким чашми гирёнинг қани?

Бу синов майдони ичра келди ким, бир кун кетар,
Ул кетар чоғда ёруғ юз бирла эҳсонинг қани?

Тўғри йўлни ул дилоро айлади бизга шараф,
Бу йўл узра қолдирар ул боғу бўстонинг қани?

Бил, амонат ичрадирким ҳар қадам, ҳар бир нафас,
Ҳар дамеким илтижода шавқи мастонинг қани?

Бенасиблик заҳми бирла куймасин ҳаргиз даминг,
Чин муҳаббат бирла ўтган руҳи жононинг қани?

Ишқ аро ҳардам тазарру ичра бўлгил, Маҳмудо,
Қўйғали ёра қадам ҳар дамда иймонинг қани?

* * *

Қадрига етгил аёқ остиндаги ул зорни,
Термулиб пойингда турган бебаҳо, бедорни.

Сен хаёл ахтарма олис қирда турган маррадан,
Бас, тавоф қил руҳинг узра порлаган дийдорни.

Ўзлигинг ўзингга ҳақдир то қиёмат, эй кўнгил,
Фарқига боргил ҳақиқат бирла ул маккорни.

Турфа ҳислар бирла кўнгул ўртагай, вақтида лек,
Оҳига тутгил қулоқ кўксингдаги ул торни.

Не мақомга етди Маъмуржону устоз Жўрахон,
Сўнгги манзил айлади ул Марғилони – борни.

Белда қувват борида эл корини қилган азиз,
Эл таниб, олам таниб чин дўст этиб хушёрни.

Бир сабаб-ла айладинг, Маҳмуд, бу сўзни ошкор,
Ишқини асра ҳамиша дилдаги ул ёрни.

* * *

Эй кўнгил, ман-ман дема, манлик Худонинг нисбати,
Шоҳ эрурким, мулки борлиқ ичра тенгсиз қудрати.

«Бўл!» – деди, дунё яралди, зумда бир ҳукми била,
Жо эрур ҳар заррада Тангри таоло талъати.

Ким Муҳаммад ҳурмати бор этди борлиқ мавжини,
Бас, Расул Акрам дегай қулдир, Илоҳнинг раҳмати.

Не улуғ зотлар Яратган азмида топди самар,
Тут алар азмини, эй дил, бу – саодат ҳикмати.

Ўзни йўқлик ичра кўрди авлиёлар, вожаб,
Қуймасин ҳеч кимнинг асло оқибат охирати.

Тавба бирла ким кўнгилни боғлағай, Маҳмуд, абад,
Ажрини бергайдир охир бу Илоҳнинг ҳиммати.

* * *

Аҳли дилнинг даврасида ҳар нафас бор эт мани,
Айлабон бемори дардинг бирла дилдор эт мани.

Сан раҳимсан, сан каримсан, сан ҳалимсан, Роббана,
Эй дило, ишқинг йўлида зору бедор эт мани.

Дилга солгувчи ўзингсан, йўлга солгувчи ўзинг,
Ҳар нафасдан огоҳ айлаб нафса ағёр эт мани.

Мағфират қилгил Худоё, авф этилганлар билан,
Ким савоб йўлида ғофил қилма, ҳушёр эт мани.

Бандаман, ожиз қулингман, нотавонман, норасо,
Тахтидан кечган азиз Адҳам каби зор эт мани.

Дилда зикрингдир мудом, ҳажрингда мен тўлғонаман,
Васлинг айёми ичинда соҳиб изҳор эт мани.

Ишқ аро Маҳмудни сен васлингга восил айлабон,
Аҳдига содиқ қулинг ичра тут, яқин ёр эт мани.

* * *

Келиб ният Илоҳдан, дилга шахд берди билим тоғи,
Бу гулшан ичра туздим бир гўзал хилқат, ижод боғи.

Мақоми саҳнида савти наво айлар гулу булбул,
Муборак руҳи пок ичра муҳаббат шавқининг чоғи.

Малоҳат шуъласидан ришта айлаб дил чароғига,
Этиб роз ҳар ниҳол ўсгай муножот ичра яфроғи.

Кўнгил баҳрида мавж айлар ҳидоят нурлари гулгун,
Руҳафзо ул навосига бўлиб маснад бу туфроғи.

Жилоси Ҳақ қадар етгай улуғларнинг дуосидан,
Бўлиб олам аро афзал, фасоҳат ичра ҳар ёғи.

Бу кўркам хур макон ичра ки ҳар бир дил шараф топгай,
Ифори бирла юртида бўлиб ул кўнгил ардоғи.

Яратган шукрини қилгай, ки Маҳмуд уйғониб ҳар тонг,
Турар ҳамду сано айтиб, саодат ичра чорбоғи.

* * *

Аё дўстим, адашганлар ҳаётдан бенаво кетди,
Демангким, бенаво кетди, яна ул бедаво кетди.

Риё ишга бериб кўнгил тириклик чоғида, аттанг,
Ки ҳаргиз топмайин ўзни зиёнга мубтало кетди.

Тадорик кўрмайин асло, ки тухфа йиғмайин ҳаргиз,
Бу беш кунлик ҳаётда ул яна бемуддао кетди.

Намозу рўзаю ҳаж ҳам закотни билмади асло,
Ибодатга кўнгил бермай, эвоҳ, юзи қаро кетди.

Ямонлар бирла ўткарди азиз умрини ғафлатда,
Ботиб ул маъсият лойигаким, бераҳнамо кетди.

Ҳабибинг ҳурмати, Тангрим, ки Маҳшарда карам қилгил,
Ики дунёсини билмай ки, мендай пуржафо кетди.

Гуноҳинг кўп эрур, Маҳмуд, мудом қаддингни ё қилгил
Ки, ибрат бўлса деб, сенга яна бир бевафо кетди.

* * *

Бу ожиз дил шикастликда сўрар Ҳақдан шифосини,
Саҳарларда туриб йиғлаб, сўрар Ҳақдан зиёсини.

Бу фоний олам ичра дил саодат истагай ҳардам,
Этиб шукрин, туйиб сабру қаноат ибтидосини.

Бу беш кунлик ҳаётнинг ҳикмати ишқида содиқлик,
Топай эмди қилиб тоат бу кўнглим интиҳосини.

Хато ҳою ҳавасларда ўтар умрим залолатда,
Ҳидоят комидан имдод сўрай, айлаб вафосини.

Ғизойи руҳи жон ичра, шафоат излагил, эй дил,
Ўзидан ўзгаси бермас бу дардимнинг давосини.

Забун ҳолим туну кунлар, нажот бергил ўзинг, ёрим,
Муборак айлабон умрим, умидвор эт сафосини.

Бу қисмат илкида Маҳмуд чекар фарёд ишқингда,
Умидим бор, эшитгайсен бу қулнинг ҳам нидосини.

* * *

Чаманзор ичра Фарғона, кўнгил парвоз этар бўлди,
Ипорлар тўлди ҳар ёна, кўнгил парвоз этар бўлди.

Очилди ранг-баранг гуллар, наво ичра еру осмон,
Тўлиб файз ичра дурдона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Шарафланди азиз инсон ниҳол янглиғ бу боғ ичра,
Бу кун боғбони парвона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Этиб барпо гўзал турмуш, фаровонлик топиб ҳар ён,
Бўлиб Ҳақ ишда мардона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Муҳаббат ичра Истиқлол чароғон этди ҳар дилни,
Деманг асло бу афсона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Бу боғда зоғ чекмас ун, алафлар бўй таратмас ҳеч,
Улардир бунда бегона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Улуғлик пояси узра, ўтар ҳар лаҳза, ҳар оним,
Шу даврон ичра осмона, кўнгил парвоз этар бўлди.

Гўзал маҳбуб каби, Маҳмуд, қиёсин топмадинг асло,
Боқурсан унга мастона, кўнгил парвоз этар бўлди.

* * *

Висолинг эҳтиёжидан кўнгил истар иноятни,
“Кел, эй сен бевафойим, кел,” – деган нурли ишоратни.

Бу кўнгил сийрати шаксиз хаёлинг бирла ободдир,
Ки ожиз бандаман, ночор, ўзинг бергил ҳидоятни.

Соғинчинг тафтида кўнгил, ўтар кун, ҳафта, ой ҳам йил,
Дилоро, файзиёб этгил яна ҳам бу ибодатни.

Ки сенсиз бемакон, бежон, кўнгилни қийнагай ҳижрон,
Яна бир айлабон имкон, шараф этгил бу соатни.

Ражою хавф ила тобеъ бир ошиқ беамал, оми,
Қулингман санга ман сомёъ, насиб айла шафоатни.

Итоатда дема кам-кам, ўзингсан менга чин малҳам,
Ўзинг айлаб руҳим маҳкам, оширгил менда ғайратни.

Нигоро, раҳматингга зор ки Маҳмуд, телбаман, абгор,
Эрурким матлабим дийдор, кўрар жой айла жаннатни.

* * *

Қўмсагай дил интизорлик бирла дилдор аҳлини,
Ишқида саргашта этган чашми хуммор аҳлини.

Топмайин ёрин фироқи ичра саргардон кўнгил,
Соғиниб ҳар дамда кезгай тоза гуфтор аҳлини.

Ҳажри дардида ёнур дил билмайин бир дам тиним.
Бир хабар бўлгаймикин деб излабон ёр аҳлини.

Ҳар тараф айлар назар кўнгил паришонлик аро,
Истабон топгаймиман ишқида бедор аҳлини.

Бўлмаса Ҳақдан иноят ҳар не иш мушкул аён,
Қўллагай Парвардигорим бўлса бемор аҳлини.

Ишқи Ҳақдан бўлмаса шавқи кўнгил топмас камол,
Марҳамат ичра Худойим айлагай зор аҳлини.

Маҳмудо, сидку шаҳодат ичра бўлгил ишқ аро
Ки, ажабмаским шафоат этса асрор аҳлини.

* * *

Ёр, васлингга туну кун айлагил ошно мани,
Сенга ошиқлар ичинда айла юз бино мани.

Бир ўзингдан ўзгага ёр этмагил муҳтож дилим,
Сенга ҳамд айтишга ҳар дам айлагил бурро мани.

Эҳтиёжсиз қил бу олам зийнатига ҳар замон,
Зикри ишқинг ичра, ёрим, айлагил пайдо мани.

Нафсу шайтон макридан қилгил йироқ сен туну кун,
Қилмагил ғафлатда ҳаргиз, айла руҳафзо мани.

Айлагил уқботалаб ҳар бир қадам, ҳар бир нафас,
Роҳи рост ичра ўтарда айлагил кимё мани.

Васли ёдингда ётурлар нечаким аҳли хароб,
Ул Қуни пойингда, ёрим, айлагил бўрё мани.

Гарчи Маҳмуд, беҳабар, бебаҳра, дунтаъб кимсамен,
Раҳматинг-ла, эй Нигоро, айлагил авло мани.

* * *

Муҳаббатли кишиларнинг юзида нур, зиё бўлгай,
Бу ишқи бирла тун-кунлар дилида чин сафо бўлгай.

Бу олам тийнатиға ул кўнгулни боғламас ҳаргиз,
Муҳаббат бирла қалбида Ўзига иқтидо бўлгай.

Этиб исён биравлар бирла нафсига берилмас ҳеч,
Шукр айлаб ҳаётида ҳамиша, бил, вафо бўлгай.

Тажаллийсин кўриб ёрин ки ҳардам ул фасоҳатда,
Саодат ичра кўнглида мудом хавфу ражо бўлгай.

Ризосин топғали ёрин ҳамиша ул нажот излар,
Анинг шавқи билан тун-кун кечиб ўздан фано бўлгай.

Ҳаёти интизомини тутиб ҳар дамда тақвода,
Муҳаббат дардида ёнган ғариби мубтало бўлгай.

Бу тавҳид бирлаким, Маҳмуд, музайян айласанг ўзни,
Умид борки, Яратган ул куни сендан ризо бўлгай.

* * *

Дилбаро, оламга сендек маҳлиқо ҳеч келмагай,
Васлингга муштоқ менингдек мубтало ҳеч келмагай.

Турфа ошиқлар изингдан қолмагай васлингни деб,
Лек сани ишқингда мендек қадди ё ҳеч келмагай.

Ўхшашин ҳеч топмадим оламда, ёрим, сен каби,
Суврату ҳам сийрати бир дилрабо ҳеч келмагай.

Этма маҳрум, эй Дилоро, қулни васлинг шавқидан,
Доғи ҳижронингда мендек бенаво ҳеч келмагай.

Даҳр элидан топмадим дардимга ҳаргиз мен шифо,
Ишқ элига сен каби мушкулкушо ҳеч келмагай.

Дашти ҳажрингда кезурмен нотавонлиғ ичра, ёр,
Бу бало саҳроси ичра бевафо ҳеч келмагай.

Маҳмудо, сен ёр дарди бирла бўлма ноумид,
Ноумид касларга, билгил, муддао ҳеч келмагай.

* * *

Муҳаббат шавқи-ла кўнгил кўзида бир сафо бўлгай,
Икки олам жамолига бу наф бирла вафо бўлгай.

Шуури бирла муҳтожлик сезилмас ҳар кишига гар,
Фақирлик матлаби бирла Ўзидаким фано бўлгай.

Бало гирдоби ошиқнинг фароғат манбаидир хос,
Қиёмат имтиҳонига ҳамиша ул ризо бўлгай.

Муҳаббатдан бўлак ҳеч нарсага боғлиқ эмасдир ул,
Вафо тавҳиди-ла дилда ҳамиша раҳнамо бўлгай.

“Фақирлик, – дер – менинг фаҳрим” Расулуллоҳким ибратда,
Бу ҳикмат барча ошиқнинг дилида бир наво бўлгай.

Лаъин илкин жиловлаб дил, тутиб аҳдидаким қаттиқ,
Шикастлик бирла ёдида туганмас бир садо бўлгай.

Камолот касб этиб, Маҳмуд, чекиб ишқи аро дардин,
Азал тожи, ки Худхуддек, чин ошиққа раво бўлгай.

* * *

Яхши инсонлар ҳаёт тарзини эъзоз айлагай,
Ҳақ йўлига ҳар қачон умрин пояндоз айлагай.

Яхши одамлар ёмонлар бирла бўлмас, фаҳм этиб
Шамси анвар азмини аҳдига андоз айлагай.

Боғ аро булбул тутинмас ошно зоғлар ила,
Ғунча ишқида ёниб ўзни сарафроз айлагай.

Дўст-у душман фарқини бил, эй ўғил, идрок этиб,
Англа, яхши – яхши инсонларни устоз айлагай.

Сол назар, одам қиёфа беиболар йўқ эмас,
Бу каби каслар адашганларни ғаммоз айлагай.

Бу ҳаёт сахни азалдан яхши бирла файзиёб,
Файзиёблар ҳар қачон ҳар дамда эъжоз айлагай.

Эй ўғил, Ҳақ ҳикмати бирла дилинг Маҳмуд қил,
Яхшиларнинг суҳбати кўнглингни мумтоз айлагай.

* * *

Ҳар кишининг бахт қуши бошида бўлгай-бўлмагай,
Ишқ аро қадри билан қошида бўлгай-бўлмагай.

Барчага етган бу неъмат, барчага етгай яна,
Воҳ, минг афсуским анинг ошида бўлгай-бўлмагай.

Молу давлат бирла ҳеч ким қурмади бахт қасрини,
Чўлдами, бўстондами ёшида бўлгай-бўлмагай.

Азму ҳиммат бирла ҳар ким топқуси дилдорини,
Топгани бирла, анинг тошида бўлгай-бўлмагай.

Ҳақ назар этса азиз, ким икки олам саҳнида,
Билмаса ҳаддини гар кенгашда бўлгай-бўлмагай.

Ажри бирла фазлини топгай расолар бешумор,
Юрмаса бу йўлда ёндошида бўлгай-бўлмагай.

Ҳар киши бахтини топмоқлик шараф, Маҳмуд, вале,
Дил саодат ичра бардошида бўлгай-бўлмагай.

* * *

Муҳаббат боғидан ҳардам дилимга хуш ҳаво келгай,
Мисоли мушки анбарбўй гўзал бир маҳлиқо келгай.

Ва ёким тунда ой, кундуз қуёш чиқмишким ул ёқдан,
Дилимга хуш тараҳҳум бахш этиб нашъу намо келгай

Кўзимни узмайин ҳардам боқарман ул томонларга,
Илоҳий ишқ аро қалбимга ҳикматдан ғизо келгай.

Муҳаббатдан ўқиб байтлар солар кўнглимга ғавғолар,
Талаб аҳлига қўл чўзган ки дўсти мубтало келгай.

Умидим риштаси бирла кўнгил овворадир ҳар чоғ,
Ҳаётим саҳнига гўё ки бир дам хуш наво келгай.

Солиб кўнглимга ишқ жоно, ҳануз олисда бепарво,
Бу ҳижрон шамъидан дилга яна ул раҳнамо келгай.

Висолин истабон ёрин, қуяр ишқ ичраким Маҳмуд,
Тутиб ёри томонга кўз қачонким бир садо келгай.

* * *

Худо ёқтирмаса қилган ишингдан, бил, зиён келгай,
Насиб этса агар фазли, нафидан сенга кон келгай.

Магар холис муҳаббат айласанг, билгилки, ҳар ишни,
Иноят файзидан фойда аён гоҳи, ниҳон келгай.

Агар амр этса тошлоқ ҳам чаманзор бўлгуси албат,
Ичиб турган сувингдан, истаса Тангрим, сўзон келгай.

Ки лутфу изнидан олам саодат топгуси ҳардам,
Эгам фармони бирла, боқки, ҳар иш имтиҳон келгай.

Бани одамга ризқ бермоқ Яратган қудрати, шаксиз,
Чекиб заҳматки, шукрин қилмасанг, рангинг сомон келгай.

Ки таърих саҳнида қолмиш неча ман-ман деган зотлар,
Назар солгил, муҳаббат ичра қай бири омон келгай.

Қилиб шиддат замон фарҳоди бўлмоқ ишқ аро матлуб,
Бу ҳикмат ичра ким тургай анга бир гулситон келгай.

Яратган фазлидан истаб, кеча-кундуз шижоат эт
Ки туҳфанг бўлса гар, Маҳмуд, ики олам равон келгай.

* * *

Наманган тоғларидан дам-бадам хушбўй наво келгай,
Ки Маҳдум Аъзамилардан кўнгилларга сафо келгай.

Дилимга ўт солар Машраб лаби тотган майи ваҳдат,
Ки Мажзуб оҳидан: «Ё Ҳақ» деган жаҳду жафо келгай.

Риёзат баҳридан мақсуд териб Нодиму Мухлисдир,
Ки Ибрат таърихи ичра кўнгилга муддао келгай.

Таважжуҳ ичраким бедор этиб дил Хилватий тунлар,
Тутиб йўл бошида гулхан Сўфийзода расо келгай.

Суниб Мухлису Чустий беҳабарларга кўнгил жомин,
Этиб ҳол шавқининг авжин Камолиддин нидо келгай.

Ҳабиб Саъдулла назмига сочиб ёғдусин Истиқлол,
Шараф ҳиссин туйиб боз ким Ёқуб Аҳмад ризо келгай.

Ватан эрк бирла озод деб, кўнгил руҳ бирла обод деб,
Ки Муслим, Нурмамат, Абдулло, Ўктамхон фидо келгай.

Ҳидоят шаҳридан Маҳмуд тутар кўз ул томонларга,
Ки Дилбар, Тоҳиру Аҳмадхўжа, дўстим Зиё келгай.

* * *

Аё, жонимни ёндирдинг жаҳонингни аён этмай,
Ки жонимға бўлувчи жон забонингни аён этмай.

Қилиб жоду хушим олдинг, ёнурман дарди ишқингда,
На қилдинг бу ғарибингга ниҳонингни аён этмай.

Жамолда тенги йўқ хурсан, юракда пурсафо нурсан,
Жаҳонда мисли йўқ дурсан, мақомингни аён этмай.

Вафодан сўз очурсан деб, йўлинг узра ётурман, лек
Ўтурсан бенаво, бедил маконингни аён этмай.

Севишганлар ўтар бир-бир бу олам саҳнида, эй дил,
Назар этмас бу тош кўнглинг камонингни аён этмай.

Висолинг истабон токай чекар, Маҳмуд, алам-зорин,
Кетарсанми абад шу тарз ёмонингни аён этмай.

* * *

Бу ҳаётнинг неъматин бедард асло билмагай,
Қилмагай шукрин, куни ҳам ўтса бежо, билмагай.

Кечса дўстидан кечар, лек кечмагай ҳеч нафсидан,
Фойда комида ҳаётин қилса расво билмагай.

Ҳар кишининг ризқи рўзи ким ёзуғ ичра аён,
Ғафлат ичра ўзга чирмаб, зарру, кимхо, билмагай.

Маъсият бирла зиёндан умрини этгай хароб,
Ким савоб йўлини ҳаргиз билмас, илло, билмагай.

Алҳазар, ё алҳазар, бундай балодан сақлагин,
Билмайин домига тушгач, қад бўлар ё, билмагай.

Оч кўзинг, Маҳмуд, бу каслар қилмишидан тавба қил,
Икки дунёсин алар этгай муаммо, билмагай.

* * *

Тавба ери бу макон, маҳшарда имдод ўлмагай,
Охиратга қолса бу иш, ҳеч киши шод ўлмагай.

Тавба бирла икки оламда кўнгил топгай сафо,
Аҳдини топса киши, руҳида фарёд ўлмагай.

Неча кунлик бу сафар саҳни риёзат ичрадир,
Амрини тутган кишининг умри бедод ўлмагай.

Ярлақаб маҳшар куни берса Ўзи ризвонга йўл,
Энг гўзал айёми шул, аҳдида барбод ўлмагай.

Тавба бирла топди Ҳақнинг фазлини ул кун Насух,
Ким тазарру ичра турмас, кўнгли миръот ўлмагай.

Тавба қилгил, тавба қилгил, тавба қилгил, эй кўнгил,
Пулсиротдан ўтмаган ҳар банда озод ўлмагай.

Тавба бирла ҳар нафас Тангрини ёд эт, Маҳмудо,
Ким тазарру ичрамас йўлида иршод ўлмагай.

* * *

Илму ҳикмат ичра ўсган ҳеч киши хор ўлмагай,
Қадрини тутгай баланд, нокасга ҳамкор ўлмагай.

Тўғри йўлда юргай ҳардам сабру тоқат бирла ким,
Юрту элга келтирар наф, асло бадкор ўлмагай.

Тер тўкиб ризқин ҳалол тергай фаросат бирла ул,
Баъзи ишёқмас каби касбида маккор ўлмагай.

Яхшиларга эргашиб топгай шараф азми билан,
Ҳар ишин файзин топиб, ожизу ночор ўлмагай.

Баъзи жоҳил, ношукурлар билмагай ўз қадрини,
Охири қадри кетиб, ҳеч кимга даркор ўлмагай.

Бўлса марду ҳам фидойи элда топгай эътибор,
Бурди йўқ ул кимса янглиғ охир абгор ўлмагай.

Маҳмудо, аҳли азизлар фикридан олгил сабоқ,
Уқмасанг ҳақ сўзни ҳаргиз сенга ғамхор ўлмагай.

* * *

Ҳажрида қийналди жоним, бу кўнгил ёр истагай,
Кўргали дилдор ҳуснин бу кўнгил зор истагай.

Андан ўзга ёр ҳаргиз кўрмагай бу кўз мудом,
Топгали дардига малҳам чин харидор истагай.

Айрилиқдан дард ароким ол юзим бўлди сомон,
Интизорлик ичра ҳардам дилдан изҳор истагай.

Ишқ дашти ичра излаб топмадим, эй дилбарим,
Безди кўнгил зоғ-зағандан, тоза гулзор истагай.

Чарх битмишким азалдан менга бу янглиғ қазо,
Қисматимга шукр этиб дил андан асрор истагай.

Эй кўнгил, Фарҳоду Мажнун қиссасин ёд айлагил,
Ҳар бири дашти фанода ёри ғамхор истагай.

Ишқида, Маҳмуд, бу кун мен бўзладим, куйдим баса,
Ошиқ аҳли икки олам ичра дийдор истагай.

* * *

Билимсизлик кишини хор этиб эсдан жудо қилгай,
Жудоликда этиб беҳол букиб қаддин дуто қилгай.

Дуто қадди билан аъмолидан топмас фароғат ҳеч,
Фароғатсиз ўтиб рангсиз ҳаётини адо қилгай.

Адоликда йўқотгай ул башарликнинг сиёқини,
Сиёқин сўнг сиёҳ айлаб, ики дунё қаро қилгай.

Қаро этгач кечар умри гуноҳларга ботиб ғофил,
Бу ғофиллик билан ўзни хатога ошно қилгай.

Хатога ошно бўлгач, ўзиндек беҳабарларни
Хабарсизлик билан ўртаб, балога мубтало қилгай.

Балога мубтало этгач, айиргай номус-оридан,
Айиргач номус-оридан жаҳаннамга раво қилгай.

Жаҳаннам даҳшатин эслаб турарман зўр хатар ичра,
Хатардан сақла деб Маҳмуд – қулинг ҳамду сано қилгай.

Маснавийлар

Яхшиларнинг даврасида сўзни бежо қилмагил,
Ҳар тарафга боқма ҳаргиз, кўзни бежо қилмагил.

Оқилу доно билан кечган даму суҳбат азиз,
Дилдору дийдор ғанимат, бебаҳо фурсат азиз.

Дил ғизо топгай фараҳли, файзиёб онлар билан,
Ўзлигин топган, тафаккур айлаган жонлар билан.

Қайтмагай бу лаҳза, бу он, ўтгучи дам бебаҳо,
Изла Ҳақнинг нусратидан, дурру гавҳар бебаҳо.

Боғла кўнгил риштасини бу улуғ ҳикматга сен,
Айлагил шай ҳар дамингни бу улуғ ҳимматга сен.

Яхшилар бирла шарафли ибтидою интиҳо,
Бу азиз зотлар билан топгай кўнгиллар муддао.

Ҳусну хулқинг бирла жонда ишқини сен бор қил,
Маҳмудо, қошига интил ҳам дилинг бедор қил.

* * *

Элу юрт бахту камолин берди шонли Хуррият,
Ҳар фуқаро бурч-ҳуқуқи бўлди олий Қадрият.

Бош Қомус қонуни боис юрт эрур тинч, барқарор,
Шул сабаб халқ олам ичра топди юксак эътибор.

Бўлди Ҳақ азми ила ҳар саҳфаси қалб ичра жо,
Ўзлигин топди кўнгилларким олиб ундан зиё.

Жонфидо Юртбошимиз солди асос эл бахтига,
Юрт эришди Эрк аталмиш энг азиз, ҳур аҳдига.

Бўлди тенглар ичра тенг ул бу жаҳон саҳни аро,
Ҳур диёрим нусратин мангуга айлаб муддао,

Мустақиллик берди қудрат, бўлди олам ичра соз,
Файз-барокат ичраким ўтмоқда ҳар он сарфароз.

Бу улуғ неъматни, Маҳмуд, кўзга айлаб тўтиё,
Шукрини қилғил ҳаётнинг, мадҳини айлаб бажо.

* * *

Эй Худое, шафқатинг бирла қулингни этма кам,
Нури иймонимни ҳамроҳ айлагил охирда ҳам.

Қудрату изминг биландир ҳар не ошкор ё ниҳон,
Бу синов дунёси ичра ул қулингга имтиҳон.

Ҳар нафас, ҳар бир қадам измингдадир ҳикмат аро,
Етмагай қурби кўнгилнинг не эрур ботинда жо.

Сен ўзинг билдирмасанг, мен билмагайман ҳеч қачон,
Руҳу аҳволимда не ҳол менгамас, сенга аён.

Илтижойим-илтифотинг, ё илоҳо Раббано,
Айлагил музтар қулингга ишқ йўлини ошно.

Тўғри йўлга бошлагувчи, Холиқо, танҳо Ўзинг,
Этгучи равшан дилимни, эй Худо, танҳо сўзинг.

Айлагил маҳмуд Ўзингга мен қилурмен илтижо,
Раҳматингдан қўлни Ул Кун этмагил ҳаргиз жудо.

Мухаммаслар

Навоий ғазалларига мухаммаслар

Эй нигоро, кўрсатиб юз энди армон айлама,
 Ёндириб ҳардам дилимни таҳ-батаҳ қон айлама,
 Дарду ғамлар ичрадирким энди сарсон айлама,
 Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама,
 Ё кўзумни ондин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Ишқ дарди бирла кўнгил икки оламда ғани,
 Айлағай ошиқни хушнуд ҳар замон ёр гулшани,
 Ул париваш гулшанида айлагил, Тангрим, мани,
 Чехрасига мезбон ўлсун кўзум, ул чехрани
 Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама.

Етмайин васлига бир дам туну кун қалбим сиёҳ,
 Айлағай ҳолимни абгор ул пари солмай нигоҳ,
 Ҳасратидан бу кўнгил куйгай азоби ичра, воҳ,
 Очмайин зулфи паришон кўнглума чектурма оҳ,
 Етмайин оҳим ели зулфин паришон айлама.

Ишқ аҳли зумрасида кўнглума бергил сабот,
 Қалбима васлидан ўзга риштасини айла ёт,
 Кўйида ёнган менингдек нотаваонга бер нажот,
 Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт,
 Лаълиға жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Айладинг менга азалдан ишқини чун жону тан,
 Бу кўнгил топгай фароғат, бўлса ҳам юз минг тикан,
 Олди жонимни фироқи, солди ғам сийминбадан,
 Бошима кўйидин ўзга кўйни қилма ватан,
 Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама.

Даҳр эли пайконида дил бўлмади бир лаҳза бут,
Эй кўнгил, хавфу ражоси ичраким ўзни овут,
Келса беғамлар азоби дардини сен ичга ют,
Эй кўнгил, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут,
Ё алардин етса юз минг ғусса афғон айлама.

Даҳри боғи ичра ҳар жон ўз иши-ла машғуле,
Тингласанг, тушгай кўнгилга хўп навои маъқуле,
Изласанг ишқ ичра, Маҳмуд, бир мадад бергай гуле,
Истасанг, эй гул, Навоийдек хушилхон булбуле,
Ғунчадек кўнглунг маломат хоридин қон айлама.

* * *

Кўзғолиб руҳда тўфонлар истади монанди ёр,
Жон талотум оламида чекди ранжи бешумор,
Заҳми ишқ ичра риёзат илкида топмай қарор,
Менки, ҳижрон даштига кирдим қуюндек беқарор,
Оху вовайлоки, ҳам саргаштамен, ҳам хоксор.

Ёндириб сўзи муҳаббат, дашти ишқидир ватан,
Шум рақиблар судрагайлар бўйнима ташлаб расан,
Урҳо-урлар ичра коми айламоқ бўлди шикан,
Сончилиб урён танамга ҳар тараф юз минг тикан,
Ҳар тиканни куйдириб кўнглум ўтидин бир шарор .

Ҳолу аҳволим аёндир, дастини гар тутмасам,
Ишқини қалбимга жо айлаб анга мен етмасам,
Излабон дашти жунунда ул сари мен кетмасам,
Қайдадир Мажнунки, бергай панду чун фаҳм этмасам,
Йиғлағай ҳолимга бағри оғриғондин зор-зор.

Боқмагил ҳолимга мундоғ, ким бу деб, сўрмоғ ила,
Айлагул ғам тоғини гард битта оҳ чекмоғ ила,
Қолмагай тоғдин асарким, тенг бўлур туфроғ ила,
Ё қани Фарҳодким, ғам тоғини тирноғ ила,
Қозғонимдин тешау тоғидин ўлғай шармисор.

Уқмайин йўлга чиқибмен ҳажр дарди ҳикматин,
Ваҳки, арзон деб билибмен ҳажр дарди қимматин,
Энди лолмен англаёлмай ҳажр дарди ҳиддатин,
Билсам эрди бу замонлиғ ҳажр дарди шиддатин,
Юз йил ўлса васл даври, қилмас эрдим ихтиёр.

Куйдирар, ҳаргиз муҳаббат даштида жон чекмангиз,
 Ёр вафо этгайми деб, сиз кўйида бош эгмангиз,
 Васлининг шавқида, бас, ранги самонлиғ этмангиз,
 Дўстлар, меҳру муҳаббатнинг ниҳолин экмангиз
 Ким, бўлур эрмиш анга андуху ҳижрон баргу бор.

Бўлди Маҳмуд ул санам дарду фиғонидин батанг,
 Еру кўкка сиғмайин қолди жаҳонидин батанг,
 Бевафо ёр чеккан ул тийри камонидин батанг,
 Эй сабо, келмиш Навоий хаста жонидин батанг,
 Элтибон ёр итларини оллида қилғил нисор.

* * *

Тийғи ҳажринг хаста бағрим тилди, жонон, оқибат,
 Шул сабабдин қолмади илкимда имкон оқибат,
 Ишқ ўтинг тушди-ю қалбга бўлди вайрон оқибат,
 Ваҳки, лаълинг килди бағрим таҳ-батаҳ қон оқибат,
 Қатра-қатра кўздин ул қон бўлди ғалтон оқибат.

Лаб очурға қўймадинг ҳеч доғи арзон чекма деб,
 Боқмадинг ҳолимға зинҳор, бесамар жон чекма деб,
 Айлабон ўзни фидо сен, сўнг пушаймон чекма деб,
 Бординг-у оғзимға қўйдунг муҳр афғон чекма деб,
 Бу ишингнинг маҳри бўлди доғи ҳижрон оқибат.

Шашқатор оқди кўзимдин ёшларим, эвоҳким,
 Бўлди бу кулфат манга баски балолиғ чоҳким,
 Дард аро бўлмас манингдек нотавон гумроҳким,
 Фурқатинг тиғи бузуғ кўнглумни йиқти оҳким,
 Сели офат бирла емулди бу вайрон оқибат.

Рухим осмонин ёрутди ёди васлинг кундек,
 Дил тошиб оқди кўйингда сен томон Жайхундек,
 Излабон дашту биёбонда бу кун Мажнундек,
 Кўнглима қошинг хаёли бўлди танвин нундек,
 Ўйла нунга нуқта бўлди доғи пинҳон оқибат.

Сўнган эрдим сўнгги дам васлинг хаёли берди жон,
 Зикри исминг ичраким аслинг хаёли берди жон,
 Ишқ аро дийдорлашув фаслинг хаёли берди жон,
 Ўлмиш эрдим ғам туни, лаълинг хаёли берди жон,
 Зулмат ичра бўлди пайдо оби ҳайвон оқибат.

Чин эрур ошиққа фасли ишқ аро чеккан сабот,
Бас, азиздирким, муножот бирла оҳ урган баёт,
Мубталолар шавқига ким, аслида шулдир қанот,
Соқиё, жом айла доирким, ғаниматдир ҳаёт,
Тутқусидир чун ажал каъсини даврон оқибат.

Жон қуши ёр васлига етмоққа зору зор эди,
Бу риёзат ичра мақсадга кўнгил саркор эди,
Ишқида, Маҳмуд, азалдин ул наволар бор эди,
Эй Навоий, ёр васли гарчи, бас, душвор эди,
Фони ўлғоч бўйла душвор бўлди осон оқибат.

* * *

Ишқ саҳроси аро кўнглимга дилдор истадим,
Заҳми ҳижрони аро дардимга ғамхор истадим,
Жон тутиб илкига такрор, гарчи душвор, истадим,
Қон ютиб умре жаҳон олдида бир ёр истадим,
Лекин ул камроқ топилди, гарчи бисёр истадим.

Истаган эрдим манингдек ишқида бедор эрур,
Ҳасратида чеккан ул дардимга чин ҳамкор эрур,
Деб эдим ул нотавонлиғ ичраким бемор эрур,
Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Интилиб пойига ҳаргиз кўрмадим ҳеч бир сафо,
Ҳарна ул қилмиши бирла кўргазиб турди жазо,
Беҳабарлар ҳар қадамда солди кўнглимга азо,
Билмадим олам элида йўқ турур мутлоқ вафо,
Ваҳки умре улча йўқтур, соғиниб бор истадим.

Кўрмадим даврон элин аҳдини, ваҳ, кулфат кўринг,
Топмадим олам элин ишқини, ваҳ, ғурбат кўринг,
Билмадим аҳли жаҳон дардини, ваҳ, ҳасрат кўринг,
Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, ғафлат кўринг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Ваҳ, жунун ҳолим сиёҳи ҳар тараф кетмак не тонг,
Ваҳ, бузуғ кўнглимни оҳи ҳар тараф етмак не тонг,
Телбараб жонимни доғин ҳар тараф йитмак не тонг,
Сирри ишқимни, кўнгил, кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалби тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.

Суҳбате зоҳид ҳузурида туруғлик топмадим,
Таъмаи мақсуд селида ҳеч қуруғлик топмадим,
Зулмат ичра қолди дил, бир йўл юруғлик топмадим,
Шайх бирла хонақоҳдин чун ёруғлик топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Бир тугаллик кўрмадим умримдаги бу қиссадин,
Дардидан руҳга ғизоси бўлмаган бу ҳиссадин,
Кўп уринмай, Маҳмудо, ишқ топмадим бу жуссадин,
Эй Навоий, чун рафиқе топмадим бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

* * *

Қанча қилди тарбият, лек бўлмади дил гавҳари,
Дурру гавҳар ичра ҳам ўзгармади ҳеч пайкари,
Топмади руҳдин саодат, кетди дил дунё сари,
Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари,
Ул нимаким билмагай одам, қачон билсун пари?!

Алмисокда юзма-юз аҳдини маҳбуб қилди зеб,
Ҳақ назар этгувчи хуш тийнатда марғуб қилди зеб,
Ишқ аро айлаб гуҳар мадҳини матлуб қилди зеб,
Хўблар ҳуснин қазо машшотаси кўп қилди зеб,
Анда, юз минг хайфким, йўқтур вафонинг гавҳари.

Дарду ҳажрида менингдек бенаво топилмағай,
Туну кун ишқида зору мубтало топилмағай,
Кўрмадим лутфини ҳеч андин вафо топилмағай,
Мен киби айлаб вафо, кўрган жафо топилмағай,
Ахтарилса сарбасар аҳли муҳаббат дафтари.

Бул каби афтодалардан ҳеч қачон сўз кутмаким,
Ким вафо айлар дебон гардини кўзга суртмаким,
Майлини истаб онинг дардини ичга ютмаким,
Эй кўнгул, жинси башардин сен вафо кўз тутмаким,
Йўқтурур бу хайл зотида муҳаббат жавҳари.

Эйки дерсен, ёр ёди чехрасида ўзни тут,
Эйки дерсен, риштаи васлини сен ҳар дамда кут,
Эйки дерсен, ишқ майи бирла кўнгилни айла бут,
Эйки дерсен, меҳр шамъи бирла кулбангни ёрут,
Ҳам магар ани ёрутқай шамъи меҳри ховари.

Ҳасратидин беомон дардимга етмас муғбача,
 Нотавон кўнглимга ғамдин ўзга битмас муғбача,
 Ҳажридин, ваҳ, чиқди жон, илкимни тутмас муғбача,
 Ғуссадинким жон олиб парвойим этмас муғбача,
 Беҳуд ўлмоқ истаб ўлдум дайр пири чокари.

Ёр васли ўйида хавфу ражодир муштарак,
 Бас, онинг уммидидаким туну кун жоним ҳалак,
 Не ситамлар солди Маҳмуд бошига золим фалак,
 Эй Навоий, гар десанг кўрмай жафо, бўлмоқ керак
 Ҳўблардин, балки мутлақ, насли одамдин бари.

* * *

Ёшуруб қаддингни мендин, ғамни бисёр айлабон,
 Ваъдаи васлингни кўнглим ичра асрор айлабон,
 Ғамзаи тиғинг ила қалбимга озор айлабон,
 Чехра ёптинг, хаста жонимни анга зор айлабон,
 Зулф йиғдинг, телба кўнглимни гирифтोर айлабон.

Муддаоинг ичра мен кўнглим сенга айлай аён,
 Беаёв ҳажринг ўтидин этмагил рангим сомон,
 Гар керак бўлса сенгадир тутмагил жоним омон,
 Гар муродинг қатл эса жон топшурай, олғил равон,
 Раҳм этиб ўлтурма, йиллар ҳажринга зор айлабон.

Дема қаҳрим ёғдириб анга дучор айлаб, атай,
 Дема заҳримдин анинг бағрини қон айлаб кетай,
 Дема ҳажримдин анинг бошига дарду ғам битай,
 Дема жавримдин агар ул қочса кимга жавр этай,
 Ким қочарда азм қилгумдир хабардор айлабон.

Сен томон қўйган қадам мен-чун эрур, билгил, нажот,
 Пойинга бош қўйғали учгай кўнгул боғлаб қанот,
 Мисли ошиқ ёридинким олғали хатти барот,
 Сўзки лаълингдин эшитсам ўйлаким оби ҳаёт,
 Қонмон, эй жон, то тирикмен они тақрор айлабон.

Ишқ саҳросидадирмен шавқида режа туза,
 Сарсари кетгаймен иблис васвасин қасрин буза,
 Мисли Фарҳод азми ишқ уммонида тинмай суза,
 Дема Мажнун, ул пари ҳажрида менмен дашт уза,
 Нола чеккан тош ила кўксумни афгор айлабон.

Ким анинг ишқида жавлон ашк баҳримдир валеқ,
Изтироб, васли азоби гарчи маҳримдир валеқ,
Нотавонлиғ дарди бул умримда аҳдимдир валеқ,
Фақр қўйида гадолиғ гарчи фаҳримдир валеқ,
Салтанат арз этсалар, майл айламон ор айлабон.

Ишқ боғидин қўнгилга хуш сабо етса, не тонг,
Субҳи содиқ ошиқ аҳлига ҳаво етса, не тонг,
Ҳажр сўнгги ичраким, Маҳмуд, вафо етса, не тонг,
Қуйи азмида Навоийға наво етса, не тонг,
Ким қилур булбул наво оҳанги гулзор айлабон.

* * *

Боқмайин ҳолимга дилдор ўзга маҳзан қилдило,
Билмайин қадримни такрор дилни равзан қилдило,
Ўзга рух, ўзга қўнгулда ўзни ман, ман қилдило,
Ошно ёрим яна бегоналиғ фан қилдило,
Ўзни ўз ёриға ҳар фан бирла душман қилдило.

Ойдаин қўнглимда ҳаргиз нур сочиб ул тўлмади,
Лек ато этган гули қалбимда ҳеч бир сўлмади,
Бир куни айлар вафо дебким умидим ўлмади,
Ваъдаи ҳамхоналиғ айлар эди ул, бўлмади,
Хонавайронлар сари қўйини маскан қилдило.

Хайрихоҳ эрди валеқ кўксини ҳаргиз тилмади,
Жонини берган қўнгилга жон била интилмади,
Нақд ошиқ тафтини ул билди ёхуд билмади,
Деди, лаълимдин қилай жонинг иложи, қилмади,
Ғамзасин жонимға, охир новакафкан қилдило.

Жисму жоним ўртагай ҳар ёна жавлон айлабон,
Чехрасин кўрсатмайин гул ўзни пинҳон айлабон,
Ўзга ёрга дил бериб ул бирла хандон айлабон,
Гулшани васлин манга зиндони ҳижрон айлабон,
Муддаиға ҳажр зиндонини гулшан қилдило.

Зулмидин ҳар ёна кетди доду фарёдим уни,
Ўрлади ёди аро оламга оҳим учқуни,
Бошим узра айланур ёр ишқининг зулмат куни,
Ишқ ўти ўртаб мену парвонани ҳижрон туни,
Булбул ул мотам аро то субҳ шеван қилдило.

Айланур чархи фалак ҳардам кўнгил кори бўлиб,
Даҳр аро ўтгучи фасли ичра дил зори бўлиб,
Тоғу саҳро, барча жонзот бўйла чун ёри бўлиб,
Эй кўнгил, ул турфа қуш мойил бизинг сори бўлиб,
Ғайр боғу гулшанин охир нишиман қилдило.

Бу азим меҳру вафо баҳрига етмас эрди халқ,
Айрилиқ, ҳижрон жафоси ичра йитмас эрди халқ
Ҳам анинг Маҳмуд сафоси ичра кетмас эрди халқ,
Куйганин айтиб Навоий, бовар этмас эрди халқ,
Ёрутуб ҳажр ўтин ул даъвони равшан қилдило.

* * *

Аҳли дунё ишрати олдида сиз жам бўлмангиз,
Ўтгучи шуҳратга ғафлат ичра маҳкам бўлмангиз,
Қўл бериб қавмига сиз охирда пурнам бўлмангиз,
Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Қилди ким анга яқинлик бўлмади ҳаргиз омон,
Ҳийлау макри аро ул ҳоли танглашди ёмон,
Чок этиб сўнг сийнасини айлади тун-қун фиғон,
Ошнолиғ айлабон ўз жонингизга ҳар замон,
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз,

Қанча қилсанг ҳам вафо сен қилмагай ҳаргиз нажот,
Кўрса наф, билки, бировдин санга бўлгай етти ёт,
Турфа суврат ичраким ул билмагай ҳаргиз уёт,
Еб паривашлар фиребин, сўнгра топмай илтифот,
Мен киби девонаву расвои олам бўлмангиз.

Ул фароғат айлағайдирким бўлиб нафсга қарам,
Сезмайин қалбида оғриқ бўлмайин ҳақ ичра рам,
Ҳоҳишу истак ичинда ўзни айлаб бекарам,
Васлу айш обод қилсун халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Бераҳим ул қоши ёнинг дарди ҳажридин мени,
Зулми кўп, қаҳрига бойнинг дарди ҳажридин мени,
Хусн аро тенгсиз чиройнинг дарди ҳажридин мени,
Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мени,
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.

Ўтгучи олам аро, бил, дардига йўқдур даво,
Бевафолиғ бирла ҳар ким ўзига айлар жафо,
Шул эрур ҳар кимда, билгил, ибтидою интиҳо,
Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Заҳри ҳижрон жаврига дохил эрурким ҳар насл,
Топмайин қадрига чора, Маҳмудо, ўтгай фасл,
Дардидан ҳар ерда хору мубтало ошиқ асл,
Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадир, мунча муаззам бўлмангиз.

* * *

Кўнглим ичра жилваланган гулситоним сен менинг,
Дема на улким, дилимда комроним сен менинг,
Дермен, икки олам ичра имтиҳоним сен менинг,
Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,
Гар мени ўлтур ва гар тиргузки, жоним сен менинг.

Кўрмадим ҳаргиз дилимда сендин ўзга бир қамар,
Топмадим руҳимда ҳаргиз сендин ўзга бир хабар,
Шукрилиллаҳ, борлиғинг ҳам менга меҳрингдин самар,
Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.

Айладим бахшида ғамли субҳ ила шомим сенга,
Ҳасрату ҳажринг-ла тўлган дилда пайғомим сенга,
Зори васлинг ичра ошкор дарду аҳволим сенга,
Кўнглим ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Ишқ аро ҳасратга тўлса шому сабоҳим, қилма айб,
Ҳар замонким сен томон тушса нигоҳим, қилма айб,
Хаста кўнглум ичра сен ёлғиз паноҳим, қилма айб,
Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен – ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Кўз тутиб уммид аро ёд айлагил, эй хаста жон,
Ҳар дамингни сен амонат ичра бил, эй хаста жон,
Ўзлигин этсин аён ҳайратда дил, эй хаста жон,
Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Бир ёниб ўчгучи деб билдинг мени, лек англағил,
 Ҳажри дардинг ичра кўп тилдинг мени, лек англағил,
 Айрилиқ андуҳига илдинг мени, лек англағил,
 Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил
 Ким, пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.

Ёрсиз бўлғайму, Маҳмуд, ишқнинг ул маъдани,
 Асли ошиқ муддаоси – васли боқий гулшани,
 Боз умид бирла очар юз Ул Куни руҳу тани,
 Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,
 Эртаги нозук мизожи бадгумоним сен менинг.

* * *

Бўлмади ҳаргиз дилим, оҳ, норасолиғдин халос,
 Тақво ичра нуқс боис беҳаёлиғдин халос,
 Макри дун комида ҳардам юз қаролиғдин халос,
 Май мени қилди риёи порсолиғдин халос,
 Порсолиқ йўқки, ужу худнамолиғдин халос.

Ул париваш иштиёқу ҳажрида чекдим фиғон,
 Изтиробим гоҳ аёну, гоҳида бўлди ниҳон,
 Топмадим васлини ҳаргиз бош уриб бордим қаён,
 Хонақаҳ аҳли йўлуқса, мастлиғдин тонимон,
 Шукрким, бўлдум аларға ошнолиғдин халос.

Майли ишқ остонаси этди мени ҳайронаға,
 Аҳли дунё зумрасидин бурди дил жононаға,
 Бир нигоҳи бирла дилбар мен каби девонаға
 Ишқ хилват кунжидин солди мени майхонаға,
 Қилди зиндон гўшасида мубталолиқдин халос.

Зийнати ишқи эрурким топса руҳ огоҳлиқ,
 Бурмайн ёра юзинг ҳеч бўлмағай дилхоҳлиқ,
 Ёр ишқи айлағайдир дил кўкини моҳлиқ,
 Дайр пири журъасин топмайки, улдур шоҳлиқ,
 Дайр аро гар орзу қилсам гадолиқдин халос.

Дарду ғамлар ҳасрат ичра ғарқи ҳижрон бўлғабиз,
 Кўйинг ичра васлинг истаб зору нолон бўлғабиз,
 Бу қатиг аҳвол ароким то қачон қон бўлғабиз,
 Эй жафогар, бир вафо қилким, иковлон бўлғабиз,
 Мен жафо чекмакдину сен бевафолиқдин халос.

Қолмади ҳеч сабру тоқат, эт назар имконима,
Доғи дардинг бирла бўлган пора жисм урёнима,
Васли ишқинг кўйида ўт тушдиким ҳар онима,
Соқие, ҳажру хумор ичра етибмен жонима,
Бир қадаҳ бирла мени қил бу аролиқдин халос.

Давраи сеҳр ичра тургай ҳар замон ағёру сен,
Ҳажр аро Маҳмуд вафоким айлабон озору сен,
Мен бўлиб зору жафокаш, бераҳим хунхору сен,
Эй Навоий, бенаво истаб сени дилдору сен
Гар наво истарсен, ўлма бенаволиқдин халос.

* * *

Айлади тарк ишқида ул мен каби бир хокни,
Тийғи ҳажри дарди бирла олди ул идрокни,
Солди ошиқ кўнглима бир оташи сўзнокни,
Ҳафтаедур кўрмамишмен ул бути чолокни,
Не ажаб, гар ўртаса оҳим ети афлокни.

Ўрлагаймен ҳар тарафга мисли занги тоқким,
Этса кўнгил таҳ-батаҳ қон, гоҳ алам, гоҳ бокким,
Қилмади, ваҳким, зиёси ишқида тобноқким,
Солди тийғи фурқати бағримға андоқ чокким,
Бағри бўлгай чок-чок ул ким кўрар ул чокни.

Ғам тароғи бошим узра бор вужудимни тарар,
Бори ҳолимдин, эвоҳким, қолмади ҳеч бир асар,
Ортадир ҳар лаҳза дардим, келмагай ондин хабар,
Ҳажр ўти жонимға ортуқдир, анга бас бир шарар,
Ўртамак дўзах била яъни не бир хошокни.

Дарди ҳажрида сезиб ишқида ғайридин низо,
Айламак-чун шум рақиблар макрига ул интиҳо,
Ишқ аро ёрига дилдан айлабон ул иқтидо,
Отланибдур маст кўнглокчан чекиб тийғи жафо,
То не ўт солғай жаҳонга кўргил ул бебокни.

Ёр ҳажри бирла этмиш бор вужудим чок-чок,
Рифъатин истар эсам, боз айлади ул ғамнок,
Айрилиқ дардида тун-кун кўзларимдир намнок,
Ишқ ўти бирла кўнгил, су бирла кўзни қилди пок,
Пок манзилларда меҳмон қилғали ул покни.

Аҳли дунё матлабидин қочмишам, эй муғбача,
Даҳри дуннинг матлабидин қочмишам, эй муғбача,
Бу жаҳон шавқу дамидин қочмишам, эй муғбача,
Дайр аро даврон ғамидин қочмишам, эй муғбача,
Бир муғона жом ила шод айла бу ғамнокни.

Ваҳ, ажабмаски, кўнгилни тарки ёр этса ҳалок,
Маҳмудо, жон ичра жонни ошкор этса ҳалок,
Аҳли ишқинг соябони, ғамгусор этса ҳалок,
Бода бирла юнг Навоийни хумор этса ҳалок,
Боғлангиз тобути узра нахли барги токни.

* * *

Топмайин ёр ишқида дардимга дармон йиғладим,
Телба янглиғ кўз тутиб йўлига ҳар он йиғладим,
Ҳажридин сарғарди юз, ҳолимга ҳайрон йиғладим,
Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаровон йиғладим,
Меҳрим ошти субҳдек ҳар нечаким қон йиғладим.

Таҳ-батаҳ қон бўлди дил дарди ниҳоним ўтидин,
Ёнди бағрим бешумор ҳар дамки жоним ўтидин,
Ҳар тарафга бирма-бир кетган бу оним ўтидин,
Шамъ аввал оқшом-ўқ куйди фиғоним ўтидин,
Ким мен ўт сочқон булутдек тортиб афғон йиғладим.

Кўрмадим ҳаргиз мурувват, ҳажридин кўнглум тўла,
Қолмади кўнглумда тоқат, ҳажридин кўнглум тўла,
Ҳар қаён боқмайки ғурбат, ҳажридин кўнглум тўла,
Тун қоронғу, кулба хилват, ҳажридин кўнглум тўла,
Тош уруб кўкsumга то бор эрди имкон йиғладим.

Очмади бағрини ҳаргиз ул муҳаббат гулшани,
Ҳолим айлабдир паришон билмайин андишани,
Ҳасратимдан тўлди кўнглим, кимса йўқ дил очгани,
Ёри ҳажридин кишига айта олмас ғуссани,
Кўнглум этти шарҳу мен маҳжуру пажмон йиғладим.

Хаста бу жонимга дардин айладим матлаб, вале
Этмади васлига восил ноумид айлаб, вале
Бу азобу изтиробим дирдини англаб, вале
Чарх ҳам тўкти қуёшнинг ҳажридин кавкаб, вале
Йиғламоқ ул эрдиким, мен зор гирён йиғладим.

Ёрушиб тонг меҳридан келса хабар, кулсам не тонг,
Кўнглим ичра нур тўлиб кетса кадар, кулсам не тонг,
Кўрсатиб юз бир фараҳбахш ул саҳар, кулсам не тонг,
Субҳдек хуршид васлидин агар кулсам не тонг,
Менки, субҳи васл учун кўп шоми ҳижрон йиғладим.

Бўйлаким ошиқ тўлурми, топмагай бир дам қарор,
Мақсуди моҳтобига ул жонини этгай нисор,
Дарду ғам даштида ҳажри бирла тун-кун интизор,
Эй Навоий, тош эшитса навҳа қилғай ошкор,
Йўқ ажаб гар бир тун ўз ҳолимга пинҳон йиғладим.

* * *

Водариғ, ул билдими нома сиёҳим – билмадим,
Шу сабаб безътибор бўлдими оҳим – билмадим,
Ё малол келдими анга ҳоли табоҳим – билмадим,
Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим – билмадим,
Бу ғазабким, айлади моҳим, гуноҳим – билмадим.

Восил ўлмаклик умиди бирлаким дилда хаёл,
Телбараб кўнглим ғами ҳеч топмасин дебким завол,
Завқи ёрим кўйида дилда сурур ошуфтаҳол,
Ошиқ ўлдим, ёрдин топқай дебон кўнглум висол,
Ҳажр бу янглиғ бўлурни кийнаҳоҳим – билмадим.

Занги ғамдин чўқди дил, ваҳ, айрилиб ҳамроҳдин,
Қолмади фарқим бу дам файзи йўқ гумроҳдин,
Ҳажри зиндони аро дард ичра дил дилҳоҳдин,
Ёр кўйи ичра итти зор жисмим оҳдин,
Қайда тушканни бу елдин барги коҳим – билмадим.

Ганжи ҳуснига азалдин мубталойи қуш киби,
Ишқида жонин нисор этган фидойи қуш киби,
Ҳажри дардидин дили хаста адойи қуш киби,
Ишқ бўстониға кирганда ҳавойи қуш киби,
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим – билмадим.

Юзма-юз келмакка, ваҳким, ўзни, бас, қилмай амин,
Воқиф ўлмакликни билмай келгуси дарду ғамин,
Оразин ганжиға дилни қилмайин дурри самин,
Ақлу ҳушу сабрин итти, кўргач ул кирпич сафин,
Бир-бир ўлмоғни қаро кўргач, сипоҳим – билмадим.

Иштибоҳлар ўтига ёқилмадим, тут бодаким,
Қанча чекдим зулмини айрилмадим, тут бодаким,
Ким анга ҳаргиз хиёнат қилмадим, тут бодаким,
Кирмагунча дайр аро тинч ўлмадим, тут бодаким,
Ғуссадин бу қалъа эрканни паноҳим – билмадим.

Мунгли кўнглим заҳми ҳижрон дардидин бўлди яро,
Ҳар қадам, ҳар дамда ёрдин келди кўнглимга жафо,
Ҳоли аҳволим шу тариқим топди маҳзун интиҳо,
Эй Навоий, бўйла қилган рўзгоримни қаро,
Ҳажр шоми эрди ёхуд дуди оҳим – билмадим.

* * *

Ўтди ҳар оним самарсиз шоду хандонлиғда ҳайф,
Билмайин ишқини ҳаргиз вақти сайронлиғда ҳайф,
Топмайин ҳеч манзилимни саҳву сарсонлиғда ҳайф,
Кечти умрим нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф,
Қолгани сарф ўлди андуху пушаймонлиғда ҳайф.

Ўзни ҳаргиз қийнамай тун-кун ибодат ранжидин,
Амри Ҳаққа солмайин жонни итоат ранжидин,
Покламай тун-кун кўнгилни ул маломат ранжидин,
Жонға бир душворлиғ қўймай риёзат ранжидин,
Сарф бўлди нақди авқотим тан осонлиғда ҳайф.

Билмайин ҳеч тўғри йўлларни, фиғонким, нақлидин,
Топмайин ўзни йироқлашдим фиғонким васлидин,
Изладим андоза – аҳдларни фиғонким ғайридин,
Боғладим паймонадин паймон фиғонким, ақлу дин
Бўлди бу паймонаву ул сустпаймонлиғда ҳайф.

Эй мусулмонлар билингким, бўлдим олам ғофили,
Эй мусулмонлар билингким, бўлдим ағёр доҳили,
Эй мусулмонлар билингким, бўлдим нафсим мойили,
Эй мусулмонлар билингким, бўлди умрим ҳосили
Нафси кофир фитнасинин номусулмонлиғда ҳайф.

Топмадим ҳаргиз ишимдин Ҳақ йўлида белгулик,
Келмади ҳеч мақдамимдин лаҳза ҳаргиз яхшилик,
Бўлмади бу ҳолим ичра фойда ишни қилғулик,
Ҳайфким нафъ айламак ҳар нечаким тортиб илик,
Десам ўз аҳволима бу навъ ҳайронлиғда ҳайф.

Ўзи суйган бандасин Ҳақ айлағай тотли нафас,
 Ҳар не мушкул ҳолда ҳам бўлғай киши бир чорарас,
 Тутмағай оқил киши ўзни хижолат ичра, бас,
 Андоқ иш қилким, пушаймон бўлмағайсен ким, эмас
 Ҳеч осиф-чун иш хато бўлди пушаймонлиғда ҳайф.

Ҳар не ичган тузларим чиндур десам, ёлғон эрур.
 Ҳар не кўрган кўзларим чиндур десам, ёлғон эрур,
 Ҳар не босган изларим чиндур десам, ёлғон эрур,
 Ҳар не ўтган сўзларим чиндур десам, ёлғон эрур,
 Чин будурким дегамен умр ўтти ёлғонлиғда ҳайф.

Ибтидою интиҳо, Ҳақ азмидин келгай садо,
 Охири топгай мурувват бўлса кимда иқтидо,
 Ул кун и ажрини олгай бўлса Ҳақ кимдан ризо,
 Чун енгилракдур ҳисоб ўлғонда султондин гадо,
 Ҳайфким бўлғай гадо авқоти султонлиғда ҳайф.

Маҳмудо, йўлдан урубдир нафсларим кори менинг,
 Етмади ул ёра ҳаргиз дилларим зори менинг,
 Бўлди умримга зиёни тилларим хори менинг,
 Эй Навоий, воқиф эрмон халқдин бори менинг
 Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф.

* * *

Хаёл ичра фироқин заҳматин осон гумон қилдим,
 Фироқ ичра кўнгулнинг тоқатин осон гумон қилдим,
 Кўнгул ичра ки ёрим ғурбатин осон гумон қилдим,
 Висол ичра ул ойнинг фурқатин осон гумон қилдим,
 Чу борди, войким, не навъ душвор эрканин билдим.

Битиб ҳажрида дардимни сўзумни асрай олғаймен,
 Бу даҳри дун жилосидин кўзумни асрай олғаймен,
 Муҳаббат даштида ичган тузимни асрай олғаймен,
 Дер эрдим, ҳажрида шояд ўзумни асрай олғаймен,
 Бу сўз ҳашв эрканин билдим ҳамул соатки айрилдим.

Фиғонким, ҳажрида дилга алам, дард бирла ғам тўлди,
 Фиғонким, дардидин дилда тамом орзу ҳавас ўлди,
 Висол боғи аро гулгун очилган гулларим сўлди,
 Фиғонким, дарду ғам кирмакка хуш-хуш раҳналар бўлди,
 Кўнгулким тўш-тўшидин дарду ғам чиқсун дебон тилдим.

Фироқида кўнгул ҳолини мавҳум қилди беҳудлуғ,
 Бу мавҳумлиқ аро ўздин ки маҳрум қилди беҳудлуғ,
 Этиб маҳрум яна ҳажрига маҳкум қилди беҳудлуғ,
 Ҳамул дам ишқи даштида мени гум қилди беҳудлуғ,
 Агар хушу хирад саъйи била бир лаҳза топилдим.

Қўлим силтаб кўнгил уздим қиё боқмай бу очунға,
 Дилим бермай риё узра боқиб турган бу афсунға,
 Анинг жомига лаб бурдим, тутиб кўнгилни мафтунға.
 Фано йўлиға туштум еткали Фарҳоду Мажнунға,
 Нечук йўл бормаинким, яхши ҳамраҳларга қотилдим.

Фироқи дардидин беҳуд бўлдим тарки ҳуш айлаб,
 Ғаму озоридин беҳуд сўлдим тарки ҳуш айлаб,
 Азобу ҳажридин беҳуд тўлдим тарки ҳуш айлаб,
 Чу ичтим ишқи жомин беҳуд ўлдим тарки ҳуш айлаб,
 Анингдек май ичиб бу навъ усруклукдин ойилдим.

Жудоликка ки парво қилмайин мен ҳам Навоийдек,
 Жафосини назарга илмайин мен ҳам Навоийдек,
 Висоли-чун бу бағрим тилмайин мен ҳам Навоийдек,
 Фироқи мушkil эрмиш, билмайин мен ҳам Навоийдек,
 Висол ичра ул ойнинг фурқатин осон гумон қилдим.

МАШРАБ ҒАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР



Кўрарманми жамолинг деб, балога мубтало келдим,
Тутай деб ўзни амрингда ғариқи можаро келдим,
Битилган лавҳи қисматдир кўйингда бенаво келдим,
Сенинг васлинг тилаб дунёга бир соҳиб адо келдим,
Ғамингни дилга жо айлаб, аламга ошно келдим.

Қилиб жо саҳфи кўнгулга ки, ул Мажнуни зор пандин,
Қули этгаймикин ул деб манингдек мубтало бандин
Ки, ҳасрат даштида бу дам руҳу жон ўзгадир тандин,
Агарчи кўнгул олдирдим, кўнгулни узмадим андин,
Сабаб булдур: некулар дийдасига тўтиё келдим.

Нетайким, беҳабарликдин кўнгил осмонида ялдо,
Санинг зулминг тиғидин тан уза гулгун яро пайдо,
Маломат ичра қолди дил, билолмам, не бўлур фардо,
Ғаминг бошимга тушди, бир ажойиб шўриши савдо,
Азал кундин нетай, найлайки мен бахти қаро келдим.

Ўзингсан руҳу жонимга шафоат этгучи ҳоқон,
Муҳаббат кўки узра дил ёритгучи моҳи тобон,
Адою дарбадарликдин юрак-бағрим бу кун сўзон
Ки, сенсиз икки дунёда тирикликни нетай, жонон,
Карамлик подшоҳимсан, йўлингга бир гадо келдим.

Келурман остонингга дилимда ишқи Ҳақ матлаб,
Солур бошимга ваҳмини бало ичра қаро ул шаб,
Ҳидоят нуруни сочқил, Илоҳо, деб очурман лаб,
Оқиз раҳматни дарёсин ғариблик устига, ё Раб,
Агарчи йўлингга сар то қадам ғарқи гуноҳ келдим.

Тутиб ишқ ўтини кафтда мудом тоб-тоб эди жоним,
Муҳаббат чашмаси узра мудом гирдоб эди жоним,
Бериб кўнгилни ваҳдатга мудом печтоб эди жоним,
Кириб дарёи раҳматга мудом ғарқоб эди жоним,
Ҳақиқат баҳрида қолган дури қимматбаҳо келдим.

Узиб нафсим жиловини, анинг ҳолин хазон қилдим
Муҳаббат шавқидан руҳим маконда ломакон қилдим,
Кечиб тан истилосидин, жасадни нотавон қилдим,
Қаноат шаҳрига кирдим, тамошои жаҳон килдим,
Вужудимни уриб барҳам, бу оламдин фано келдим.

Қачон ҳар ишга қўл урдим, хаёли охират қилдим,
Тутиб илкин улуғларнинг жамоли охират қилдим,
Висоли ёр илинжида камоли охират қилдим,
Рафиқ ҳар ким билан бўлдим, саволи охират қилдим,
Баҳарнавъида бўлсам уммати ул Мустафо келдим.

Қулингни ғарқи зор этма, нигоҳинг бирла шахдам кил,
Ки дард авворасидирмен шифойинг бирла малҳам қил,
Карамдин бенасиб этма, мени Маҳмуд, мукаррам қил,
Илоҳо, Машрабингни яхши инсонларга ҳамдам қил,
Гадолик ихтиёр этдим, йўлингда подшо келдим.

* * *

Мен кўнгил дунёга бердим, ваҳки, қонмасман ҳануз,
Тавбага жонини тутган жонга жонмасман ҳануз,
Аҳли дил тонди бу йўлдин, менки тонмасман ҳануз,
Барчалар ёнди гуноҳдин, менки ёнмасман ҳануз,
Хоби ғафлатдин уёнди, мен уёнмасман ҳануз.

Чин тазарру бирла Ҳақ афвин сўрарлар зор-зор,
Кўксини чок-чок этибон, оҳ урарлар зор-зор,
Йўллارين ҳар бир савоб ишга бурарлар зор-зор,
Тавбаи тавфиқ билан йиғлаб турарлар зор-зор,
Охират аъмолин айтиб мен қутулмасман ҳануз.

Истаган дилларга ажри малҳамиким мўл турур,
Дил аро хавфу ражоким икки йўл: ўнг-сўл турур,
Ким афу истар кишига фазлидин чин йўл турур,
Бандаларким лутфинга ҳардам суёниб ўлтурур,
Бедаво нафсимни излаб мен суянмасман ҳануз.

Маъсият илгинда бўлган турфа ҳолда қолдилар,
Неча бедил бу синовлар ичра йўлда толдилар,
Амри Ҳақ ҳукмини тинглаб ким қулоққа солдилар,
Орифу содиқ ҳама панду насихат олдилар,
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.

Ўзни ҳар иш ичра танҳо билма, шайтон феълидур,
Бу жаҳолат ичра бағринг тилма, шайтон феълидур,
Бўйнингга турфа гуноҳлар илма, шайтон феълидур,
Бандалик килсанг такаббур қилма, шайтон феълидур,
Мен такаббурдин замоне холий эрмасман ҳануз.

Нечалар амрига юрмай учрадилар қаҳрига,
 Маъсият илгинда солди ўзни маломат наҳрига,
 Ёғди турфа хил балолар бу шақоват қавмига,
 Бандалик қилмай Азозил бўлди саркаш амрига,
 Рондаи даргоҳ бўлди, менки ёнмасман ҳануз.

Етмади ҳеч ким бу йўлдин ул саодат шаҳрига,
 Ҳеч вафо қилган эмас дунё ўзининг аҳлига,
 Учради бу йўлда кимки икки дунё заҳрига,
 Дунёни кўп йиғди Қорун кетди ул ер қаърига,
 Дунёдин бир дам замон кўнгил узолмасман ҳануз.

Гар кўнгил уқботалаб, кечгил ғизойи ҳирсдин,
 Берма зеб дунёга, бас, кечгил жилойи ҳирсдин,
 Ўзни, Маҳмуд, Ҳақда тут, кечгил балойи ҳирсдин,
 Банда бўлсанг, Машрабо, кечгил ҳавойи ҳирсдин,
 Кечди барча ҳирсдин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.



Сунма бўй ҳаввойи ҳисга макру майдонин кўруб,
Очма лаб қасдингда турган лаъли хандонин кўруб,
Этма жаҳд ул калхамаждек мулки давронин кўруб,
Берма дил дунёи дунга боғу бўстонин кўруб,
Ибрат олгил барчани жойи гўристонин кўруб.

Ишқи йўқ каслар ўтар саҳни ҳаётдан мурдавор,
Комига тортгай аларни молу дунё – аждаҳор,
Икки дунё топмагайлар бу кабилар эътибор,
Ҳеч кишига қилғони йўқтур вафо бу рўзгор,
Дину дил барбод берма коҳу айвонин кўруб.

Топганингни бирма-бир ушлаб кеторсан оқибат,
Мулки йўқликка дилинг ғашлаб кеторсан оқибат,
Топмадим деб, кўзларинг ёшлаб кеторсан оқибат,
Жумласин ҳасрат била ташлаб кеторсан оқибат,
Кўп суюнма дунёни моли фаровонин кўруб.

Моли дунёни маним деб, хушлаб ўтди неча ит,
Макрига бўйнини боғлаб, хешлаб ўтди неча ит,
Бир суякни қизғониб ғингғишлаб ўтди неча ит,
Дунё монанди ўлимса, тишлаб ўтди неча ит,
Тишлою сен ҳам ўтарсан, эмди қолғонин кўруб.

Туну кун ўтди талошиб, бир-бирини нишлашиб,
Гоҳ қоғиб бир-бирларини, гоҳида олқишлашиб,
Ҳар мақомга думларин ликиллашиб, ирғишлашиб,
Бу ўлимсани тоғиб, бир-бирини тишлашиб,
Ўтдилар кўрмай вафосин, коҳиши жонин кўруб.

Кўз сузиб қошини қоққай қанчаларга бу палид,
Ким баҳосини безатган ақчаларга бу палид,
Ҳам фусун берган риёдан кечаларга бу палид,
Ман санинг деб, ваъда берган нечаларга бу палид,
Йўқ вафоси, билдилар, кулл аҳди ёлғонин кўруб.

Зикри Ҳақ бирла нафас ол, кечами ё эрталаб,
Қудратин ёд этки, Маҳмуд, руҳу қалбинг очса лаб,
Васлига интил ҳамиша, ишқ ўтин дилга қалаб,
Толиби дунё, Хувайдо, бўлмағил, бўл Ҳақ талаб,
Юм кўзингни дунёдин тонгла пушаймонин кўруб.



Ики дунёга юз тутмоқ ризойи кори Ҳоқондур,
Биза бу шавқи ҳикматлар ўзидин кори имкондур,
Бир эрмас қанча жон бўлса, бу йўлда кори қурбондур,
Худонинг йўлига кирмак деманглар, кори осондур,
Азиз жондин кечиб бош ўйнамоқлик кори мардондур.

Равон эрмас бу йўллар, бил, қадамда чоҳу жарлар бор,
Атайлаб раҳна солғувчи Худодин беҳабарлар бор,
Асир айлаб қамаштирган кўзинг сохта гуҳарлар бор,
Ажаб поёни йўқ йўлдир, арода қўп хатарлар бор,
Анинг учун ҳама солиқ бу йўл устида қолғондур.

Ўтиб бўлмас ки, андин йўл тўсар арқоғини кесмай,
Сақарга жонни солғувчи шарорат доғини кесмай,
Дилингни чирмаган тўрдекки нафсинг боғини кесмай,
Фақирлик метинин чекмай, такаббур тоғини кесмай,
Вужуд саҳросидин ўтмай қачон йўлинг намоёнду.

Танангга бир назар ташла, ажаб нафси юҳолар бор,
Кўнгил мулкин қаро қилган неча журму риёлар бор,
Тиларсен андин ўтмакни, туман турфа балолар бор,
Ўшал саҳро аро юз минг даранда, аждаҳолар бор,
Аларни қатл қилмай, демағил ўтмаклик осондур.

Бу йўлдин ўтмагинг-чун сен дилингга ишқи тоҳир ол,
Худонинг зикрини қўйма, қадамда дурри соҳир ол,
Ики дунёнгга асқотгай савобу ажри охир ол,
Бу йўл турфа қаронғудур, чароғи илми зоҳир ол,
Асокашсиз қадам қўйма, тойор ерлар фаровондур.

Риёзат аҳлига ҳардам яқин ҳамдардлар ўтган,
Ки ҳимматда буюк тоғ, лек назарда гардлар ўтган,
Сахони ўзга фазл этган мушаддат фардлар ўтган,
Вужудин ақбасидин олиҳиммат мардлар ўтган,
Ки беҳиммат кишилар бу довон остида қолғондур.

Синалгай ишқ эли бунда, будур маъвойи ошиқлик,
Кериб кўксингни дам урма қилиб мавлоий ошиқлик,
Неча сендек ётур, Маҳмуд, этиб савдойи ошиқлик,
Хувайдо, ўз дилингча қилмагил даъвойи ошиқлик,
Ҳануз ужбу риё остидасан бу даъво ёлғондур.

УВАЙСИЙ ҒАЗАЛИҒА МУХАММАС



Забонин ишқ ила очмакли ҳар мардонадин келмас,
 Юзин маҳбубига бурмакли ҳар дурдонадин келмас,
 Кўнгилни шавқида тутмакли ҳар гирёнадин келмас,
 Муҳаббат расмини билмакли ҳар жононадин келмас,
 Висоли ёрни кўрмакли ҳар мастонадин келмас.

Етолмас дардини чекмай киши дилда не мақсуди,
 Риёзат ичра келгайдир кишига ҳар ишин суди,
 Ярим йўлда қолиб кетгай неча аъмоли беҳуди,
 Бўлурми ҳар кеча токим чироғи шамъи бедуди,
 Урубон шамға жисмини ҳар парвонадин келмас.

Битилмиш лавҳаи қисмат азалдин дард хайлиға,
 Ўзи хос бандасин танлаб берар изнин бу майлиға,
 Жунуни ишқ ила чиқмиш фано даштини сайлиға,
 Кўриб Мажнун тан урёнасин таън этма Лайлиға,
 Ўтуб ўзликни бобидин ки ҳар девонадин келмас.

Этибдир касб ўзига дил туну кун бўзламакликни,
 Тараҳхум айлағайми деб висолин изламакликни,
 Кечиб ишқида ўзликдин, ризосин кўзламакликни,
 Унутгай дўст кўрган чоғда толиб сўзламакликни,
 Яна арз айламак маҳбубу ҳар афсонадин келмас.

Басе, оҳлар чекарсенким, етар қул илтижоси деб,
 Кўриб ҳолимга раҳм айлар ки дардим мубталоси деб,
 Кўйимнинг бир гадоси ҳам садоқат муддаоси деб,
 Дило, сен хуни дил қилма муҳаббат ошноси деб,
 Ки қурбон айламаклик ҳар маҳи тобондин келмас.

Муҳаббат аҳлидин эрсанг сўзингдан бир нишон бергил,
 Ўзингни анга бахш айла, кўйинда хонумон бергил,
 Кечиб, Маҳмуд, борингдан яна икки жаҳон бергил,
 Кел, эй зоҳид, топиб бир ёрни олдида жон бергил,
 Ки қурбон айламаклик ҳар маҳи тобонадин келмас.

Кўзидир мажмари мазмун барҳам бермагил, эй шўх,
 Сўзидир аҳсани мазмун барҳам бермагил, эй шўх,
 Ўзидир мабдаи мазмун барҳам бермагил, эй шўх,
 Дилидур маъдани мазмун барҳам бермагил, эй шўх,
 Кел, он таъбики номавзуни Вайсий ёнадин келмас.

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАСЛАР



Муҳаббат бобида ҳардам садоқат айласанглар-чи!
 Вафолиқ расмида содиқ мақомат айласанглар-чи!
 Риёзат бирла шавқига қаноат айласанглар-чи!
 Қиёмат ваҳмидин Ҳаққа ибодат айласанглар-чи!
 Бу қилғон журму исёнга надомат айласанглар-чи!

Озиб йўлларда ножинслар билан, ваҳ-ваҳ, ҳузур этдинг,
 Шум осийлар қаторинда ўзингни сен зухур этдинг,
 Залолат илкида шахдинг ила жонға футур этдинг,
 Кириб нафсинг йўлиға ончунон фиску фужур этдинг,
 Бу йўлдин қайтибон, тарки шарорат айласанглар-чи!

Гуноҳкор бандамиз, ҳайҳайламоқлик санга на ҳожат,
 Нажотсиз даҳри дунни сийламоқлик санга на ҳожат,
 Ўзингни ул сақарга шайламоқлик санга на ҳожат,
 Риё бирла ибодат айламоқлик санга на ҳожат,
 Худонинг йўлида холис ибодат айласанглар-чи!

Қаноат бирла борингни халойиққа этиб ҳиммат,
 Таваккал айлабон тун-кун ўзингдан излабон ҳикмат,
 Саодат йўлида канча қилолсанг оз эрур хизмат,
 Агар қодир эурсан Маккатуллога қилиб ҳижрат,
 Қатори ҳожилар бориб, зиёрат айласанглар-чи!

Юрак ҳардам уриб иймон каломиди бутун, дўстлар,
 Кўнгилда қолмайин зарра гумон, шубҳа, тугун, дўстлар,
 Ҳидоят айлабон мўъмин мусулмонга бу кун, дўстлар,
 Тутиб амри Худони икки кунлик умр учун, дўстлар,
 Кириб маҳшар куни жаннатда роҳат айласанглар-чи!

Ўғирдинг аҳли дилдан юз, ёмонга интилиб зойиъ,
 Фирибгар нафс комига дилингни сен тилиб зойиъ,
 Бу ҳолингни гаҳе билмай, гаҳе қилдинг билиб зойиъ,
 Югурдинг дарбадарлик бирла умрингни қилиб зойиъ,
 Аё, эй яхшилар, тарки жаҳолат айласанглар-чи!

Амонат ҳар нафас, Маҳмуд, қилиб зикрини сен одат,
 Муножот айлагил Ҳаққа, дилингда қуръоний оят,
 Ки тухфа айлабон ёра ғанимат ушбу дам – соат,
 Ҳазиний, бу йигитлик вақти ўтмасдан қилиб тоат,
 Қарилиғ вақти етмасдан ибодат айласанглар-чи!

Қолса зулматда киши, билгил, зиёни охтарур,
Ул зиё ичра нурафшон муддаони охтарур,
Муддаолар илкида ул Муттакони охтарур,
Ҳар киши уқботалаб бўлса дуони охтарур,
Ўшаи хилват этиб, зикри Худони охтарур.

Нафс учунким ўтғучи ҳирсу малоҳатдан кечиб,
Таънайи мулки ҳарорат ҳам мақомотдан кечиб,
Тўзғучи шавқу шақоват ҳам маҳобатдан кечиб,
Ҳақ йўлида жумлайи роҳат, фароғатдан кечиб,
Доимо онлар, кўринг, жабру жафони охтарур,

Зоҳир эрмас, ботининда аҳдини пайдо қилиб,
Хоки полар пойига ул аслини ҳамро қилиб,
Ки анинг шавқида, ваҳ-ваҳ, тарҳини тақво қилиб,
Йиғлабон, кўз ёшларин монандайи дарё қилиб,
Ҳасрат ила оҳ уруб, андин ризони охтарур,

Очса билгай ҳар киши гавҳарфишон ул қат-қатин,
Не кўнгиллар ташналаб ўтгай, билолмай талъатин,
Қалбига жо этса гар ким ишқ аро битган хатин,
Нўш этар ушбу жаҳонда ким муҳаббат шарбатин,
Халқ аро хомуш бўлуб, аҳли фанони охтарур.

Икки дунё пардасиздир мубталолар ашқида,
Ажрини топгай мақомот бўлса шиддат шаштида,
Олғай аъмолинким, ул кун бўлса анбар гаштида,
Йиғлашибон гар ўтишса, ул қиёмат даштида,
Чун «шафиъал-музнибин» ул Мустафони охтарур.

Сарҳисоб этгуси ул дам неча куну кечалар,
Ҳақ киши қалбида кўрқув ҳам умид куйин чалар,
Юз тубан кетгуси ул кун нола айлаб қанчалар,
Ташналаб ҳар ён югурур, ҳашр аро бир нечалар,
Соқийи кавсар, ёронлар, Муртазони охтарур.

Ибтидо-ю, интиҳо комида, Маҳмуд, дод этиб,
Нотавонлик ичра Биру борни ҳардам ёд этиб,
Бовафо деб, қулни ҳам чорларми деб, имдод этиб,
Кечаю кундуз, Ҳазиний, оҳ ила фарёд этиб,
Икки олам ул Али соҳибсахони охтарур.

ФУРҚАТ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАСЛАР



Кўрғоли ошуфта дилни, эй санам, кел эртароғ,
Юрғоли ҳақ ишда, эй дил, қўй қадам, кел эртароғ,
Турғоли ёнимда бир он чек рақам, кел эртароғ,
Сўрғоли ҳолимни, эй қоши қалам, кел эртароғ,
Йиғламоқдин қолмади кўзларда нам, кел эртароғ!

Зулм тиғи жонимдадир, даврон аро ёлғиз топиб,
Ҳажри дардинг ўртағай бежон аро ёлғиз топиб,
Ғам туни бошимдадир вайрон аро ёлғиз топиб,
Сендин айру гўшаи ҳижрон аро ёлғиз топиб,
Ўртаға олди мени дарду алам, кел эртароғ!

Кўйи ишқингда ёнурман этма боз доҳили нор,
Воҳ, маломат даштида қолдим тополмай эътибор,
Бир эмас, минг битта жонимни санга айлай нисор,
Марҳабо, бош устина, айлаб карамлик шаҳсувор,
Кўзларимни устина қўйғил қадам, кел эртароғ!

Чорасизлик чорадир деб изладим истаб фароғ,
Телба янглиғ тебранурман ҳар томон, кўксимда доғ,
Нотавонлиқ ичра қолдим, йўқ бўлиб бошдин оёғ,
Муддатедур даҳр аро топмай вужудингдин сўроғ,
Эл аро анқо каби бўлдим адам, кел эртароғ!

Кеча ойдин эрди ул дам, дилни доғ тилмас эди,
Ул ҳаётим саҳнида ҳижрон ели елмас эди,
Йўқ эди ул дам йироғинг, беқарор қилмас эди,
Эй хуш ул кунлар фироқинг ёдима келмас эди,
Билмайин комим висоли муғтанам, кел эртароғ!

Ёрсиздирман туну кун маҳрамин андуҳдур,
Ким риёзат ичра қўйган мақдамим андуҳдур,
Хаста кўнглимга шифоат, малҳамим андуҳдур,
Бистарим хоки мазаллат, ҳамдамим андуҳдур,
Ҳасратингда масканим бўлғунча ғам, кел эртароғ!

Ўртади ҳижрон вужудим, ранги зардимда ғубор,
Чирмашур жонимга қасдинг ки дилим ғурбатга ёр,
Маҳмудоким, хаста жоним изтиробдин беқарор,
Фурқатий ошуфта дил то чанд тортар интизор,
Дилда тоқат қолмади, жоним – танам, кел эртароғ!

Тушди чун бошимга савдо, кўзларим қон йиғлади,
Жон чекиб, бўлдим ҳувайдо, кўзларим қон йиғлади,
Топмайин ҳеч ерда танҳо, кўзларим қон йиғлади,
Ҳар кеча ишқингда, жоно, кўзларим қон йиғлади,
Лола қон ютти-ю, охуйи биёбон йиғлади.

Ўтди умрим қип-қизил қон ичра кездим бесамар,
Қишми ё куз, тунми ё кун, билмайин ҳеч дарбадар,
Еру кўк ичра фиғоним дуди кезгай сарбасар,
Кечалар анжум эмас, ерга тўкилган он қадар,
Раҳм этиб, ҳолим кўруб гардуни гардон йиғлади.

Ё азал борму ёзуғлиқ тақдири пайғомида,
Доғидин доғ ўлди кўнглим ишқ аро итмомида,
Бевафолиғ касб эрурму ёки ёр анжомида,
Абри борон эрмас эрди ул баҳор айёмида,
Рўзгорим сангдил бахтимга чандон йиғлади.

Доғи васлингнинг ғами юз қора қилди нечаким,
Ғунча хандонинг ғами садпора қилди нечаким,
Зулфи райҳонинг ғами хунхора қилди нечаким,
Юз ила кўзинг ғами овора қилди нечаким,
Сўзишимдин ўртаниб, шамъи шабистон йиғлади.,

Қолмади бу танда тоқат, ихтиёрим ҳажридин,
Зулм этар ҳар дамда ул дилфигорим ҳажридин,
Титрагай жон изтироб ичра нигорим ҳажридин,
Келди қосид, кўрди саргардон узорим ҳажридин,
Номани бермасдан аввал тортиб афғон йиғлади.

Кўз тутиб мен ётгай эрдим муждасин шому саҳар,
Ногаҳон боққайми деб, дилда ишқидин шарар,
Сезди дил, номехрибоним этди бу гал ҳам ҳазар,
Ёзди, ҳар лафзин ўқурди қон бўлиб оқди жигар,
Кўнглум ўртанди, бағир эзди, ҳамон жон йиғлади.

Зори аҳволим вале ҳеч бўлмади анга сабақ,
Ҳажридин умрим китоби ичра қародир ҳар варақ,
Қолмамиш, Маҳмуд, танингда ҳажр аро жондин рамақ,
Сочроғон саҳни фалакка ҳар тараф эрмас шафақ,
Фурқатингда қон сочиб, шоми ғарибон йиғлади.

МУҚИМИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС



Тушди кўз ҳуснинга, ёрим, то ҳануз сўзонаман,
Дарди ҳеч кетмас дилимдан бемажол афтодаман,
Боз ўзимга келмайин, воҳ, бесамар сарсонаман,
Ақлу ҳуш учди бошимдан, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсонаман.

Кўз очиб ҳеч бир вафолиғ кўрмадим одамдин,
Барча кўрди илтифот, мен чиқмадим ҳеч ғамдин,
Айрилиқ тобора ортар ҳар қадам, ҳар дамдин,
Дарду сўзу ашқу оҳимни қиёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Ҳеч киши сендек кўнгилға солмағай дарду алам,
Кўл чўзиб ётгон гадоға айламас сендек ситам,
Руху жоним ҳам вужудим бўлди ишқингда адам,
Ул замонеким йироқ васлингдин ўлдум то бу дам,
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудан уйғонаман.

Чекмаган ҳажрингдаким, ёрим, риёзат қолмади,
Дил нидо қилгай: жаҳондаким адолат қолмади,
Чекди кўнглим бор ғамингни, зарра роҳат қолмади,
Лаҳзае захри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Бевафо ул муддаосидин ёзиб рози дилим,
Ҳусни мулкининг риёсидин ёзиб рози дилим,
Раҳми йўқ жабру жафосидин ёзиб рози дилим,
Хома мужгон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзае қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким, ҳажрингда сенсиз, қайга боргайман етиб,
Оҳким, дил излагай йўл қайга борсам дер, нетиб,
Оҳким, сенсиз хаёлинг қўйди саргардон этиб,
Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Саф аро бегонадирман, лек кўнгилда йўқ риё,
Васлинг истаб тўлғонурманким кутиб сендин зиё,
Фурсати келди дебонким айлагил эмди ғизо,

Навбати жомим тўла қуйғил карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастонаман.

Чеқди Маҳмуд ҳажрида, ваҳ, дарду ҳасрат бешумор,
Зору озорлар ароким ёр этиб ишқ ичра хор,
Айлабон ҳолимни пурғам этмадинг ҳеч ихтиёр,
Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

РОЖИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР



Даҳри дун макрига сабрим устувор қил, Собуро,
Маъсият илкида қолдим, сан раҳм қил Ғофуро,
Мубталолар-чун ҳамиша сан эрурсан, Зоҳиро,
Ё, илоҳий ҳожатимни сан раво қил, Қодиरो,
Мушкулимни айла осон лутф ила, эй подшо.

Нотавонман, норасоман, беасоман, сарварим,
Бевафоман, беқарорман, беҳабарман, раҳбарим,
Беҳаёман, бенавоман, шарра тўлган дафтарим,
Йўлда қолдим сан билурсан, сиррими холиқ – Карим,
Рост йўлга бошлагил аъмо эрурман, эй Худо.

Дарбадарликда кезарман йўл тополмай бағри қон,
Қайга борғумни билолмасман чекиб оху фиғон,
Кимсасиз ҳар ерда қолдим, топмайин бир пок макон,
Ушбу дунёда мусофирман-ки йўқ бир меҳрибон,
Илгим ушлаб йўлга солгудек мани бир раҳнамо.

Саждага бошимни қўйдим, илтижода юз буруб,
Кўзга дўсту ақраболар пойи гардини суруб,
Ким харобат аҳли бирла йиғлашиб, суҳбат қуруб,
Кеча-кундуз ёлворурман тун, саҳарларда туруб,
Зор йиғлаб даргоҳингга мен ғарибу бенаво.

Охиратни ўйламай қилдим шарорат ошкор,
Этмадим ҳаргиз тазарру, ишқ аро мен беқарор,
Нафси аммора ичинда иймоним босди ғубор,
Сирру-асорим санга маълум эрур, Парвардигор,
Илтифотингни тиларман бандадурман, Холиқо.

«Бўл!»– дединг, дунё яралди қудратинг бирла сани,
Аҳли дил пойини этдинг икки олам гулшани,
Ҳақ йўлинга сол манингдек беибо, шармандани,
Ҳар на қилсанг, розидирман, ҳеч иложим йўқ мани,
Гарчи бандам демасанг ҳолим табоҳ, рўйим сиё.

Кечалар бедор бўлиб санга иродат айласам,
Кору боримдан кечиб, ўзни маломат айласам,
Зикри Ҳақ бирла кеча-кундуз риёзат айласам,
Кўз ёшим дарё қилиб тоат-ибодат айласам,
Санга мақбул бўлмаса қилмиш ишим бори хато.

Раҳматинг нури билан бергил қулинг ҳожатларин,
Айлагил қалбин мунаввар, сол калом оятларин.
Эргашувчи қил ўзинга, рост этиб тоқатларин,
Ҳеч бандангни, Худоё қилма рад тоатларин,
Даргоҳинга мақбул этгил бир ўзинг ҳар муддао.

Топмадим, Маҳмуд, ризойинг, ҳасрато, бу дунёда,
Ки кўнгил гумроҳлиги, қилди хато бу дунёда,
Дермикин қулни Расул: «Во уммат!» – у дунёда,
Сан карамлиғ подшоҳ, ман бир гадо бу дунёда,
Мақсадим, Рожий, тиларман қил қабул бу илтижо.

Фигони руху ҳолимга, Илоҳо, сан шифо қилғил,
 Солиб кўнглимга ишқингни ризойи Роббано қилғил.
 Олиб шавқин бу оламнинг, Ўзингга мубтало қилғил,
 Илоҳий, подшоҳо сан, мани ғамдин жудо қилғил,
 Художўй бандаларга ман ғарибни ошно қилғил.

Ғарибман, хастаҳолдирман, мани ҳеч қўйма ёлғизлаб,
 Сўрарман туну кун сандин нажотким бош уриб йиғлаб,
 Йўлингга кирмадим ҳаргиз, хатою қилмишим кизлаб,
 Дилимдир пора-пора ҳеч иложин топмадим излаб,
 Қилиб лутфу карамлар ушбу дардимга даво қилғил.

Ёмонман, нафсима банда йўлим шоёни йўқ беҳад,
 Гуноҳ киштига сув қуйгон, сани суйғони йўқ беҳад,
 Қулингман, осий бандангман, вафо қилғони йўқ беҳад,
 Карим отинг сани, қилғунг карам поёни йўқ беҳад,
 Гина зангиға олуда бу қалбимни зиё қилғил.

Аломат топмадим ҳаргиз сўқирдирман сафарларда,
 Савоб ишга қўлим етса оёғим қолди шаррларда,
 Санга бурдим бу кўнгилни, кўзим қолди-ку зарларда,
 Ҳамиша матлабим сандин мудом шому саҳарларда,
 Ато айлаб, Худовандо, дилим ойин намо қилғил.

Саодат ичра бор қилғил, этиб қаддимни дол, ё Раб,
 Ўзингдин ўзгани суймас этиб, сирри фиол, ё Раб.
 Ман осий бандага матлаб ки маҳшарда висол, ё Раб,
 Насиб айлаб манга бир илми-ҳол, илми-қол, ё Раб,
 Халойиқлар ичинда мис вужудим кимиё қилғил.

Бўлиб густоҳ ибодатда, ани ҳеч этмадим қойим,
 Қиёмат ваҳмидин қўрқмай бўлиб журм ичра маъвойим,
 Кўзим ўнгида уқбойим – гуноҳда кулли ашёйим,
 Тилагим мустажоб айлаб ўзунг лутфунг била доим,
 Этиб ҳамроҳ ўлар вақтида иймоним ато қилғил.

Тириклик амридин Маҳмуд, валеке саргашта Рожийман,
 Тамоми осий-жофийлар ила пайваста Рожийман,
 Гуноҳи кулли дунёга дили вобаста Рожийман,
 Ғариблик гурбатида ҳам куйғон хаста Рожийман,
 Ки манга чори ёри босафони пешво қилғил.

ЧАРХИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС



Изла, ахтар, топ жаҳонда аҳли инсон истасанг,
Айла қалбинг нурга жом, ишқида султон истасанг,
Боғлагил дил риштасини, дўсти мардон истасанг,
Иста дўстингнинг ризосин, чин қадрдон истасанг,
Жонни ол, ранжитма жонни, меҳрибон жон истасанг.

Бўлмаса ишқ саҳнида ким, тоза зурёд бўлмагай,
Қудрати бирла ўзидин анга имдод бўлмагай,
Тутса аждодлар йўлин, охирда фарёд бўлмагай,
Ранжиган кўнгил биноси қайта бунёд бўлмагай,
Хору хасдан тоза қил, покиза бўстон истасанг.

Очмагил лаб, солма дилга асло сифла бухлини,
Этма вайрон нафсинг амри ичра умринг субҳини,
Нобино нокасга ҳаргиз очма кўнгил қулфини,
Бир масал: «Шўра заминга сочма ҳосил тухмини»,
Ерни сен шўрини ювгил бағридан дон истасанг.

Берма дил қонингда кезган ул лаъин ағёринга,
Ким бу фоний, бевафо дунёдаги ҳамкоринга,
Кеч алардин, боғла кўнгил аслида беморинга,
Боғласанг дил, арзигаёй ўз меҳрибон дилдоринга,
Жон қуши ҳар шох уза кўндирма, виждон истасанг.

Одабийликдин чиқиб, бўл беҳаёлар ҳамдами,
Айлабон юзни қаро, бўл норасолар ҳамдами,
Икки олам ичраким бўл бедаволар ҳамдами,
Бўл чиройлигу валекин бевафолар ҳамдами,
Кунда юз жабру жафо, минг хил пушаймон истасанг.

Чархи кажрав бевафодир сенга ҳижрон келтирур,
Қолдириб саҳро аро руҳингга вайрон келтирур,
Жилва айлаб, эркалаб, охирда афғон келтирур,
Макрига алданма, нози юз пушаймон келтирур,
Мард эсанг, қадрингни бил сен, аҳду паймон истасанг.

Мубталолар қалбида ишқидин ўзга йўқ ғами,
Ёр васлин кўйидаким туну кун кўзда нами,
Маҳмудо, дийдорталаб сен, бўл аларнинг малҳами,
Яхшиларнинг ёри, Чархий, хаста диллар маҳрами,
Бўл жаҳонда тоабод, номингга дoston истасанг.

ЧУСТИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС



Ҳар кўнгил бўлғай чароғон тунда моҳтоби билан,
 Ёр васли чун тикилган чашми ғарқоби билан,
 Меҳру ишқи бирла ёнган дилдаги тоби билан,
 Бу жаҳон равшан кўрингай янглиғ офтоби билан,
 Чехралар бўлғай мунаввар нури одоби билан.

Аҳли дониш қалбин ўти илму ҳикматдир бутун,
 Ҳақ ишида ким шижоат айлагайлар туну кун,
 Дилни ишқи ичра доғлаб икки дунёси учун,
 Гар дилинга хулқу, ақлу илму виждондир сутун,
 Бу бинони сел ололмас мавжу гирдоби билан.

Эй кўнгил, кўз оч, ярашмас, сенга ғафлат, хоблик,
 Нафси комида қолур ким келтирур бетоблик,
 Айлагай хору залил охирда ихтисоблик,
 Айни расволик ёмон ахлоқу беодоблик,
 Иккисидан қил ҳазар оламда ҳар боби билан.

Кўрмагайким ишқ элидин ҳеч киши асло жафо,
 Бўлса ҳар ишда туну кун Ҳақ ўзиким раҳнамо,
 Бу азал неъматга етгай ҳар қачон ақли расо,
 Дўстидир олам элин илму ҳаё, сидқу вафо,
 Қолмагай армонда ҳеч ким бу хил аҳбоби билан.

Гар ёмон бўлса етолмас манзилингга ул толур,
 Қилмиши бошига ғавғо ҳам жафоларни солур,
 Ҳурмати қолмас жаҳонда, соғлиғини ҳам олур,
 Кимда одоб бўлмаса, элда ёмон оти қолур,
 Ким ҳаёли, мақталур у хулқи ноёби билан.

Турфа тақдирлар аросан, қил назар, атрофга боқ,
 Ким кўнгил тубига ҳардам маърифат шамъини ёқ,
 Хулқи ножинслар дилингга солмасин асло фироқ,
 Фикри нодир, ақли комиллардан ол ҳардам сабоқ,
 Ҳамнафас бўлма сира қаллобу каззоби билан.

Дилдаги сўзингни, Маҳмуд, бас, тараҳҳум бирла айт,
 Фикри ожизлар ичинда ҳам тааллум бирла айт,
 Сарвқадлар ичра тут ўзни танаъум бирла айт,
 Маърифат созин чалиб, Чустий, тараннум бирла айт,
 Чехралар бўлғай мунаввар нури одоби билан.



Толёин рост ичра топмай, айланиб толғон ёмон,
Даҳри дун макрини билмай ошно бўлғон ёмон,
Дил бериб журмига ногоҳ илкида сўлғон ёмон,
Яхшидур аччиқ ҳақиқат лек ширин ёлғон ёмон,
Ул ширин ёлғонга мендек алданиб қолғон ёмон.

Қилмиши бирла кишиким ҳар томон етгай ва лек,
Рост қолиб ёлғонда кимлар ўзни шод этгай ва лек,
Ким ёруғ юз бирла, кимдир бош уриб кетгай ва лек,
Умримиз алдоқ жаҳонда алданиб ўтгай ва лек,
Сўнгги қийнолғон ёмондир, сўнгги қийнолғон ёмон.

Ишқ саҳросида иймон бўлса сирдош яхшидир,
Ҳақ йўлида раҳнамо ёр бўлса йўлдош яхшидир,
Қўллагучи ҳар қадамда бўлса қўлдош яхшидир,
Айтгали аччиқ азобинг бўлса дилдош яхшидир,
Сўз демай ўтли аламини жонинга солғон ёмон.

Ишқ аро ҳижрон жафосин заҳмин ўйлаб мен каби,
Дилда чеккан оҳи дуди кўкка ўрлаб мен каби,
Охири зил дардини қалбига йўллаб мен каби,
Жонга солғон ҳам на создир элга сўйлаб мен каби,
Шоири девонаи ишқ номини олғон ёмон.

Шавқ ила тарҳингда, Маҳмуд, сўзладинг эл ичра байт,
Ҳақ сўзи турганда сохта сўзламоқдин энди қайт,
Келди дилни рост айлаб қўлга жом олмоқли пайт,
Гар қилич келса бошингга, қўрқма Эркин, ростни айт,
Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС



Бахш этай умримни юртим – шоҳу султоним сенга,
 Ҳақ азиз этган азал бу даври давроним сенга,
 Ишқ ила бағрингда топган нуру иймоним сенга,
 Айлайин қалбимни тортиқ нурли бўстоним сенга,
 Сен ватандирсан, фидодир танда бу жоним сенга.

Бош тутиб измингда руҳим, сарварим, деб мен сени,
 Ким ўпиб пойингда тургим, анбарим, деб мен сени,
 Нури иймонингда кўнглим, анварим, деб мен сени,
 Бебаҳосан, асрагайман гавҳарим, деб мен сени,
 Сен қароғ бўлсанг агарда, садқа мужгоним сенга.

Онларим сенсиз фузундир, лаҳзага ҳам йилга тенг,
 Умрим ичра, воҳ, қуюндир, лаҳзага ҳам йилга тенг,
 Сайрамас қалбим, беундир, лаҳзага ҳам йилга тенг,
 Сендин айру дам узундир, лаҳзага ҳам йилга тенг,
 Бир умрга лек баробардир керак оним сенга.

Кенг жаҳон ичра ягона моҳитобоним ўзинг,
 Бу улуғ айёмим ичра шавкатим-шоним ўзинг,
 Ким кўнгил гулзорида чин марди майдоним ўзинг,
 Ҳар бир аҳлинг битта юлдуз, кавкабистоним ўзинг,
 То ҳаётдирман, чароғим, шуълаи оним сенга.

Хуррият шавқи тўлубдур, тўй қилур ўзбек элим,
 Бахти иқболим кулубдур, тўй қилур ўзбек элим,
 Бас, ғаним зулми сўлубдир, тўй қилур ўзбек элим,
 Ёру дўстлар жам бўлубдур, тўй қилур ўзбек элим,
 Мен дегайман хуш келибсан, дўсту меҳмоним сенга.

Белни боғлаб тахт турурман, тўйхатингда ҳам ўзим,
 Эл аро айёму табрик фурсатингда ҳам ўзим,
 Ким тутиб бошимга туғинг, шавкатингда ҳам ўзим,
 Хизматингга шай турурман, меҳнатингда ҳам ўзим,
 Бахтиёрман, сарф этолсам борки имконим сенга.

Эътиқодим сен учундир, иқтидорим сен учун,
 Эътимодим сен учундир, эътиборим сен учун,
 Рухда жоним сен учундир, ихтиёрим сен учун,
 Дилда борим сен учундир, қўлда торим сен учун,
 Қайда бўлса талпинурман, Ўзбекистоним сенга.

Мусаддаслар



Фиғонким, дўсту ёронлар чароғи пурзиё кетди,
Ки фоний бу жаҳон ичра лазиз ул тўтиё кетди,
Муқаддас покиза дилдан яна бир қадди ё кетди,
Яратган ишқида ёнган каломи пурғизо кетди,
Бу беш кунлик жаҳондан ул Умаржон¹ бебаҳо кетди,
Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Ки орифлар ичинда бир дури тоҳири эрди ул,
Ҳама дилларга йўл топган зиё зоҳири эрди ул,
Саодатли имону эътиқод моҳири эрди ул,
Ҳам эзгу нурли истаклар кўнгил соҳири эрди ул,
Бу беш кунлик жаҳондан бир замони бебаҳо кетди,
Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Сафо бирлан ўқиб тинмай мудом Аллоҳ каломини,
Ҳамиша ул тутиб олий Расулulloҳ мақомини,
Навоийдан ўқир эрди топиб ҳикмат қиёмини,
Этиб Охундада ёдин баёзи ичра комини,
Бу беш кунлик жаҳондан ул Умаржон бебаҳо кетди,
Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Биз ожиз бандамиз барча, бу йўлда аслида хасмиз
Ва Ҳақнинг қудрати бирла ки турфа хилдаги касмиз,
Бу ўткинчи макон ичра гоҳи юксак, гоҳи пастмиз,
Ва лек охир нафас келса, иложсиз бандамиз, басмиз...
Бу беш кунлик жаҳондан бир замони бебаҳо кетди,
Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Риёзат бирла ўтказди ҳаётин ҳар бир онини,
Берарди яхшига ҳардам керак бўлганда жонини,
Улуғлаб ўтди ҳар лаҳза Худо берган замонини,
Адо айлаб баҳоли қудрати-ла Ҳақнинг имтиҳонини,
Бу беш кунлик жаҳондан ул Умаржон бебаҳо кетди,
Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

¹ Умаржон ҳожи дада (Турдиев) узоқ вақт Фарғона вилояти бош имом-хатиби вазифасини адо этган.

Бу ғамдан оҳ чекиб ҳатто булут қоплаб самони ҳам
 Ки, Аллоҳ раҳмати янглиғ тўкар ашкин саҳоб бул дам,
 Улуғ кунлар мақомида бўлиб душанба ҳам маҳкам,
 Биҳамдуллоҳ, қулин бағрига олди ул кўзида нам,
 Бу беш кунлик жаҳондан бир замони бебаҳо кетди,
 Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Бас, эй кўнгил, алам чекма, кетармиз барчамиз бир кун,
 Кетишди не улуғ зотлар бўлолмай бунда ҳеч устун,
 Назар сол, борми қалбингда улуғлик зарраси учқун,
 Азиз бўлгай борар ерда амаллар бўлса бус-бутун,
 Бу беш кунлик жаҳондан ул Умаржон бебаҳо кетди,
 Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Гуноҳкор бандамиз, ё Раб, ки раҳматга сазовор эт,
 Жаноби сарвари олам ул Аҳмадга сазовор эт,
 Умидвор қулларинг уқбода жаннатга сазовор эт,
 Висолингдан насиб айла, ки талъатга сазовор эт,
 Бу беш кунлик жаҳондан бир замони бебаҳо кетди,
 Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

Муножот бирла оҳ урдим боқиб қибла сари бул дам,
 Кўнгилдан ўтди кўп ҳикмат, илоҳий руҳ вужудда жам,
 Муқаддас руҳингиз, устод, ки қалбларда азиз ҳамдам,
 Сўрар Маҳмуд яратгандан ки маҳшар кунида малҳам,
 Бу беш кунлик жаҳондан ул Умаржон бебаҳо кетди,
 Фиғонким, дўсту ёронлар, чароғи пурзиё кетди.

БУ ЁРУҒ КУНЛАРНИ ЎЙЛАБ...

Топди не зотлар камолин сенда, эй хур Марғилон,
Авлиёю ақраболар илмидур нури жаҳон,
Ожиз ул қулларни бул кун ёд этар аҳли замон,
Руҳини шод эт, Худоё, деб дуолар айлабон,
Ўтди Иброҳим Довудов¹ дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Тангри берган ишқи бирла руҳин обод айлади,
Ҳикмати-ла ҳам улуғ аждодларин ёд айлади,
Мўмину муҳтожга ҳар дам тинмай имдод айлади,
Покиза руҳ бирла қалбин зангдин озод айлади,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Ҳақ назар қилган кўнгулда бир дури шахвор бўлур,
Ҳар қачон, ҳар ерда омад суйганига ёр бўлур,
Зулму тухмат умри қисқа, барчаси бекор бўлур,
Ҳақ қарор топгай ҳамиша эрга чин ҳамкор бўлур,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Аҳли дилнинг суҳбатидин кўнглига тушмиш зиё,
Кўп улуғ ишларга ҳар дам бош бўлиб этмиш адо,
Ҳиммату ҳикматлари афсонадур аҳбоб аро,
Розидур аҳли ҳунар ҳам ҳаққига айлар дуо,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Яхшиларнинг умри ўтгай элга чин эҳсон бўлиб
Ким, Илоҳнинг изни бирла эзгу бир имкон бўлиб,
Ҳар қадамда гулга чўмган яшнаган бўстон бўлиб,
Дил тубида гоҳи ғамлар, гоҳида шодмон бўлиб,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Олиму фозил ҳамиша меҳмон эрди хонида,
Ғофир устоз, Собир Абдулло ижод майдонида,
Жўраҳон қилган нидолар ёрининг ҳижронида,

¹ Иброҳим Довудов – ўтган асрнинг 60-йилларида Марғилонда яшаб ўтган машҳур ҳунарманд, тадбиркор.

Болта ҳофиз бирла Маъмуржон дилин туғёнида,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

Васли ёри азми дилдир, пок руҳи файзиёб,
Ўзлигин топмоқ йўлида айлаган ҳар дам шитоб,
Ҳам терибдур бу ҳаётнинг ҳикматидан дурри ноб,
Ноласиз ўтган дами-чун дилда минг-минг изтироб,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб,

Аҳли дил зотлардан элга ҳар гўша обод қолур,
Халқига доим мададкор кўҳкан Фарҳод қолур,
Элу юрт корига ҳар дам шай турар зурёд қолур,
Неъматуллоҳдек¹ жаҳон илмида чин устод қолур,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб,

Ким садоқат бирла дилни айлар ишқин махзани,
Ўчмагай ҳаргиз кўнгилда чин муҳаббат гулхани,
Аллоҳ этгайдир мукаррам хоксор ҳар бандани,
Ушбу кун рағбат этар юрт гул хунарманд устани,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб,

Рўзи маҳшарда, Худоё, этмагил хору хароб,
Биз гуноҳкор бандалармиз, дилда сўнгсиз изтироб,
Аҳли ожизмиз, жамолинг оташида печу тоб,
Хаста дилларга саодат бергучи, эй, офтоб,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб,

Лаҳзаи раҳмат эди бу сўзни иншо айладим,
Сен ўзинг берган нафас бирла уни жо айладим,
Ёд этиб, Маҳмуд, бу дам қаддимни чун ё айладим,
Сен назар қилган кўнгиллар шарҳин ифшо айладим,
Ўтди Иброҳим Довудов дарди дил сўзон бўлиб,
Бу ёруғ кунларга етмоқ кўнглида армон бўлиб.

¹ Академик Неъматуллоҳ Иброҳимов.

Базм аро айшини сурган шоду хандонлар қани?
 Очилиб гул-гул сочилган лаълу маржонлар қани?
 Йиғламай кулгида ўтган дўсти нодонлар қани?
 Тўрт кунлик ўтгучи ул даври давронлар қани?
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Ўтди нафсин илгида ул элга даркор бўлмайин,
 Мискину муҳтож кишига зарра ғамхор бўлмайин,
 Халқ учун азм айламай ҳам унга ҳамкор бўлмайин,
 Норасолар бирла ҳамдам, ҳаққа ҳеч ёр бўлмайин,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Ўз борар жойига лойиқ бир иморат этмади,
 Тиз чўкиб бир кунда беш бор ҳам иродат этмади,
 Тоза ният бирла дилни ҳеч ҳидоят этмади,
 Тўғри йўлга ўзни шайлаб ҳеч ибодат этмади,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Ота-онадан йироқда олмади бир бор хабар,
 Парча нонни қўлларига тутмади шому саҳар,
 Олмади ҳаргиз дуосин, деб улар бир муштипар,
 Ушбу савдодан кўнгил дер: алҳазар, ё алҳазар,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Дўстига бир дўст янглиғ боқмади кўнгил билан,
 Умрида бир бора суҳбат қурмади бедил билан,
 Қилмади бир яхшиликни мол билан ё тил билан,
 Ўтди умри оқибат ҳам тан қоришди гил билан,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Ҳар киши вақти соатда охири бир кун кетар,
 Қилмиши айлаб асиру бенаво тутқун этар,
 Сўнгги манзилига бир кун, шубҳасиз, албат етар,
 Ҳам азал котиблари қилмишларин қўймай битар,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Давр аро даврон сурибон қанча мардон бўлди хок,
 Кўкни ўпган, кўзни олган қасру айвон бўлди хок,
 Кўз сузиб ҳам қош чимирган моҳитобон бўлди хок,
 Нафсига қул сўнгги дамда кўнгли вайрон бўлди хок,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Кўзни оч, Маҳмуд, жаҳонда яхши бир ном топмадинг,
 Бўлгали ибрат ҳаётда яхши бир ком топмадинг,
 Бодаи ишқи-ла лим-лим яхши бир жом топмадинг,
 Қилмишингдан арзигули яхши пайғом топмадинг,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

Эй Худо, осий гуноҳкорларни раҳмат айлагил,
 Жумла мўминлар қатори қулга шафқат айлагил,
 Ўз ҳабибинг ул Расул Акрамга уммат айлагил,
 Марҳамат этгил, умидворларга ҳиммат айлагил,
 Юмди кўз энди тириклик берган имконлар қани?
 Дил аро гавҳар мисоли нури иймонлар қани?

* * *

Тилаб Ҳақдан бу дам ирфон Навоийдан зиё топдим,
 Муҳаббат ичраким гирён Навоийдан зиё топдим,
 Ғазал бўстонида Султон – Навоийдан зиё топдим,
 Этиб руҳга сўзин дармон, Навоийдан зиё топдим,
 Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
 Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Бу олам ичра гар боқсам, Навоийдек даҳо йўқдир,
 Бу ганжи бебаҳо ичра анингдек бебаҳо йўқдир,
 Муҳаббат олами ичра анингдек жон фидо йўқдир,
 Навосоз эл аро тузган анингдек хушнаво йўқдир,
 Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
 Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Ажиб жонсўз нафасдир ул то маҳшар назмида ҳайрат,
 Руҳафзо сўз сабоғида мисоли ул Масиҳ хислат,
 Анинг сиррини уқмакка топиш-чун дилда чин рағбат,

Олиб илҳақ дилимга мен ҳамиша руҳ ила қудрат,
Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Азалдан ўзлигимдир ул – кўнгилга чин эрур дармон,
Мунаввар юзлигимдир ул – мақоми ҳазрати Инсон,
Музаффар сўзлигимдир ул – очилгай ҳикмати ҳар он,
Кўнгил поклаш учун дилга эрур бул ҳам улуғ имкон,
Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Этур Ҳақ аввалу охир суюкли бандасин икром,
Дилини пок этиб ишқин майига айлабон бир жом,
Амонат ҳар қадам, эй дил, ғанимат ҳар нафас айём,
Муборак ҳусни ҳолини дилимга мен этиб чин ком,
Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Ўзи жон ичрадир жонон, ул осмон ичрадир осмон,
У бўстон ичрадир бўстон, у хушхон ичрадир хушхон,
Ўтибким неча юз йил қадри сўзин инмагай поён,
Боқинг, ишқ ичра ул Сарбон, тополмас ул каби даврон,
Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Этиб ёринг ёдин, эй дил, ўзингни Ўзи бирлан тут,
Ичингда сайрагай Ҳудҳуд, тилаб сенга фароғат, қут,
Навоийни ўқиб бедор дилингни айлагил ёқут,
Ки ҳар сатри аро, Маҳмуд, Навоийдан фасоҳат кут,
Мукаррам айлаган Раҳмон: Навоийдан зиё топдим,
Кўнгилга жойлабон ҳар он Навоийдан зиё топдим.

Мусаббашлар

Тақдири ишқ ичра дил ҳар дамда пайкон ахтарур,
 Руҳга қувват бўлгучи бир ишқи сўзон ахтарур,
 Васлига етмак умиди бирла майдон ахтарур,
 Ҳам ризои ишқ аро жонига ким жон ахтарур,
 Рози дил этгучи Ул Кун ёри мардон ахтарур,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Ёр файзи ҳар кўнгилга завқу шавқин тўлдирур,
 Ишқ сеҳри бирла ошиқ ришта янглиғ эврилур,
 Ёр акси жоми ичра айлағай ул дам зухур,
 Мубталолар сийратидан руҳ азал огоҳ эрур,
 Азми Ҳақ бирла кўнгилни соз этган майдурур,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Ёр ҳажри ичра жондан бўлди ишқ аҳли сиво,
 Тақдири ҳикмат ароким васлидан бўлди жудо,
 Шул сабабдир, дард аҳлига азалдан ошно,
 Бу синоат то қиёмат руҳига бўлғай ғизо,
 Беҳабарлар ичраким ул кўрмади ҳаргиз вафо,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Васлига етмак азалдан асли ошиқ комидир,
 Бергучи ҳар дилга ҳикмат Ҳақ, Расул пайғомидир,
 Қурбият этгучи ҳосил пок ишқин жомидир,
 Нафси аммор иштибоҳи ул лаъиннинг домидир,
 Созлағувчи дилни ёра ишқининг айёмидир,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Яссавий, Румий, Навоийдан келур ўтлуғ садо,
 Ҳазрати Бобуру Машраб қалбидан янгроқ нидо,
 Огаҳий, Сўфий, Ҳувайдо фикратида илтижо,
 Ул Ҳазиний, Эркину Абдулладанким иқтидо,
 Ҳақ каломи ичрадир ишқ ибтидою интиҳо,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Ёр ҳажри ичра хуммор бўлгай ошиқ ҳар замон,
 Туну кун дардида бедор эврилур руҳи равон,
 Ҳасрату ғамдан букилган жисм аро озурда жон,
 Ишқин изҳор айламакка топмай имкон нотавон,
 Ишқ аро дийдорин истаб сарв қаддидир камон,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Ҳажри ичра Жўрахон соз бирла чекди изтироб,
 Қилди Маъмуржон бағирни суврати узра кабоб,
 Чарх урди ишқ аро Юнус Ражаб ҳам биссавоб,
 Бўлди Комилжон фироқи ичра ҳардам печу тоб,
 Ёр деб ўтди Таваккал ҳажрида зор, дилхароб,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Истаса ҳар ким зиёсин, кўнгли вайрондан топар,
 Шахт ила руҳи мунаввар чашми гирёндан топар,
 Аҳд ила Ёрин жилосин завқи тўфондан топар,
 Ломакон ичра маконин фазли ризвондан топар,
 Бандалик бирла висолин шавқи Султондан топар,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

Қулни ҳам парвонаи шамъи жамолдан айлагил,
 Ҳам садоқат ичра Маҳмуд аҳли ҳолдан айлагил,
 Маъсиятдан қочган ул аҳли ҳалолдан айлагил,
 Шавқ аро ишқ ичра хос аҳли камолдан айлагил,
 Ул Кунӣ айлаб назар аҳли висолдан айлагил,
 Дард аҳликим азалдан жонга дармон ахтарур,
 Икки оламда муҳаббат ичра жонон ахтарур.

* * *

Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Яхши юрт, яхши иморат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Халқ аро яхши мақомат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ишқ аро яхши саодат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Туну кун яхши ҳимоят ичрасиз, шукрин қилинг,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳар қадам, ҳардам синоат ичрасиз, шукрин қилинг.

Юртсевар, меҳнатсевар ҳар дамда очгайдир жамол,
 Ҳам садоқат ичраким гулзорда кўрсатгай камол,
 Ўтиқод, меҳру муҳаббат ичра топгайдир висол,
 Фикру ўйи, тийнатида доимо эзгу хаёл,
 Шул сабабдан ҳар қачон ҳар ерда ҳеч топмас завол,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Бўлса ким халқ ичра ҳардам анга ҳиммат ёр эрур,
 Ушбу нотинч олам ичра анга ҳикмат ёр эрур,
 Ҳеч адашмас мақсадидан яхши одат ёр эрур,
 Қилса ҳар иш ортиданким анга роҳат ёр эрур,
 Бу ишида ҳар қачон ҳифзу ҳимоят ёр эрур,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Оқилу доно киши наслини барбод айламас,
 Маъсият ишлар қилиб тангрини ношод айламас,
 Бас, ғанимлар бирлаким ҳеч азми бедод айламас,
 Ўзгалар-ла иш залолат ичра бунёд айламас,
 Ул ёмонликлар билан ҳам ўзни мўътод айламас,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Қочса ким эл-юрт ишидан, топмагай ҳаргиз вафо,
 Ким бўлиб душман билан ул, қилса ҳар ишда низо,
 Халқу миллат олдида ул ер чизиб бўлгай изо,
 Бас, униб ҳам ўсмагайким, охири бўлгай гадо,
 Икки оламким анга Ҳақдан муқаррардир жазо,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Халқу юрт шавқи ила ўсгай ўғил ўғлон бўлиб,
 Айлагай обод Ватанни, анга чин қалқон бўлиб,
 Кеча-кундуз ухламай сергак турар посбон бўлиб,
 Мисли Фарҳод эл ишига ҳар қачон дармон бўлиб,
 Қўл урар ишга ҳамиша марди ул майдон бўлиб,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Сиз Темурий ҳам Бухорий, Термизий авлодисиз,
 Марғилоний ҳам Навоий, Огаҳий зурёдисиз,
 Беҳбуду Чўлпону Усмон, Қодирий фарёдисиз,
 Мустақиллик ичра бу дам Сиз аларни ёдисиз,
 Бўлғуси не-не буюклар руҳининг имдодисиз,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Ул буюк Мирзо Улуғбеклар боқур осмон аро,
 Ҳамда Хоразмий нигоҳи биздадир мисли зиё,
 Бўлди Фарғоний яқин бизга, ҳамиша дилда жо,
 Паҳлавон Маҳмуд шижоат ичраким айлар дуо,
 Сиз буюк ақлу тафаккур ичрасиз, берган Худо,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Ҳар замон иймону имкон қувватидир бу макон,
 Қайси юртдан кам эрур андозаси, элга аён,
 Ботину зоҳиригаким тан берур рўйи жаҳон,
 Сийрату сувратлари мозийда ҳам ҳозир равон,
 Ўзбекистон, нурли бўстон, сенга бахшида бу жон,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Шукрини айланг ҳаётнинг, ношукурлик қилмангиз,
 Ношукурлик бирла бас, сиз, бағрингизни тилмангиз,
 Бориға айлаб қаноат, йўғига интилмангиз,
 Нафсу шайтон макри-ла сиз ўзга ерга елмангиз,
 Ўзни сиз ўзга насаблар ичра хор деб билмангиз,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Ҳур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Баски, сабр этганга Аллоҳ бергай ўн чандон қилиб,
 Этмаса гар сабр топмас туну кун юз интилиб,
 Сабрсизлик бирла, эй кас, юрмагил ҳар ён елиб,
 Бебаракот ўтди қанча умринг ўтда қоврилиб,
 Одамийлар эл ишига бўлди бош ҳардам кулиб,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Бўлса измингизда гар он, сиз онинг огоҳисиз,
 Айланур кўнглида қай қон, сиз онинг огоҳисиз,
 Қай тасарруф ичраким жон, сиз онинг огоҳисиз,
 Топганингиз қайси хирмон, сиз онинг огоҳисиз,
 Турганингиз қайси майдон, сиз онинг огоҳисиз,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

Ўзбекистон ўз уйингиз олам ичра бебаҳо,
 Ҳақ назар этган бу юртдир, билсангиз, олам аро,
 Муҳтарам Юртбошимиз одил, мукаррам раҳнамо,
 Юрт эрур бизга муқаддас, ибтидою интиҳо,
 Арзигаёй ҳар қанча бўлсак пойида биз, Маҳмудо,
 Эй ўғил-қиз, яхши ҳолат ичрасиз, шукрин қилинг,
 Хур Ватан ичра фароғат ичрасиз, шукрин қилинг.

* * *

*Дин-диёнат йўлида элу юртимиз тараққиётига
 хизмат қилиб ўтган улуғ зотларга бағишланади.*

Эй Худоё, васфингаким айлабон ҳамду сано,
 Ўтди қанча пок зотлар ишқ аро истаб вафо,
 Бандалик бирла турубон қалбида хавфу ражо,
 Билмайин бир лаҳза ором, дилда чексиз илтижо,
 Дин-диёнат хизматида истабон Ҳақдан ризо,
 Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
 Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Ишқ аро кўп чектилар ранжу аламлар Сен учун,
 Бу кўнгил саҳни аро васлингни излаб туну кун,
 Дарду ҳажринг мушкулида қадларин айлаб нигун,
 Айрилиқ ваҳми ичинда ўтдилар дилда ҳузун,
 Ҳақ Таоло, азмисиз ҳеч бўлмагай ҳеч ким сутун...

Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Бу улуғлар юртимизга бебаҳо неъмат эди,
Илмин осмонида юлдуз, соҳиби ҳикмат эди,
Бандалик бирла кечирган лаҳзаси ғайрат эди,
Зоҳиру ботинда шахдам, баркамол сийрат эди,
Муттақийлик ҳам ибодат бирла кўп ибрат эди,
Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Одамийлик дин-диёнат мулкида айлаб сафар,
Ишқ аро машғул эди чин илм ила шому саҳар,
Дўсти ҳақлар суҳбатидан доимо айлаб хабар,
Элу юрт, шахс оламига шавқ ила ташлаб назар,
Топди ишқ ичра иззат, аҳдида боғлаб камар,
Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Пок ақида илмида эрди улар чин муқтадо,
Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабида бериё,
Бўлибон Қуръону суннат махзанида кўп шужоъ,
Маърифат майдонида ҳўб тарқатиб ҳардам зиё,
Мужтаҳид, фикри улуғлар ичра эрди доимо,
Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Бағрикенглик ичра ҳардам аҳду паймон айлабон,
Халқаро минбарда бирдамликни майдон айлабон,
Фирқабозлик, ихтилофга қарши жавлон айлабон,
Фикри ноқислар ишин ҳар онда вайрон айлабон,
Умрини ўтказдилар хос ўзни мардон айлабон,
Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Чин муҳаббат неъматидан эрдилар кўп файзиёб,
Қилдилар миллатга хизмат ишқинг ичра беҳисоб,
Битди ишқинг матлабида нечалар нурли китоб,
Бу жаҳон саҳни аро ҳам эрдилар олийжаноб,
Илтижою ҳар дуосин айлагил, Ҳақ, мустажоб,
Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Ҳар бири олим, муҳаддис ҳам фақиҳ бир зот эди,
 Лутфидан олиймақомда, тийра диллар шод эди,
 Толиби илму ҳунарга ҳар қачон имдод эди,
 Ушбу дунё ишратидан ҳам бутун озод эди,
 Қалбида Ёрин ризоси, Ҳақ каломи ёд эди,
 Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
 Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Ҳақ Таолога шукурким, юртимиз иймонга кон,
 Сийласин Ҳақ барчамизни, охирин айлаб равон,
 Ушбу беш кунлик омонат ичра ўтгаймиз, аён,
 Муршиди комил эдилар, сийратин билди жаҳон,
 Ҳукми ҳозир Тангрининг, қисматларидир имтиҳон,
 Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
 Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Жон қуши учгай абад манзил сари ҳеч бехато,
 Бандамиз, гоҳо йўлиққай, маъсият, саҳву хато,
 Ўтган ул пиру азизларни қилиб ҳардам дуо,
 Гар десанг: кетмай жаҳондан, беамал, юзи қаро,
 Маҳмудо, яхши амални қил ўзингга муддао...
 Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
 Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

Ё, Худоё, ўтган ул зотларни раҳмат айлагил,
 Рўзи маҳшар бизга ҳам бир қатла шафқат айлагил,
 Раҳматингдан бер барот, аҳли саодат айлагил,
 Ул азизлар жойини фирдавсу жаннат айлагил,
 Васлингга айлаб мушарраф, ёри Аҳмад айлагил,
 Мағфират этгил аларни Сен, баҳаққи Мустафо,
 Раҳматингга қил сазовор, ё Илоҳо Роббано!

* * *

Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар,
 Кўнгилга нур таратгайдир саҳиҳ бўлган ҳикоятлар,
 Кимиким аҳли ошиқдир анга қилгай итоатлар,
 Ажабмаским, насиб этса У Кун ажру ижобатлар,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Бино айлабдурур Тангрим ки бизни аҳли иймонда,
 Муккарам айлағай ҳардам бу олам ичра имконда,
 Муҳаббат нуруни дилга этиб жо шавқи жононда,
 Умидни узмайин ҳардам тутармиз дилни ирфонда,
 Билайлик неъмати қадрин У Кун қолмай пушаймонда,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Муқаддас Ҳақ каломидан эрур маъносиким ноёб,
 Улуғ ҳикмат эрур жоким зиҳи шарҳидаким камёб,
 Олиб баҳра неча зотлар дилини айлағайким тоб,
 Ки маънолар ичинда ул эрур ҳар сатри дурри ноб,
 Низоми Ҳақда бўлса ким эрур ҳардамки ул аҳбоб,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Худонинг амри-ла ҳар бир киши бўлғай ҳидоятда,
 Амал бирла топар ажрин ики олам саодатда,
 Каломи Ҳақ, Расулуллоҳ сифотин қилса одатда,
 Ҳамиша фарзу суннатга амал қилса итоатда,
 Муҳаммад Мустафо хайри билан бўлғай шафоатда,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Ҳақиқат сийрати ҳардам ёруғ дилларга марҳамдир,
 Муборак онамиз Ойша битиги ичра нур жамдир,
 Бухорий, Термизий, Мотрудий сатри бекамдир,
 Ки Аҳмад Ҳанбалу Муслим, Абу Довуди малҳамдир,
 Имом Ҳокиму Байҳақий сўзи дилларда ҳардамдир,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Киши кўз очдиму, шаксиз, топар аъмол ғизо бирла,
 Ота-она, улуғлардан қилинган ул дуо бирла,
 Ки оят ҳам ҳадислардан таралган нур зиё бирла,
 Ки Ҳақ васлига етмаклик йўлида муддао бирла,
 Муҳаммад Мустафога чин қилинган иқтидо бирла,
 Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
 Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

Имону эътиқод бирла киши ҳардам топар қувват,
 Сен, эй Маҳмуд, ҳамиша Ҳақ ризосин изла, топ журъат,
 Муножот айлагил тун-кун Яратганга сўраб вуслат,

Ки суйган бандасига Ҳақ ато айлар Ўзи қудрат,
Бутун борлиқ аро мангу Ўзига хос эрур нусрат,
Ғизо дилга улуғлардан етиб келган ривоятлар,
Расулуллоҳ сифотидан ки Ҳақ берган иноятлар.

* * *

Эй ўғил-кизлар, улуғлар руҳини ёд айлангиз,
Вақтида айлаб хабар сиз хотирин шод айлангиз,
Ким дуо бирлан улар руҳига имдод айлангиз,
Бу мурувват бирла бедор элни дилшод айлангиз,
Барҳаёт ҳар бир сўзин сиз дилга иршод айлангиз,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу мукаррамлик-ла дилни ҳар дам обод айлангиз.

Бу улуғ зотлар Ватанни боғу гулзор айлади,
Ҳар қадамни меҳнати бирла чаманзор айлади,
Ўзни ҳақ ишда тутиб хуршиди рухсор айлади,
Келса вақти юрт учун тун-кунни бедор айлади,
Келгуси порлоқ ҳаёт-чун жонни ийсор айлади,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу мукаррамлик-ла дилни ҳар дам обод айлангиз.

Эзгу ишларга ҳамиша турдилар дармон бўлиб,
Миллату виждонга ҳар дам покиза иймон бўлиб,
Ёвга кўксин тутди кўрқмай паҳлавон, қалқон бўлиб,
Ҳар қадам, ҳар жабҳада ул Ҳазрати инсон бўлиб,
Пойига бошни тутингиз, қолмасин армон бўлиб,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу мукаррамлик-ла дилни ҳар дам обод айлангиз.

Яшнагайдир боғу бўстон аҳли дил, иймон билан,
Оқибатли дўсту ёрон ҳам тили хушхон билан,
Ота-она, пиру устоз хуршиди тобон билан,
Аҳдига содиқ вафодор довюрак мардон билан,
Юртсевар, одил, карамли раҳнамо сарбон билан,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу мукаррамлик-ла дилни ҳар дам обод айлангиз.

Юксалур ҳар ишда миллат эл аро қудрат топиб,
Барҳаёт, сўнмас шижоат бирла тез суръат топиб,
Янги эзгу ғояларга юз тутиб, журъат топиб,
Ҳам амал аҳлига бирдай сийрату суврат топиб,

Оқилу доно сўзидан ҳар қачон ибрат топиб,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу муқаррамлик-ла дилни ҳардам обод айлангиз.

Ҳар кўнгил устозу пирлар дастида топгай камол,
Қўллагай бу ишда Тангрим ҳам Ҳабиби Зулжалол,
Ҳақ ишида бўлса қай дил оқибат очгай жамол,
Айланур улкан чинорга бўлса ҳам бир ёш ниҳол,
Нур сочиб тургай бошида туну кун шамсуҳилол,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу муқаррамлик-ла дилни ҳардам обод айлангиз.

Хотира, қадру мурувват файзидир икки жаҳон,
Айласа беҳад савоби ошкоро ё ниҳон,
Қилса ким бу ишни чиндан ҳар қачон топгай омон,
Лутфу эҳсон бирла ҳар дил ўзлигин қилгай аён,
Маҳмудо, ўткинчи дунё ичра бу бир имтиҳон,
Фаҳр этиб ҳар бирларидан қадни шамшод айлангиз,
Бу муқаррамлик-ла дилни ҳардам обод айлангиз.

* * *

Олам аҳлин, эй Худо, кулли балодан асрагил,
Нафсу шайтон қутқуси шарру риёдан асрагил,
Фитнаю бўҳтон, адоват, норасодан асрагил,
Беамал, бетухфа ул бемуддаодан асрагил,
Ҳақ йўлида юрмаган ҳар беҳаёдан асрагил,
Ногаҳон келган бу ғам-жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, кулли балодан асрагил.

Келди олам ичра бу ғам кутмаган офат бўлиб,
Жумлаи борлиқда ҳеч ким кўрмаган кулфат бўлиб,
Ҳар соат, ҳар ерда ул бўй кўрсатар даҳшат бўлиб.
Топмайин бир чора одам ғамлари қат-қат бўлиб,
Солди чанг ёшу қарига беадоқ ғурбат бўлиб,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Билмайин ғафлатда қолдик келди қайдан бу бало,
Чора излаб қанча жонлар айлагай оҳу нидо,
Илтижомиз сенга, Тангрим, айлагил тезроқ даво,
Бергучи Сенсан шифосин истасанг, қодир Худо,
Биз гуноҳкор бандалармиз қил афу, олампано.

Ногаҳон келган бу ғам-жабру жафодан асрагил.
Олам аҳлин, эй Худо ҳар хил балодан асрагил.

Ҳаддин ошдими гуноҳлар билмайин қолдик бу дам.
Қўймадик тавба-тазарру бирла Ҳақ сори қадам.
Билмайин қўрқув надир ҳам чекмайин дилда надам.
Шод ўтар ҳар лаҳзамиз ҳам келмагай деб ғам-алам,
Ҳолимиз беҳад ёмондир, этмасанг гар Сен карам,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Қилмайин неъматга шукринг журму исён айладик,
Нафсу шайтон комида дилларни вайрон айладик,
Норасо йўлдан юриб гоҳ ўзни сарсон айладик,
Луқмани покиза тутмай наҳси туғён айладик,
Билмагаймиз, қай қуни муҳтожга эҳсон айладик,
Ногаҳон келган бу ғам жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Бул жазоингдирму, Тангрим, бандалар яғмосига,
Нафсу шайтон измида юрган одам савдосига,
Билдириб қўйдингми ўзни бевафо дунёсига,
Тоату тақво, диёнат келмаган парвосига,
Ногаҳон келган бу ғам-жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Бандаларга айладинг-чун қудратингдан бир нишон,
Бурмагач Ҳаққа юзин, босди Нух қавмин тўфон,
Ютди ер Лут қавмидан ҳам қолмади бир жон омон,
Чун Самуд қавмини тутди зилзила, чақмоқ чунон,
Бўлди ибрат бизга тарих саҳнида ҳар имтиҳон,
Беадад тавба-тазарру айлагаймиз бу замон,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Дину иймон йўлларин тутмадик, сенга аён,
Ота-онага тамаъсиз тутмадик бир бурда нон,
Айладик нодонни маҳрам, қаддимиз айлаб камон,
Қолдириб қилма риёлар ичра расвои жаҳон,
Сен Афу эт фазл ила ҳам айлагил журмим ниҳон,
Икки олам ичра Сенсан, эй Худоё, соябон,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, Эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Уммати Сарвар дилини Сен чароғон айлагил,
Ҳақ йўлин тутган улус умрин фаровон айлагил,
Барчанинг дардига раҳминг бирла дармон айлагил,
Олам ичра бу зарар офатни яксон айлагил,
Илтижомиз Сенга чексиз, бизни ғуфрон айлагил,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Қилдинг ибрат раҳнамомиз ишларин олам аро,
Кеча-кундуз элу юрт деб айлағай ўзни фидо,
Бир тану бир жон бўлиб эл ҳаққиға айлар дуо,
Кўрганинг-чун бизга шундай бир улуғ зотни раво,
Беадад шукрингда бўлғаймиз туну кун, Роббано,
Ногаҳон келган бу ғам – жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Роббано, Сен юртимизни ҳусни ҳолат айлагил.
Раҳнамомиз бирла элни соғ-саломат айлагил,
Файзу икромингни бизга чун зиёдат айлагил,
Тинчлигу шавкат билан аҳли барокат айлагил,
Қудратинг-ла барчани аҳли саодат айлагил,
Ногаҳон келган бу ғам-жабру жафодан асрагил,
Олам аҳлин, эй Худо, ҳар хил балодан асрагил.

Муслиман

Худоё, байтинг бул кун ибодат этгали келдик,
 Қарору азму шахд ичра иродат этгали келдик,
 Тутиб тақво йўлин дилда зиёрат этгали келдик,
 Отиб иблисга тошларни маломат этгали келдик,
 Этиб фарзини мўминнинг итоат этгали келдик,
 Вужуду руҳни хур айлаб, саломат этгали келдик,
 Кўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
 Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Ҳабибинг ҳурматин айлаб, этиб бизларниким аъло,
 Муборак равзаларга йўл очиб бердинг, Худовандо,
 Тавофга чин қадам қўйдик, нажот сендан, бихамдиллоҳ,
 Шафоат истагай диллар, Ўзингсан Холиқи якто
 Ки, маҳшарда қатори ҳўб дегаймикин, Росулulloҳ,
 Умид бирла хижолатда турурмиз дилга шавқи жо,
 Кўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
 Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Сенинг амринг эрур мақбул, синов ичра турар бу жон,
 Кўнгил ишқида тутмоқлик мўминларга эрур дармон,
 Сенга дермиз муножот-ла, Ўзинг қил барчасин осон,
 Муқаддас бу иноятдан кўнгилни айлабон бўстон,
 Ижобат бўлғусин истаб дуолар ичра дил хушхон,
 Мукаррам Каъбатуллоҳга эрурмиз барчамиз меҳмон,
 Кўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
 Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Кийиб эҳром, гуноҳларга тазарру айлабон бул дам,
 Қўйиб хавфу ражо ичра муборак Маккага мақдам,
 Ўқиб оятларинг, зикринг кўнгилга биз этиб малҳам,
 Бихамдиллоҳ, қилиб шукринг, бўлиб кўзлар бу кун пурнам,

Тазарру айлабон такрор, дебон тоатни қилдик кам,
Биз осий бандалардирмиз, афу эт, айлагил, Маҳрам,
Қўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Дую зикру истиғфор била бул дам Арофатда,
Намозу амру маъруф-ла қўнгил йиғлаб саловатда,
Тошиб нашъу намо беҳад Ўзингга чин тиловатда,
Териб тош Муздалифдан қасд этиб шайтонга лаънатда,
Тонг отгунча очиқ ерда турибмиз дил ибодатда,
Қилиб ҳар аҳдини ҳар мўмин битилгандек рисолатда,
Қўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Чиқиб Минога тош отмоқ ул иблисга, ҳидоятдир,
Этиб беҳол ани дилдан йўқотмоқ чин шарофатдир,
Бўлиб жамъ аҳли суннатлар жиҳоди чин шафоатдир,
Ғанимга юзма-юз турмоқ, билинглари, ушбу соатдир,
Улуғ ажру савобларга бу ҳам чўнг бир далолатдир,
Сенинг амрингни этмаклик мўминга чин саодатдир,
Қўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Хушӯ бирла ружӯ ичра қўнгилни айлабон гулзор,
Дую ҳам муножотда талабгори бўлиб рухсор,
Тутиб юз Каъбатуллоҳга, қилиб биз жонимиз ийсор,
Ўзингга иқтидо айлаб, кезиб гирдида етти бор,
Тавофни сен учун айлаб, висолингга бўлиб хуммор,
Неки дилда тилак-мақсад Ўзингга айлабон изҳор,
Қўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

Қаердансиз десангиз гар, дегайман Ўзбекистондан,
Бухорийу Замахшар, Термизий ўсган гулистондан,
Навоий ҳамда Фарғоний кўз очган ул дурахшондан,
Қи Шоший, Марғилонийлар туғилган марди майдондан,
Ўзинг, Роббим, назар қилган бу дунё ичра ризвондан,
Ики олам ризойингга умидвор аҳли иймондан,
Қўнгилларни сенга боғлаб, риёзат этгали келдик,
Тутиб ўзни садоқатда муҳаббат этгали келдик.

М у т а с с а ъ

Наът

Беадад шукрингдадирмиз, ё Илоҳо, Раббано,
Жумла олам айлагайдирмиз Сенга ҳамду сано,
Неча пайғамбар азимни бизга этдинг раҳнамо
Ҳар бирин ўз даврида ўз қавмига этдинг зиё,
Ҳақ йўлида икки олам Сарварин этдинг ато,
Барча пайғамбар имоми, саййиди – дўсти Худо,
Эй саодат элчиси, эй кўзимизга тўтиё,
Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Бу ёруғ оламга Сиз ҳикмат бўлиб, хуш келдингиз,
То қиёмат динга Сиз ҳурмат бўлиб, хуш келдингиз,
Ҳақ таоло азми-ла нусрат бўлиб, хуш келдингиз,
Барча олам аҳлига неъмат бўлиб, хуш келдингиз,
Сийрату сувратда Сиз ибрат бўлиб, хуш келдингиз,
Жумлаи оламга Сиз роҳмат бўлиб хуш келдингиз
Ҳусни хулқингиз биза суннат бўлиб хуш келдингиз
Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Неча пайғамбар – набийлар ўтдилар бедор бўлиб,
Ҳам рисолат хизматида тун ва кун тайёр бўлиб,
Ҳақ ишига сидқидилдан ҳиммати бисёр бўлиб,
Сизга умматликни ўйлаб, кўнглида гулзор бўлиб,
Ҳақ таоло қудрати бирла азиз дилдор бўлиб,
Чикдингиз Ҳақ суҳбатига сиз ширин гуфтор бўлиб,
Кутдилар барча набийлар мухлиси дийдор бўлиб,
Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Ҳақ Расули бўлдингиз, ҳақ йўлда Сиз охир замон,
 То қиёмат суннатингиз бизгадир роҳи равон,
 Сизга уммат бўлса ким, охирда ҳам топгай амон,
 Бу саодат даъвати бахш айлағай ҳар дилга жон,
 Жумлаи мўминга бу Ҳақ ҳикмати кундай аён,
 Бўлди дастури саодат Ҳақ каломи бегумон,
 Икки олам раҳматингиз бошимизга соябон,
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Сиз сабаб олам яралди, йўқ эди арзу само,
 Ҳақ мукаррам этди Сизни – ибтидо-ю интиҳо,
 Ҳақ йўлида Сиз учун бор жонимиз бўлсин фидо,
 Руҳимизга тоабод бахш этдингиз нури сафо,
 Икки олам тўғри йўлда Сиз ўзингиз раҳнамо,
 Сиз шарафлики Мукаррам Макка бўлди, Батҳо,
 Нури ҳақ бирла кўнгиллар Сизга этгай иқтидо,
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Оқил инсон Ҳақ каломин доимо ёд айлағай,
 Ҳақ йўлида икки дунёсини обод айлағай,
 Нафсу шайтон макридан кўнглини озод айлағай,
 Бу саодат бирла ул дилларга имдод айлағай,
 Ҳақ, Расули зикри-ла доим дилин шод айлағай,
 Ҳақ ризоси бирлаким кўнглини иршод айлағай,
 Дину иймон нури-ла покиза зурёд айлағай,
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Ҳеч муносиб бўлмадик биз, Сизгаким, эй Офтоб,
 Нафс деб ғафлатда ўтдик топмайин ҳеч бир савоб,
 Беамал, бетуҳфамиз, бас, айбу нуқсон беҳисоб,
 Юз қароликда бу кун, ваҳ, кўнглимиз бўлди хароб,
 Раҳмати ҳақдан умидвор кул эрурмиз дил кабоб,
 Хавфу ражо ичра дуомиз айлагин Ҳақ мустажоб,
 Ул Куни бизни шафоат айлангиз, рўзи ҳисоб,
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Марҳабо, хуш келдингиз, эй икки олам сарвари,
 Сизни эъзоз айлағайдир умматингиз ёш-қари,
 Ҳақ таолодан келур меҳру муҳаббатлар бари,
 Интилур мўмин-мусулмонлар ҳамиша Сиз сари,
 Кўрмаган Сиздек набийни ушбу олам илгари,
 Беадад биздан саловот Сизга эй, дил гавҳари,
 Бўлди Ясриб мақдамингиздан абад ишқ мазҳари,
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Э Худоё, уммати Аҳмадни раҳмат айлагил,
 Биз гуноҳкор қулларинг аҳли шафоат айлагил,
 Ул Куни – рўзи жазода бизга нусрат айлагил,
 Ул Муҳаммад ҳурматидан аҳли жаннат айлагил,
 Қудрату азминг билан васли саодат айлагил,
 Хотами муҳри набийлар ҳаққи ҳиммат айлагил,
 Ул Амин аъло ҳақи умматга шафқат айлагил
 Марҳабо, хуш келдингиз, эй Ҳақ Расули, марҳабо,
 Раҳматан лил-оламин бўлган Ҳабиби, Мустафо.

Ғ а с и д а

РАМАЗОН

Хуш келибсиз қалбимизга, нур бўлиб, меҳмон бўлиб,
Биз гуноҳкор бандаларга раҳмату иймон бўлиб.

Беадад қуллуқ билан бошим эгилгай ер қадар,
Бўй бериб бул кун дилимга жаннати райҳон бўлиб.

Ташрифингизга тасаддуқ, жонимиз бўлсин фидо,
Ким назар этмоқ учун келгаймисиз дармон бўлиб.

Нотавонлик дастида дил, маъсиятдан юз қаро,
Мен умид Ҳақдан қилурмен сиз бу кун имкон бўлиб.

Ушбу айёмким саодат ҳам ҳидоят чашмаси,
Бўлди нозил Ҳақ каломи мўътабар «Қуръон» бўлиб.

Мағфират этгай, Илоҳдан сўрса гар тавба билан
Ки, бу айём ҳурматидан мушкули осон бўлиб.

Ул малоиклар фақат яхши амалларни ёзур,
Дил шукуҳ-ла юксалур ҳар гўшаси бўстон бўлиб.

Жин-шайотин ушбу ойда хору занжирбанд ётур.
Очилур жаннат эшиги Тангридан фармон бўлиб.

Нени сўрса Тангри бергай, тавбасин этгай қабул,
Айтса истиғфор, келурким мағфират уммон бўлиб.

Ҳар амал ўзи учундир, Рўзаси мен-чун дея,
Марҳамат этди Худойим, бандага султон бўлиб.

Тутса ҳар ким бериё гар, ажрини бергай ўзи,
Ким аён Ўзига, шаксиз, жонлар ичра жон бўлиб.

Оҳ, Илоҳнинг раҳмату мағфирати бирла бу ой
Дилга хушуъ бахш этар шоҳистаю хуш он бўлиб.

Топти зийнат хуш бу айём ул закоту фитр ила,
Ҳам саховатпешалар муҳтожга чин комрон бўлиб.

Ҳар ибодат ажри бешак жаннати ризвон эрур,
Рўзадор қилган амаллар ёзилур маржон бўлиб.

Ўтса шоён зикри Аллоҳ бирла Қадр кечаси,
Раҳмати, мағфирати ҳар кимга бепоён бўлиб.

Ушбу ойда хатм этиб Аллоҳ каломин Мустафо,
Уммати осийга жаннат истаган боғбон бўлиб.

Нафси амморага қасддир рўзадан мақсад азал,
Ушбу аҳддан ул лаъин ожизланур нолон бўлиб.

Ул жаҳаннам ўтига ташланди нафским беомон,
Бас, тазарру этти Роббимга, охир бир ён бўлиб.

Нафс балосидан, Худое, асрагил ҳар он ўзинг,
Гар насиб этса не бахт, фазлу карам бурҳон бўлиб.

Барча ҳамду ҳам санолар сангадир, Парвардигор,
Рўзадорларга яқинсан хуршиди тобон бўлиб.

Сабру бардош бирла кимки нафсидан тийди ўзин,
Ўз жамолингга мушарраф этгасен, мезбон бўлиб.

Рўзани тутгай кўнгил хавфу ражо сахросида,
Чун ҳисобда ҳар амал ҳеч қолмагай сарсон бўлиб.

Бу дурудлар ҳам саловат Сизгадир, эй Мустафо,
Умматингиз қадри ортар рўзада осмон бўлиб.

Хуш бу айём сўнгида фарёд чекиб арзу само,
Ҳам тўкар кўз ёш малоиклар хуну гирён бўлиб.

Айрилиқ уммат учун ким чўнг мусибатдир, дея
Тоғу боғлар йиғлагайлар ёшлари афшон бўлиб.

Чун бу ойда ким саодат ичра дил топгай камол,
Сақлагай ҳифзу ҳимоятда ўзи мардон бўлиб.

Чун бу ойда мустажоб эркан дуолар ҳам беадад,
Айламак хайру сахо мақбул нури эҳсон бўлиб.

Тоғу тошлар йиғлаганда биз нечун ёш тўкмайик,
Кетса биздан ушбу айём чин ширин бир он бўлиб.

Бу улуг ҳикматни, Маҳмуд, англагил дилдан букун,
Рўза ичра қолмасин ожиз дилинг нодон бўлиб.

Рўза тутгил, Ҳақ ҳидоят этгай ҳар он, ҳар замон,
Бу улуг кунлар савоби колмасин армон бўлиб.

Туну кун истаб шафоат Ўзига шукрона айт
Ки, ажабмас фазли, сенга келса дастурхон бўлиб.

Хуш келибсиз, қалбимизга нур бўлиб, меҳмон бўлиб,
Биз гуноҳкор бандаларга раҳмату иймон бўлиб.

Рубоилар

Муҳтожман, эй дилбар, мен сенга абад,
Ёдимда ўзингсану ўзингсан, албат.
Кўнглимнинг истаги ҳамиша сенсан,
Сендирсан қалбимда бетакрор ҳайрат.

* * *

Мен қандай кимсага ишондим, ҳайҳот,
Манқуртдай ўзлигин эта олмас ёд.
Мен-ку чидаёлмай ютдим дардимни,
Рухлар тинмай ҳануз чекарлар фарёд

* * *

Мен ишқнинг қудратин ҳис этдим такрор,
Тунлар қирқ тилкалар у қилни бедор.
Қолгандим саҳрода умидсиз ёлғиз,
Бир ҳамроҳ йўллади - навобахш, дилдор.

* * *

Бизлар кеча ёш эдик, бугун зотлармиз,
Маъсум ҳайратларга тамом ётлармиз.
Кўнгилни ҳазинлик чулғаб келмоқда,
Такдирнинг ҳукмидан бесас додлармиз.

* * *

Иблисдир одамзод шаклинда ул кас,
Минг бир хил сувратда намоён сармаст.
Иймони сустларни айлади хароб,
Тинмайди ҳозир ҳам бу йўлда бирпас.

* * *

Бўлсанг ҳам ҳар қанча ширинсўз, дилкаш,
Топтаркан баъзилар дилинг айлаб ғаш.
Дунёнинг қисмати азалдан шулдир,
Қалбингни боғлагил Ўзига яккаш.

* * *

Ағёр, ҳардам ўзинг баландроқ тутгил,
Мендан фитна эмас, адолат кутгил.
Қилмасмен сенга мен ёмонлик асло,
Аллоҳ бор, бил ҳакам, унутма буткул.

Б а р д л а р



Ул Куні Ёринг жамоли кўздаги намдан келур,
Ёр деб тун-куни чеккан бениҳо ғамдан келур.

* * *

Айлагил касби мукаррам ичра юрмак тарзини,
Ҳақ ато этган сенгаким ул саодат фарзини.

* * *

Даҳр аро ўткинчидир, бил, тилдаги ҳою ҳавас,
Бу ҳаваслар икки дунё сенгадир, билгил, қафас.

* * *

То ҳануз булбул фиғонидан батанг ишқ аҳли, боқ,
То ҳануз зоғу заған нафс комидан солгай тузоқ.

* * *

Тун ила кундузни фарқ этгувчилар бисёр чунон,
Кимга Шамс, кимларга зулмат саҳни имкон бегумон.

* * *

Вожаб, қаршимда нодон от суриб тургай ҳамон,
Вожаб, ортимда доно оҳуриб тургай ҳамон.

* * *

Низоми саҳфидан ҳолинг ҳамиша айла тоатда,
Одам авлодига Ҳақдан иноят бор қиёматда.

* * *

Сафо аҳлиниким Тангрим этар доим саодатда,
Азал тақдирида Ҳақдан битилмиш ул башоратда.

* * *

Расулуллоҳ туфайлидан етар жаннатгаким ул дил,
Вафо ичра кўрингайдир бўлиб Ул Кун саломат, бил.

* * *

Итоат бирлаким диллар топар Ёрин ризосини,
Бўлиб вақти ижобатта эшитгай Ҳақ нидосини.

* * *

Омонат ҳар нафас, ҳар жон, тириклик бу ибодатдир,
Ҳидоят ичра ким йўқдир ики умри надоматдир.

* * *

Гуноҳин мағфират этгай тазарру шавқида қай дил,
Анга беҳишт насиб бўлгай этиб Тангрим ҳидоят, бил.

* * *

Қаю юзга назар тушса ики олам нурафшондир,
Саодат гулшанида дилбари хуршиди рахшондир.

* * *

Агар сенга насиб этса гўзал мардона суҳбатни,
Ато айлар сенга Тангрим ики олам саодатни.

* * *

Неки маъкул сенга, ёрим, менга ҳам дурдонадир,
Неки ёқмас сенга, ёрим, менга ҳам бегонадир.

* * *

(Қабристон зиёратидан чиқишда битилган байт)

Ёғоч отда кириб келсам кафан ичра,
Ёруғ юз эт, Худоё, бу чаман ичра.

* * *

Букун тупрокқа айландим чидолмай ҳеч фироғинга,
Ажабмас, тегса гар гардим, қадам қўйсанг аёгинга.

* * *

Ҳамиша етгуси Аллоҳга, билгил, қилган оҳинг,
Агар розидурур волидангу ҳам қиблагоҳинг.

АЙРИМ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ¹

А

Абр (булут) – тасаввуф истилоҳида ортиқча ҳисобланган ҳижоб (парда); у бандалик ва раббонийлик пардасидир; жидду жаҳд билан мушоҳада мақомига етишишга сабаб бўлган ҳижобдир. Шунингдек, нафсоний зулмат афъоллари ва руҳоний малакалардан ҳосил бўлган қалб ҳижоби. Бу ҳижоб – зотий ва асмий тажалли офтобини мушоҳада қилишга монелик қилади.

Абру (қош) – Илоҳий зотни тўсиб турадиган илоҳий сифатлар. Ва вужуд олами бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўладилар. Навоий ёзади:

*Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.*

(«Ғаройиб ус-сиғар», 117, 1)

Авбош – гуноҳу савобнинг ғамини емайдиган киши.

Арш – айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ – кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Арш «нафси кулл» ҳам дейилади. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, тажаллий манбаи, яъни илоҳий қудрат намунаси.

«Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» – булар Аршга қўйилган номлардир. Қалб ўзининг сир-синоати, азамати ва файз мазҳари бўлгани учун Аршга, Каъбага қиёсланади. Навоий ёзади:

*Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.*

(«Ғаройиб ус-сиғар», 339,4)

Асмой ҳусно – Аллоҳу таолонинг гўзал исмлари. Навоий орифона ғазалларида ва «Хамса» дostonларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмой ҳуснони зикр қилади, уларни турли ният ва мақсадларда қўллайди. Асмой ҳусно ҳақида Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «АЛЛОҲнинг

¹ Ушбу талқин ва изоҳларни Сайфиддин Сайфуллоҳ тузган.

гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)» (Аъроф: 180). Ёки (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «АЛЛОҲ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, у Зотнинг гўзал исмлари бордир» («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади.

Ақли кулл – Жаброил алайҳиссалом, нури муҳаммадий, Арши азим ёки тугал ва комил ақл назарда тутилади.

Аҳли дил, аҳли фақр, аҳли ҳол – валийлар; тариқатда ҳол ва мақомларга эришган кишилар.

Б

Бақо – ориф АЛЛОҲга оид ҳақиқатлар билан ўзида мавжуд нарсалардан кечади ва бақобиллоҳ мартабасига эришади. Бу мартабада башарий иродада илоҳий ирода ва сифатлар намоён бўлади.

Бел – сайри сулук пайтида ошиқ ва маъшуқ ўртасида содир бўлиши муҳаққақ бўлган нозик сирлар. Нозик бел – нозик сир ва ҳақиқатлар. Ўртада бошқа пардалар қолмаган пайтда соликнинг борлик, мавжудлик пардаси тушунилади.

Боди сабо – руҳоният машриқидан эсадиган раҳмоний нафас.

Ботин – соликнинг сийрати, руҳи ва ички олами.

Бут – маъшуқ, мақсад ва матлаб; бошқа бир талқинга кўра солик қалбида зоҳир бўлувчи нозик маънолар.

Бутхона – лоҳут илмидан ва аҳадият зотининг мазҳаридан киноя.

Буткада, бутхона, шаробхона, дайру харобот ва маъно олами – зикр ва Ҳақ ошиқларининг мажлислари ҳамда комил орифнинг ботини.

Бўса – руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва давомли муроқаба.

Бўса, канор ва ғамза – соликнинг мақом ва даражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазба.

В

Важд – ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишда туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Хужвирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф) дағи аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.

Важҳ – Ҳақ зотининг файз етказувчилик сифати. Файёз.

Васл – Маъшуқи азал ишқига тамоман ғарқ бўлмоқ; ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари АЛЛОҲ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, деб ишонадилар.

Ваҳдат, ваҳдоният – АЛЛОҲ таолонинг ягоналиги.

Ваҳдат майи – АЛЛОҲнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май, Ҳақ ишқи ва жазбаси.

Вафо – Ҳақнинг азалий инояти ва марҳаматидир.

Висол – ваҳдат мақоми. Тариқат машойхларининг таъкидлашича: «Манозил ул-вусли ло юқтаъу абад ул – абад фил умрил касирид дунявий» (Маъноси: Васл манзилларини абадул-абад дағал дунёвий умрда босиб ўтиб бўлмайди).

Ворид (воридот) – соликнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган равишда қалбда юзага келадиган маъно, илҳом ва файз.

Воҳид – тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмои ҳуснодан бири.

Вужуд – Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш, яъни бутун борлиқ абадийлигини инкор қилиб, Ҳақ вужуди боқийлигини исбот қилмоқдир. Бу зикр пайтида ўзига хос сўз ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Тариқатда буни «нафйи исбот» дейдилар.

Г

Гармий (иссиқлик) – муҳаббат ҳарорати.

Гарди пой – оёқ чанги, ғубори. Сўфийлар ўз жисмларини чангга тенглаштирганлар.

Гесу (ўрилган соч) – соликни талаб йўлида Ҳаққа етказадиган ип-арқон; висол ва боғланишни талаб қилиш йўли, ғайб оламидан иборат бўлган мутлақ жамол ва Ҳақ дийдори.

Гулгун чехра – комил ориф қалбида порловчи мутлақ тажаллий; уйқу ё беҳушликда моддадан ташқарида бўлган тажаллиёт.

Д

Дайр – ориф ва авлиёлар мажлиси; хонақоҳ ва инсоният олами.

Дарвеш – нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Сўфий, девона, қаландар каби аталар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланади. Дарвешлик, тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юк-

сак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир. Яссавий «Фақрнома»сида таъкидлайди: «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйинсуниб, шариат амри билан бўлғай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмағунча, кундуз хизмат қилмағунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур».

Дарвешларга яқинлик – нафсу ҳаводан йироқлашув демак. Дарвешлар суҳбатини тинглаш Ҳақ сирларидан огоҳликдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан: «Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай пайдо бўлади?» – деб сўралганида, «Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳонаху таоло бунӣ дарвешларга ато қиладики, «файннаху янзуру би нуриллаҳи» – «Чунки у (яъни, дарвеш) АЛЛОҲнинг нури орқали боқади», деб жавоб қайтарган эканлар.

Даҳан (оғиз) – махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Калом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, оғиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади.

Дил (қалб) – илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва маҳзани бўлган жой. Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳакимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси.

2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир. Тасаввуфдаги «Дил назаргоҳи Ҳақ» деган таъриф ёки «Мўъминнинг қалби – АЛЛОҲнинг Арши» деган ҳадис, шунингдек, «Ер-осмонга сиғмадим, мўъминнинг қалбига сиғдим», деган ҳадиси қудсийлар инсон қалбининг илоҳийлиги ва имкониятларининг чексизлигидан дарак беради. Бироқ илоҳий таважжуҳ, зикр, фикр ва саодатлар билангина бу қалбнинг сир-синоат ва имкониятлари юзага чиқади. Сўфийлар қалб деганда айнан шу руҳоний латифани назарда тутганлар.

Қалбнинг атвори, табақоти еттитадир: 1. Садр – кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоғи.

2. Қалб – юрак, имон жавҳарининг ўчоғи. 3. Шигоф – халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод – кўнгилнинг мушоҳада маскани. 5. Ҳаббат ул-қалб – Ҳаққа қаратилган муҳаббат макони. 6. Сувайдо – ғайбий мукошафа жойи. 7. Муҳжат ул-қалб – илоҳий нурлар тажаллий қиладиган жой.

Дилбар – орифлар тилида тажаллиёт вақтида кўнгилни файзли ва нурафшон қиладиган нарсага дилбар дейилади.

Дилдор – дилга ором берувчи, кўнгил овловчи, кўнгилли, севгили, маҳбуба, ёр. Тасаввуфда АЛЛОҲ, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ва улуғ зотлардан киноя.

Дўст – АЛЛОҲ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ва муршиди комиллар ва бошқаларга дўст деб мурожаат этилади.

Ж

Жавр – солиқни сулукдан ва сулук мақомларига юксалишдан тўсиб қолиш; қаҳр сифатининг зухур этиши.

Жазба – банда саъй-ҳаракат қилмасдан Аллоҳнинг инояти билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишидир; Аллоҳнинг лутфи билан руҳнинг севинч, сурур ва ғайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздан кечиш ҳоли.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – ошиқнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба – Ҳақнинг ошиқни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у АЛЛОҲ томонидан ато этилади. Солиқда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

Жалол – улуғлик, буюклик, азамат. АЛЛОҲнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари. Маъшуқнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаш. Солиқни «мен»лик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар. Жалол – Ҳақнинг кўз ва назардан пинҳон ҳайбати.

Жамол – ҳусн, гўзаллик; чирой. АЛЛОҲнинг лутфига ва раҳматига сабаб бўлган сифатлари; Ҳақ тажаллийси; жамол – АЛЛОҲнинг марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон ила қилган тажаллийси; жамол – маъшуқ ошиққа ҳожатманд эмаслигини кўрсатиш учун камолиятини зоҳир қилиши.

Жафо – солиқ қалбини маърифат ва мушоҳададан тўсувчи ҳолат; маҳбубнинг бевафолиги.

Жилва – ноз, истиғно, гўзалнинг кўнгилни фатҳ этувчи ҳоли ёхуд чиройли ҳаракатлари. Сулук аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нур. Бу нурдан ошиқларга ошуфталик, телбалик, мастлик кайфияти етади.

Жон – инсон руҳи, раҳмоний нафас ва Ҳақ тажаллиёти. Ва яна воҳидият ва жабарут оламида илоҳий тажаллийдан зоҳир бўлган аъёни собита ва ҳақиқатлар.

Жом – қадаҳ. Орифнинг маърифат бодасига тўла дили ва аҳволи. Баъзилар жом – бадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар. Зотан, комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино аталари ҳам ориф қалбини англатади. Қалб – хумхона, майхона ва майкада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик.

Жоми илоҳий – орифни сармаст қиладиган муқаддас илоҳий тажаллий.

Жоми май – шайхнинг маърифат бодасига тўла қалби ва Ҳақ нурунинг тажаллийси.

Жоми жаҳоннамо – комил инсон ва Ҳақ эранларининг ботини.

Жоми Жам (Жамшид), жоми жаҳоннамо – Жамшид жоми. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Жамшид салтанатининг тараққиёти ва таназзули ҳақида маълумот берган. Ирфоний адабиётдаги «жом шароби» илоҳий сирларни ошкор қилиши билан «жоми жаҳоннамо»га қиёс қилинган. Мутасаввифлар ғайб асроридан воқиф қалбни ҳам «жоми жам»га ўхшатишган. Солиқ бу «жоми жаҳоннамо»га назар солиб, унинг сирларидан огоҳ бўлади ҳамда қалбини ғурур ва ўзлигидан халос этиб, дўст ишқи билан лиммо-лим тўлдиради.

Жунун – телбалиқ, жиннилик. Илоҳий ишқдан сармастлик ҳоли. Ҳамма нарсани унутиб, фақат Ҳақ дийдорини иташ.

3

Завқ – ишқ лаззати ва унинг ошиқда мавжудлиги. Муҳаббат чақмоғининг порлаши пайтида солиқнинг Ҳақни зоҳир ва мушоҳада қилишидаги илқ ҳолат ва даражаси. Бу мушоҳада – мушоҳада қилувчининг завқ ва машрабига кўра юксак ё паст даражада бўлади. Завқ қанчалик бузуқ хилт, аралашмалардан соф бўлса, мушоҳада этилувчи зотни идрок қилиш, васл ҳаловатини туйиш ва кўриш лаззати шу қадар мусаффо ва тоттироқ бўлади. Завқ – ҳузур, лаззат. Илоҳий тажаллийларнинг бошланиши. Ҳақ ишқидан етадиган ирфон нури.

Зақан (занах, зақан, занахдон) – бағбақа. Тасаввуфда солиқнинг табиатига мувофиқ ва уйғун бўлган иш; илоҳий тажаллийлар пайтида юз берадиган теран мулоҳаза дамлари; жамол мушоҳадаси бўлган лаззат мақоми.

Зикр – эслаш, хотирлаш, АЛЛОҲга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тариқатда бандани АЛЛОҲга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу зикр қилишдир. Қуръони Каримнинг саксондан ортиқ ерида АЛЛОҲни зикр қилиш буюрилади. «Аҳзоб» сурасининг 41-42-оятларида шундай амр қилинади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».

Бир ҳадиси шарифда келтирилишича: «Жаннат аҳли ҳеч нарсадан афсусланмайдилар, фақатгина дунёда зикрсиз ўтказган вақтларидан афсусланишади». Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Ҳақ тариқатнинг, дарвешликнинг зикрсиз қарор топиши мумкин эмас.

Зикр – инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган машаққатли ва завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикр дил, фикр ва туйғуни АЛЛОҲга йўналтириш, АЛЛОҲ билан мукамал шуурий, зеҳний мулоқот қилишдир. Тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: бири «зикри омма», иккинчиси «зикри хос». Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти билан амалга оширилади, аммо зокирнинг табиатидаги ёмон хислатлар (кибр, ғурур, риё, хирс, ғазаб, қаҳр, макр) бутунлай барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикрида нафс тамоман мағлуб этилади, қалб маърифат ва муҳаббат нурларидан ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам АЛЛОҲ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди.

Икки хил зикр мавжуд: зикри хуфия – яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Зот – ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли, асоси. Сўфийлар ақидаси бўйича, АЛЛОҲ ўз зотида қоим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

Зоҳид – дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар». Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва «Илм ал-яқийн»дир. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан беҳабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Навоий шеърларида ҳақиқий зоҳидларни эмас, риёкор, ишқсиз ва ихлоссиз зоҳидларни танқид қилган.

Зуннор – ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; маъшуққа хизмат ва итоат этиш учун астойдил бел боғламоқ; баъзи ўринларда

дунёга кўнгил бермоқ ва «мен»лик даъвосини илгари сурмоқ маъносида ҳам келади.

Зулф – Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкулотлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жалолий сифат; зулф – яширин моҳиятдурким уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари; йўқлик олами.

Зулф – ваҳдат мартабаси ва АЛЛОҲ таолонинг зотидурки, унинг сир-синаотида етмоқ мумкин эмас. Зулф – ғайбий ҳувийят. Шунингдек, зулф қудрат ва жамол тажаллийсининг сифати бўлиб, у ваҳдатга тўсиқдир. Ва сўфийлар истилоҳида зулф тугал, бўлак нарсалар – ақл ва ҳис билан идрок қилинадиган нарсалар, арвоҳлар ва жисмлар, жавҳар ва аразларнинг даража-мақомлари имкониятидан киноядир.

Зулф – куфр зулматидан ҳам киноя. Тасаввуфда зулфнинг узунлиги, беқарорлиги, гажаклиги, хамлиги, паришонлигининг ўзига хос маънолари бор. Айтайлик, зулфнинг хамлиги – илоҳий асрор демак. Унинг узунлиги – борлиқ мавжудотнинг кенглиги. Беқарорлиги – оламнинг ўзгарувчанлиги ва ҳоказо.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган мавлоно Атойи бир байтида:

*Ҳар маърифатки, шайх ани таҳқиқ сўзи дер,
Билмас муники, маънийи ул – зулфу хол эрур, –*

деб тасаввуфдаги «зулфу хол» атамаларининг илоҳий маърифат ва ҳақиқатларга ишора қилувчи рамзий маънолари борлигини таъкидлайди.

Зулф гажаги – илоҳий сирларнинг махфийлиги; тариқат мушкулотлари; шаҳодат (кўз билан кўриладиган, мавжуд) оламида илоҳий асрорнинг пинҳонлиги.

Зулф ҳалқаси – илоҳий борлиқлар ва ашёларнинг айри-айри ҳолдаги мартабалари.

Зухд – парҳез қилмоқ, яъни дунёга илтифот этмасдан тоат-ибодат ила кун кечирмоқ. Асл зухд – АЛЛОҲга маъқул нарсаларни севмоқ. Тангри тақиқлаган нарсалардан ҳазар этмоқ. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дейди: «Дунёда зухдни таржиҳ этки, Мавло сени севсин ва носнинг (инсонларнинг) қўлидагиларга илтифот этмагилки, нос ҳам сени севсин».

Аҳмад ибн Ҳанбал зухднинг уч мартабаси борлигини айтади. Биринчиси – авом зухди. Бу – ҳаромни тарк этмоқ. Иккин-

чиси – хавос зуҳди. Бу – ҳалолнинг ҳам заруриятдан ортиғини тарк этиш. Учинчиси – аҳас зуҳди, яъни АЛЛОҲдан бошқа ҳаммасини тарк қилмоқ.

И

Имон – Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш. Қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол.

Ислом динида, АЛЛОҲнинг мавжудлиги, бирлиги, фаришталарга, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) АЛЛОҲнинг элчиси эканига, Қуръонга, ундан олдин нозил этилган диний китобларга, охират кунига шубҳасиз ишонган, намозини канда қилмаган, рўза тутган, ҳажга борган, закот берган киши мўъмин, яъни имонли киши дейилади. Имоннинг туб моҳияти ва бош асоси Қуръони Карим оятларида белгилаб берилган. Масалан, «Нисо» сурасининг 136-оятида шундай дейилади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲга, унинг пайғамбарига, нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига имонингиз комил бўлсин. Кимки АЛЛОҲга, фаришталарига, китобларга, пайғамбарларга ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди».

Диний ва тасаввуфий адабиётларда имон икки қисмга ажратилган: тақлидий имон ва таҳқиқий имон.

Тақлидий имон – ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган имон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устуворлик қилади.

Таҳқиқий имон – имонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу имон инсонни ҳар қандай шубҳа, қўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизликдан муҳофаза этувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади.

Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

Иксир – мис, қалай каби қиммати паст маъданларни олтинга айлантириш ҳамда барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб ишонилган фаразий кимё «илми»; Тасаввуфда камолга эришган улуғ зот (пир) нинг назари, таъсири; фавқулодда таъсир кучига эга бўлган нарсалар: масалан, ишқ, ошиқлик.

Ирфон – кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм.

Исми аъзам – Худонинг энг улуғ исми.

Истиқомат – тўғри, дурустлик. Шариатга, диний амрларга тўла риоя қилиш. Сўфийлар «Энг буюк каромат, бу – истиқомат», деганлар ва кароматга эмас, истиқоматга эътибор қаратганлар.

Ишорат – илоҳий маънога дахлдор бўлгани боис сўз билан изоҳланмайдиган ва сўзловчи сир сақлайдиган ҳақиқатлар. Ишорат – фақат аҳли илмнинг улуғлари идрок қила оладиган бир нарсадир. Тасаввуф тили – ишорат тили, дея эътироф этилганлиги учун Абу Али Рўзборий: «Бизнинг илмимиз ишорат эрур. Иборага кўчгач, ғойиб бўлур», дейди.

Ишқ – Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Тасаввуфда Хусни Мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ҳақнинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ишқ АЛЛОҲдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос. Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳга, мажозий ишқ эса АЛЛОҲ яратган нарсаларга, одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.

Ё

Ёр, дилбар, маҳбуб, санам, дўст – бу сўзлар орқали Аллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга, муршиди комилга ва кўнгилга яқин кишиларга хитоб қилинади. Шунингдек, бу сўзлар воситасида сифотий тажаллийга ҳам ишора этилади.

К

Кабоб – Ҳақ тажаллийси учун қалбни парвариш қилиш.

Кавн – бор бўлиш, бирор-бир нарсанинг борлиги. Бутун мавжудот.

Калисо – насронийлар ибодатхонаси. Тасаввуфда – ҳайвоний олам.

Камол – етишганлик, қусурсиз ва камчиликсиз бўлиш, камол мутлақ: илоҳий камол; комил инсон, валий, муршид, намунали инсон, ўрнак инсон, қутб, ғавс, ғавси аъзам, қутб ул-ақтоб.

Каромат – АЛЛОҲнинг лутфи билан солиҳ ва тақводор бандалардан содир бўладиган хариқи одат – ғайритабiiй ҳодисалар. Каромат иккига бўлинган: биринчиси – каромати кавний. Иккинчиси – каромати илмий. Булар «кавний» ва «ҳақиқий» деб ҳам аталган. Кавний кароматлар – қисқа фурсатларда рўй берадиган фавқулудда ғайритабiiй ҳодисалар. Масалан: ҳа-

вода учмоқ, денгизда юрмоқ, қушга ўхшаб парвоз қилмоқ ва ҳ. Ҳақиқий каромат эса – илм, ирфон, маърифат, ибодат, ахлоқ ва инсонликдаги устунлик ва шу устунликдан юзага келган турли шакллардаги ҳодисотлар. Тасаввуф аҳлининг эътиқодига кўра, асл каромат – каромати илмий ҳисобланади. Шунинг учун ақл ва маърифатнинг кучига ишонган одамлар каромати кавнияга иштибоҳ билан қараганлар.

Кашф – ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи муҷаррад, кашфи муҳайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд.

Каъс – қадах. Мақсадга интилаётган солиқни маст қилган ваҳдат шаробининг қадаҳи. Шароб зоҳир бўлса, коса мазҳардир. Севги қадаҳи; солиқнинг сирри; ошиқнинг қалби.

«...Кунту канзан...» – ҳадиси қудсийдан олинган ибора. Ушбу ҳадиснинг тўла таржимаси шундай: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтди: «Мен бир гўшаи қаноатда ёшуруғлуғ ганж эрдим. Мани Тангрилиғимни ҳеч ким билмас эрди. Ўз қудратимни билдирмакни дўст тутиб, қамуғ оламини халқ қилдим. Мени бирлигимга иқрор қилсунлар деб». (Рабғузий. «Қисасул анбиёи туркий». Тошкент. 1898. 3-бет.)

Кофир (Куффор) – динсиз, ишонмайдиган, инкор этувчи, ғайридин. Мажозан: раҳмсиз, бепарво ёр; сўфийлар истилоҳида кофир – ваҳдат оламидаги якранглик. Мақоми тафриқа, айри оламда бўлган киши. Габр ва кофир (кофирбачча) – ваҳдат оламидаги садоқатдурким, қалб мутлақо мосиводан юз ўгириб, фано зулматидан жой олган бўлади.

Куфр – зулматга ишора.

Кўнгил – қалб ва дил маъносида ҳам келади. Кўнгил ишқу муҳаббат ва нозик сирлар мазҳаридир. Тасаввуфда Ҳақ нури жамолини кўрсатадиган кўзгу. Айрим сўфийлар кўнгилни Каъбадан ҳам устун қўйганлар. Дил гўё (гапирувчи) бўлиши учун жидду жаҳд қилмоқ керак, дил гўё бўлгач, у ҳеч ўлмайдиган ҳаётга етган бўлади. «Дили ишқ билан тирик бўлган киши ҳеч қачон ўлмайди, олам рўзномасига бизнинг доимий ишқимиз шундай деб ёзилган», дейди Ҳофиз Шерозий бир байтида.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан шундай нақл қилинади: «Ейиш пайтида ҳар бир аъзо бир ишга машғул, дил бу пайтда нима билан машғулдир?» Жавоб бердилар: «Ҳақ субҳонаҳу зикри билан». Буюрдилар: «Зикр айтишдан мақсад «Ла илаҳа иллаллоҳ» эмас, балки сабабдан сабабгача бориш ва неъматни сабабчидан деб билишдир».

Л

Лаб – мавжудотга вужудий файз етказувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз) ва раҳмоний нафасга ҳам ишора, ашёлар вужудига файз бағишлаш. Лаб жонни қувватлантирувчидир, шариат тилида «нафхи руҳ» дейилади. Шунингдек, лаб – ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламдан пайғамбарларга фаришта, валиларга илҳом орқали нозил бўлган сўзлар.

Лаби лаъл – маъшуқ каломининг ботиний маъноси, аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда илоҳий жамол гўзаллигини зикр этувчи сўзлар.

Лаби ширин – ҳадиси қудсий ва воридоти ғайбийлар каби идрок қилинадиган ва бевосита нозил бўлган сўзлар.

Лавлок (лавлока ламо халақтул афлок) – «Агар сен (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора.

Лайлат ул-меърож – Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Лиманил-мулк – «Мулк кимга тегишли?» Қуръон оятига ишора. Яъни, «Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор – Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қиёматда) бирорта ишлар ҳам АЛЛОҲу таолодан махфий қолмайди (Яъни, АЛЛОҲу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун АЛЛОҲ: «Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?» – деб хитоб қилади! Бандалар бир овоздан: «Бу куннинг мулки ягона ва қахрли АЛЛОҲгагина тегишлидир», деб жавоб берадилар («Ғофир» сураси, 16-оят). Тасаввуфда бу Қуръоний ибора орқали ҳар бир нарсa: мулк, қудрат, хусн ва шунга ўхшашларнинг Вужуди Мутлаққа тегишли эканига ишора қилинади.

Лиқо (юз, чехра, кўриниш) – маъшуқнинг зуҳур этиши.

Лутф – Эҳсон. Бандани Ҳақ тоатига яқинлаштирадиган ва гуноҳлардан узоқлаштирадиган нарсалар. Маъшуқнинг муро-са, мадад ва осойиш билан ошиқни тарбия қилиши.

М

Мавт – ўлим, нафсни туб илдизи билан ҳавою ҳавас заминдан ажратиб ташлаш. Чунки, ҳавою ҳавас нафснинг жонидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Усули ашара» рисоласида бундай ўлимни беш турга ажратиб кўрсатади: 1. Мавти иродий – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши, яъни фанои куллийга етишиш. 2. Мавти аҳмар – «қирмизи ўлим». Бу – нафснинг истакларига қарши тура олиш, чидам билан уларни бартараф эта олиш демак. 3. Мавти абъз – «оқ ўлим». Очлик йўли билан нафс ва тамаъни забун айлаш. Шунда кўнгил покланиб, шаффофлик, яъни оқлик касб этади. 4. Мавти ахзар – «яшил ўлим». Ямоқдан кийим тикмак ва киймак. Чунки, янги ва чиройли кийим ўзгаларнинг диққатини жалб қилади, эътибор ва шуҳратга сабаб бўлади. 5. Мавти асвад – «қора ўлим». Бу қайғу ва мусибатларга сабр этиш, халқу халойиқнинг ҳар қандай жабру жафосига чидашдир.

Мазҳар – зоҳир бўлиш вақти ва макони; пайдо бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, АЛЛОҲнинг исм, сифат ва феълларининг ашё ва моддада зуҳур этиши.

Майхона – илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури; завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботини.

Лоҳут олами маъносида ҳам келади. Майхона – мушоҳада ила матлубга восил бўлиш иштиёқидагилар, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифторлар, ҳақиқат бодасидан сармаст, якдил ва сафоли дўстлар тўпланадиган жой.

Майи лаъл – ошиқлар қони, уларнинг кўз йўлидан кўксидagi жомга тўкилувчи қон.

Майл – ошиқнинг ҳушёрлик ва шуур билан ўз аслига қайтиши.

Масти хароб – ошиқнинг маҳбуб ишқига ғарқ бўлиши. Бунда дил тамоман истиғроқ – ишқ ва иштиёқ ғалабасидан ўзини билмас даражада ҳайратга чўмиш, ғарқ бўлиш ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётий зарурий нарсалардан халос этади ва вуслат – эришиш мартабасига етказади.

Мастлик – барча сифатлари билан ишқнинг чўлғаб олиши. Мас-ту хароб – истиғроқ ҳолатига, масту шайдо – завқ ва ҳузнга ишора.

Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали АЛЛОҲга яқинлашадилар. «Қалбада маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни

амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак» («Баҳроуддин Балогардон» китобидан).

Имом Ғаззолийнинг ёзишича: «Соғлом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир». Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солик ишқ мартабасига юксала олмайди. Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон – АЛЛОҲнинг эҳсони бўлганидан сўфийлар ирфонни илмдан устун қўйганлар.

Мақом – манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Диний ахлоқ ва феъл-атвор. Қушайрийнинг айтишича, мақом соликнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва ахлоқидир. Мақом ирода, риёзат, мужоҳада билан қўлга кирилади. Тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ризо – тариқат мақомларидир. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айна шу тартибда давом этади.

Маҳбуб ва санам – севикли зот; тажаллийнинг сифотий суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳийя.

Мижа (мужгон), киприк – адабиётшуносликда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшуқнинг нозу карашмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Тасаввуф истилоҳида соликнинг валоятига, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтадилар; орифнинг амалларни сусткашлик билан бажариши ва унга басират кўзи билан боқмаслиги.

Мосиво – мосиваллоҳ: АЛЛОҲдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.

Мосиво – АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарса касрат демакдир. Ҳақ соликлари Худо яратган ашёларга мафтун бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар ва ҳақиқий борлиқ – Аллоҳнинг ишқу ёди билан умр ўтказишни афзал деб билганлар.

Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ – АЛЛОҲ борлигининг тасдиғи ва далиллариidir. Тариқатчи шоирлар «ғайр», «сиво», «давъо», «ёлғон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

Мужоҳада – нафсни вужудий машаққатлар билан қийнаш, ҳавою ҳавасга қатъиян қарши курашиш.

Мукошафа – кашф йўли билан билиш, авлиёуллоҳнинг қалбида ғайбий сирларнинг очилиши. Мужоҳада мақомидан кейин, яъни солиқ узоқ бир мужоҳададан сўнг етишадиган мақом.

Мурид – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Мурид ва муршид – «Толиб амал қилиши зарур бўлган ша-роитлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсухбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур... нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишни ўзи учун шарт ҳисобласин».

«Агар толиб (мурид) муқтадо (пир)га етишиш ишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтадий (сулукни бошлаган) бўлса, пирга савол қилиши мумкин. Агар мутавассит (сулук ўртасида) бўлса, баъзан савол қилсин».

«Авлиёлар ҳузурида мурид ўз аҳволини яшириши жуда қийин, чунки муршид валоят султони бўлиб, одамларнинг ҳолига ҳокимдир. Агар муршиднинг ўзи йўл бермаса, ҳеч ким унинг сифати ва ҳолидан огоҳ бўлолмайди» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муроқаба – мушоҳада, бирор нарсага диққат ила нигоҳ ташламоқ, АЛЛОҲ ёдига берилиб, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майллардан фориг бўлмоқ. Тасаввуфда муроқаба икки хилга ажратилган: бири авомнинг муроқабаси бўлиб, бунда Ҳаққа толиб киши АЛЛОҲнинг амрларини адо этади. Унинг ўз аҳволидан огоҳ ва талабгор эканини англаб, айна шу мулоҳазадан ғофил қолмайди. Иккинчиси – муроқабаи хавос. Бунда солиқ муҳаббат жазбаси билан Ҳусни Мутлақнинг сирри бўлган аҳадиятни давомли тарзда барча ашёда мушоҳада ва мулоҳаза қилади ҳамда шу жараёнда ашёни тамоман эсдан чиқаради.

Муроқиб – муроқаба этувчи, ўзликдан халос бўлган, АЛЛОҲга боғланган киши.

Муштоқ – орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.

«Муту қабла ан тамуту» – «Ўлмасдан бурун ўлинг!» Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, сўфийлик тушунчасининг тама-

лини ташкил этган «Ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис сўфий ориф, эран, абдол – яъни Ҳақ ошиқлари учун ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавий айрим ҳикматларида бу ҳадисни изоҳлаб, уни тарғиб қилади.

Имом Раббоний «...ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча Муқаддас Зотга етишмак мумкин бўлмас... Бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимдир ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражасидир», деган. Ҳақ ошиқлари, хос кишилар сайру сулукда ишни шу ҳадисга амал қилишдан бошлашган. Бу мувоқабат орқали амалга оширилган. Бу тасаввуфда «робитайи мавт» дейилади (Қаранг: робита).

Муршид – тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх. «Сайид Амир Кулол қуддиса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва ғайбат (ғойиблик)да ҳам толибнинг руҳоният куши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди». «Муршид (пир) бу – ҳозиқ табиб, муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муршид ва мурид – XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб ўтган Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

*Муршид бўлган суҳбат тутур мурид бирлан,
Ошно этар илму ҳикмат, тавҳид бирлан.*

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу борада шундай деганлар: «Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур.

...Муршид Аллоҳнинг марҳамати билан толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади.

...Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамыз».

Муғбача – мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; тасаввуфда садоқатли ва самимий мурид, толиб, ошиқ,

Мусхаф – Қуръони Карим.

Муғ дайри – майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар мажлиси.

Муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси уруғ бўлгани каби диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг асли ва асоси муҳаббатдир.

Мўй (соч) – ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли ва яна орифнинг «ҳаблул матин»и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони Карим.

Н

Нафас – тирикликни таъминловчи нафас, ҳаво; дам, фурсат, лаҳза; тасаввуфда муршиддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолаи Кушайрий»да ёзилишича: «Нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра кўп нозиктаъб ва покизадур. Шу боис вақт соҳиби мубтадийдир (бошланғич ҳолда). Нафас соҳиби мунтаҳидир (охирги марҳалада). Ҳол соҳиби эса шу иккиси орасида бўлур... Вақт қалб соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир».

Сўфийлар Ҳақ таоло билан ўтган нафасларини ибодатларнинг энг аълоси ва фазилатлиси деб ҳисоблайдилар.

Нафс – ўзлик, руҳ, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўللardan оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. «Нафсини таниган Раббисини танийди» ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради.

Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора – ёмон ва гуноҳ ишларни қилишга буюрадиган ҳайвоний нафс, «Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради» («Юсуф» сураси, 53-оят).

2. Нафси лаввома – маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганнинг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлиги натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс («Қиёмат» сураси, 2-оят).

3. Нафси мулҳима – илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлиги-

ни илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс («Шамс» сураси, 7-8-оятлар).

4. Нафси мутмаинна – қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажаллийларига мазҳар бўлган нафс («Наҳл» сураси, 106-оят, «Фажр» сураси, 27-оят).

5. Нафси розийя – ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолий ва жамолий тажаллийларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розилик билан қаршилайдиган, ризо мақомига эришган нафс («Моид» сураси, 191-оят, «Фажр» сураси, 28-оят).

6. Нафси марзийя – АЛЛОҲ рози бўлган нафс. «Розияллоҳу анҳум». Бу мақомда АЛЛОҲ розий, банда марзийя. Ўзаро ризо ҳолати («Фажр» сураси 27–30, «Баййина» сураси, 8-оят).

7. Нафси комила ёки «нафси закийя» ёки «нафси сафийя» – барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, комил инсон сифати («Шамс» сураси, 9-оят).

Ниёз – ҳожат, эҳтиёж, истак, ҳадя, эҳсон маъноларини билдиради. Тасаввуфий истилоҳ сифатида маъшуқ лутфига ҳожат-мандлик; кичикнинг каттага саломи ва дуоси мазмунини англатади.

Нубувват – пайғамбарлик. Тасаввуфда АЛЛОҲдан етган табиғ, Ҳақдан келган хабар, малақдан келган илоҳий билим. Ғаззолийнинг шарҳлашича: «Нубувват хос инсонлар ҳолларидан бир ҳолдурки, шу ҳол ичида инсонда маънавий бир кўз очилар. Бу кўзда бир нур бўлиб, у нурла ғайбни ва ақл идрок эта олмайдиган нарсаларни кўришга эришилур».

Нунул қалам – Қуръондаги «нун» сурасига ишора ҳамда маъшуқнинг қошидан – илоҳий сифатларидан киноя.

Нур – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. «Ан-Нур» Асмои хуснодан бири. АЛЛОҲнинг зоҳир исми билан тажаллийсига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадаиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний билан юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий вори-дотга ҳам нур дейилган.

О

Об (сув) – ҳаётдан мурод маърифат бўлгани каби сувдан мақсад ҳам маърифатдир.

Оби ҳайвон – Аллоҳ нурларининг порлаши ва тажаллийси.

Оби ҳаёт – зулматдаги булоқ. Ривоятларда айтилишича, унинг сувидан ичган одам абадий тирик қолади. Тасаввуфда ишқу муҳаббат чашмасидан киноя.

Обид – ибодат қилувчи. Ибн Синога кўра, дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимса зоҳид, нафл ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган киши обид дейилади. Обидларнинг ибодатлари – намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, ҳажга бормоқ, нафсга дахлдор орзу-ҳавасларни енгиб, охират ғамини емоқ. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказгани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шунингдек, уларнинг табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фисқ ва ғанимлик сингари иллатлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб турган. Зеро, обид шубҳа ва даъво одамидир. Ибн Ҳанбал «Олимнинг обиддан устунлиги ойнинг юлдузлардан устунлиги кабидир», дейди.

Огоҳ – воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ йўлчиси. Қалб кўзи очиқ валий.

Озод – дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий хурриятга эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

Ойна – Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Комил инсоннинг кўнгли.

Олам – дунё, жаҳон, коинот, борлик. Тасаввуфда АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарсага олам дейилади ва олами амр, олами арвоҳ, олами дунё, олами кубро, олами суғро, олами халқ, олами шаҳодат каби бир неча оламлар тушунчаси илгари сурилади. Амр олами билан халқ олами орасидаги фарқ амр оламининг лаҳзада бор бўлганлигидадир. Инсон катта олам ичидаги кичик олам деб ҳам юритилади.

Оли Або – беш киши: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али, набиралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар назарда тутилади.

Олимул ғайб – ғайб сирларини билувчи – Худо.

Ориф – ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон – туйғуларга асосланади. Ориф АЛЛОҲ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказади.

Ориф – танувчи, билувчи. АЛЛОҲни, унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий.

Оташ – Аллоҳ ишқининг ҳайбати.

Ошиқ – тасаввуфда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қуйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мақтул»лик, қуш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва кадарларни пинҳон сақлаш, таркидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, маъшуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидаги фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилига итоат этиб, унга қарши боришдан қочиш, нафсдан халос бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш, қалб жунунига етишиш, маъшуқасини ҳатто ўзидан-да қизганиш...

П

Паймона – ҳақиқат майи; ғайбий нур ва маъноларни идрок қиладиган орифнинг қалби.

Пири харобот – комил инсонлар ва йўлбошчилар, пири майхона маъносида ҳам келади.

Пири муғон, пири харобот, хаммор ва бодафурўш – майхоначи, ҳазрат пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда пири комилнинг сифатлари. Муҳаммад алайҳиссалом ва асосан муршиддан киноя.

Р

Рамз – сўз замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган маъно.

Раҳматан лил оламин – Ҳазрат пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «оламларга раҳмат» сифати. АЛЛОҲу таоло Қуръони Каримда «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик», деб марҳамат қилади («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур Қуръоний ибора асосан наът шеърларда кўпроқ келтирилади.

Риё – иккиюзламачилик, сохтакорлик, мунофиқлик. Ҳақ ризоси учун қилинмаган ихлоссиз амаллар.

Риёзат – машаққат тортиш, ранж чекиш. Оз ейиш, оз сўзлаш, оз ухлаш ва хилватга чекиниш машаққати билан нафсни тарбиялаш. Нафс орзуларидан батамом кечиш.

Рижол ул-ғайб – валилар жамоаси. Улар ғайб эранлари, рижолуллоҳ, мардони Худо, мардони ғайб, ҳукумати маънавия деб ҳам юритилган.

Ризо – розилик, хушнудлик, мамнунлик. Маъшуқнинг жабру жафоларини мамнунлик билан қабул қилиш. АЛЛОҲ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зуннун Мисрийга кўра, «Ризо

– қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қарши-ламоқ». Рувайм бин Аҳмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилган балолардан лаззатланиш истеъдоди, деб таърифлайди. Жунайд Бағдодий эса: «Ризо қалблар восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишидир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирар», дейди.

Ризо масаласида сўфийлар хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Абдулкарим Қушайрий шундай деган: «Ироқлик сўфийлар билан хуросонлик маломатийлар ризо ҳолми ёки мақомми деган масалада мунозарага киришдилар. Хуросонликлар дедиларки, ризо мақомлар жумласидандир, таваккулнинг ниҳояти эрур. Бунинг маъноси, ризо қулнинг ҳаракати ва интилиши билан эришиладиган нарсалар тоифасидан демек. Ироқликлар эса бундай дейдилар: «Ризо – ҳолларга мансуб. Қул бунга меҳнат, машаққат билан етиша олмас». Аслида, ризо дастлаб қулнинг интилиши билан қўлга киритилар. Шунга кўра, у сайри сулук мақомларидан бири ҳисобланади».

Робита – алоқа, боғланиш, занжир, тартиб, қоида. Нажмиддин Куброга кўра, ирода тобланиб, «толибдаги самимият ҳам кучга тўлса, ҳиммат соҳиби ила матлуб орасида робита майдонга келур. Бу робита ё ижод ва пайдо айлаш ёки ихфо ва йўқотиш шаклида воқе бўлур».

АЛЛОҲ ва солиқ ўртасидаги робита илоҳий нурдир. Робита уч қисмдан иборат: «робитаи мавт» – ўлимни эслаш; «робитаи муршид» – шайхи билан маънавий боғланиш; «робитаи ҳузур» – Аллоҳни жон томиридан яқин билиб, Унинг кўриб, кузатиб турганини ҳис қилиш.

Рух – юз, бет; афсонавий йирик қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Тасаввуфда АЛЛОҲ хуснининг мазҳари; Рух – кўп исм ва сифатларга эга бўлган якка-ягона илоҳий Зотга ишора. Рух – ҳазрати Вожиб таолонинг тажаллийси, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зухурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасаввифларга кўра, рухдан мақсад – илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажаллий қилишидир. Бунда Ҳақ «Латиф», «Рауф», «Таввоб», «Мухйий», «Ҳодий» ва «Ваҳҳоб» сифатлари билан тажаллий қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (АЛЛОҲдан ўзга нарсалар) мутлақо зулфга таъбир қилинади. Чунончи, зулф – маҳбуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий Зот ҳижоби ва ҳақиқий Воҳид жамолининг ниқобидир. Рух эса – моддадаги тажаллийёт.

Рух ва рухсор – зотий ҳусн мазҳари ва жамолий тажаллийларга айтилади; Навоий ёзади:

*Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хотири майли раёҳин айламас.*

(«Бадоеъ ул-васат», 225, 3)

Баъзан мавжудот олами рухсор дейилади.

Рух – ҳақиқатидан банда бир оз хабардор бўлган илоҳий сир. Илоҳий бир нафас ва АЛЛОҲ амрларидандир. Ҳақ тажаллийсидир. Рух наботий рух, ҳайвоний рух, инсоний рух ва изофий рух каби қатор турларга ажратилган. Маъшукнинг камоли назарда тутилиб, унга «Эй рух!» деб мурожаат этилган.

Рўятуллоҳ – АЛЛОҲ сирларини ва тажаллийларини қалб кўзи билан сайр айлаш, маънавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

С

Сабр – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устуворлик. Та-саввуфий тушунчада сабр – инсон яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам барчаси АЛЛОҲдан эканлигини англаши ва шунга рози бўлиши. Яхши ва ёмон ҳолларда ҳам шукр қилиб, шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, сабр уч нарса орқали камолотга етади: 1. Илм. 2. Ҳол. 3. Амал. Сабр қилувчилар уч тоифадир: 1. Мутассаббир, яъни зўрма-зўракилик ила сабр қилувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи. 2. Собир – сабрли, сабрига содиқ киши. 3. Саббор – ўта сабрли.

Собирлик уч мақомдан иборат: нафс ва шахватларни тарк этиш; қазою қадарга рози бўлиш; АЛЛОҲдан келган ҳар бир нарсани хушнудлик ва ишқ ила қабул қилиш.

Сабр деганда авом йўқчилик, қийинчилик ва кулфатларга бардош кўрсатишни англайди. Аслида, сабрнинг энг қийини шоду хуррамлик, омад, бой-бадавлатлик асносидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақда Имом Ғаззолий шундай деганлар: «...Йўқсилликдаги сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликдаги сабр ҳақиқий сабрдир...» Сабрда сўз ва амал заррача бўлсин бир-биридан йироқлашмаслиги ва ажралмаслиги зарур.

Санам – бут. Соликни Худодан тўсиб турувчи нарса.

Сийна – илоҳий илм сифати.

Соқий – маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир, у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади.

Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада: «Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади» дейилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан «муршиди комил»ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий хусн шаробини ичадиган маъшукдир.

Соқий ва мутриб – маъно оламидан файз етказувчилар.

Соғар, суроҳи ва мино – орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхона деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оамлари ҳам тушунилади. Баъзан семурғ, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи тасаввуф истилоҳларида майхона, буткада, шаробхона деганда илоҳий маърифат ва завқ-шавққа тўла комил орифнинг ботини назарда тутилади.

Соғар ва паймона – маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манба ва шу манба соҳиби.

Сулук – йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равиш, сўфиларнинг тариқат йўли. Нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига, унинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик деб тасаввуфда мутасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Сухан (сўз) – ғайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Сўфий – тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу арконига риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий – тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сохта сўфий эса авом, риёкор ва мунофиқдир.

Т

Тавҳид – тасаввуфда АЛЛОҲни битта (ягона) деб билиш, ёлғизлигини тан олиш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, сўфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. АЛЛОҲнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний хаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хилдир: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз

эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айлаши.

Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (АЛЛОҲ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифлар муваҳҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир сифатида эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машхуда иллаллоҳ»нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди – Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажаллий этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фоъила иллаллоҳ» дейди; сифот тавҳиди – Ҳақ соликка сифатлари билан тажаллий этганда, солик АЛЛОҲни ва Унинг сифатларини кўради; Зот тавҳиди – Ҳақ соликка зоти билан тажаллий этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина АЛЛОҲни кўради ва «ла мавжуда иллаллоҳ» дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, партавланиш; Ҳақ таоло лутфига муяссар бўлиш; ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажаллий – илоҳий файзнинг солик кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол.

Тажаллий икки қисмдир: 1. Руҳоний тажаллий 2. Раббоний тажаллий. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчиси ҳазрати Мусо алайҳиссаломга тегишлидир. Тажаллий – доимо ғайбдан шухудга, зулматдан нурга, номаълумдан маълумга ўтиш, демакдир. Тажаллий соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажаллий тўртга бўлинади: зотий тажаллий – илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; сифот тажаллийси – илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллийси – Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши; феъл тажаллийси – илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Ҳақ таоло ҳар лаҳза, ҳар ерда турли мартабаларда тажаллий этади, яъни ўзини ошкор қилади.

Ваҳдати вужуд аҳлига кўра икки хил тажаллий мавжуд: умумий ва раҳмоний тажаллий – бу тажаллийдан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажаллий – бу тажаллийда мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

Тажрид – мужаррад бўлмоқ. Мужаррад деб яланғоч ва бўйдоқ кишини айтадилар. Сўфийлар истилоҳида дунёвий ғараз ва андишалардан батамом холи бўлиш тажриддир.

Тажрид-тафрид – солиқнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаънига нолайиқ сифатлардан баланд тутиш, Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз кўришдир.

Таквин – АЛЛОҲнинг хос сифатларидан бири. АЛЛОҲ шу сифати билан ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ қилади.

Талаб – матлубдан муродни қидирган, излаган одам.

Талвин – бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.

Тараб – истилоҳда Ҳақ билан унсият(яқинлик) ҳосил қилиш.

Тарсо – замима (ёмон) сифатлардан халос бўлган ва ҳамида (яхши) сифатларга эришган ҳамда нафси амморадан қутилган руҳоният одами.

Тарсобачча – ғайб оламидан солиқ қалбига ворид бўлган (куйилган) ғайбий воридотлар. Тарсобачча – раббоний жозиба ва руҳоний жолиба (жалб қилувчи нарсалар)дир. Баъзилар руҳлар оламидан кишилар қалбига ғалаба қилиб файз етказган ва нафслар қутқусидан халос қилган кишини тарсобачча дейдилар.

Тариқат – луғавий маъноси йўл демакдир. Тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат АЛЛОҲга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва таълимот йўлидир. Аммо тариқат шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. Яъни тариқат аҳли шариат амрларини бажариш билан бир қаторда қўшимча нафл ибодатларни ҳам адо этади. Қаттиқ риёзатлар чекиб, суннатга жиддий эътибор қаратади. «Тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солиқ зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (Қ) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклайди.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр – хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифланган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида қаралган. Бу йўл – Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл – нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланган. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғрилиқдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби бўлган.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлардан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га бориб боғланади. Тариқатлар у Зотнинг икки буюк саҳобаси – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али томонидан давом эттирилган. Ҳазрати Абу Бакрга бориб боғланадиган тариқатлар зикри хуфияга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

Турра – жамолдан киноя.

Ф

Файзи илоҳий – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Икки қисмга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси – файзи муқаддас. Дастлабкисига илм мартабаси орқали, кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади.

Алишер Навоий «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни ҳам» сатрида фано фил ишқ мақомига ишора қилган. Фақру фано эса маънавий бойлик мақоми.

Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, АЛЛОХу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Фақр мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси

билан яшаш демакдир. Фақр шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Фақирлик фаҳримдир» деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фаҳрланганлар. Бу фаҳрланиш халққа камбағаллигини, тиланчиларга хос ҳаётини кўрсатиш эмас, АЛЛОҲ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворишдир.

Фақр – йўқсиллик, АЛЛОҲга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий, мурид, толиб, ўзини ҳар жиҳатдан АЛЛОҲга муҳтожлигини биладиган, ал-фақру илаллоҳ – АЛЛОҲга муҳтож бўлиш, ал-фақру илаллоҳ – ўзини АЛЛОҲга муҳтож деб билган киши.

Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр – тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайди:

1. Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;
2. Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзламаслик;
3. Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;
4. «Хосу омнинг хизмати» адо этмоқ;
5. Нафсни енгмоқ;
6. Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: «Сўфи ҳар қандай ғам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир», деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига урғу беради.

Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр – молинг бўлмаслиги, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслиги, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг АЛЛОҲдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

Х

Харобот – шаробхона. Сўфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб, жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб – башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир.

Хат – кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; маҳбуб юзига латофат, нозиклик, гўзаллик билан чизилган хат. У барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Хат ва маҳбуб юзини кўрган шак-шубҳасиз, касратни ваҳдат деб билади, маълум бўладики, ваҳдат – кундуз, касрат кечасидир; хат – ғайб олами. У вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳлар олами борлиқларига ҳам ишора, дейдилар.

Хол – ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат – кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Ағёрнинг идрок ва шууридан беркитилган ва махфий қилинган. «Барча амрлар ундан бошланади ва унга қайтади...». Хол йўқлик оламини англатиши билан бирга Мутлақ зот ягоналигига ҳам ишорадир.

«Миръотул ушшоқ»да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, хол – тоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қора рангга ташбиҳ қилиниши ғайбий ҳақиқатдир, идрок ва шуурдан панададир; мабдаъ ва касрат интиҳосининг ҳақиқий ваҳдат нуқтасидир. Ва яна Мутлақ Зот ваҳдатидан киноя ҳам дейдилар. Қора хол деганда, баъзан, ғайб олами тушунилади.

Хум – сир мартабаси ва руҳий латифа. «Аҳадиятул жамъ» ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)га ҳам айтилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида «хуми ишқ» ибораси кўп қўлланилган.

Ч

Чашм (кўз) – ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш. Бу мушоҳадакорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни солиқ назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фойдали ва зарарли нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар.

Чашми пурхумор – солиқнинг ўзида сайр қилиши.

Чашми жоду – илоҳий жазбалар.

Чашми маст – илоҳий сир ва унинг жазбалари.

Чашми наргис – камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартабалар.

Чашмаи ҳайвон – маърифатнинг манбаи ва асоси, Ҳақ маърифати.

Чашм ва абру (қош) ва жамол – солиқ қалбига қуйилувчи ғайбий илҳомлар.

Чехра – бет, юз, башара, афт; тасаввуфда солиқнинг кайфият ва ҳолатига кўра содир бўладиган ҳамда солиқнинг ғайб ҳолатида рўй берадиган тажжалиёт.

Чехраи гулгун – комил орифнинг қалбида порлайдиган тажаллиёт.

Ш

Шайдо – жазба ва шавқ аҳлидан киноя.

Шамъ – АЛЛОҲнинг нури, илоҳий нур қуёши; тажаллий.

Шароб, май, бода – муҳаббат; асосан, ишқ-муҳаббат шароби. Май – илоҳий май. Нақл қилинишича, Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) меърожда илоҳий ишқ

шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб – ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг ғалаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат ғалаба қилган пайтда, солиқ қалбига қуйилиб уни масту беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатдир. Бу ҳолат чулғаб олганда ақл муҳокамалари ва хаёл хоҳишлари зойил бўлади, масту мустағрақлиқ ҳолати юз беради. Шароб – мастликдан киноя ва Ҳақ муҳаббатининг жазбасидир. Навоий ёзади:

*Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.*

(«Ғаройиб ус-сиғар», 1,7)

Пайғамбар алайҳиссалом АЛЛОҲ таолодан ҳикоя қилиб айтдилар: «Эй Аҳмад (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар. Агар маст бўлсалар хурсанд бўладилар, агар хурсанд бўлсалар талаб қиладилар, агар талаб қилсалар топадилар, агар топсалар тавба қиладилар, агар тавба қилсалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар етсалар бирлашадилар, агар бирлашсалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди». (Муҳаййир, «Девон», «Муҳаррир», 2010, 23-б.)

Шароби хом, шароби пухта – хом шароб ҳақиқий бандаликдан йироқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб – бандалик, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан тахуро (тоза, соф шароб) – Қуръонда зикр қилинган ва мўъминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг «Нодир ул-меърож» асарида ёзилишича, мўъминлар жаннатда шароби тахурдан ичсалар, АЛЛОҲ таолонинг беназир ва беқиёс дийдорига мушарраф бўлар эканлар («Инсон» сураси, 21-оят).

Шўх – нозли дилбар; илоҳий жазба ва илоҳий тажаллий.

Қ

Қад – ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.

Қаландар – дарбадар кезувчи, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрувчи, қаландарлик қиладиган, шунингдек, қаландария тариқатига мансуб киши. Тасаввуфий шеърларда асосан дарбадар кезувчи Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий асарларида сохта, текинхўр қаландарларни қаттиқ танқид қилган бўлса-да, шеърларида ошиқнинг турли ҳолатларини ифодалаш учун қаландар атамасидан фойдаланади.

Қаландар ва қаллош – маъно товланишларига кўра сафо аҳли, тарк аҳли ва фано аҳли назарда тутилади.

Қоба қавсайн – икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида АЛЛОҲ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашувини ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги масофа яқинлигини англатади.

Қолу бало – Ҳақ таоло Одам болаларининг пушти камарларидан қиёматга қадар дунёга келажак барча зурриётлардан: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» деб сўраганида, улар: «Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг» («Аъроф» сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қомат – севикли ёр; муҳаббат манбаи; қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилиши, сиғинишга муносиб назарда тутилади. Зеро, Худодан бошқа сиғинишга муносиб эмас.

Ғ

Ғамза – кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан кўз сузиш, боқиш. Тасаввуфда қўрқув ва умид (хавфу ражо); идрок қилинган ишоратлар.

Ғариб – мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизик, камёб. Солик асл ватани бўлмиш руҳлар оламидан келганини ва ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётганини ҳис қилса, ғариб дейилади.

Ҳ

Ҳаблул варид – бўйин томири. Қуръондаги: «Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз» оятига ишора («Қоф» сураси, 16-оят).

Ҳай – солик қалбида ҳосил бўлиб, уни хушвақт қиладиган завқ.

Ҳайрат – ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очган тажаллий туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришиш, ойдинлашиш, ойдинликдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири – гуноҳ қилиш қўркувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фанофиллоҳ ҳолига кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир.

Ҳал мин мазид – «Яна қўшимча борми?» «Яна зиёдаси борми?» маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. «У Кунда Биз жаҳаннамга: «Тўлиб битдингми?» дермиз, у эса: «Яна қўшимча борми?» дер («Қоф» сураси, 30-оят). Тасаввуфий асарларда бу ибора орқали ёрнинг чексиз нозу истиғноси ва фазилатларига ишора қилинади.

Ҳаловат – мушоҳададан ҳосил бўлувчи нурлар.

Ҳақиқат – қалбнинг доимий суратда АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар, маърифат. Тариқат сирри, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади.

«Таҳқиқ» – ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қуввати-ни ва тоқатини сарфлаш, «таҳаққуқ» – ҳақиқат мартабасига етишиш. «Ҳақиқати Муҳаммадийя» – ҳақиқатлар ҳақиқатидир. Илк ҳақиқат «АЛЛОҲ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)

руҳини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани шу руҳ ва нурдан, шу руҳ ва нур учун яратди» шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақидаси.

Ҳақиқат бир неча маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейинги мақом бўлиб, Илоҳий Зот маърифатини ифодалайди. Тасаввуф буни «Шариат – солиқнинг жисми, ҳақиқат – унинг руҳи», деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб биладилар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан, яратилиш ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладилар. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида аста-секин «комил инсон» тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан ташқари «ҳақиқати жомиъ», «ҳақиқати мутлақ», «ҳақиқатул ҳақоиқ» иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳакимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ҳамда сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: «Мен учун тамоман равшан бўлдики, Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир», деб таъриф беради.

Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир. Қушайрийнинг ёзишича, шариат фикҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда.

Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни АЛЛОҲдан йироқлаштирувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солиқ орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «АЛЛОҲ ила кул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Оддий ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасидаги нафсо-

ний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Кишининг Ҳақ ва ҳақиқат орасидаги пардаси. Ҳижоб ва парда фақат нафсдир.

Ҳол – меҳнат орқали қўлга киритилмайдиган Ҳақ неъмат. Мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол – сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчандир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган солик ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол – ошиққа маъшукнинг лутфи. Ҳол эгаси ишқ туғёнида ҳолдан ҳолга юксалиб боради.

Ҳол соликнинг хоҳиш-иродасисиз АЛЛОҲдан қалбга етган маънолар, файзлардир. Илми қол – шариат, илми ҳол – тариқат. Тасаввуфда соликнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам тасаввуф баъзан илми ҳол деб юритилади. АЛЛОҲнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби»дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Ҳол соҳиби – маънавий ҳолати яхши бўлган, тасаввуфий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; вайд, жазба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким инсон.

Ҳусн – гўзаллик, чирой. Илоҳий ҳусн. Энг мукаммал камолот ва сифатга эга бўлган Зот, Ҳақ. «АЛЛОҲ гўзалдир ва у гўзалликни севади» (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукаммал камолот; АЛЛОҲ жамоли, маҳбуб дийдори. Навоий ёзади:

*Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.*

(«Бадоеъ ул-васат», 205, 6)

МУНДАРИЖА

Дебоча	3
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ. “Нақши девонинг қолур...”	7
Ғазаллар	37
Маснавийлар	211
Мухаммаслар	213
Мусаддаслар	248
Мусаббаълар	255
Мусамман	267
Мутассаъ	269
Қасида	272
Рубойлар	275
Фардлар	277
Айрим сўз ва ибораларнинг тасаввуфий талқинлари	279

Адабий-бадiiй нашр

Исмоил Маҳмуд Марғилоний

БУ ДАМ ФАСЛИ ҲИДОЯТДИР

*Ғазаллар, маснавийлар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусаббаълар,
мусамманлар, мутассаъ, қасида, рубоий ва фардлар*

Муҳаррир: Д. Омонова

Бадiiй муҳаррир: А. Умарова

Саҳифаловчи: А. Қаюмов

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

“ADABIYOT NASHRIYOTI” МЧЖ

Нашриёт лицензияси: АИ № АА 0043. 27.01.2020.

100129, Тошкент шаҳри, Марказ-15. 1/90. ☎ (98) 127-30-04.

Босишга 30.11.2022 йилда рухсат этилди.

Офсет қоғоз. Қоғоз бичими 84х108 ¹/₃₂.

Офсет босма. Ҳисоб-нашриёт т. 36,0.

Адади 1000 нусха. Буюртма №

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.